

№ 31204
2

Агата Кристи

РОЖДЕСТВО АРАФАСИДАГИ КОТИЛЛИК



04-2049.

Агата КРИСТИ

**РОЖДЕСТВО
АРАФАСИДАГИ
ҚОТИЛЛИК**

Роман

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2007

84(4Вел)

К-81

ТҮЛҚИН АЛИМОВ

таржымаси

N1-31204
2

20.02

Alisher Navciy
nomidagi
O'zbekiston M!

Кристи, Агата

Рождество арафасидаги қогиллик / Т. Алимов тарж. —
Т.: «Шарқ», 2007. — 224 6.

ББК.84(4Вел.)

ISBN 978-9943-00-114-5

© «Шарқ» нашриёт-матбава акциядорлык компаниясы
Бонн таҳририяті, 2007.

«Азизим Жеймс.

Сен ҳамма вақт менинг энг садоқатли ва мурұвватли ўқувчиларимдан бири бўлиб келгансан. Мени танқид қилиб йўллаган мактубингни ўқиб ташвишга тушишим ажабланарли ҳол эмас.

Мактубингда романларимда юз берадиган қотилликлар жўн амалга оширилади, қон ҳам жуда кам тўкилади, деб нолигансан. Уларда қотиллик бўлгандан кейин киройи қотиллик бўлишини, ҳалқоб-ҳалқоб қон тўкилиб ваҳшиёна амалга оширилган қотилликни кўришини истагансан.

Шундай экан, мазкур романни фақат сен учун ёздим. Роман сенга маъқул бўлади, деб умид қиласман.

*Сени севувчи умр йўлдошинг
Агата».*

«Қария одамда шунча қон бўлади,
деб ким ўйлабди».

Шекспир, «Макбед»,
V кўриниш, 1-саҳна.

1-қисм.

22 декабрь

I

Стiven пальтосининг ёқасини юкори кўтарганча перрон бўйлаб тез-тез юриб борарди. Баҳайбат паровозлар совуқ ҳавода пишиллаб буғ таратмоқда. Ҳамма ёқ кир, курум босиб кетган.

Стiven ўзича, «дунёда шуниқаям ифлос мамлакат, шуниқаям ифлос шаҳар бўладими!» деб қўйди жирканib.

Лондонни биринчи кўргаңда магазинларидан, унинг ресторонлари ва чиройли кийинган ёқимли кизларидан олган таассуротлари хира тортди. Энди шаҳар назарида хира гардишга ўралган жимжимадор тоб биллурига ўхшаб колди.

Бирдан оркага, Жанубий Африкага¹ қайтиб кетгиси келиб колди. Ўз уйши қўмсаб юраги сикила бошлади. Қани у қуёш, феруза осмон, турфа гуллар мавж урган боғлар, ярим-ёрти қилинган тўсиклар, ғарибона кўлбаларни чирмаб олган чирмовиклар.

Бу ерда-чи, ҳамма ёқ ифлос, қора қурум босган, бирини туртиб-суртиб шошганча гала-гала юрган одамлар: бамисоли зир юрган чумолининг ини.

Хаёлига «Бекор келган эканман-да», — деган фикр келди. Кейин нима максадда келганини эслади-ю, лаблари кисилиб, қовоғи солинди. У қачон бўлмасин шу шаҳарга барibir бораман, деб кўн йиллардан бўён кўнглига туғиб юради. Табиатан у ҳар доим кўнглига ишят килган нарсани барibir охирига етказмасдан қўймасди.

¹ 1961 йилгача Британия доминионига кирган Жанубий Африка уюшмаси назарда тутиляпти. Кейин Британия ҳамдустлигидан чиқиб, Жанубий Африка Республикаси номини олган (бу ва бундан кейинги изохлар таржи-мопники).

«Нима учун? Арзирмикан? Ўтиб кетганни кавлаштиришинг нима кераги бор? Нега энди охирига етказмаслик керак? Унинг ўзига-ўзи мана бундай саволлар бериб иккиланишлари иродаси бўшлигидан далолат берарди.

Йўқ. У дақиқа сайин қарорини ўзгартириб турадиган ёш бола эмас. Кирқка чиқди, нима қилишини, нимага шитилаётганини ўзи яхши билади. Ха, ахлидан қайтмайди. Англияга нима мақсадда келган бўлса, охирига етказади.

У поездга чиқди-ю, бўш жой кидириб, вагон бўйлаб юра бошлади. Ҳаммолининг хизматидан воз кечиб, хомтеридан ясалган чамадонини ўзи кўтариб олди. Ҳар бир купени қараб борди. Поезд лик тўла. Рождество байрамига бор-йўни уч кун колган.

Стивен Фарр одамлар тўла купеларга совук назар ташлаб борарди.

Одамлар! Тумонат одам! Тағин уларнинг бари... нима деса экан... бир хилми-ей! Ҳаммаси бир-бирига ўхшаш. Худди қўйиб қўйгандек! Назаридан бирлари қўйга ўхшайди, бошқа бирлари қўёнга. Биттаси тинимсиз бидирлаб типнрчилайди. Айрим ўрта ёшдаги бақалоқ эркаклар хириллаб овоз чиқаришади. Ҳатто сарвқомат, юзлари чўзиқ, лаблари кип-кизил кизлар хам бир хил ғамгин, ташвишли эди.

Бирдан унинг назари деразадан қуёш шури мўл тўкилиб турган ялангликка тушиди.

Стивен навбатдаги купега назар ташлади-ю, нафаси ичига тушиб кетди. У ерда кўрган қизи хеч кимга ўхшамас эди. Сочлари коп-кора, ранги ўчиликираган, кўзлари чуқур, коп-кора, бу кўзлар жануб кизларининг оғатижон кўзлари янглиғ мағрур ва маъюс... Мана бу рангпар, минифир-минифир одамларнинг орасида ишма бор унга? Англияниш зерикарли бир графлигига нима килади бу киз? Бу санам кора тўр рўмолини бошигга ташлаб кизил гуллар шодасини бағрига босганча пешайвоңда елиниб ўтиришга лойик. Бу ерда ҳамма ёк чанг, коп хиди анқийди. Ҳаво қўланса, унинг жойи гўзал масканларда, бу ерда эса, учинчи класс күпесининг бурчагига ғужанак бўлиб ўтирибди. Стивен синчков одам эди. Шу боис кизининг эгнидаги калта кора пимчаси ва юбкаси, арzon ши қўлкони, оддийгина енгил туфлиси, кишининг гани-

ни келтирадиган қип-қизил сумкааси унинг пазаридан четда қолмади. Бунга қарамасдан киз ғоят салобатли эди. Ҳа, салобатли, келишган, ёқимли.

«Мана бу туман босган, рутубатли, чумолидай тиним билмайдиган меҳнаткаш одамлар мамлакатида нима килади? Ўзи ким, бу ерда нима бор унга, — деб ўйлади у яна, — мен буни билишим керак».

II

Пилар дераза ёнидаги бурчакка тикилиб олганча, Англияда ғалати ҳидлар бўлар экан-да, деб ўйлаб борарди... Айникса, уни бу ҳидларнинг бир-биридан фарки хайратга соларли. Саримсок бўлиб саримсок ҳидига ўхшамас, чанг, сал-пал атири ҳиди таралянти. Куннинг бўғик хавосида совун ва яна алламбалонинг нохуш ҳиди анкирди. Афтидан, бу ҳидлар ёнида ўтирган аёлларнинг наътъосидаги мўйнасидан келаётганди. Пилар сездирмасдан искаб кўрди-да, ўзига таниш нафталини ҳидини сезди. Шунака ҳид ҳам айрим одамларга ёқаркан-да, деб хайрон бўлди.

Хуштак чалинди, кимдир гулдираб бир нарса деб қичкирди-ю, поезд аста ўрнидан жилди. Кетди. У йўлга тушибди.

Пиларнинг юраги бир оз тез ура бошлади. Қандай тугаркин? У мақсадига эриша оларми кан? Эришади... Албатта эришади... Ҳаммасини ишидан-игнасигача ўйлаб пишиштган. Ҳар қандай вазиятга рухан тайёрлагани ўзини. Ҳа, у ўз режаларини амалга ошириши керак, албатта ғалаба козониши шарт.

Пиларнинг қизғини лабларининг икки бурчи тиришди. Бу лаблар бирдан шафқатсиз бир тус касб этди. Шу тоңда унинг лаблари ўз истагини бажо келтиришлари учун инжиқлик билан аччик-араз қилиб бир нимани талаб киласидиган эркатой боланинг чўччайган лабларига ўхшаб кетди.

Пилар болаларча соддалик билан ажабланиб атрофига пазар ташлади. Қўшнилари еттита. Инглизлар ҳам ғалати одам бўларкан-да. Кўринишидан бой-бадавлат, лекин уст-бошлари, оёқ кийимларига қаранг! — О, Англия, шубҳасиз жуда бой мамлакат, доим шундай деб

эшитиб келган. Мана бу одамлар эса, умуман хурсанд-чилик нима эканини билшишмайды. Улар билан гаплашиб күнглинг ёзилмайды.

«Йўлакдаги анави йигит хүшбігчим... Ҳатто ўта келишгап», — деб қўйди Пилар. Унга йигитнинг офтобда шишган чехраси, кирра бурни, кенг яғринлари ёқиб тушди. Пилар ҳар қандай инглиз кизидан ҳам кучлирок фаросат билан йигитнинг ўзига нисбатан лоқайд эмаслигини сезиб олди. Йигитга бирон марта тикилиб қарамаган бўлса-да, унинг ўзига тез-тез маъниоли назар ташлаётганини жуда яхши сезиб туарди.

У бунга катта маъно бермай ёки хис-хаяжонга берилмай қайд этди. Пилар яшаётган юртда эркаклар аёлларга маълум бир мўлжал билан қарайди, ўзининг максадини яшириб ўтирумай айтиб кўя қолади. У йигитнинг инглиз эканлигини билишга қизиқди, кейин, йўқ, инглиз эмас, деган хulosага келди.

«Инглизлар ниҳоятда хушчакчак, жуда очик кўнгил бўлишади», — деб хulosा қилди Пилар. «Ундан ташкари, сочи ҳам малларант. У эҳтимол америкалик бўлса керак». Балки актёрдир, деб ўйлади Пилар бир вактлар театрларда кўрган актёрларни эслаб.

Йўлак бўйлаб проводникнинг овози янгради:

— Биринчи нонушта, марҳамат. Биринчи нонушта. Биринчи нонуштага жойларингизни эгалланглар.

Пиларнинг етти ҳамсафари нонушта учун талонларини хозирлаб бўлишиди. Ҳаммаси баравар чиқиб кетишили-ю, купе бирпасда бўшаб қолди.

Пилар тезда қаршисида ўтирган жангари киёфали оксоч хоним тушириб кўйган деразани икки дюйм¹ кўтарди. Кейин қулайроқ жойлашиб олиб, Лондоннинг шимол томонини томошса қила бошлади. У эшик очилганини эшитиб ҳам ўгирилиб қарамади. Бу йўлакдаги йигит эди. Пилар унинг ўзи билан сухбатлашиш учун купега кирганини биларди.

У хаёлга ботганча атрофни томошса қилишдан тўхтамади. Стивен Фарр:

- Деразани очгингиз келмаяптими?
- Аксинча, энди ёпгандим.

¹ Дюйм — 25,4 ммга тенг узунлик ўлчови.

Пилар инглизча талаффуз билан дона-дона килиб гапирди.

Орада хосил бүлгән озгина жимлика Стивен: «Мафтункор овоз. Қалбга иликлик баҳш этувчи ёз тунидай мусаффо...» деб ўйлади.

«Унинг овози менга ёқади, — ўйлади Пилар, — овози жарангдор ва кучли. Ёқимтой, ха, жуда ёқимтой йигит».

— Поездлик тўла, — деди Стивен.

— Тўғри. Одамлар Лондондан кетишяпти, афтидан, бу ерда хаёт оғир бўлса керак.

Пиларга поездда нотаниш кимса билан сухбатлашиб кетиш бу жиноят деб ўргатишмаганди. У ҳар кандай бошқа киз каби ўзини-ўзи химоя қила олиши мумкин эди. Лекин такиқлашларни тан ҳам олмасди.

Агар Стивен Англияда тарбия топганда нотаниш киз билан гаплашса ўзини ноқулай сезган бўларди. Лекин у ҳар кандай одам билан гаплашганда ўзини нихоятда са-мимий, дўстона тутадиган йигит эди.

Стивен бир оз уялинқараб деди:

— Лондон ифлос шаҳар, тўғримасми?

— О, ха. Менга мутлако ёқмади.

— Менга ҳам.

— Сиз англиялик эмасмисиз? — сўради Пилар.

— Британияликман, лекин Жанубий Африкандан кел-яппман.

— Унда тушунарли.

— Сиз хориждан келиб турибсизми?

Пилар бошини ирғади.

— Испанияданми? Демак, испан экансиз-да?

— Ярмига. Онам инглиз. Шунинг учун инглиз тили-да яхши тапирияпман.

— Уруш хақида нималар дея оласиз?

— Бу даҳшат... жуда аянчли. Катта талафот келтир-ли.

— Сиз ўзингиз ким тарафиласиз?

Сиёsat бобида Пиларнинг тушунчаси ҳамин қадар эди. У яшаган кишлоқда, гапига қараганда, ҳеч ким урушга эътибор бермас экан.

— Уруш биздан анча узокда бўлди, билдингизми. Мэр хукуматнинг одами. Шунинг учун хукуматнинг

ёнини олади, рухоний эса, генерал Франко тарафида, дехконларнинг кўпчиллиги вино тайёрлаш билан овора, даладан бери келишмайди, бу масалалар уларнинг каллаларига кирмайди.

— Демак, у ерларда уруш бўлмаган экан-да?

— Бўлмади, — деди Пилар. — Кейин мен машинага миниб бутун мамлакатни айланиб чиқдим. Ҳаммаёк вайронгарчилик. Мен машинага бомба тушиб ёрилганини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳа, ха, иккинчи бомба бир ўйни таг-туги билан кўпориб ташлади. Бу жуда ёмон бўлган эди.

Стивен Фарр кулиб, лабини қимтиб қўйди.

— Демак, бу сизга жуда таъсир килибди-да?

— Албатта-да, кейин жуда хунук ҳол рўй берли, — деди у. — Мен машинада яна нарига бормоқчи эдим, лекин машинамнинг ҳайдовчиси халок бўлди.

Стивен унга караб сўради:

— Булар бари сизни қўрқитмадими?

Пиларнинг қоп-кора қўзлари катта-катта очилди.

— Бир бошга бир ўлим, тўғримасми? Ажал етган бўлса, осмондан бомба тушиб бир зумда жойростон бўлсанг, бошқача ўлим топгандан кўра, шуниси маъқулда. Ҳар бир одам маълум муддат яшайди-ю, барибир бир кун ўлади. Ҳаёт шундай қурилган.

Стивен Фарр кулиб юборди.

— Сизни фацифист¹ деб атаб бўлмайди.

— Ким-ким? — ўзи билмаган сўз уни боши берк кўчага тикиб қўйган эди.

— Хоним, сиз ўз душманларингизни кечирасизми?

Пилар бошини иргатди.

— Менинг душманларим йўқ. Агар бўлсами...

— Нима килардингиз?

Йигит кизнинг тиришган лаблари, чехраси бераҳмлик аломатларини зохир қилганига маҳлис бўлиб кузатиб турарди.

— Агар менинг душманим бўлса, — жиддий тортиб жавоб берди киз, — мабодо бирор мени ёмон кўрса, мен ўша душманимни мана бундай қилиб сўйиб ташлаган бўлардим.

¹ Ҳар кандай урушга қарши чиқувчи буржуа оқими.

Киз бүйинин күли билан арра килиб күрсатди.

Унинг бу ҳаракати шундай тез ва қўрқинчли важо-хатда содир бўлдики, Стивен Фарр, хатто ўзини беихтиёр бир қадам орқага ташлаганини билмай қолди.

— Сиз қонхўр кизча экансиз-ку! — дея ҳайкириб юборди.

Пилар унинг галидан ранжиган охангда сўради:

— Ўзингиз душманингизга қандай муносабатда бўлган бўлардингиз?

Йигит ўзига келиб, унга назар ташлади-ю, хаҳолаб кулиб юборди.

— Ким билади, билмасам.

Пилар унинг гапини хушламайгина:

— Сиз-ку, биласиз-а, албатта, биласиз.

Стивен кулгидан тўхтади, чуқур хўрсиниб, секингина:

— Ха, биламан...

Кейин тезда сухбат мавзуини ўзgartириб, сўради:

— Англияга келишга сизни нима мажбур қилди?

Пилар вазминлик билан жавоб берди:

— Қариндошларимнида яшамокчимац, инглиз қариндошларимнида.

— Шунака денг-а!

Стивен диванга сўяниб олди. Кейин қизнинг хатти-харакатларини кузатаркан, у айтиб берган инглиз қариндошлари қандай экан, бегона испан қизини қандай қабул киларкан, деб ўйлади. Сўнг бемаъни инглиз оиласи даврасида Рождество байрамида у қандай холга тушишини тасаввур қила бошлади.

— Жанубий Африкада яшаш яхшими? — сўради Пилар.

Стивен Жанубий Африка ҳақида гапга тушиб кетди. Киз қизик саргузаштни тишглаётган болага ўхшаб, унинг оғзига караб гапларини диккат билан эшита бошлади. Стивенга қизнинг жўяли саволлари-ю, соддалиги ёқиб тушиди. Йигит бундан илҳомланиб худди сехрли эртак сўзлаётгандай мароқ билан гапира кетди.

Йўловчиларнинг кунега кайтиб келиши бу ёқимли сухбатга нукта қўйди. Стивен ўрнидан туриб, қизнинг юзига тик караб кулиб қўйди-ю, йўлак томон йўналди. Эшикда қари хонимни ичкарига киритмоқчи бўлиб, йўл

бериш учун бир дақика тұхтади. Шу он унинг күзи Пиларнинг чет әл похол чамадонига биркитилған ёрлиққа түшди, кейин ундаги Горстон-холл, Лонгдейл, Эдсфилд¹, деб ёзилған адресни күриб, хайратдан күзлари катта-катта очилиб кетди.

У қызга ўғирилиб тамоман бошқа — хам хайрат, ҳам шубҳа билан совұқ назар ташлади.... Йўлакка чиқиб ковоини солиб олди-ю, сигарет тутатди.

III

Тилла суви юритилиб ишланған улкан феруза ранг Горстон-холлнинг меҳмон кутадиган хонасида Альфред Ли билан унинг хотини Лидия Рождество байрами тад-бирларини маслаҳатлашмоқда. Чорпахилдан келган, күзлари жигарраңг, өзлари мулойим, ўрта ёшлардаги Альфред сўзларни дона-дона қилиб аста гапиради. Бошини ичига тортиб олиб бир маромда сўзлаши кишида у бўш-баёв одам экан деган таассурот қолдиради. Хотин Лидия, харакатчан, ориқ, нимаси биландир тозини эслатарди. Эт бориб сүякка қапишган, ўзи ориқ бўлгани билан харакатлари нозик, латофатли аёл эди.

Унинг пардоз берилмаган, этсиз юзлари унчалик гўзал эмасди, лекин истараси иссиқ, овози мафтункор, ёқимли эди.

— Дадам мажбур қиляпти, — деди Альфред, — кўлимииздан хеч нима келмайди.

Лидия кескин ҳаракат қилиб, бир нима деб юборишдан ўзини зўр-базўр тутиб турарди.

— Нахотки сен бир умр жиловингни дадангга бериб қўйсанг?

— У кариб мункайиб колган, азизим...

— О, буни биламан, биламан!

— Дадам унинг ҳамма истаклари бажо келтирилипини истайди.

— Табиий, — қуруққина қилиб деди Лидия, — у бунга ўрганған! Лекин Альфред, ахир бир кун бориб сен ҳам сўзингни ўтказишинг керак-ку унга.

— Бу билан нима демокчисан, Лидия?

¹ Романдагы Англияга хос жуғрофий номлар муаллифнинг тўқимаси.

Альфред хотинига чўчикириб шундай маъюс бир назар ташладики, у гапни чўзсанми, йўқми деб тилини тишлаб қолди.

— Нима демоқчисан бу гапинг билан, Лидия? — кайта сўради Альфред.

— Даданг... — дея гап бошлади Лидия хар битта сўзини ўйлаб, — одамии... эзишни яхши кўради.

— У қариб колган.

— Борган сари яна қариб бораверади. Зулми хам зўраяверади, қачон бунга чек кўйиларки? У шусиз хам қандай яшшимиз кераклигини айтиб туради. Биз ўзимизча бир иш қилолмаймиз. Бирон нимани режалаштирасак, барибир барбод килиб ташлайди.

— У ўзининг фикрини энг тўғри, адолатли деб хисоблайди, — деди Альфред. — Шуни унумагини, бизни жуда яхши кўради, бизга меҳрибон.

О! У жуда меҳрибон!

— Ха, жуда меҳрибон.

Альфреднинг овозидаи хотинининг гапларидан норозилик оҳанги сезилиб турарди.

Лидия хотиржамлик билан сўради:

— Сен молиявий томонни назарда тутиянсанми?

— Ха. Дадам кўяётган талаб унчалик оғир эмас. Биздан қанча бўлсаям пулни аямайди. Хўжаликка, кийим-кечакка истаганча сарф килишинг мумкин, ғинг демай тўлайди. Ўтган хафтанинг ўзида янгиши машина олиб берди.

— Пул масаласида, тан оламан, даданг сахий, — деди Лидия. Лекин бунинг эвазига биз иккаламиз унга қул бўлиб хизмат қилишимиз керак.

— Кул бўлиб?

— Ха, шунақа. Сен унинг қулисан, мабодо бирон ёкка кетадиган бўлсак, отанг буни хоҳламаса, тамом, нинг демай сафаримизга чек кўясан. Лгар бизни бирон ёкка жўнатиш хаёлига келиб қолса, биз қулок қокмай жўнаймиз... Бизнинг мустакил турмуш тарзимиз йўқ. Унинг измидамиз.

Эри хафа бўлиб эътиroz билдириди.

— Шундай дейишинингни хечам хоҳламасдим, Лидия. Бу нонкўрлик. Дадам хаммасини биз учун қилянти...

Лидия бир нима деб жавоб бермокчи бўлди-ю, ўзини тутди, елка қисиб қўя қолди.

— Ўзинг биласан-ку, Лидия, — деди Альфред, — дадам сени жуда яхши кўради.

Лидия аниқ ва лўнда қилиб жавоб бериб қўя колди.

— Мен эса, уни ёмон кўраман.

— Лидия, мана шунаقا гапларинг мени ранжитади. Шундай дейиншинг яхши эмас...

— Эҳтимол. Лекин гоҳида хақиқатни айтгим келади.

— Дадам шу гапларингни билсами...

— Даданг уни ёқтирмаслигимни жуда яхши билади.

Назаримда, бундан у хурсандлек кўринади.

— Лидия, хато қиляпсан. Менга уни яхши парвариш килаёганингни тез-тез гапириб туради.

— Тўғри, унга муносабатим яхши. Бундан кейин хам яхши қарайман. Менинг туйғуларимни тўғри тушунишингни хоҳлайман. Дадангни ич-ичимдан ёмон кўраман, Альфред. Уни мустабид, золим, деб биламан. Даданг унга боғланиб колганингдан фойдаланиб сени эзади, сен анча илгари ўз мустакил хаёт йўлингни белгилаб олишинг керак эди.

Альфред кескин эътироуз билдириди.

— Етар, Лидия. Илтимос, бу мавзуни тугат.

Лидия хўрсинди.

— Кечир. Балки мен поҳақдирман... Кел, Рождествога тайёргарлигимиз хакида гаплашайлик. Калай, назарингда уканг Дэвид ростданам келармикиш?

— Нега келмас экан?

Лидия калласини сарак-сарак килди.

— Дэвид ғалати одам. У бу хонадонда қўп йиллар бўлмаганини унутма. Дэвид ойингни жонидан хам яхши кўрарди. Шу сабабли Горстондан жирканади.

— Дэвид ўзининг мусикалари, ўй-хаёллари билан доим дадамнинг асабига тегарди, — деди Альфред. — Эҳтимол дадам унга бир оз ортиқча қаттиқкўллик қилиб юборгандир. Лекин барибир Дэвид билан Хилда келади, деб ўйлайман. Ахир Рождество-ку.

— Ҳаёт тасодифларга тўла, — деди Лидия истехзо билан лабларини кимтиб, — кўрамиз. Жорж билан Мегдалин келади. Эртага албатта стиб келамиз деб хабар берипди, Мегдалин зерикканидан юраги тарс ёрилиб кетмаса деб кўркаман.

Альфред асаби кўзиб деди:

— Ҳеч түшүнолмайман, укам Жорж ўзидан йигирма ёш кичик бир кизга қаңдай килиб уйланды экан. У ҳеч қачон ўйлаб иш күлмаган.

— Лекин юкори мартабага эришиди, — деди Лидия. — Сайловчилар уни яхши күришади. Назаримда, Мегдалин унинг сиёсий мавқенини күтаришда яхшигина хизмат киляпти.

Альфред аста деди:

— Уни үнчалик ёктиirmайман. Ўзи күхликкина, лекин менга доим пишган нокни, нок бўлгандаям мумдай юмшок бўлиб қолган қизғиш поқни эслатаверади...

— Ичидан ириган нок демоқчимисан? — сўради Лидия. — У хақда бундай дейшишинг менга жуда ғалати туяляпти-да, Альфред.

— Нега ғалати?

— Одатда сен, — жавоб берди Лидия, — жуда оғик кўнгил одамсан. Бирор ҳакида ёмон гапларни ҳеч қачон оғзингга олмагансан. Баъзан хаёт... нима десам экан, турмуш ҳакида ҳеч бир танкидий гапларни гапирмайсан деб сендан жахлим чикиб кетади.

Альфред кулиб қўйди.

— Мен ҳамма вакт хаёт ўз турмуш тарзиниңни қандай яратиб олган бўлсанг, худди шундай деб ўйлайман.

— Ҳечам бунақа эмас-да, — эътиroz билдириди Лидия. — Ёвузлик факат хаёлдагина эмас. У борлик хаётда мавжуд. Назаримда, сен дунёни қандай ёвузлик чулғаб олганини сезмайсан, шекилли. Мен уни шу ерда хис килганман, худди шу хонадонда ҳар қачон сезиб, хис килиб яшашман... — у лабини тишлаб ўгирилиб олди.

— Лидия, — Альфред қичкириб юборди.

Лидия эҳтиёт бўл легандай қўли билан имлаб унинг елкаси оша оркасига назар ташлади. Альфред ўгирилди.

Юзлари текис, корасоч йигит мулозамат билан нарироқла турарди.

— Нима гап, Хорбури? — ёқинкирамай сўради Лидия.

Хорбуришинг овози узрхоҳлик билан сесин эшитилди.

— Мәм, мистер Ли, Рождество куни яна иккита меҳмон келишини сизга айтиб қўйиншими буюрди, уларга хона тайёрлаб қўяр экансиз.

— Яна иккита мөхмөн? — қайта сўради Лидия.

Хорбури дарров жавоб берди.

— Ха, мэм, бир жентльмен ва ёш хоним.

Альфред хайрон бўлди.

— Ёш хоним?

— Ха, сэр, мистер Ли шундай деди.

Лидия орага тушди.

— Олдига ўзим чикаман....

Хорбури олдинга ярим қадам ташлади, тўғрироғи, сал харакат килди, шунинг ўзи Лидияни тўхташга мажбур этди.

— Уэр, мэм, мистер Ли гушлик қилиб ухлашга ётди, хеч ким безовта қилмасин деб мени жўнатди.

— Унда безовта қилмаймиз, — деди Альфред.

— Ташаккур, сэр.

Хорбури кетди.

Лидия ёқинюрамай деди:

— Бу одамни жуда ёмон кўраман. Уйда ўғри мушукка ўҳшаб юради. Унинг кирганинг, чикқанинг сезмайсан.

— Мен ҳам унчалик ёқтирамайман. Лекин ўз ишнага шишик, хозирги пайтда бунақа маҳрам — хос хизматкорни тошиш амри маҳол, мухими, дадамга жуда маъкул.

— Ха, мухими шу. Альфред, ёш хоним ҳакида нима дайсан? Ким бўлиши мумкин?

Альфред калласини қимирлатди.

— Ақлимга сифмаяпти... Ким бўлиши мумкинлигини ўйлаб тагига етолмаяпман.

Улар бир-бирига қараб қолишиди. Кейин Лидия лабини маъноли килнб буриб шундай деди:

— Биласанми, Альфред, шу тобда калламга нима келди?

— Хўш?

— Менимча, сўнгти вактларда отанг зерикиб қолди. У Рождествода жиндай бўлсаям кўнгил ёзмокчи.

— Бунга эришади деб умид киламан, — деди Альфред унинг гапларини тўғри тушуниб. — Бечора отам айшу ишратта тўла кунлари ортда колгандан кейин ногирон бўлиб оёқдан қолди.

Лидия унинг гапларини аста такрорлади.

— Айшу ишратга тұла... күнлари ортда қолғандан кейин. — «Айшу-ишратга тұла» сүзларидан сүңг унинг жиндай түхтаб қолиши замирда ўзгача хира бир маъно бор эди. Альфред буни, афтидан, сезди. Жаҳли чиқди-ю, индамай құя қолди.

Лидия ҳаяжоң аралаш гапириб юборди:

— Унинг пушти камаридаң бундай ландовур ўғил кандай пайдо бўлганини, аклимга сифдиролмайман. Мутлако бир-бирига тескари-я. Отанг сени авраб қўйган, сен эса, унга сажда қиласан!

Альфред унинг гапларидан ранжиб деди:

— Лидия жуда ошириб юбормадингми? Ўғилнинг ўз падари бузрукворини иззат-хурмат килиши табиий бир хол. Бунинг тескариси бўлганда бошқача ҳолат юз берарди.

— Бу ҳолда, — деди Лидия, — оила аъзоларимизнинг кўпчилиги нотабиий йўл тутаётгаш экан-да. О, кел бу ҳақда баҳслашмайлик, кечир, биламан, сенинг ҳамиятингга тегиб қўйдим. Мени, Альфред, ғайритабиий садо-катинг қойил қолдиради, ишон. Бизнинг кунларимизда бу анқонинг уруғи! Эҳтимол, сени рашқ қилаётгандирман? Одатда, аёллар эрини қайнонасидан қизғонарди. Мен эса қайнотамдан қизғаняпман, шунакасиям бўлиши мумкинми?

Альфред хотинини эркалаб кучди.

— Баъзан ортикча сўзларни гапириб юборасан, Лидия. Лекин қизғанишинг учун ҳеч қанақа асос йўқ.

Лидия гапирган гаплари учун афсус аломати маъносида эрининг кулоги учини эркаланиб ўпид қўйди.

— Билмайман. Барибир, Альфред, онангдан жиндай бўлса ҳам қизғанмаган бўлардим. Афсус, уни кўрмаганман.

Альфред хўрсшиб қўйди.

— Онам баҳтсиз бўлган.

Лидия унга қизиксиниб қаради.

— Демак, сен уни шундай леб билгансан? Бебаҳт бўлиб яралиш... қизик.

Альфред ўйланқираб деди:

Мен онамни таниганимдаң буён касал кўрганман... Кўзидан ёш аримасди... — У калласини кимирлатиб қўйди. — Уззукун маъюс юрарди.

Лидия эрига тикилиб туриб:

— Жуда кизик, — деб қўйди.

Лекин, эрининг ўзига савол назари билан қараб турганини кўрди-ю, калласини силкиб сухбат мавзунни ўзгартирди.

— Сирли меҳмонимизнинг кимлигини билолмаганимиздан кейин борай, боғчадаги ишларни тугатай.

— Азизим, кун совуқ, изғириш шамол эсяпти.

— Қалинрок кийиниб оламан.

Лидия хонадан чиқди. Альфред Ли ёлғиз қолгач бир неча дақиқа кимирламай турди-да, кейин хонанинг охиридаги катта дераза олдига борди. Дераза ортида бутун уй бўйлаб чўзилган айвон бор. Орадан бир-икки дақика ўтгаңдан кейин Лидия кўлида силлиқ сават ушлаганча айвондан чиқиб пастга тушди. Устида узун мовут пальто. Саватни ерга қўйиб, чор тарафига тош терилган, ердан салгина баланд тўртбурчак боғча атрофида ғивирсий бошлади.

Альфред бирмунча вакт уни кузатиб турди. Кейин пальтосини елкасига ташлаб ёи эшик орқали айвонга чиқди. Айвонда у ёқдан бу ёкка юаркан, ундан бошка тош терилган боғчаларга ҳам кўзи тушди. Уларнинг хар бири Лидиянинг эпчил қўллари билан бунёд этилган мўъжаз боғчалар эди.

Улардан бирида сахро манзаралари тасвиранган. Юзаси тен-текис, ичи сап-сарик қум. Ёғчанинг ичида яшилга бўялган темир таёқчалардан пальмазор бунёд этилган, уларда туялар карвони ва жимиттон бир-иккита араб бор. Бир нечта кишлок қулбалари пластилиндан ясад ўрнатиб қўйилган. Бошка бир боғча итальянча килиб ясалган. Айвони баланд кўтарилган, арикчаларга мумдан анвойи гуллар ясад қўйилган. Навбатдаги боғчада Арктика киёфаси тасвиранган. Битта кўм-кўк синик ойна айсбергни ифодаласа, нарироқда пингвинлар тўлдаси ясалган. Нарироқдаги боғчада японча боғ яратилган. Унда бир жуфт паст бўйли дарахт бор, бир парча кўзгу ховузни англатса, унинг устидан ингичка килиб ўтказилган пластилинни кўприкча леб тушуниш мумкин.

Нихоят Альфред Лидия ишләётган жойга стиб келди. У ерга кўм-кўк қоғоз ёйиб устини ойна билан ёпаётган эди. Бу денгизни англатарди, унинг атрофида тошлар

үйилиб ётарди. Шу дакиқаларда Лидия кичкина қопчикдан ғадир-будир майда құмларни олиб сепағтган эди. Бу құмлар пляжни англатиши керак эди. Майда тошлар орасыда кактус дараҳти бүй чўзиб турарди.

Лидия ўзича гапириб ишларди.

— Худди мана шуниси зўр бўлди-я — шунақасини хоҳлагандим...

— Бу санъат асари қандай маънони англатади? — деди Альфред.

Лидия чўчиб тушди, унинг келтанини сезмай қолганди.

— Буми? О, бу Ўлик денгиз, Альфред. Ёқдими?

— Сенга саҳрода ўхшаб қолгандаи туюлмаяптими? Яна бир нечта дараҳт экилса бўлмасмикин?

Лидия калласини силкиди.

— Ўлик денгизни мен шундай тасаввур қиласман. Ахир, билсанми, у ўлик-ку...

— У унчалик хам жозибали бўлмаслиги мумкин.

Айвонда оёқ товушлари эшитилди. Соч-соколи оппок кари эшик оғаси елкасини буқчайтирганча улар томон кела бошлади.

— Миссис Жорж Ли кўнғироқ килди, мэм. Эртага поезд билан соат 5.20 да келсак нокулай бўлмасмикан, деб сўраяпти.

— Айтиб кўй, жуда яхши бўлади.

— Раҳмат, мэм.

Эшик оғаси телефон томонга шошиб кетди.

Лидия унинг орқасидан қараб тураркан, юз ифодаси юмшади.

— Кари Тресилиан бизга шунақанги кўмакчики. У бўлмаганда не ҳолга тушишимизни тасаввур қилолмайман.

Альфред унинг гапини маъқуллаб, бошини силкиб кўйди.

— У эски мактабни кўрганлардан. Биз билан бирга леярли кирк йил яшагити. Ҳаммамизгаям садоқатли дўст. Китобларда битилганидай кулдай итоаткор, назаримда, зарур бўлиб қолса оиласизнинг хар бир аъзоси учун жонини беришга хам тайёр.

— Шубҳасиз, — деди Альфред. — Ха, бунга ишончим комил.

Лидия сүнгі сочған майда құмни текислаб:

- Мана, тайёр бўлди, — деди.
- Тайёр? — ажабланиб деди Альфред.
- Рождествога, тентак! — кулиб юборди Лидия. — Оилавий ўтказамиз деб зўр бериб тайёрланаётгашимиз Рождество байрамига тайёр бўлди демоқчиман.

IV

Дэвид хатин қайта ўқиб чиқди. Кейин ғижимлаб ташлаб юборди. Яна ердан олиб, тўғрилади ва қайта ўқиди.

Хилда индамай уни кузатиб турди. У эришинг чаккасидаги томирлари лўқиллаётганини, унинг узун қўнироқ жингалак соchlари, бутун вужуди асабий қалтираётганини сезиб турарди. Лидия эри цешанасига тушиб турган малла соchlарини оркасига сўлкиб кўк кўзларини хотинига саросимали тикканда, энди буёғи нима бўлинини сезди.

— Хилда, нима қиласмиш энди?

Хилда жавоб беришдан олдин бир зум иккиланди. Дэвиддинг овозида ёрдам бер деган маънодаги ёлвориш оҳангি бор эди. Хилда эри унга қай даражада боғланиб колганлигини (тўйдан кейиниқ шундай бўлиб колган эди) унинг таъсири, эҳтимол хозир сўнгги ва ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкинлигини яхши биларди. Шунинг учун катъий бир жавоб беришдан ўзини тийди. Кейин ёш болани аллалаётган тажрибали энагадай юмшоқлик ва хотиржамлик билан деди:

— Ҳаммаси сенинг бунга муносабатингга боғлик.

Тўладан келгани, унчалик хуснга ҳам эга бўлмаган Хиллала қандайдир ўзига тортувчи жозиба бор эди. У нимаси биландир голланад рассомининг суратини эслатарди. Сўзлари майнин, одамини эритиб юборадиган. Шу билан бирга ҳар қандай одамни ўзига тортиб олувчи ички бир қудратга эга эди, ўрта ёшлиардаги, унча ҳам акланрасо, истеъдодли деб бўлмайдиган бу аёл хақикатан ҳам истараиси иссинқ, жозибали эди. Ҳа, Хилда Ли ана шундай кучга эга эди.

Дэвид ўрнидан туриб хонада у ёқдан бу ёқка юра бошлади. Унинг соchlарига ҳали оқ ораламаган, жудаям

ёш кўринарди. Юзлари Перн-Жонс¹ чизган ришаарларниг мулойим, беозор чехрасини эслатарди. У атроф-мухитдан узок, бу ерларнинг одамига ўхшамас эди.

Унинг овозида қандайdir соғинч хисси ҳукмрон эди.

— Бунга қандай муносабатда бўлишимни биласанми, Хилда. Билмаслигинг мумкин эмас.

— Унчаликмас.

— Айтганиман-ку, сенга. Бир марта эмас, кўп марта уктирганиман. Бу уйни, умуман шу томонни, шу уй билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани жинимдан ёмон кўраман. Эсласам бутун вужудимга титроқ киради. Бу ерда ўтказган ҳар бир дақикамдан жирканаман. Онамнинг бопнига тушган азоб-укубатларни, жамики ҳамма нарсани эсласам...

Хотини унга ҳамдардлик билан бош иргади.

— Хилда, онам шунақаям мусичадай беозор, чидамли аёл бўлгани эдики. Тўшакла тонг отигунча оғриқдан инграб чиқарди. Оғрикқаям, ҳаммасигаям чидарди. Онамнинг хаётини заҳарлаган, хақоратлаган... — унинг башраси тумтайди. — Отам ўзининг маъшуқалари билан мақтанарди. Ҳар дақиқада онамга хиёнат киларди, ҳатто буни ундан яшириб ҳам ўтирумасди.

— Онанг унга кўнишиб ўтирумасдан, ташлаб кетиши лозим эди.

Унга хотинининг гапи ёқмай эътиroz билдириди.

— Онам ниҳоят даражада андишали, номусли аёл эди. Ўша хонадонда яшашни ўзи учун бурч деб билган. Ундан ташқари, бу унинг ўз уйи эди, гашлаб қаёска борарди.

— Янгидан бошқа ҳаёт қуриши мумкин эди.

Дэвид асабийлашиб ганирди:

— У даврлар бошқа эди! Буни сен тушунмайсан. У пайтларда аёллар буника килишолмасди. Ўз тақдирларига тан бериб яшашарди. Ҳамма қийинчиликни сабр, чидам билан енгигб ўтишарди. Кейин бизларни ўйлаган. Мабодо отамдан ажралган тақдирда бунинг оқибати нима бўларди? Отам бошқасига уйланарди. Иккинчи оила-

¹ Перн-Жонс, Эдуард (1833–1898) инглиз рассоми. Прерафаэлларниг кенжা авлодига мансуб рассом. Унинг расмларига рамзий эртакнамо усул ҳукмрон.

си пайдо бўларди. Бу бизнисиг манфаатларимизга ёмон таъсир кўрсатишни мумкин эди. Онам шуларни ўйлагандар.

Хилда жавоб бермади.

Дэвид давом этди:

— Йўқ, онам тўғри қилган. У табаррук аёл эди. Хеч кимдан шикоят қилмай, умришинг охиригача чидади.

— «Шикоят қилмай» деганинг унчалик хам тўғри эмас, — деди Хилда, — бўлмаса, шунча гашларни сен каердан билган бўлардинг, Дэвид.

Дэвид аста жавоб берди, унинг юзи ёришиб кетди.

— Ха, менга ҳасрат киларди. Мен уни жуда яхши кўришимни биларди. Вафот этганларида...

У тўхтаб қолди. Қўли билан соchlарини силади.

— Хилда, биласанми, бу даҳшатли, ўтакетган қабиҳлик! Шундай аламли бўлган эдики. Ҳалти жуда ёш эди, яшаса бўларди. Уни — ўз отам ўлдирган. Унинг ўлимидан отам айбдор. Юрагини тилка-пора қилган. Шундан кейин отам билан бир ховлида яшамайман деган карорга келганиман. Уйдан бош олиб чикиб кетдим. Ҳаммасидан воз кечиб кетдим.

Хилда бошини қимирлатди.

— Жуда аклли иш қилгансан, — деди у. — Тўғри қилганиман.

— Дадам, — давом этди Дэвид, — ота касбини кил, қўлимдан ишимни ол, леди. Бу шу ерда, шу уйда яшашим керак дегани эди. Мен бундай киломасдим. Билмадим, Альфред қандай чидади. Шунча йилдаи буён қандай чидаб келаётганикин?

— Наҳотки у бирон мартаям қарши чикмаган бўлса? — деб сўради Хилда эътиборсизлик билан. — Қандайдир бир иш килишдан воз кечган деб айтгандек бўлувдинг чори.

Дэвид калласини қимирлатди.

— Альфред ҳарбий хизмат соҳасида мартабага эрини мокчи эди. Даътам катта фарзанд сифатида ҳарбий хизмат полкига киришини хоҳлади. Ҳарри мента ўҳшаб отамнинг корхоналарида ишлаши, Жорж бўлса, сиёsat соҳасида жавлон уриши керак эди.

— Лекин булар амалга ошмадими?

Дэвид калласини қимирлатди.

— Хаммасига Харри бархам берди. У табиатан ўт-үлов, довюрак эди. Каrzга ботиб оиласизга анча-мунча ташвиш хам келтирди. Бир күн идорада ўтириш менга түғри келмайды, дунё кезмокчимап, деб хат ёзиб чўнта-гига бир неча юз франк солди-ю, бирорларга қўшилиб гойиб бўлди.

— Шундан кейин у ҳақда хеч нима эшитмадингизми?

— Каёқда, — Дэвид кулиб юборди. — Тез-тез эши-тиб турдик. Дунёнинг ҳали у чеккасидан, ҳали бу чекка-сидан пул сўраб телеграмма жўнатиб турди. Буни қара-ки, сўраган шулларини олиб ҳам юрди.

— Альфред-чи?

— Отам уни армиядан қайтиб келиш ва идорада ўти-риб ишлашга мажбур қилди.

— У хафа бўлмадими?

Аввалига хафа бўлди. У оғамнинг ишларини жуда ёмон кўрарди. Альфредни истаган макомига йўрғалата оларди. Назаримда, у ҳалигача жиловини отамга бериб кўйган.

— Сен қочиб қолибсан-да! — деди Хилда.

— Ҳа. Мен Лондонда тасвирий санъатга ўқишига кир-дим. Отам қатъий килиб ўқишим учун хастлигида оз-оздан пул бериб туришини, лекин ўлтанидан кейин мен-га мерос колдириласлигини маълум қилди. Мен бунинг ҳожати йўқ, дедим. У мени нодон, аклсиз деб сўкли, шу билан бари тугади. Шундан бўён отамини бир мартаям кўрганим йўқ.

Хилда юмшоқлик билан деди:

— Килган ишингта хеч қачон афсусланмадингми?

Йўқ, хеч қачон. Мен тасвирий санъатда бирори нуфузга эришолмаслигимга кўзим етди. Улкан рассом бўлолмайман, лекин мана шу коттеждаям баҳтли янаяп-миз-ку. Ҳамма нарсамиз муҳайё, бирори нарсага зориқа-диган жойимиз йўқ. Ажалим етиб ўлсам, кўрқинчли ери йўқ, ҳамма нарса сенинг номининг расмийлантирилган.

Дэвид бир оз жим қолиб, деди:

— Энди эса, о мана! — у хатни кафтига олиб бир урди.

— Шундаи хатни ёзибдими, отанг сени ҳар қанча рухан азоблаган тақдирда ҳам, мен уни кечирган бўлар-дим, — деди Хилда.

Дэвид унинг гапларини эшитмагандай галини давом эттириди:

— Энди бўлса, хотиним билан Рождествода хаммамиз байрамни бирга кутишимиздан умидвор бўлиб хат ёзибди. Бу нимаги билдиради?

— Хатда нима ёзилгани эмас, хатнинг ўзи сен учун катта ахамиятта эга эмасми?

Дэвид хайрон бўлиб хотининга қаради.

— Демокчиманки, — табассум юлди у. — Отанг кариб колган. Караган сари одам оиласа якинроқ бўлгиси келади. Хиссийтчан бўлиб қолади. Ҳаммадаям шундай бўлади.

— Бўлиши мумкин, — деди секингина Дэвид.

— Карагач, ёлғиз сезади ўзини.

— Нима, сен боришимни хоҳлаяпсанми, Хилда?

Хотини шоппингдан жавоб берди.

— Менимча, хатга муносабат билдириласлик одобдон бўлмайди. Балки мен эски одамлар тоифасидандирман. Лекин нима учун Рождество байрамини яраш-яраш килиб ўтказиш мумкин эмас?

— Мен сенга гапириб берган шунча гаплардан кейин хам-а?

— Биламан, азизим, биламан. Лекин булар бари энди ўтмиш. Ўтган ишга салавот.

— Мен учун ўтмиш эмас, тугамаган.

— Сен учун тугамагани шукн, ўтмишни эсдан чикаролмаяпсан. Бўлиб ўтган ходисаларни хаёлингда тирилтириб юрибсан.

— Уларни унуполмайман.

— Тўғрироғи, сен уни упутишини хоҳламаяпсан, Дэвид.

Дэвид алам билан лабини қисди.

— Биз ҳаммамиз Лилармиз, шунақа. Ўтган йилларни эслаб юрамиз, ўтган ишлар хақида фикр юритамиз, хотираларни кўз ўнгимиизда жонлантирамиз.

Хилда жаҳл аралаш деди:

— Бу фуурланадиган нарсами? Бундай деб ўйламайман.

У ўйланкираб хотинига қаради ва чўчиғаннамо қиёфада деди:

— Демак, тўғрилик, хотиралар сен учун бир пул экан-да.

— Мен учун энг мухим нарса — ҳозирги күн, — деди Хилда. — Ўтмиш эмас. Ўтган ўтиб кетди. Биз хамма вакт ўтган құнларни, хотираларни онгимизда тирилтириб юраверсек, ўйлашимча, уни ўзгартириб бузиб ташлаймиз. Унинг ахамиятини ошириб, ёлғон-яшиклар билан тұлдириб юборамиз.

— Ўша құнлардаги ҳар бир сүз, ҳар бир жанжал кечагидай ёдимда.

— Ҳа, лекин сен жоним, буни унугашынг керак. Ўша ходисаларга катта одамлардай холис баҳо бериш ўрнига ёш болалар каби фикр юритмоқдасан.

— Бу билан нима ўзгараға? — деди Дэвид.

Хилда иккиләніб колди. У бу мавзуда баҳс юритишинг қожати йўклигини англаб етган эди. Лекин шундай нарсалар ҳам бор эдики, бу ҳақда у ўз фикрини билдиришни жуда-жула истарди.

— Менинч сен, — деди у, — ўз падари бузруквонишигни кўркинчли бир маҳлук килиб кўрсатяпсан. Уни ёвузлик тимсоли сифатида тасвирилайсан. Эҳтимол, уни ҳозир кўрганингда хиссиётчан, лекин хаётиям бенуқсон ўтмаган инсон, инсон бўлгандаям сен тасвирилаётгандай қандайдир маҳлук эмас, оддий инсон бўлганлигини тушинган бўлардинг.

— Сен тушуммаянсан! Менинг онамга бўлган муносабатини...

Хилда вазмийлик билан деди:

— Шундай одамлар бўладики, унинг табиатидаги итоаткорлик, бўйсунувчанлик хислатлари бошқа одамда ёмон хислатларни вужудга келтиради. Шундан кейин ҳалиги одам кучли қатъият, ирода эгаси билан тўқнашганда қандайдир ўзга мавжудотга айланып колиши мумкин.

— Демак, онам айбдор бўлган экан-да...

Хилда эрининг гапини бўлди.

— Йўқ, мутлако бундай эмас! Отанг онангга нисбатан жуда бемаъни, каттиққўллик билан муносабатда бўлганига ишончим комил. Бироқ никоҳ бу муқаддас нарса. Бу холатни кузатиб юрган кимса, у шу никоҳдан туғилган ёш бола бўладими, уни мухокама килишга хақли. Бунинг устига ҳар канча дарғазаб бўлмагин, онанг энди тирилиб келмайди. Ҳаммаси ўтиб кетди, ўтмишга айланди... Бугун эса отанг қариган, соғлиғи кетган. Энди ўз

ЎЕЛИНИНГ дийдориниң күриб колиш учун Рождество байрамини бирга ўтказишга таклиф киляпти.

— Демак, сен боришимни хохлаётган экансан-да?

Хилда аввал тараалдууланди, кейин ўз фикрини айтди.

— Ха, — деди у, — хохляпман. Бориб уни бир умр махлук янглиф тасаввур килиб юрмаслигингни хохляпман.

V

Уэстерингем парламентининг аъзоси Жорж Ли кирк бир ёшли барваста йигит эди. У одамга шубха билан карайдиган бақақўз, отжаф, ўтакетган расмиятчи эди.

— Мегдалин, мен сенга фикримни айтдим, — деди у ўзига хос усулда, — боришимиз керак деб хисоблайман.

Хотини шоша-пиша елкасини қисиб кўйди. У малла соч, қошлари ингичка килиб терилган, ёкимли, юzlари чўзиқ, лекин маъноли бокадиган аёл эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Азизим, — деди у чўзиб, — ишончим комил, у сенда кўнгилхушлик бўлмайди.

— Буниг устига, — унинг гапини эшитмай фикрини давом эттириди Жорж. Унинг юzlари кўнглига келган фикрдан ёришиб кетди. — Анча-мунча иктисад килишимиз ҳам мумкин экан. Рождествога доим катта харажат килинади. Энди фақатгина хизматкорларга, егуликка берамиз, холос.

— Хай, майли, — розилик берди Мегдалин. — Рождество ҳамма жойдаем зерикарли ўтади.

— Менимча, — гап котди Жорж, — Рождество дастурхонини ёзинимокчи. Кўрамиз ҳали курка гўшги ўрнига семизгина мол гўнти билан ҳам қутулиб қўя колишса керак.

— Ким? Хизматкорларми? Жорж, намунча хавотирга тушиб қолдинг? Нуқул нулона ҳақида ўйлаганинг ўйлаган.

— Кимдир бу ҳақта ўйлаши керак-ку, — деди эри.

— Бу маълум, лекин арзимайдиган нарсаларни тежаш ҳам беъманилик. Нима учун сен отангдан сарф харажат учун кўпроқ нулона сўрамаслигинг керак.

— Шусиз хам менга яхшигина маблағ ажратиб қўйибди.

— Ҳар дакиқада отангта муте бўлиб туриш хам ишсоғдан мас. Яхшиси, бирваракайига каттарок шулни сенинг ихтиёрингга ўтказиб қўя қолса, омади иш бўларди.

— Бу отамнинг табиатига тўғри келмайди.

Мегдалин эрига қарали, унинг жигарранг кўзларидан эрида ишоятда норозилик аломатлари зухур этганин сезиб олини мумкин эди. Унинг нурсиз чўзиқ юзлари жонланди.

— Жорж, отанг бойиб битиб кетган, тўғримасми? Миллионер бўлса керак-а?

— Билишимча, икки карра миллионер деса хам бўлади. — Мегдалин ичи қўйиб хўрсинди.

— Каңдай килиб бойлик орттирган? Афтидан, Жанубий Африкада бойиган-а?

— Ҳа, дастлабки кунлардаёқ унга омад кулиб боккан. Асосан, бойликни брильянтлардан орттирган.

— Буни биламан! — тўлқинланиб кетди Мегдалин.

— Кейин Англияга кайтиб келиб, катта иш бошлаб юборди, яна дадамга омад кулиб бокди. Бойлиги бир эмас, икки-уч баравар кўпайиб кетди.

— Ўлиб қолса шунча бойлик кимга қолади? — леди Мегдалин.

— Отам бу ҳақда миқ этиб оғиз очгани йўқ. Тўғри, буни дабдурусгдан ўзидан сўраб бўлмайди-ку. Назаримда бойликнинг кўп кисми Альфред билан менга тегади. Албатта, Альфред унинг кўп кисмини олади.

— Бошқа ака-укаларинг хам бор-ку.

— Ҳа. Укам Дэвид бор. Унга кўп тегишига кўзим стмайди. Бир вақтлар тасвирий санъат дегандек ҳар хил нарсалар билан шуғулланиб юрди. Эсимда, отам уни сени меросдан маҳрум киласман деб огохлантирган, у бўлса маҳрум киласизми, йўқми менга барibir деган.

— Ахмок экан, — назарига илмай леди Мегдалин.

Женнифер деган синглимиз хам бўлган. Дэвиднинг чет эллик ўртокларидан бири бўлган испан рассоми билан кочиб кетган. Лекин бундан икки йил мукалдам оламдан ўтган. Менга маълум бўлишича, ундан бир киа қолган. Отам балки унгаям жиндаи пул қолдирад, лекин кўп эмас, ундан кейин Харри бор...

У тараддудланди.

- Харри дедингми? — ажабланиб сўради Мегдалин. — Ким у Харри деганинг?
- Э-э... укам.
- Мен билмайдиган яна бир уканг борлигини ҳеч қачон эшитмаганман.
- Ана шунака, азизим, у... бошимизга кўп балолар ёғдирган, хулқиям ярамас эди, унинг номини деярли тилга олмаймиз. Сўнгги бир неча йил мобайнида у ҳақда, умуман ҳеч нима эшитмадик. Балки, ўлиб кетгандир.

Мегдалин кутилмаганда кулиб юборди.

- Нима гап? Нимага қуласан?
- Менга, — жаноб берди Мегдалин, — Жорж, сен-дай бир одамнинг бузук укаси борлиги жуда ғалати-да. Ахир сен жуда хурматли одамсан-ку.
- Шундай деб умид қиласман, — леди совукқина килиб Жорж.

Мегдалиннинг кўзлари қисилди.

- Сенинг отажонинг жуда хурматли одам эмасми, а, Жорж?
- Мегдалин, нималар деяпсан?
- Баъзан унинг оғиздан чиккан гапга уятдан ерга кириб кетай дейман.
- Худо ҳаққи, сенга ҳайрон қоляпман, Мегдалин, — ҳайкириб юборди Жорж. — Лидия-чи? Уям шунақа дейдими?
- Лидияга бунақа килиқларни қилмайди, — деди Мегдалин, кейин заҳарханда қилиб қўшиб кўйди: — Унга бунақа гаңларни ганирмайди. Билмайман, нега бундай қиласди.

Жорж хотинига бир қаради-ю, дарров кўзини бошка скка олди.

- Нимаям қиласдик... — Минғирлади у. — Унинг гапларини кўнгилга олмаслик керак. Қариган... кейин — оғир касал.

У жим бўлиб колди. Кейин хотини сўради:

- Ростдан хам оғир касалми?
- Жа, унчаликмас, албатта. Кария чайир. Демак, бутун оила аъзоларини Рождествога чақирибдими, бориши керак, деб хисоблайман. Эҳтимол, бу унинг учун сўнгги Рождестводир.

— Жорж, нима десанг деявергину, — унинг гаплари ни бўлди Мегдалин. — Лекин хали у кўп яшайди, деб ўйлайман.

Жорж саросималаниб деди.

— Ха, балки ҳаммаси бўлиши мумкин.

Мегдалин ўгирилиб олди.

— Нимаям дердик, — деди у. Бориб тўғри иш қиляп-миз, деб ўйлайман.

— Шубхасиз.

— Лекин *бу* мен учун юракка ханжар санчилгандай гап! Альфред шундай мижговки, Лидия бўлса мени доим ерга уришга урингани-уринган.

— Бўлмаган гап!

— Ишонавер. Кейин анави ёкимсиз хизматкорни кўргани кўзим йўқ.

— Кари Тресилиянними?

— Йўғ-э. Хорбурини. Мушукдай киши билмас кириб келади-да, тиржайиб тураверади.

— Ростанам, Мегдалин, тушунолмаяпман, бизнинг боришимизга Хорбурининг нима дахли бор.

— У асабимга тегади. Бўпти, нима бўлса бўлар. Демак, боришимиз аниқ экан. Қарияни хафа килишдан маъни йўқ.

Албатта, ҳамма гап шунда. Хизматкорлар учун Рождество дастурхонини тузашга келганда, хизматкорлар...

— Бўлди, Жорж, бу хақда кейинрок. Мен Лидияга телефон килиб эртага 5.20 да стиб борамиз, дейман.

Шундай леб Мегдалин хонадан чиқди. Горстон-Холлга телефон килиб ўз хонасига кўтарилиди-ю, столга ўтириди. Столнинг ғаладонларини тортиб, титкилашга тушиб кетди. Бирдан, бир ғаладондаги чўт доначалари ерга сочилиб кетди. Мегдалин уларни хиллаб ажратса бошлиди. Охири ажратишга тоқати чидамай, уларни бир ўюм килиб тўплади-да, ўз жойига солиб қўйди. Кейин бежирим килиб тараалган соchlарини бармоклари билан чанталлаб:

— Эй худойим, энди қандоқ қилдим? — деб интраб юборди.

Горстон-Холл¹нинг биринчи каватдаги узун йўлаги дeraзасидан ташқаридаги хиёбон кўринниб турадиган катта хонага олиб бораради. Бу хона эски усулдаги дабдабали жихозлар билан ясатилган: деворларига кимхобнусха гулқоғозлар қалип қилиб ёпиширилган, хашаматли чарм ўриндиқлар, аждарларниг тасвири туширилган улкан вазалар, бронза хайкалчалар... Булар бари кимматбахо, шу билан салобатли ва тўзал нарсалар эди.

Жуда улкан, хайбатли ва чуқур ўриндиқда эт бориб устихонга ёпишган орик бир чол чўкиб ўтиради. Унинг қискичбақа бармоқтарига ўхшаган панжаси тираб қўйилган. Ёнига олтин тутқали хассаси тираб қўйилган. Эгинда эски кўк халат, обғида эса уйда кийиладиган гилам шиншак. Унинг соchlари ошшоқ, юzlари заҳил эди.

Унга караб «Еариб бир бечораҳол одам экан», леб ўйлаш мумкин эди. Лекин мағрур кирра бурни, тийрак тикилиб турган ботик кўзларига караб одам фикрини ўзгаргирар, уни хали юрагида ўт бор, ҳастга чанқоқ, куч-қунватга тўла дейиш мумкин эди.

Қария Стивен Ли кулиб қўйди, унинг кулгисидан хали ўзидан кўнгли тўқлигини сезиб олиш мумкин эди.

— Миссис Альфредга менинг тошириғимни етказдингизми? — сўради у.

Ўриидик ёнида турган Хорбури мулозамат билди аста:

- Ха, сэр, — деди.
- Сўзма-сўз етказдингизми? Ҳаммасиними?
- Ха, сэр. Бирон сўзингизни хам қолдирмадим.

Хорбури нима деган бўлса, ҳаммасини вазминлик билан гапирди.

— Ўиламан. Бирон сўзимни қолдирмайсиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлсин, кейин афсусланиб юрманг. Лиция нима деди, Хорбури? Мистер Альфред-чи?

Хорбури улар нима деган бўлса, ҳаммасини ўша-ўша вазминлик билан гапирди.

Чол хикиллаб кулди-да, кўлинни ишқаб қўйди.

¹ Инглиз уйларининг биринчи кавати бизнинг иккичи каватга тўғри келади. Биринчи каватнинг остида ердан бир метр ёки ундан ҳам баландроқ кўтарилиган дераза бўлади.

— Зүр... жуда соз... Түшликдан кейин бутун вактини шүни ўйлаб ўтказган? Аъло! Энди бориб айтишг. Ҳаммаси келишсии.

— Хүн бўладн, сэр.

Хорбури товушсиз хонани кесиб ўтиб чикиб кетди.

— Ха... Хорбури...

Кария унинг оркасидан қараб туриб мингирлаб қўйди:

— Бу нусха мушукдай шарпасиз юради. Қаерда турғанлигини ҳеч қачон билолмайсан.

Эшикни тақиллатиб Альфред билан Лидия кириб келганды Қария Ли ўз ўринидигида энгагини силаб кимир этмай ўтирарди.

— Э-ха, келдингизми, келдиларингизми. Азизим Лидия, менга яқинрок ўтиринглар. Шундай гўзал тортиб кетипсанки.

— Боғда эдим, совук экан. Юзим шуидан кизариб кетган.

— Дада, қалайсиз? — сўради Альфред. — Түшликдан кейин яхши дам олдингизми?

— Жуда яхши, аъло даражада. Ўтган кунлар тушимга кирибди. Илгариги даврлар, жамоатнинг пешвоси бўлишдан аввалги кунларим.

Кутилмаганда қария хихилаб кулди.

Келини бутун дикқат-эътиборини унга қадаб мулоҳийм табассум килиб жим ўтирарди.

— Дада, Рождествода кутаётганимиз биз танимайдиган анави икки киши кимлар?

— Эҳ, буларми... Ҳа, мен сизларга улар ҳақида гапириб беришим керак. Бу йилги Рождество менинг учун катта, ха, жуда катта байрам бўлиши керак. Қаранг, Жорж билан Мегдалинлар келишади.

— Ҳа, улар эртага поезд билан 5.20 да келишаркан.

Кария Симеон гапини давом эттириди:

— Жорж хафтафаҳм. Бориб турган хомкалла у. Лекип ким бўлмасин, менинг пушти камаримдан бўлган ўёлим.

— Сайловчилар уни бошларига кўтиришади, — кистирди Альфред.

Симеон янга хихилаб қўйди.

— Улар, афтидан, уни ҳалол одам деб ўйлашса керак. Ҳалолмис! Шу пайтгача Лилардан биронта одам ҳалол бўлиб чиқканмас.

— Етар, дада.

— Сендан бошқалари, болам. Сен бундан мустасио.

— Дэвид-чи? — сўради Лидия.

— Дэвидми? Шунча йил дийдор кўришмаганимиздан кейин уни бир кўргим келаяпти. Ёшлигига шу қадар кўнгилчан эдики! Қизик, қанака хотин учраганини? Ҳар холда анави тентак Жоржга ўхшаб ўзидан йигирма ёш кичик хотинга уйланмаган бўлса керак.

— Хилда жудаям ёкимли хат ёзив юборибди, — деди Лидия. — Ҳозиргина эртага албатта етиб келишини маълум килиб жўнатган телеграммасини олдим.

— Лидиянинг юриш-туришида хеч қанака ўзгариш сизганим йўқ, — деди у. — Лидия, сен, тан олишим керак, яхши тарбия кўрган аёлсан. Бу наслга бориб та-калади. Сенинг тагинг тоза. Буни яхши биламан. Шунча болаларимнинг ичидаги биттаси менга тортган. Ҳа, биттаси.

Унинг кўзи ёниб кетди.

— Қани, энди топинглар-чи. Рождествога ким кела-ди? Уч мартағача айтишга рухсат бераман — гаров ўйнайманки, тополмайсиз.

У Альфред билан Лидияга қаради.

Альфред қовоғини уйди.

— Хорбури, ёш хоним ташриф буюряпти, деб маълум килди.

— Сизларни кизиктириб кўйдимми? Бунга шубҳам йўқ. Тез орада бу ерга Пилар етиб келади. Машнина жўнатдим олиб келишга.

— Пилар? — сашиб тушди Альфред.

— Ҳа, Пилар Эстравадос, — маъқуллади Симеон. — Женинфернинг қизи. Менинг набирам. Қизик, қанака экан?

— Ё худо, дада, бу ҳақда хеч нима демагандингиз-ку.

Кария кулиб кўйди.

— Ҳа, демагандим. Буни сир тутундим. Хат ёзив, хамма нарсани келишиб олишни Чарлтонга тоширгандим.

Альфред хафа бўлиб, таъна аралаш ганини такрор-лади.

— Бу ҳақда менга миқ этмагандингиз...

Отаси заҳарханда қилиб тиржайди.

— Унда ҳамма сир очилиб кетарди. Ҳонадонимизга янги бир ёш инсон келиб кўшилса, бу ердагиларнинг киёфаси ўзгарадими, йўқми, буни билиш жуда қизикарли-да. Неварам Эстравадосни ҳали бир мартаям кўрмаганман. Қизик, бу киз кимга тортганикин: онасиғами, отасиғами?

— Дада, сиз доимо чукур мулоҳаза билан иш қилиб келгансиз, — ган бошлади Альфред. — Ҳар қандай вазиятни хисобга олиб...

Кария унинг гапини бўлди:

— Таваккал қилдим... Таваккал... Альфред, сен доим таваккалига иш қилишдан кўркасан. Бир умр бундан кўркиб келасан. Мен эса, таваккалчиман. Нима десанг деявер — оқибати нима бўлиши билан иш имён йўқ. Таваккал билан яшаш — ҳаётимнинг мазмуни. Ўша қиз менинг неварам, бутун оила аъзоларимиз бўйича ягона неварам. Унинг отаси ким бўлган, қандай яшаган, тупурдим. У менинг жигарим, томирларида менинг қоним оқмоқда. Неварам келиб шу ерда яшайди.

Лидия шартта:

— У шу ерга келиб яшайдими? — деди.

Симеон унга назар ташлади.

— Сен каршимисан?

Лидия қалласини сарак-сарак қилди. Кейин кулиб:

— Сиз, бирорни уйингизга яшаш учун таклиф килсангиз, мен қандай қилиб карши бўлай? Унинг канакалиги мени қизикириб қолди, холос, — деди.

— Канакалиги дейсанми? Нимани изарда тутяпсан?

— Бу ерда бемалол тура олармикин, демокчиман.

Кария Симеон бошини кўтарди.

— Унинг ёнида ҳемириси ҳам йўқ. Хурсанд бўлишн керак булинг учун.

Лидия елкасини қисди.

Симеон Альфредга ўғирилди.

— Тушун. Бу айрича Рождество бўлади. Ҳамма болаларим атрофимга йигилади. Ҳамма болаларим-а! Билдингми, Альфред? Ана шундан келиб чиқиб фикр қил. Энди топ-чи, иккинчи меҳмон ким экан.

Альфред отасига ҳайратланиб каради.

— Ҳамма болаларим! Топдингми, болам? Бу Харри! Уканг Харри.

Альфред окариб кетди-ю, тутила-тутила деди:

- Харри... бўлиши мумкин эмас...
- Шахсан Харри жанобларининг ўзлари.
- Биз уни ўлган деб юрарлик-ку.
- Йўк, у тирик экан.
- Сиз... сиз уни уйга қайтиб келишга ундаисизми?

Шунча килғиликлардан кейин-а?

— Окпадар, демокчисан-да, а? Гапинг тўғри. Ўтган ишга салавот, Альфред. Биз уни кучок очиб кутиб олишимиз керак.

— Ахир, у сизни ер билан битта қилиб кетди-ку...
Хаммамизиям. У...

— Унинг килғиликларини санаб ўтиришнинг кераги йўқ. Айтаман десанг адo бўлмайди. Эсингда бўлсин, бу — Рождество, гиналар учутиладиган байрам. Биз ўша нокобил фарзандни очик чехра билан кутиб оламиз.

Альфред ўрнидан турди.

— Вужудим аёдар-тўйтар бўлиб кетди. Мен Харри вакти келиб шу хонадонга яна қайтади, деб ҳеч қачон ўйламагандим.

Симеон олдинга энгашди.

— Сен Харрини ҳеч қачон ёқтиргмагансан, тўғрими?

— У сизни ер билан битта қилиб кетгандан кейин...

Симеон кулгига ўхшаган овоз чикарди.

— Ким эскини эсласа — кўзи чиксии. Рождестводан асосин максад хам мана шу, тўғрими, Лидия?

Лидиянинг хам ранги бўзарив кетди. Уям қуруккина қилиб:

— Кўриб турибман, сиз бу йилги Рождествода кўп нарсани назарда тутган экансиз, — деди.

— Мен бутун оила аъзолари атрофимда тўпланишини ўйлаганман. Хаммаям соғ-омон бўлсин. Мен кариб қолган одамман. Кетяпсизларми, болаларим?

Альфред шошиб чиқиб кетди. Лидия хам эрининг орқасидан кўзжалди-ю, кейин тўхтаб колди.

Симеон ўғлининг орқасидан гапириб қолди.

— Ҳаяжонланиб кетди! Харри иккаласи бир-бирини отишга ўки йўқ эди. У Альфредни доим яшиб юрарди. Масхара қилиб: «Аста юрар — тўғри турар», деб жигига теккани-теккан эди.

Лидия кайнатасининг нимадир гапирмокчи бўлиб оғиз жуфтлаб турганини кўриб, ўзини тутди, индамади. Унинг ўзини хотиржам тутиши қариянинг асабини кўзғаган эди. Лидия буни сезиб:

— Чаён билан тошбака¹, лекин биринчи бўлиб тошбака етиб келади-ку, — деди.

— Ҳамма вақт эмас, — унинг гапини бўлди Симеон, — ха, доим эмас, аэзим Лидия.

Лидия хамон ўша-ўша ним табассум билан деди:

— Кечирасиз, Альфреднинг олдига боришим керак эди. Ҳаяжонланиб кетди, ўзини йўқотиб қўйиши мумкин.

Симеон тиржайди.

— Ҳа, Альфред хаётдаги ўзгаришларни хушламайди. Ҳаддан ташқари вазмин.

— Ўғилларингиз ичидаги сизни энг кўи хурмат киладигани Альфред, — деди Лидия.

— Бу сенга жуда ғалати туюлали, тўғримасми?

— Баъзан шунақа туюлган онлар хам бўлади, — тасдиқлади Лидия.

У хонадан чиқди. Симеон орқасидан қараб туриб кулди-ю, кўлларини ишқаб кўйди.

— Ғалати, — минфирлади у, — жуда ғалати. Рождествода ҳаммаси аниқ бўлади.

У ўрнидан базўр турди, кейин ҳассага таянгача хонанинг нариги бурчагида турган пўлат сандик томон юрди. Унинг кодили терди. Эшикни очиб, калтирок қўллари билан ичини титкилай бошлади.

Ундан кичкина халтачани топиб оғзини очди. Кейин бармоклари орасидан хисобсиз олмос доначалари сочила бошлади.

— Менинг гўзалларим. Менинг ўша-ўша садоқатли дўстларим сизлар. Олтин пулларга айланган дамлар қанака ажойиб кунлар эди. Мен сизларни киркишга, текислашга ҳеч қачон изн бермайман, азиз дўстларим. Ҳеч қачон аёлларининг бўйиларини безамайсиз, уларнинг қулокларига, бармокларига тақилиб гўзаллик баҳш этмайсиз. Сизлар меникисиз, кардрон дўстларим. Сиз

¹ Ҳарлик билан истеъоддининг устидан ғолиб келишини англатувчи инглизча ибора.

гаям, менгаям баъзи нарсалар аниқ бўлиб турибди. Айтишларича, мен қарибман, касалмишман, бехуда гап, мен хали соппа-соғман, яшайман. Ох, бу қари кўпракнинг баданида хаёт қанча жўп уаркин. Ҳали мен хаёт чангалидан жиндай бўлсаем, ҳузур, кайф-сафони сўғуриб оламан. Ҳа-ҳа роҳат-фароғатни...

2-қисм.

23 декабрь

I

Эшикдаги қўнғироқ зарб билан чалинди. Тресилиан етиб боргунча қўнғироқ яна чалинди. Тресилианинг жахли чиқди. Қанака тарбиясиз бесабр одам экан бу – жентльменнинг уйига ҳам шунака қўнғироқ қиладими, деган хаёлга борди. Агар бу Рождество гимнини айтадиган янги тўда бўлса, улар билан пачакилашиб ўтиrmайман, деб кўйди.

Эшик оғаси эшикнинг юқори қисмидаги қиров босгаш ойнадан караб баланд бўйли, шляпасининг айвони хиёл настга туширилган йигитни кўрди-ю, эшикни очди. Этнига арzon, бачканга гулли костюм кийган нотаниш бир йигит экан. Эҳтимол, сурбет гадойлардан бўлса керак, деб ўйлади Тресилиан.

– Ё худойим-эй, Терисилиансиз-ку, – хайкириб юборди нотаниш. – Қалайсиз, оксоқол?

Тресилиан келгиндининг юзига бир неча бор синчиклаб тикилиб каради. Ҳа, бу ўша димоғдорлик баҳш эта-диган жағлар. Ўша кирра бурун ва телбанамо кўзлар. Кўп йиллар муқаддам қандоғ бўлса, хали ҳам шундай. Фарки у нактда бунака аниқ кўзга ташланмас эди.

Эшик оғаси ҳаяжонлангандай хўрсишиб қўйди.

– Мистер Харри!

Харри Ли кулиб юборди.

– Афтидан, қўрқитиб юбордим сени. Нимага қўрқасан? Ахир мени кутишяпти-ку. Тўғрими?

– Ҳа, албатта, сэр. Шубҳасиз кутишяпти, сэр.

– Унда нега бунчалик ҳайрон бўлиб колдинг?

Харри ўзини бир неча кадам оркага ташлаб уйнинг тепасига каради. Махобатли, катта-катта қизил ғиштлари чиройли қилиб терилган. Одамда яхши таассурот колдиради.

— Халиям ўша-ўша хунукдаш-хунук эски ховлижой, — деди Харри хулоса қилиб. — Асосийси, халига-ча бузилмаган. Отам қалай, Тресилиан.

— Йогирон бўлиб колди десаям бўлади, сэр. Ўз хонасидан чиқмайди. Кам юради. Анча кувватдан кетган.

— Эҳ, қариб қуюлмаган чол!

Харри Ли башанг шляпаси билан шарфини Тресилианга тутқазиб уйга кирди.

— Хўш, Тресилиан, менинг жонажон акажоним Альфред қалай?

— Соппа-сог, сэр.

Харри тиржайди.

— Мени зорикиб кутаётган бўлса керак-а?

— Шунақа бўлса керак, сэр.

— Бўлмаган гап. Аксинча. Гаров ўйнайман, мен келишимни билиб даҳшатга тушган бўлишини аник. Биз Альфред иккаламиз хеч қачон чиқишмаганми. Тресилиан, сен унда-бунда Инжилии ўқиб турасаними?

— Нега ўқимас эканман, сэр, баъзан ўқиб тураман.

— Саёк ўғилнинг қайтиб келиши бобиши ўқиганимсан? Яхши акасига бу ёқмаган, мутлако ёқмаган. Хушфөъл уй қизи Альфредга ҳам менинг келишим ёқмаслигига ишончим комил.

Тресилиан ерга караганча индамай тураверди. Унинг бу холати сухбат ёқмаганини англатарди. Харри Тресилианинг елкасига қоқди.

— Оқсокол, каш мени хонага бошли-чи, деди у. Мени сузагони бука кутиб турганига ишончим комил. Тўппа-тўғри унинг олдига олиб кир.

Тресилиан:

— Сэр, марҳамат қилиб аввал мана бу ёкка, меҳмонхонага юринг. Ҳозир ким қайси хонага жойлашганини аник билмайман... Сизга машина жўната олмадик, сэр. Чунки қай вактда келишингизни аник билмагандик.

Харри бош қимирлатиб кўйди. Кейин Тресилианинг ортидаи атрофга аланглаб дахлиз бўйлаб кетди.

— Эски буюмлар хали-ҳамон ўша жойида турибди, — деди у. — Менимча, бундан йигирма йил муқаддам шу уйдан чиқиб кетгандың бўлсан, ҳеч нарса ўзгармабди.

Харри Тресилияннинг кетидан меҳмонхонага кирди. Қари хизматкор:

— Бориб қарай-чи, мистер ёки миссис Альфред қаердайкин, — деди-ю, шонга-пеша чиқиб кетди.

Харри Ли хонага кирибок дераза раҳтида ўтирган қизни кўриб хайрон қолганча тўхтаб колди. У кўзларига ишонмай корасоч, кора тўр гўзал қизга тикилиб колди.

— О, худойим! — деб юборди у ҳайратланиб. — Кимсиз, отамнинг еттинчи — энг гўзал хотини эмасмисиз?

Нилар дераза раҳтидан иргиб туриб унга якин келди.

— Мен Пилар Эстравадосман, — ўзини танишириди у.
— Ўзингиз-чи, онамнинг акаси, яъни тоғам Харри бўлсангиз кераг-ов.

Харри уйдан кўзини узмай туриб, деди:

— Шунақа денг-а! Женнининг қизи.
— Қизик, нима учун отамнинг еттинчи хотини эмасмисиз, деб сўрадингиз? Отангизнинг ростдан ҳам олтита хотини бўлганми?

Харри кулиб юборди.

— Йўқ, ўзи аслида конуний битта хотини бўлган. Биласанми. Пил... Отинг нимайди?

— Пилар.
— Гап бундай, Пилар, бу даҳмада сендай бир гулни кўриб эсанкираб қолдим.

— Бу даҳм... Нима дедингиз, илтимос, такрорланг.
— Қўриқчилар билан лик тўла музейда демоқчийдим? Бу хонадондан мен ҳамма вакт жирканиб келганим. Уйга қайта кирдиму одатдагидан ҳам баттар деган хуросага келдим.

Бу гаплардан қаттиқ ҳайратга тушган Нилар ҳаяжонланиб кетди.

— О йўғ-а, бу ер жуда гўзал экан. Мебеллар антика, ҳамма ёқлаги жимжимадор гулларга тўла юмшоқ гиламларни каранг. Булар барни жудаям сифатли, унинг устига қиммат.

— Бу жиҳатдан гапинг түғри, — кулди Харри. Сұхбат унга ёқиб түшгән эди. — Биласаңми, сендей гүзәл қызни мана шу анжомлар орасыда күриб хечам ўзимга...

У гапини тугатолмади, хонага Лидия кириб түғри Харрига томон юриб кела бошлади.

— Салом, Харри. Мен Альфреднинг хотини Лидияман.

— Салом, Лидия, — Харри Лидияга құл чўзаркан, уннинг ёқимли чехраси, чиройли юришига беш кетди. «Бунака гүзәл юринш ҳамма аёлларга ҳам насиб этавермайди.

У гарчанд ёқимли бўлса-да, нихоятда қаттиккўл. Бунака одамга ҳеч қачон ишонмаган бўлардим...» деб қўйди ичида.

Лидия ҳам бир зум унга бошдан-оёқ қараб, табассум билан:

— Қалай уй, шунча йил кўрмадинги? Ўзгариш борми ёки ҳали ҳам ўша-ўшами?

— Деярли ўша-ўша, — у хонага назар ташлаб чиқди. — Лекин хоналар таъмир қилинганми?

— О, кўп марга.

— Сизнинг раҳбарлигинги остида бўлса керак. Сиз тамоман ўзгартириб юборисиз.

— Ҳа, эҳтимол.

Харри кутилмаганда унга қараб шодон кулиб қўйди. Харрининг кулгиси қария Симеоннинг кулгисига ўхшаб кетганидан Лидия титраб кетди.

— Энди тамоман янгиланиб кетибди. Акам Альфред боболари замонида бу ерларга келиб қолган одамнинг қизига уйланибди, деган гап қулогимга киргандек бўлганди.

Лидия кулиб деди:

— Балки, шундай бўлгандир. Лекин у замонлар ўтиб, одамлар ҳам ўзгариб кетган.

— Альфред нечага кирди? — сўради Харри. — Ҳалим илгаригидай зикна ва мўминтой бўлиб юрибдими?

— Уни ўзгардими, йўқми деб нимани назарла туваётганингизни билолмай турибман.

— Бошқалар қалай? Бутун Англия бўйлаб сочилиб юришибдими?

— Йўк, ҳаммаси Рождество байрамига стиб келиши.
Ди.

Харрининг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди.

— Рождествода бугун оила аъзолари йиғилмокчими? Кариға нима бўлди? Бунақа оиласий биродарлик туйгулари унга бир умр бегона бўлиб келган эди-ку. Ундан ташқари отамниң оила билан бирон марта бўлсин қизикканини эслолмайман. Қайта тугилганга ўхшайди.

— Эҳтимол, — қуруқкина қилиб деди Лидия.

— Акам Жорж қалай? — сўради Харри. — Ҳалиям ўша-ўша зинқами? Ёшлигига чўнтағидаги пулдан ярим тийин бирорвга ўтиб қолса, додлайвериб ҳамма ёкни бузб յуборарди.

— Жорж хозир парламент аъзоси. Уэстеримдан вакил.

— Нима? Ўша чағир кўз парламентга аъзо бўлганми? Ана буни қаранг-а!

Харри бошини оркасига ташлаб ҳаҳолаб кулиб юборди. У шу қадар қаттиқ кулдики, бу кулги мўъжазгина хонада унинг қўпол ва одобсизлигига далил бўлиб янгради. Пилар ҳайрон бўлганидан оғзи очилиб қолди. Лидия бўлса, чўчиб тушди.

Харри оркасида харакат шарпасини сезиб ўгирилди. Караса, эшикнинг олдида Альфред жимгина Харрига ғалати қарав қилиб турибди.

Харри котиб қолди. Бир оздан кейин унинг лабларида табассум ўйнади. У акасига қараб юрди.

— О, Альфред, ўзингмисан?

Альфред калласини қимирлатиб кўйди.

— Салом, Харри.

Улар бир-бирига тикилиб қолишли. Лидия енгил нафас олди. «Бу қадар ҳам аҳмокчилик бўладими, — унинг ҳаёлидан шу фикр кечди. — Ҳудди бир-бирини гажиб ташлашга тайёр турган итларға ўхшайди-я».

Ниларниң кўзлари яна ҳам каттароқ очилди. Аччиғи чиққанидан «қимирламай бир-бирига рақиблардай тикилиб туришини қара, нега улар бир-биришнинг қучогига отилишмаяпти? Ҳа, инглизларда бунақа одат йўк. Лекин жилла курса, яхширок гаплашса бўлади-ку. Нимага бир-бирига ўқрайиб туришибди» — деб ўйлади.

Нихоят Харрининг тили калимага келди.

— Биласанми, яна кайтиб келишим ғалати кўриняпти.

— Эҳтимол. Сен уйни тарқ этиб кетганингдан буён... кўп сувлар окиб кетди.

Харри бошини силкиб энгагини силаб қўйди. Бу унинг одати бўлиб, бироннинг жиғига тегмоқчи бўлса, шундай қилиб қўярди.

— Умуман олганда, — деди Альфред, — келганингдан хурсандман... — бир оз тўхтаб сўнгги сўзига алоҳида ургу берди, — ўз уйингга...

II

— Эҳтимол мен энг фосик одам бўлгандирман, — деди Симеон Ли.

У ўриндикка суюниб олган, ўйга ботганча энгагини кўтариб бир бармоги билан силаб ўтиради. Каршисида каминдаги оловнинг тилчалари ўйнаб туриди. Ёнида кўлида панье-маше¹дан килинган қалқонча ушлаган Пилар ўтиради, бу билан оловнинг ҳонуридан юзини тўсиб олган. Онда-сонда у билан ўзини елпиб ҳам қўярди. Симеон бўлса унга тикилар ва бундан ҳузур килаётганини яшириб ҳам ўтирмасди...

У худди ўзи билан ўзи сўзлапаётгандай гапдан тўхтамас, ёнида гўзал қизнинг ўтириши эса унга илхом берарди.

— Ҳа, мен ахлоқсиз бўлғанман. Сен нима деб ўйлайсан?

Пилар елкасини қисди.

— Ҳамма эркаклар ҳам ахлоқсиз бўлишади. Рохибалар шунаقا дейишади. Шунинг учун уларнинг гунохини худодан сўрапи керак.

— Лекин мен ҳаммаданам худо ургани бўлғанман. — Симеон кулиб юборди. — Лекин бундан афсусланмайман. Заррачаям. Мен ҳар бир дақиқадан... роҳатланиб фойдаланғанман. Одамлар, одам қариганда килган гунохларига тавба қилиши керак, дейишади. Бўлмағур гап.

¹ Елим, гипс ва бўр қўшиб аралаштирилган коришма. Пресслаб ҳар хил буюмлар ясашда ишлатилади.

Мен тавба килмайман. Айтудим-ку ахир сеңга, килмаган ишим қолмаган деб. Гунохим күп, кимларни дир алдаганман. Нимани дир ўғирлаганман, ёлғон гапирганман. Худо урсин ёлғон бўлса. Эҳ, аёллар! Ҳамма вакт аёллар билан ишим бўлган. Кимдир менга бир араб шайхининг кирк ўғлида шахсий соқчи бўлганлигини гапириб берган эди. Ҳамма ўғиллари деярли тенгдош бўлган экан. Ҳа-ха. Қирқта! Билмайман, қиркта фарзанди бўлганлиги менга коронфи-ю, лекин гаров ўйнайман, агар болаларимнинг башарасини кўришни хоҳлаганимда, мен ҳам уларга шахсий соқчи асрарим мумкин эди. Бунга нима дейсан, Пилар? Қалай, хайрон бўлмаяпсанми?

Пилар бошини кўтариб Симеон Лига каради.

— Нима учун хайрон бўлишим керак экан? Эркак киши аёлларнинг кўнглини овлани керак. Менинг дадам ҳам шундай бўлган. Шунинг учун ҳам аёллар кўпчилиги бахтсиз бўлишади. Черковга боришади, ибодат килишади.

Кари Симеон ковоғини солди.

— Мен Эдилейдин бахтсиз қилганман, — деди у секин ҳамсухбатини унутиб, ўзи билан гаплашаётгандай. — Эҳ, худойим, аёллар нега бунақайкин-а! Мен унга ўйланганимда, бадани оппок, юзлари кип-қизил анордай, худди тортилган суратдай гўзал эди. Кейин нима бўлди? Йиғидан боши чикмади. Хотин кини тинимсиз шикоят килаверса, минғирлаб йиғлай берса, эркак вахшийлапиб кетаркан. Иродаси букилади. Эдилейдинг айби шу эди. Жилла курса менга бир марта бўлсин гап кайтаргандаям майлийди. Ҳеч қачон юзимга тик қарамаган. Унга ўйланганимда энди бўлди, оила кураман, илгариги саёқ юришларимга бархам бераман, деб ўйлагандим...

У каминдаги оловга қараганча жимиб қолди.

— Оила курдим... Э, худойим-а, шуям оила бўлди-ю, — у заҳархандалик билан кулиб юборди. — Ҷуларга бир қара. Йўқ, уларга яхшилаб назар сол. Биронтасида фарзанд йўқ. Наслимизни ким давом эттиради. Наҳотки уларнинг томирида заррачаям менинг коним окмаётган бўлса? Никоҳсиз бўладими, никоҳлими биронтасида ўғил йўқ. Альфредни қара: э худойим-эй, итга ўхшаб ялинчоқ кўзлари билан қараганда бутун вужудим

музлаб кетади. Ўзинги томдан ташла десам ташлашга тайёр. Шунақаям аңқов бўладими одам деган. Лидия хотини, у менга ёқади. Мени яхши кўрмаслиги бор гап. Ўша ювош эрини леб мен билан чиққишишга мажбур. — Чол камии ёнида жимгина ўтирган қизга қараб қўйди.

— Пилар, эсингда бўлсин, ҳаддан ташқари садокат ҳам одамни эзиб ташлайди.

Пилар унга қараб кулиб қўйди. Қизининг карашмасидан ва ўзини якин тутишидан жонланған чол давом этди:

— Жорж-чи? У қанақа одам? Эшакмия! Вужуди муз. Бориб турган маҳмадана, мияси йўқ, бунинг устига хасис. Ёки бўлмасам Дэвидни олайлик. Бир умр акл кирмаган, аҳмок ва хаёлпарат. Опасининг эркаси эди. У мана шунақа. Битта қилган ақлли иши зеҳнли аёлга ўйлангани — уни кўргансан, — чол ўриндигининг тирсак кўядиган жойига шапатилаб уриб қўйди. — Харри болаларимнинг ичида бутунроғи. Бечора, йўлини тополмай юрибди. Ҳар холда озгинча бўлсаям юрагида ўти бор.

Пилар унинг бу гапига кўшилди.

— Ха, у келишган. У осмоига қараб ҳахолаб қулади. У менга жуда ёқади.

Кария Пиларга қараб қўйли.

— Шунақами? Харри қизларга жуда ёқади. Бу тарафдан отасига тортган. — У хироиллаганча овозини чўзиб кулди. Мен яхши яшадим. Ха, жуда яхши яшадим. Ҳаммасини кўрдим.

— Испанияда бизда шунақа бир иакл бор, — деди Пилар. — Худо айтаркан: бу дунёда хоҳлаган нарсангни олгин, лекин қарзингни тўлаб орани очиқ ҳам килиб қўй.

Симеон буни маъқуллагандай ўриндикка уриб қўйди.

— Яхши. Тўғри гап. Нима хоҳлаган бўлсам олдим...

— Орам очиқ килиб кўйилгани қарзни тўлаб?

Симеон кулишдан тўхтаб, ўриндикка тўғри ўтириб олди-ю, Пиларга тикилди.

— Нима лединш?

— Мен, олган нарсангизнинг ҳақиниям тўлаб кўйганмисиз, ледим, бобожон.

Симеон Ли ўйланкираб жавоб берди:

— Билмайман...

У тўсатдан пайдо бўлган ғазабини босолмай ўриндикни уриб юборди.

— Кизча, бунақа савол беришга сени нима мажбур килди?

— Билишга қизиқаман-да, — деди Пилар.

У қўллари билан юзини ярим тўсганча котиб қолди. Кўзлари эса сирли ва айсрона бокиб турарди. Пилар ўз ноз-карашмасининг кучига ишонган кўйи бошини магнур кўтариб олган эди.

— Ах, шайточча... — вишиллади Симеон.

Пилар аста ганира бошлади.

— Лекин мен сизга ёқаман-ку, бобожон. Сиз билан бирга ўтиришимни яхни кўрасиз-ку.

— Ха, яхши кўраман. Сендей ёш ва гўзал санам билан гаплашмаганимгаям анча бўлди. Гаплашиб ўтириб қариб шиқиллаб қолган суюкларимга иссиқ югурди. Ахир сенинг томирларингда менинг қоним оқяпти-ку... Жениферга офарин, онламизда энг муносиби шу бўлиб чиқди.

Пилар кулиб кўйди.

— Эсингда тут, мени лақиллатолмайсан, — деди Симеон. — Менинг вайса०ларимга чида ўтиришингнинг сабабини яхши биламан. Ҳамма гап шулда, ха, бойликла... Ё, қарн бобонгни ростдан ҳам севаман, деб ишонтирмокчи бўлайсанми?

— Йўқ, мен сизни севолмайман, — жавоб берди Пилар. — Лекин сиз менга жуда ёқасиз. Бу ҳак гап, бунга ишонишнингиз керак. Биламан, сиз ахлоқсиз хаёт кечиргансиз. Мана бу ҳам менга ёқади. Вужудишизда хаётга бўлган интилиш оила аъзоларингизнинг ичидаги факат сизда кўпроқ бўлган. Кўп гаройиб воқсаларни гапириб беряпсиз. Дунёни кезиб чиқибсиз, хаётнингиз гўзал саргузаштларга бой. Агар эркак бўлганимда мен ҳам худди шундай қилган бўлардим.

Симеон маъқуллаб кўйди.

— Ха, гапингга ишонаман... Бизнинг томирларимизда лўлиларнинг қони оқади, дейишади. Ҳаррини хисобга олмагандан бу нарса бошқа болаларимда намоён бўлгани йўқ. Лекин билишими, бу сенда ҳам ўзини намоси қилганга ўхшайди. Билиб кўй, керак бўлганда мен жуда сабр-бардошлиман. Бир вактлар мени лақиллатган одам-

дан ўчимки олиш учун ўн беш йил кутишимга түнри келган. Сабр-бардош Лининг характеридаги асосий нұкталардан бири. Улар буни эсдан чикаришмайды. Йиллар ўтиб бўлса ҳам улар ўз насибаларини олишади. Ҳалиги одам мени роса чув туширган эди. Кулай фурсат келишини ўн беш йил кутдим, охири шундай зарба бердимки, охир-окибат хонавайрон бўлиб, шир яланғоч қолди.

У аста кулиб қўйди.

— Бу воқеа Жанубий Африкада бўлғаними? — сўради Пилар.

— Жуда ажойиб ўлка, у ер.

— Демак, сиз у ёкка қайтиб борган экансиз-да?

— Оила қурганимдан кейин беш йил ўтиб борганман.

Бу охирги боришим бўлди.

— Унгача-чи? У ерда кўп вақт турғанимисиз?

— Ха,

— Булар ҳакида гапириб беринг.

Чол гапга тушди. Пилар юзини елпифич билан елпип эшита бошлади. Униш овози пасайиб кейин тўхтади.

— Шошма, хозир сенга бир нима кўрсатаман. — Симеон аста ўриндиқдан турди, ҳассага таяниб оқсоқтаганча хонада юра бошлади. Катта пўлат сандикнинг олдига бориб уни очди. Кейин қизга ўгирилиб ёнига чакирди.

— Мана бу тошчаларни қара. Ушла, бармоқларинг орасидан шопир.

Чол қизнинг ажабланиб турган юзига караб кулиб юборди.

— Буларнинг нима эканлигини биласанми? Болам, олмос дейдилар буни, олмос.

Пиларнинг кўзлари хайратдан катта-катта очилиб кетди, у тошларни яна бир кўздан кечириб чикиб хайкириб юборди: — Ахир булар майда тошлар-ку!

Симеон кулиб қўйиб леди:

— Йўнилмаган олмослар булар. Буларни мана шундай ҳолатда топиб олишади.

Пилар ишонкирамай сўради:

— Уларга ишлов берилса, кейин ҳакиқий олмос бўладими?

- Албатта.
- Оловдай ёниб яркирайди ҳамми?
- Пилар болаларча соддалик билан деди:
- О, ишонгим келмайди.
- Ростдан шунақа бўлади.
- Бахоси қимматми?
- Жуда қиммат. Ишлов бермасдан бир нима дейини
қийин. Ҳар холда мана шу кичкина қопчик бир неча
минг фунт туради.

Пилар бир оз жимлиқдан сўнг сўзларни бўлиб-бўлиб зўр-базўр гапирди:

- Қанча... минг фунт?
- Тўккиз — ўн минг, кўрмаяпсанми, йирик-йирик.
- Пилар ажабланиб сўради:
- Унда буларни нега сотмайсиз?
- Чунки уларни шу ерда ушлаб туриш менга ёқади.
- Ахир бу жуда кўп пул бўлади-ку.
- Менга пул керакмас.
- Ҳа, бундай дeng. Унда, — деди Пилар, — нега
ишлов бериб чиройли килишга тошишрмайсиз.

— Чунки буларнинг шундай туришини хуш кўра-
ман. — Чолнинг башараси тумшайди. Юзларини ўгириб
зўр-базўр эшитиларли қилиб минғирлади. — Мен бу-
ларни кўлга олиб бармокларим орасидан сизиб ўтказсам
ўтмишимга қайтаради... Бошимга яна ўша қуёш нурлари
тушгандай бўлади, турфа гулларнинг ислари димонимга
урилади. Буқалар, дўстим қари Эб, йигит-яланглар, ажо-
йиб оқшомлар хотирамда жонланиб, уларни кўргандай
бўламан.

Эшик енгил тақиллади.

- Буларни пўлат сандикқа кўйиб эшигини ёп,
— деди Симеон. Кейин: — Киринг, — деди.

Хорбури одатдагилек тавозе билан товушсиз кириб
келиб маълум килди:

- Настда нонушта тайёр.

III

- Шу ерда экансан-ку, Дэвид, — деди Хилда. —
Мен бўлсам сени қидириб ҳамма ёқни айланиб чиқдим.
Юр. бу ердан чиқайлик, хона жуда совук экан.

Дэвид тезда жавоб бера колмади. У ранги ўчиб кетган гулдор ўриндиққа тикилғанча котиб турарди, кейин:

— Бу онам ўтирадиган ўриндиқ, — деди. — Доим мана шу юмшоқ курсида ўтиради... Каңдай бўлса шундай турибди. Факат озгина ранги ўнгибди, холос.

Хилданинг кенг пешанасида майда чизикча пайдо бўлди.

— Тушунаман. Дэвид, кетдик бу срдан. Хона жуда совук экан.

Дэвид унинг гапларига эътибор бермади. Хонага аланглаб қараб шундай леди:

— Онам кўп вақтини шу ерда ўтказарди. Мен эсам мана бу стулга ўтириб олардим, онам менга китоб ўқиб берарди. Китобнинг номи «Жек улкашлар котили» эди. Ҳа-ҳа, ўша китобнинг номи шундай эди. Ўшандада мен олти ёшда эдим.

Хилда келиб шартга унинг қўлтиғидан олди.

— Азизим, юр меҳмонхонага. Бу ер иситилмас экан.

Дэвид уига бўйсуниб ўгирилди. Лекин хотини эрининг бадани енгил қалтираётганини сезди.

— Ҳаммаси қандай бўлса, — шивирлади у, — ҳаммаси қандай бўлса, ўшандок. Худди вақт тўхтаб қолгандай.

Хилда қандайдир безовта эди. Лекин ўзини қувноқ тушишга иштиларди.

— Қизик, ботқалар касрда экан? Нонушта пайти ҳам бўлиб колди.

Дэвид Хилдалан қўлини бўшатиб, бошқа эшикни очди.

— Ўшандада мана бу ерда пианино турарди... Ия, халиям жойида турибди-ку. Қизик, созланганмикин?

У стулга ўтириб пианинонинг қопқонини очди. Бармоқлари клавишларнинг устида аста йўрғалай бошлиди.

— Балки буни вақти-вақти билан созлаб туришгандир.

Дэвид пианинони чалиб кўрди.

Кейин ўтириб, босиқлик билан чалишга тушди. Унинг бармоқлари остидан чиккан куй бир маромда хона бўйлаб тараала бошлиди.

Хилда:

— Қайси куй бу? Лекин жуда таниш, қайси куйлигини эслолмаяпман, — леб сўради.

— Бу куйни чалмаганимга ҳам анча бўлди, — деди Дэвид. — Онам шу куйни жуда яхши кўрарди. Бу Мендельсоннинг «Сўзсиз кўшиқ» куйи.

Юмшоқ, қалбларни аллаловчи майин куй хонани тўлдириб юборди. Хилда:

— Илтимос, Моцартдан бир нима чалиб бер, — деди.

Дэвид калласини кимирлатди-ю, Мендельсоннинг бошқа куйини чала бошлади.

Кейин бирдан клавишлардан кўлини узиб, бир харатат билан шартта ўрнидан турди. Унинг бутун вужуди қалтиради. Хилда унинг ёнига келди.

— Дэвид, Дэвид...

— Кўявер, кўявер, хозир ўтиб кетади, — деди у.

IV

Кўча эшикнинг кўнғироги қаттиқ жириングлади. Буфетда ўтирган Тресилиан ўрнидан туриб, аста эшик томон йўналди. Кўнғирок такрор чалинди. Хизматкор эшикдаги ойнадан хўмрайиб қаради-ю, шляпасининг кенг айвони пастга эгилган эркак кинининг корасини кўрди.

Тресилиан кўлини пешанасига кўйиб тикилди. Нима, шайтои васвасасими бу: ҳаммаси такрорланаётганга ўхшайди.

Ха, илгариям худди шундай бўлган эди. Эсида турибди.

Эшик зулфини итариб очди-ю, хотиржам бўлди. Эшикда турган киши сўради:

— Мистер Симеон Ли шу ерда яшайдими?

— Ха, сэр.

— Мумкин бўлса уни кўрмокчи эдим.

Нотаниш кимсанинг гап оҳангি ниманидир элас-элас эсга солди. Тресилиан бу овоз эгасини бир вақтлар мистер Ли Англияга биринчи бор келганда эшитган эди.

У тараффудланиб жавоб берди.

— Сэр, мистер Ли ногирон. У камдан-кам ҳолларда бирорни қабул киласди. Агар сиз...

Нотаниш одам унинг сўзини бўлди. Чўнтағидан конверт чиқариб эшик оғасига узатди.

— Илтимос, мана шуни мистер Лига берсангиз.

— Хўп бўлади, сэр.

Симеон Ли конвертни очиб, ичидан бир варак көноз олди. Ажабланиб қошлари юкори күтарилди ва кейин кулиб күйди.

— Мүйжиза, ха-ха, бошқа нарса эмас, — деди у. Кейин эпик оғасига мурожаат қилди.

— Мистер Фаррни бошлаб кел, Тресилиан.

— Хўп бўлади, сэр.

— Хозиргина ўзим хам кекса дўстим Эбиназар Фаррни ўйлаб турувдим, — деди Симеон, — Кимберлидаги шеригим. Карабсанки, унинг ўғли эшик коқиб туриди. Тағин ёлғиз ўзи.

Тресилиан қайтиб келиб:

— Мистер Фарр келди, — деб маълум қилди.

Стивен Фарр оёқлари қалтираб қадам ташлаши на-тижасида пайдо бўлган асабий ҳаяжон билан кириб келди. Гапирганда унинг жанубий африкалик одамларга хос талаффузи яна хам кўпроқ сезила бошлади.

— Мистер Лимисиз?

— Кўрганимдан хурсандман. Демак, сиз Эбанинг ўғли экансиз-да?

Стивен Фарр хижолат тортуб кулиб кўйди.

— Кўхна Англияга биринчи бор келишим, — деди у. — Агар Англияга бориб қолсам, отам доим сизни из-лаб топишм кераклигини уқтиради.

— Тўғри қилибсиз, — деди қария ўгирилиб. — Мана бу дўндиқча меснинг неварам Пилар Эстравадос.

— Миннатдорман, — деди Пилар мулоиймлик билан. Стивен Фарр бундай учрашувдан қоникиш ҳосил килиб: «Оббо шайтонча-ей, мени кўриб ўзини билмаганга солди-я. Фақат бир дакиқа довдиради, холос», деб кўйди.

Стивен бир оз ҳаяжон билан жавоб берди:

— Мисс Эстравадос, сиз билан танишганимдан бехал хурсандман.

— Ташаккур, — деди Пилар.

Стивен Ли Фаррга қараб:

— Ўтиринг, менга ўз ҳақингизда гапириб беринг. Англияга узок муддатга келдингизми? — деди.

— Энди келиб олдим, бу ёғига шошилмайман.

Симеон кулиб юборди.

- Тўғри қиласиз. Бирмунча вакт бизникида туришингиз ҳам мумкин.
- Раҳмат, сэр. Бирорининг хонадонида ноқулайлик түғдеришдан хижолат тортаман. Рождествога бор-йўғи икки кун қолди.

— Рождествони биз билан бирга нишонлангиз мумкин, ёки бошқа режаларингиз борми?

— Йўқ, хеч қанақа режам йўқ. Лекин менга жуда... ноқулай. Симеон унинг гапини бўлди:

- Демак, масала ҳал. Пилар:
- Ҳа, бобожон.
- Бор, Лидияни чакир. Байрамда яна битта меҳмонимиз бўлади. Олдимга кириб кетсин.

Пилар туриб чикиб кетди. Стивен унинг орқасидан кўз кири билан кузатиб қолди. Бу ҳол Симеоннинг назаридан четда қолмади.

- Бу ёкка тўғри Жанубий Африкадан келятсизми?
- Шундай деса ҳам бўлади.

Орадан бир неча дакика ўтиб, Лидия кириб келди.

— Бу йигит Стивен Фарр бўлади, — танишириди Симеон. — Эски дўстим ва шеригим Эбиназар Фаррнинг ўғли. Агар сен унга биронта хона ажратиб бера олсанг, Рождествони биз билан бирга ўтказади.

Лидия табассум килди.

— Топилиб колар, — леди у ва нотаниш йигитнинг қуёшдан қорайган юзига, кўм-кўк кўзлари ва алп қоматига назар ташлади.

— Бу келиним, — танишириди Симеон Лидияни.

— Барибир ўзимни ноқулай сесаман, — леди Стивен хижолат чекиб. — Хеч қандай огоҳлантиришсиз оиласвий тантанангизга сукилиб кириб олишинм қандай бўларкин.

— Болам, энди сен оиласмиз аъзоси бўлдинг, — леди Симеон, — ўзингни шундай деб ҳисоблайвер.

— Жуда олижаноб экансиз, сэр.

Пилар хонага қайтиб кирди. У аста камин олдига чўқди-да, еллигични олди. Кейин билакларини аста букиб ўзини елший бошлади. Унинг кўзлари одоб билан пастта эгилган эди.

3-қисм.

24 декабрь

I

— Дада, сиз ростдан хам шу ерда қолишимни хохлаяпсизми? — сўради Харри. У бошитни орқага ташлаб олди. — Мен назаримда арининг инини кўзғаб қўйганга ўхшайман.

— Кайси маънода? — кескин қилиб сўради Симеон.

— Мана, Альфредни олайлик, — деди Харри. — Акажоним келганимдан жуда хафа.

— Парво килма! — шанғиллади Симеон. — Бу уйда хўжайин мен.

— Шундай бўлса хам, сэр, назаримда, сиз хам маълум дараҷада Альфреднинг кўлига қараб қолгансиз. Мен ораларингизга совукчилик туширишни истамайман...

— Сен мен шимани хохласам шуни қиласан, — унинг гапини бўлди отаси.

Харри эснади.

— Ўарибир бу ерда муқим қолиб кетишимиға ишонолмайман. Дунё кўрган одамга уйда тикилиб ўтириш жуда оғир.

— Ўйланаб, оила курсанг бўлармили, — деди отаси.

— Кимга уйланаман? — сўради Харри. — Афсус, ўз жиянимга уйланолмайман-да. Жудаям оғатижон экан, қурмағур.

— Харҳолда сезибсан-да?

— Уй шароитига келсак. Лапашанг Жорж сиртдан қараганда жуда яхши ўришиб олганга ўхшайди. Хотини қанақа аёл?

Симеон елка қисди.

— Каердан билай? Афтидан, Жорж уни модалар намойиншида тоғланга ўхшайди. Айтишича, отаси истеъфодаги денгиз офицери экан.

— Қандайлир юқ ташувчи кема командирининг иккинчи ёрдамчисидир-да, — деди Харри менсимай. — Агар Жорж ўзини эркакка ўхшаб тутмаса, бошида ёнғоқ чақади.

— Жорж ахмок, — деди Симеон Ли.

— Нимасига ишониб унга тегдийкин? Пулига учдимикин? — леб сүради Харри.

Симеон елка кисди.

— Альфреднинг эсини киритиб қўяман леб ўйлашизми? — леб сүради Харри.

— Уни тезда ўзига келтириб қўямиз, — сарканилик билан минфирилади Симеон.

У ёнидаги стол устида турган кўнгирокни чалди. Бир зумда Хорбури пайдо бўлди.

— Мистер Альфредни бу ерга таклиф килинг.

Хорбури чиқниши билан Харри шошилмай леди:

— Бу нусха эшик ортида туриб ҳамма гаига қулок солади.

— Эҳтимол, — елка кисди Симеон.

Хонага шоша-пиша Альфред кириб келди. Бу ерда укасини кўриб ҳаяжондан ёноғи уча бошлади. У Харрини назар-писанд қилмагандай Симеон Лига мурожаат қилди:

— Дада, мени чақирдингизми?

— Ха, ўтири. Мен бундан буён уйимизда яна икки одам яшашини эътиборга олиб унча-мунча ўзгариш қиласакмикан, леб ўйлагандим.

— Иккита одам?

— Пилар, табний шу ердан бошпана топмоқчи, Харри ҳам бир умрга қайтиб келди.

— Харри шу ерда яшамоқчими? — сўради Альфред.

— Нега яшамас эканман, хаққим йўқми, ака? — леди Харри.

Альфред шаҳд билан ўгирилди.

— Менимча, яшаш-яшамаслигингни ўзинг яхши билсанг керак.

— Кечирасану, ганингни тушунолмаяпман.

— Нимасини тушунолмаяпсан? Шунча қилғиликларни килиб қўйиб-а? Бемаъни хатти-харакатларинг, жанжал-тўполонларингдан кейин...

Харри қўлни силкиди.

— Булар бари ўтмишда қолиб кетди, ака.

— Отангнинг тузига тупуриб, уни оёқости қилганларинг-чи.

— Менга қара, Альфред, менимча бу масалани қандай хал қилиш сепинг эмас, отамизнинг иши. Агар нада-

римиз бўлган кўнгилсизликларни кечириб, ўтган ишга саловот деса...

— Кечираман, — деди Симеон. — Нима бўлсаям Харри менинг пушти камаримдан бўлган фарзандим, Альфред.

— Лекин бу барибир менинг ғазабимни қўзгайди. Бу гапларини отамизни, унинг ҳозирги холатини ўйлаб айтяпман.

— Харри шу ерда яшайди, тамом-вассалом, — деди Симеон. — Мен шунни хоҳлайман. — У шундай леб ўғилларининг слкасига қўлини қўйди. — Мен Харрини яхши кўраман.

Альфред ўрнидан туриб хонадан чикиб кетди. Унинг ранги бўздай оқариб кетганди. Унинг кетидан шодон кулганча Харри ҳам чиқди.

Симеон кулиб қўйди. Кейин шарпа сезиб, чўчиб оркасига қаради.

— Ким у, шайтон ургур! Сизмисиз, Хорбури? Бу нима қилиқ, мудом ўғринча пусиб юрасиз-а!

— Уэр, сэр.

— Майли. Қулок солинг. Сизга бир нечта топшириғим бор. Ҳамма — тушуняпсизми, ҳамма тушликдан кейин шу ерга келишсан.

— Хўп бўлади, сэр.

— Яна. Улар келишганда сиз ҳам киринг. Лекин бу ерга киришдан олдин йўлакнинг ўртасида мен эшитадиган қилиб овоз беринг. Нима десангиз ҳам майли. Тушунарлимиз?

— Ха, сэр.

Хорбури пастта тушиб кетди. У, Тресилинга:

— Агар билгингиз келса, айтиб қўяй, Рождество жуда хүш кайфиятда ўтадиганга ўхшайди, — деди.

— Буни қаңдай тушуниш мумкин? — деди Тресилиан норози оҳангда.

— Шошмай туринг, мистер Тресилиан, ҳали ўзиңгиз кўрасиз. Бугун арафа, ҳамма ёқда Рождество рухи сокин кезиб юрибди. Лекин бу ерда эса шубҳам бор.

Улар хонага киришиб, девор бўйлаб туриб колишди.

Симеон телефонда гаплашаётган эди.

У кўли билан:

— Ҳаммангиз ўтиринглар. Мен бир дакиқадан кейин бўшайман, — дегандай ишора килди.

— «Чарлтон, Хожкинс ва Брейс» фирмасими? Чарлтон, бу сизмисиз? Сиз билан Симеон Ли гаплашыши. Ҳа, ёлғонми? Ҳа... Йўқ. Мен янги васиятномани расмийлаштириб қўйсангиз, девдим... Ҳа, аввалги васиятномани ёзганимга ҳам анча вакт бўлди... Вазият ўзгарди... Йўқ, унчалик шошилинич эмас. Рождество байрамида кайфиятингизни бузишни хохламайман. Дейлик, боксингдей¹ кунлари ё бирон кун кечрок келинг, гаплашиб оламиз. Йўқ, ҳаммаси жойида. Ҳали у дунёга шошиластганим йўқ.

У гўшакни қўйди, кейин ўзининг саккизта онла аъзосига кўз ташлади. Кулиб қўйиб:

— Жа, қовок-тумшуқларини осилиб кетган. Нима бўлди? — деди.

Альфред жавоб берди:

— Бизни чақирирганмидингиз...

Симеон унинг ганини бўлди:

— О, узр сўрайман, тинчингизни бузибман-да. Айтарли гап йўқ. Оилавий маслаҳатга чақирибди, деб ўйлагингизми? Йўқ. Бугун бир оз чарчадим, бор гап шу. Тушлиқдан кейин хеч ким мени безовта қиласин. Дам олмоқчиман. Рождествони бардам бўлиб кутиб олмоқчиман.

У йигилганларга караб кулиб қўйди. Жорж бир оз эсанкираб:

— Албатта... албатта... — деб қўйди.

— Рождество қадимдан қолган энг катта байрам, — деди Симеон. — Ҳар қандай оилани бирдам бўлишига чорлайдиган байрам. Тўғрими, азизим Мегдалин?

¹ Инглизларнинг одати бўйича Рождество байрамидан иккى хафта оддин хат ташгуучилар, хизматкорлар ва бошқаларга совға-саломлар улашилаштган кўплар.

Мегдалии бу кутилмаган гапдан ирғиб тушди. У ўзининг кичкинагиша оғзини бир очиб, яна ёпиб олди. Кейин деди:

— О, ха, албатта.

— Шошмай тур, сен истеъфодаги денгиз офицери бўлмиш отанг билан яшагансан-а. Рождествоони катта тантана билан байрам қилганингизга кўзим етмайди. Бунинг учун оила аъзолари кўп бўлиши керак.

— Ха-х-ха, шундай.

Симеон назарини ушинг эрига қаратди.

— Мана бундай яхши кунда кўнгилсиз нарсалар ҳакида одамнинг гаширгиси келмайди, лекин Жорж, оила харажатларига кетаётган маблагни бир оз камайтирсан керагон. Якин кунларда хонадонимизга сарфланадиган харажатларим кўпайса ажабмас.

Жоржнинг юзлари кўкариб кетди.

— Дада, нималар деяпсиз? Бундай килолмайсиз.

— О, хали менми бундай килолмайдиган? — деди Симеон овозини кўтармай.

Хозирининг ўзида харажатларим кўпайиб кеттан. Жуда катта харажатлар. Тўғрисини айтсан, хозирдаёк рўзгорда учини учига етказа олмаяпман. Ҳамма нарсадан тежашга тўғри келяпти.

Хотининг тежаброқ сарфласин, — деди Симеон. — Камрок харжлаш йўлларини аёллар жуда яхши билишади. Улар эркакларининг хаёлига келмаган тежаш йўлларини излаб топинга уста бўлади. Ақлли хотин кийинни ўзига-ўзи тикиб олаверади. Эсимда, мархум хотиним бичиш-тикишга жуда моҳир эди. Ҳа, ҳамма нарсани ўзи қиларди, ажойиб аёл эди, лекин ўтакетган ёқимсиз эди.

Дэвид санчиб туриб кетди, отаси унга караб:

— Ўтир, болам, бўлмаса бирон нимани ағдариб юборадиган важохатинг бор.

— Менинг онам... — деб Дэвид гап бошлаган эди, Симеон ушинг гапини бўлди:

Онангнинг товукча акли йўқ эди! У қандок бўлса ушинг тукқан болаларни шундок. — Симеон кутилмаганда ўрнидан туриб кетди, унинг юзлари қизариб кетган, овози ўқдай қаттиқ чика бошлади. — Биронтаңгизнинг ҳам бир пенс улуш олишга ҳаккингиз йўқ! Сизлар-

дан чарчаадим! Эркак эмассанлар! Бир түда хезалаксанлар! Ҳаммангии бирга күшганда Пиларнинг тироғига хам арзимайсанлар. Сенлар қонуний никоҳдан туғилган бўлганларинг билан, худо урсии агар, қаердадир ҳаммангдан хам ақллирок, яхширок, никоҳсиз туғилган биронта ўғлим бор бўлса керак.

— Ҷас қилинг, лада! — қичкириб юборди Харри. У ўринидан сапчиб туриб, қовоғини уйганича отасининг каршиисига бориб турди.

Симеон ўша оҳангда гапини давом эттирди:

— Сенам шуларнинг бирисан. Умрида бирон марта бўлсаям бир нима қилганимисан? Ер юзишинг турли нуқтатарида туриб, ёлвориб шул сўрашдан нарига ўтмагансан. Айтиб қўяй, ҳаммангнинг башарангга карашдан ирганаман. Йўқолларинг кўзимдан!

У зўр-базўр нафас олиб, юмшок курсига суюниб олди.

Ҳамма оила аъзолари биринч-кетин аста чикиб кетишди. Жоржнинг юzlари нима бўлганини англолмай ёнарди. Мегдалин қўркиб колган, Дэвид оқариб кетган, қалтирарди. Фазабдан кўкариб кетган Харри ўзини хонасига урди. Альфред ғўлдирав, худди туш кўриб босинкираётгандай эди. Лидия унинг ортидан мағрур юриб чикиб кетди. Факат Хилдагина эшик олдида тўхтаб бир оздан кейин орқасига қайтди.

У чолининг рўнарасида туриб қолди. Симеон кўзини очди. Хилданинг кимир этмай олдида туришида қандайдир қўркинчли бир холат зуҳур этиб турарди.

Симеон норози оҳангда сўради:

— Нима гап?

— Сизнинг бизга ёзган хатингизни ўқиб, — деди у. — Унлаги бутун оила аъзоларини Рождество байрамида атрофимга йиғмоқчиман, деган гапингизга ишонгандим. Шундан кейин Дэвидни келишга мен кўндирагандим.

— Хўш, нима бўпти? — сўради Симеон.

Хилда шошмаи жавоб берди:

— Сиз хатда уқтирганингиздай бу мақсадда болаларингизни йигмаган экансиз. Тан олаверинг, мақсадингиз ҳаммасини бир-бири билан уриштириб, юз кўрмас килиш бўлган экан... Бу сизнинг кўнгил ёзини усулингиз экан.

Симеон кулиб қўйиб деди:

— Менинг ғалати хазил қилиш одатларим кўп. Буни биронтаси ёқтиришини назарда тутмайман, зотан, бундан ҳузур киласми.

Хилда бунга жавобан миқ этиб оғиз очмади. Симеонни қандайдир хавотир босди.

— Нимани ўйлаяпсиз? — деди Симеон жиддий тортиб.

Хилда шошмай гап бошлади:

— Кўрқаман...

— Мендан кўркяпсизми?

— Йўқ, сиздан эмас. Сизга бирон кор-хол бўлмасин леб кўркяпман.

Хилда бу билан ўз ҳукмини ўқиган судъядай ўгирилиб аста-аста қадам босиб хонани тарк этди.

Симеон эшикка каради.

Кейин ўриндиқдан турди. «Қани, гўзал санамларим, сизларни бир эркалаб кўяй-чи», дея минғирлаб бориб пўлат сандикни оча бошлади.

III

Кўча эшик қўнғироғи тахминан ўн бешта кам саккизда жиринглади.

Тресилиан эшикни очишга кетди. Қайтиб келса, Хорбури қахва пиёлачаларига ёпиширилган фабрика ёрликларини томоша қилиб ўтирибди.

— Ким келибди? — сўради Хорбури.

— Полициянинг катта инспектори Сагден. Менга карант, нима киляпсиз?

Хорбури чўчиб пиёлачани қўлидан тушириб юборди-ю, у чил-чил бўлиб кетди.

— Нима килиб кўйдингиз? — қичкириб юборди Тресилиан. — Ўн бир йилдан бўён мана шу пиёлачаларни авайлаб ювиб-артиб келаман, биронтасиниям синдирагним йўқ эди. Бу ерга келганингиздан буён ўзингизга мутлақо алоқаси бўлмаган нарсаларга тегиб юрасиз, карант, нима бўлади энди.

— Кечирасиз, мистер Тресилиан, жуда афсусдаман, — деди Хорбури, унинг юзларини совуқ тер босди. — Қандай килиб қўлимдан тушиб кетганини ўзим хам сезмай колдим. Катта инпектор келди, дедингизми?

- Ха, мистер Сагден келди.
- Хорбури юпка лабларини ялаб қўйди.
- Нега... Нима керак экан унга?
- Полиция стимхоналаридаги стим-есирларга хайр-эхсон йиғяни.
- Ҳа-а... — Хорбури ўзини ўнглаб ҳеч нима бўлмагандай оҳангда деди. — Унга бирон нарса беришди-ми?
- Хатини кария мистер Лига элтиб бердим. У катта инспекторни бошлаб келишини ва столга мусаллас қўйиб қўйишимни буюрди.

— Шу кунларда факат салака сўрашдан бошқа иш колмади, — деди Хорбури. — Оилада шунча етишмовчилик бўлишидан қатъи назар кари шайтоннинг қўли очик.

Тресилиан Симсоннинг ҳурматини ўрнига қўйиб:

- Мистер Ли хамма вакт хам сахий бўлиб келган, — деди.

Хорбури бошини иргаб қўйди.

- Унинг энг яхши хислати мана шу. Бўпти, мен кетдим.

— Киногами?

- Ха, кинога тушмокчиман. Ҳозирча хайр, мистер Тресилиан.

У оксочлар фойдаланадиган ва дахлизга олиб кирадиган эшик орқали ташқарига чикиб кетди. Тресилиан девордаги соатга караб, сочикқа ўралган нонларни ли-копчалар ёнига қўйиш учун ошхонага йўналди.

Ҳаммасини кўнгилдагидек ўрни-ўрнига қўйганига ишонч хосил килгандан кейин дахлиздаги бонгни урли.

Бонгнинг овози тинганда катта инспектор Сагден зинапоядан тушиб кела бошлади. Басавлат, келишган Сагденнинг этнида тұгмалари солинган кўк костюм. У ўзига хос викор билан кадам ташларди. Эшик оғаси билан мулојимлик билан сўрашиб шундай деди:

— Чамамда, бугун кечкурун қаттиқ совук бўлса керак. Жудаям. Сўнгти пайтларда ҳаво хам қиши ҳавосига ўхшамай қолган.

Тресилиан калласини қимирлатиб:

— Зах кўпайиб кетиб, бодим кўзғаб колди, — деди. Тресилиан катта инспектор бод ёмон дарл деганига кўшилди-ю, уни кўча эшикдан чикариб юборди.

У эшикни қулфлаб аста дахлизга кирди. Кейин кўзларини артиб хўрсинди. Мехмонхонага кирган Лидияни кўриб қаддини ростлади. Шу он Жорж Ли зинапоядан тушиб кела бошлади.

Тресилиан хизматга ҳозир бўлиб турарди. Охирги меҳмон Мегдалин меҳмонхонага кириши билан у ҳам орқасидан кириб, паст овоз билан эълон қилди:

— Кечки овқат тайёр.

Аёлларга қайси кийим-бош ярашган-ярашмаганини ажратишда Тресилианинг диди баланд эди. Ҳар сафар кўлида графини, столни айланаркан, қайси аёлга қайси либос ярашган ёки ярашмаганини бехато айтиб берарди.

Миссис Альфред, деб қўйди ўзича ок-қора гуллик янги кўйлак кийибди. Гуллари яхши, кўзга ярқ этиб ташланади, гарчанд кўпчилик хонимларнинг ғашига тегса ҳам, бу унга жуда ярашиб тушган. Миссис Жорж кўйлакни модалар уйидан олган — бу шубҳасиз. Ўзиям қиммат бўлса керак. Мистер Жоржга пулини тўлаши қолган, холос. Тресилиан шуни яхши биладики, мистер Жорж сарфга келганда жуда хасис, пул сарф қилиши ёқтирумайди. Миссис Дэвид чиройли, келишган хоним. Лекин қандай кийим кийса ярашиши ҳақида умуман тасавурга эга эмас. Унинг қоматига қора духобали кийим кийиш жуда ярашиб тушарди-да. Лекин гулли духоба, айниқса, сарғиши ранглиси умуман ярашмайди.

Миссис Пиларга келсак, нима кийса ҳам ярашиб тушаверади курмагурга. Шундай гўзал қомат ва чиройли соchlар ҳар қандай кийимда ҳам уни оғатижон килиб кўрсатаверади.

Афсуски, ҳозир эгнига арzon читдан тикилган кўйлак кийибди. Лекин мистер Ли уни бундай ташлаб қўймаса керак! Унга шундай боғланиб қолдики, ажабланасан киши. Қари жентльменлар доим шунака бўлишади. Ёш санамлар улардан бир нималик бўлиб колишади.

— Рейнвейшини хуш кўрадиларми ёки кларистними? — Тавозе билан ярим овозда сўради Тресилиан миссис Жоржнинг кулогига энгалиб. У шундай деб туриб, кўз кири билан оксочининг қайлалдан олдин сабзавотларини олиб келаётганини кўриб қолди. Бундай килма деб минг марта уқтирган!

Тресилиан меҳмонларга суфле торта бошлади. У бирдан аёлларнинг кийим-кечагига бўлган кизикиши-ю, оқсоч Уолтерниңг бефаҳмлигидай жаҳли чиқишининг бугун ўрни эмас эканлигини тушуниб колди. Бугун оқшом ҳамма оғзига толкон солиб олишганди. Йўқ, ҳамма эмас, мистер Харри йигирмата одамнинг ўрнини босар даражада вайсалди. Йўқ, адашди, мистер Харри эмас, анави Жанубий Африкадан келган жентльмен. Бошқалар ахён-ахёнда бўлса-да гап ташлаб қўярди, холос. У стол атрофидаги вазият қандайдир ғалати эканлигини сезиб колди.

Масалаи, мистер Альфред касалга чалинганга ўхшарди. Гўё каттиқ изтиробни бошидан кечирган, ёки унга бошка бирон нарса бўлгандай эди. У каттиқ эсанкираб қолганди. Овқатга қўлини теккизди-ю, тотиб ҳам кўрмади. Миссис Альфред унинг бу холатидан безовта. Тресилиан буни сезди. Дам-бадам кўз қири билан сездирмай назар ташлаб қўяди. Жоржнинг юzlари кизарив кетган. Овқатни мазасига ҳам эътибор бермай индамай тушшарди. Агар ўзини тиймаса бир кунмас бир кун таъзирини ейди. Мисс Нилар бўлса, жанубий африкалик жентльмен билан шўх-шодон кулиб гаплашган кўйи овқатни интаха билан уради. Сезилиб турибли, йигит унга ёнишиб олган. Шу онда уларни бошка ҳеч нарса кизиктирмасди.

Мистер Дэвид-чи? Тресилианни мистер Дэвид ташвишига sola бошлади. Ташки қиёфаси куйиб кўйғандек худди оиласининг ўзи. Ҷундан ташқари, жуда ёш кўришади. Лекин асабий. Ана, қадаҳни бўшатди.

Тресилиан бориб дарров қадаҳни олиб, тўкилган винони артиб қўйди, ҳаммаси жойида. Лекин афтидан, у нима қилаётганини сезмаётганга ўхшарди. Ранги докадай оқариб кетган, тўғрисига тикилганча котиб қолган эди.

Ҳа, айтмокчи, одамларнинг юzlари оқариб кетганига келсак... Полиция офицери уйга келди деганда смакхонада турган Хорбури ғалати бўлиб ўзгариб кетди... Дейин мумкинки...

Тресилиан фикрини охирига етказолмай чўчиб тушди: Уолтер қўлида олиб келаётган нокни патниси билан ерга ташлаб юборди. Хизматкорлар энди ҳеч нимага

ярамай қолди! Қилаёттган ишларидан уларни энди отхонага ҳам күйиб бўлмайди, ўлади Тресилиан.

Эшпик оғаси вино тарқата бошлади. Мистер Харри бугун бирмунча паришонхол. Ҳамма мистер Альфреддининг авзоига қарайди. Улар ҳеч қачон, ҳатто ёшликларида ҳам бир-бирини ёқтиришмаган. Тўғри, мистер Харри отасининг эркатори бўлган, Альфред бўлса, уни рапш қилиб эзиларди. Шундай бўлишига қарамай факат мистер Альфредгина ҳамма вақт отасининг иззат-хурматини жойига кўйиб келган. Ана, миссис Альфред ўрнидан турди. Столни айланиб ўтди. Кўйлагининг гуллари шундай ёқимлики. Рўмоли гулдор, чиройли, ўзиям жуда зебо хоним-да.

У эркаклар вино ичиб ўтиришган ошхона эшигини ёпиб, буфетга чиқди.

Тресилиан меҳмонхонага қахва олиб кирди. У ерда тумшайиб туришган тўрттала хонимга нимадир бўлган деб кўйди ўзича. Ҳатто гаплашишмаянти ҳам. Уларга жим ўтиришган ҳолича қахва уланиб чиқди.

У яна ташқарига чиқди. Ўзининг буфет хонасига кирганда ошхонанинг эшиги очилганини эшилди. Дэвид Ли хонадан чиқиб даҳлиз оркали меҳмонхонага кирди.

Тресилиан буфет хонасида чарчаб стулга ўтирди. Нимадандир юраги сиқила бошлади. Арафа бўлди-ю, қандайдир асабийлик, зўрикиш юзага келди... Бу унга ёқмайди.

Тресилиан ўзини зўрлаб ўрнидан турди-да қахвадан бўшаган пиёлачаларни йиғишириб олиш учун меҳмонхонага кирди.

Хона бўм-бўш эди. Фақатгина Лидия бир четдаги пардаси ярим очик дераза олдила турганча оқшомги манзарани томонга киларди.

Кўшни хонадан пианинонинг товушни келиб турибди.

Мистер Дэвид чалянти уни. Нима учун у «Ўлим марши»ни чалянти, деб ўзига ўзи савол берди. У бу кўйини биларди. Йўқ, бу ерда кўнгилсиз бир нима бор.

У аста даҳлиз бўйлаб юриб, буфет хонага кирди.

Ана шу аснода бирдан даҳшатли шовқин-сурон қулоғига кирди... идишлар синган, мебеллар ағдарилган, уртўполон.

«Е худойим, ўзинг раҳм кил, — унинг калласига мана шу сўзлар келди. — Хўжайин нималар қиляпти у ерда? Юкорила нималар бўляпти ўзи?»

| Кучли кичкирик, даҳшатли ох-вое эшитилди. Кейин бу овоз хирқираш билан алмашиб тишчиди.

Бирмунча вакт Тресилиан турган жойида когиб қолди. Кейин кенг зинаноя бўйлаб юқорига қараб югурди. У билан бирга бошқалар хам югурниди. Кичкирик бутун уйга эшитилган эди.

Улар зинанояга ўзлариши уришиди. Эндиликда ғарид кўриниб қолган хайкалчалар турган тахмонларни айланниб ўтиб, тўғри йўлак бўйлаб Симеон Лининг эшиги томон югурниди. У ерда мистер Фарр билан миссис Дэвид турнишарди. Миссис Дэвид деворга суюниб олган. Фарр бўлса эшикнинг тутқичини жон ҳолатда тортарди.

— Эшик ёпик, — деди у, — эшик ёпик.

Харри Ли югуриб келиб Стивенин итариб юборди-ю, ўзи тутқични юлқилаб тортиб итара бошлади.

— Дада! — деб кичкириди у. — Эшикни очинг, дада! — У тутқични қўйиб юборди. Кейин хамма жим бўлиб ичкарига қулок сола бошлади. Ичкаридан хеч қандай овоз эшитилмади.

Кўча эшикнинг қўнғироги жиринглади. Лекин унга хеч ким эътибор килмади.

Стивен Фарр:

— Эшикни бузишимиз керак. Бошқа иложи йўқ, — деди.

— Бу жуда кийин, — деди Харри. — Эшиклар зилзамбил, Альфред, бу ёқса кел.

Улар бор куч билан эшикни итара бошланди. Эшик заррачаям қўзғалай демади. Кейин эмандан ясалган катта курсини олиб келишиди. Курси билан бир неча бор уришган эди, эшик жойидан қўзғалди. Кейин ошиғ-мосиғидан чиқиб, гумбирлаб қулади.

Хамма бир дақиқа хонага қараб колишли. Бу ерда намоён бўлган даҳшатли маиззара ҳар бирининг кўз олдидан бир умр нари кетмаса керак...

Шуниси аникини, хонада жуда даҳшатли олишув рўй берган. Оғир-օғир мебеллар ағдарилган. Ойналар, чинни идишлар сишиб чил-чил бўлиб кетган. Камин олдидаги гилам ловуллаб ёнипти. Унинг устидаги халқоб бўлиб

ётган кон ўртасида Симсон Ли ётарди... Теварак-атрофга кон сараган. Манзара күшхонани эслатарди.

Кария талваса билан ихраб жон берди. Шу он икки одамнинг узук-юлук гапирган жумлалари қулоққа чалинди. Фалати ўхшашликни қарангки, бу икки жумла хам иқтибос эди. Улардан бирини Дэвид Ли айтди. У шундай деди:

««Худонинг тегирмони аста тортади...»¹

Иккинчисини Лідия айтди. У хаяжонланган кўйи шундай леб шивирлади:

— «Кария одамда шунча кон бўлали леб ким ўйлабди».

IV

Катта инспектор Сагден эшик қўнғироғини уч марта босди. Кейин сабри чидамай эшикдаги болғача билан тақиллатиб ура бошлади.

Нихоят қўркиб кетган Уолтер бориб эшикни очди.

— О-о, бу сизмисиз, — дели Уолтер сингил тортиб. — Мен бўлсам эндигина полицияга қўнғироқ килгани эдим.

— Нима юмуш билан? — сўради хайрон қолган катта инспектор Сагден. — Нима гап?

Уолтер воқсани айтиб кўйди:

— Кария мистер Лини ўлдириб кетишиди...

Катта инспектор уни итариб юбориб, зинапоядаи югуриб юкорига чикиб кетди. Унинг хонага кирганини хеч ким сезмали. У кириши билан Пиларнинг эгилиб ердан бир нима олганини сезиб колди. У дикқатини кўллари билан кўзларини беркитиб олган Дэвид Лига қаратди.

Колганлар тўдалашиб бир жойда туришарди. Факат Альфред Ли отасининг ёнига борди. У мурдага жуда яқин келиб, бошини пастга эгиб, кўзларини маъюс ерга кадади.

Жорж Ли қатъий қилиб деди:

¹ Инглиз маколиянинг тўла магни шуғуцайдай: «Худонинг тегирмони аста тортади, лекин гоза тортади». Бу макол: «Ал қасосу минал ҳак», деган маънога тўғри келади.

— Хеч нимага тегманлар... эсда бўлсин... полиция келмагунча ҳеч нимага. Бу жула мухим!

— Кечирасизлар, — деди Сагден ва аёлларни четга суреб олдинга интилди.

Альфред Ли уни таниди.

— Э, сизмисиз катта инспектор Сагден. Жуда тез етиб келибсиз.

— Ха, мистер Ли, — Сагден изох бериб ўтиришга вакт сарфламади. — Бу ерда нималар бўляпти?

— Отам, — деди Альфред Ли, — ўлди... ўлдириб кетишди...

Унинг овози бўлинди.

Бирдан Мегдалин калтираб йиғлай бошлади.

Катта инспектор Сагден расмий ишора билан ўзининг бесўнақай кўлини юқори кўтарди. Кейин хокимона буюрди: — Ўтиниб сўрайман, мистер Лидан. Э..э... мистер Жорж Лидан бошқа ҳамма хонадан чиқиб кетсин.

Колгайлар кўйдай бўйсуниб аста-сескин чиқиб кета бошлиши. Кутимаганда Сагден Пиларни тўхтатди.

— Уэр, мисс, — деди у мулойимлик билан, — бундай холларда бир нарсага тегиш ёки турган жойидан кимирилаш мумкин эмас.

Пилар унга ажабланиб қаради. Стивен Фарр сабрзизлик билан гап қўшиди.

— Албатта, мумкин эмас. Буни у тушунади. — Катта инспектор ўша-ўша мулойим оҳангда ҳаммага эшииттириб деди:

— Ахир сиз ердан бир нимани кўтариб олдингизку. — Пиларнинг кўзлари катта очилиб кетди.

— Мен-а?

Сагденнинг овозидаги мулойимлик сўнмаган, лекин бу сафар сал қатъйироқ қилиб деди:

— Ха, ўзим кўрдим ердан қандай қилиб...

— О, а!

— Шундай экан, марҳамат қилиб уни менга беринг. У нарса қўлингизда турибди.

Пилар дарров кафтини очди. Унинг қўлида кичкина резинка бўлаги ва қандайдир ёғоч нарчаси турарди. Катта инспектор Сагден буларни қўлига олди, конвертга солиб, кўкрак чўнтағига тикиб кўйди.

— Ташаккур, — у шундай деб нари кетди.

Бир зум Стивен Фаррнинг кўзларида унга нисбатан хурмат аломати зоҳир бўлди. Афтидан, у келишган, савлатли полиция офицерларининг имкониятларига етарли баҳо бермаган бўлса керак.

Чиқиб кетиши сўралган одамларнинг бари хонани тарк этишди. Ундан кейин полиция офицерининг расмий гапи эшишилди.

— Энди бўлса, марҳамат килиб...

V

— Оловдан яхиси йўқ, — деди полковник Жонсон каминга тараша таіплаб, юмпок курсини оловга яқинроқ суриб ўтирад экан.

— Олинг, — деб қўшиб кўйди у шодон, меҳмоннинг тирсаги ёнидаги курси устида турган графин билан сифонга ишора қилиб.

Меҳмон йўқ деган маънода мулойим бош қимирлатиб кўйди. У елкамдан, орқамдан уриб турган елвизак куйиб қолишимга йўл кўймас, деган ўйда курсини оловга яқинроқ сурди.

Медллшира полициясининг бошлиғи ўтин билан иситиладиган каминдан аълоси йўқ деб ҳар қанча маъкуллатса ҳам Эркюль Нуаро бундан кўра марказлаштирган иситиш сўзсиз яхши, деб хисобларди.

— Картрайтнинг бошига тушган фожиа барибирам жуда ғалати, — хотираға берилиб деди полковник. — Ажойиб одам! Жозибали. Эсимда, сиз билан бирга келганда ҳаммамизнинг юрагимиздан жой олган эди.

Полковник калласини чайқаб кўйди.

— Бунга ўҳшаган иш қўлимизга бошқа тушмаса керак! — деди у. — Бахтимизга никотин билан заҳарланниш камдан-кам учрайдиган ҳодиса.

— Бир вактлар сизлар заҳарланишининг ҳар қандай тури инглизларга хос ҳодиса эмас, деб хисоблардингизлар, — эслатди Нуаро, — чет элликларнинг усуллари инглизларга хос эмас, дердингизлар.

— Эндиликда шундай деб хисоблашимиз даргумон, — тан олди полиция бошлиғи. — Маргимуш билан заҳарлашлар хозир бир вактлар ўйлаганимиздан кўра кўп бўлиши мумкин.

— Ҳа, эҳтимол.
— Захарлаш билан боғлиқ ишлар жуда қалтис ва мушкул, — деди Жонсон. — Экспертларнинг кўрсатмалари бир-бирига тескари чиқади, шифокорлар, одатда, ўз хуласаларига жуда эҳтиёткор бўлишади. Бундай жиноятни жюри аъзолари ҳамма вакт ҳам тўғри тасаввур килишавермайди. Қотиллик билан боялиқ иш кўлимга тушса (худо асрасин бундан) ва қотиллик сабаби аниқравшаш бўлиб турган бўлса, жиноятни очиш осон бўлади.

Пуаро бош ирғади.

— Ўқ тегиб ўлган, сўйиб ташланган, боши ёрилганларни айтяпсизми? Шунақа ишларни маъқул кўрасизми?

— Э, дўстим-а, менга маъқул, номаъқул қотилликлар ҳакида галирасиз-а! Нахотки менга қотиллик ишлари ёқади деб ўйлассангиз? Бундай ишлар бошка кўлимга тушмайди, деб умид киласман. Ҳар холда сиз бизга меҳмон бўлиб турган вақтда, булардан холи бўлганимиз маъқул.

Пуаро вазмийлик билан гап бошлади.

— Менинг обрўйим...

Лекин Жонсон ўз гапини давом эттириди.

— Ҳозир Рождество. Тинчлик-хотиржамлик, яхши ният ва шунга ўхшаш яхшиликлар байрамида ҳамма вакт иннатни яхши қилиш керак.

Эркюль Пуаро ўриндиққа суюниб олди. Бармоқларини чалишитириб ўйланкираганча полковникнинг кўнглидан ўтаётган фикрларни уқишига тушди.

Кейин ўзига-ўзи галиргандай бўлиб, секин гап қўшиди:

— Демак, Рождество кунлари сизнингча, жиноят килиш учун бемаврид мавсум экан-да.

— Худди шундай демокчи эдим.

— Нима учун?

— Нима учунми? — Жонсон озгина довдираб колди. — Ҳа, энди ҳали айтганимдай яхши кайфият. Кўнгил хушлик хукмрон бўлган дамларда.

Эркюль Пуаро паст овоз билан деди:

— Сиз инглизлар шунчалик кўнгилчан бўласизларки.

Жонсон қизишиб унинг гапини бўлди:

— Бунинг шимаси ёмон. Бизга қадимнй урф-олатлар, байрам анъаналари ёкса, нима бўшти?

— Бунда хеч қандай ёмон нарса йўқ. Ҳатто яхши ҳам, келинг, бир дакика далиллар тилига қулоқ тутайлик. Ўз оғзингиз билан айтдингизки, Рождество яхши кайфиятлар, хушчакчак онлар даври леб. Бу кўп ейилади, кўп ичилади деган маънони англатади. Аслида-чи, керагидан ортиқча танавул қилинади. Одам кўп овкат истесъмол килгандан кейин ошқозон бузилади. Бу ҳол ўз навбатида асабни қўзғайди...

— Жиноят, — эътиroz билдириди полковник, — асаб бузилиши оқибагида келиб чиқмайди.

— Бу гапга уччалик қўшилмайман. Ботка бир фикрини олайлик. Рождествода олижаноблик рухи бутун мамлакат бўйлаб ҳукмрон. Сўзингизга караганда, шундай бўлиши керак. Эски гиналар унугилади, вактинича бўлсаям илгари уришгандар ярашиб олишади.

Жонсон бош ирғади.

— Тўппа-тўғри, ярашиб олиш зарур.

Пуаро ўз фикрини давом эттириди:

— Бутун йил давомида тарқаб кетган оила аъзолари қайта тўпланишади, бирлашишади. Мана шундай вазиятда, дўстим, ишонаверинг, яна орада таранглик вужудга келади. Қалбида дўстлик туйғуларини хис килмаган одамлар олижаноб бўлишга, яхши кўринишга харакат қилиб, ўзларини зўр-базўр қўлга олиб туришади. Рождество кунларида мунофиклик, иккюзламачилик бўй кўрсатади, Ли *bon motis C'est entend!*. Лекин қандай бўлмасин бу ҳол мунофикликдан бошқа нарса эмас.

— Шахсан мен буни ўзимча баҳолаган бўлардим, деди полковник қатъиятсизлик билан.

Пуаро очиққўнгиллик билан кулиб қўйди.

Албатта. Бу менинг фикрим, сизнинг эмас. Юкоридаги эслатилган холатлар яъни, аклий таранглик, жисмоний толикини шу пайтгача аҳамиятсиз бўлиб келган кўролмасликни келтириб чиқариши, арезимас қарама-каршилик эса жиiddий тус олиши мумкин. Одам ўзини дўстликка мойил, кечиримли, жуда олижаноб кўрсатишга харакат килгани билан бир кунмас бир кун юрагида-

¹ Яхши истаклар билан (фр.).

ги сиртига тепиб, күпөл, беражы, умуман, одатдан ташкари, күнгилсиз нусхага айланиб қолиши мүмкін. Агар сиз, топамі¹ бу табиий холатнинг олдидағов бўлмокчи бўлсангиз, эртами кечми бу нарса қулаб, ҳаммаси ағдартўйтар бўлиб кетади.

Хайрон қолган полковник меҳмонга қараб туриб минирилаб кўйди.

— Ҳеч қачон сизнинг жиддий ёки ҳазиллашиб гапираётганингизни билиб бўлмайди.

Пуаро кулди.

— Албатта, жиддий гапираётганим йўқ. Мутлако. Шундай бўлса-да, нима гапирған бўлсан, тўғри: сунъий яратилган шарт-шароитлар оқибат натижада табиий тескари ҳаракатни келтириб чиқаради.

Хонага полковник Жонсоннинг хизматчиси кирди.

— Сэр. Телефонда катта инспектор Сагден йўқлаяниди.

— Яхши, хозир бораман.

Полиция бошлиғи Пуародан узр сўраб чиқиб кетди. Орадан уч дақикалар ўтгандан кейин қайтиб келди. Унинг юzlарида жиддийлик ва шу билан бирга ҳавотирлик зухур этиб турарди.

— Жин урсин! — леб юбордн у. — Котиллик содир бўлибди. Ҷайрам арафасида-я, тағин!

— Аниқми? Котилликни назарда тутяпман? — сўради Пуаро қопи юкори кўтарилиб.

— Нима? Ха, бошқача бўлишням мүмкін эмас. Аниқ котиллик, котиллик бўлғандаям вахшиёнга котиллик содир бўлибди.

— Кимни ўлдиришибди?

— Кари Симеон Лини. Мана шу музофотда энг бой одам эди. Дастрлаб Жанубий Африкада бойлик тўплади. Олтии йиккан, йўқ, олмос бўлса керак. Пулини кончилар учун маҳсус техникага мослантирилган қандайдир ишлаб чиқариш корхонасига кўйди. Менимча, уни ўзи ихтиро килган. Ҳар холда катта бойлик жамғарив олгац эди. Айтишларича, икки карра миллионер бўлиб олган экан.

— Уни ҳамма яхши кўрармиди? — сўради Пуаро.

¹ Дўстим (фр.).

Жонсон шошмай жавоб берди.

— Уни биронта одам яхши кўрган, деб айтольмайман. Ўзи ғалати одам эди. Сўнгги йилларда ногирон бўлиб қолган. Шахсан мен у ҳақда қўп нарсаларни билмайман. Шунга қарамасдан графликда машхур одамлардан бири бўлганилиги аник.

— Унинг ўлими катта шов-шувга сабаб бўлиши мумкинми?

— Ха. Мен иложи бўлса тезрок Лонгдейлга боришими керак.

Жонсон меҳмонга караб иккиланиб қолди. Пуаро индамагандан кейин ўзи жавоб берди:

— Мен сизни кузатиб боришими хоҳлаяпсизми?

Жонсон хижолат тортиб жавоб берди:

— Сиздан буни илтимос қилиш нокулай. Ахир, ўзингиз тушунасиз-ку! Катта инспектор Сагден яхши ходим, бунақасини топиш кийин, ҳаракатчан, эҳтиёткор, ўз соҳасига муносаб, лекин изланиш, тасаввур қилиш доираси тор. Шу ерда эканлигиниздан фойдаланиб, маслаҳатларигизни олмоқчи эдим.

У охириги ибораларни айтганда тутилиб қолиб, гаплари телеграф маълумотларидаи бўлиниб чиқди. Пуаро дарров ўзи жавоб бера қолди.

— Ташвиш тортманг. Кўлимдан келганча сизга ёрдам беринга тайёрман, менга шонаверниг. Лекин яхши ишлайдиган катта инспекторингизнинг шахсиятига тегмаслик керак. Ишни мен эмас, у олиб бораверсин. Мен норасмий маслаҳатчи бўламан.

— Зўр одамсан-да, Нуаро, — деди полковник унинг гапларидан таъсирланиб. Мана шундай мактоб сўзларидан кейин иккаласи йўлга тушди.

VI

Кўча эшикни хизматкор мулозамат билан очди. Зинадан катта инспектор Сагден тушиб келди. Улар дахлизга киришгандан кейин:

— Сэр, келганларингиздан хурсандман. Мен билан чапдаги хонага — мистер Линниг кабинетига киролмайсизми? Вазиятнинг умумий ҳолатларини баби қилиб берман. Жуда ғалати ҳолат. — Сагден уларни чоғрек

хонага бошлаб кирди. Коғозлар, телефон айқап-үйкән бўлиб ётган катта стол. Девор бўйлаб китоб жавоши жой олган.

— Сагден, бу киши мсье Эркюль Пуаро, — таништириди полиция бошлиги. — Эҳтимол, эшитгацдирсиз. Ҳозир меҳмонга келган. — Кейин Эркюль Пуарога муружаат қилиб: — Бу катта инспектор Сагден бўлади, — деди.

Пуаро қуллук қилиб, Сагденга қаради. У баланд бўйли, елкалари кенг, ҳарбийтардай тик қоматли, киррабурун, мушаклари бўртиб чиққан, қалини сарғини мўйловли йигит эди. Полиция бошлиги Пуарони таништиргандан кейин Сагден ҳам ўз навбатида Пуарога тикилиб қаради. Эркюль Пуаро бўлса, катта инспекторниң чиройли мўйловларидан кўз узолмай қолди. Унинг мўйлови гўё Пуарони сехрлаб қўйгандай эди.

— Ха, албатта, мистер Пуаро, сиз хақингизда эшитганиман, — деди катта инспектор. — Адашмасам, биз томонларга бир иecha йил мукаддам келган эдингиз. Сэр Партоломью Стрейнжининг ўлими муносабати билан. Уни заҳарлашган эди. Никотин билан. Ишни мен олиб бормаганман, албатта, лекин ундан хабардор эдим.

Полковник Жонсон чидамсизлик билан деди:

— Кани, келинглар, Сагден, баён қилинг, хаммаси аниқ дедингиз.

— Ха, сэр, қотиллик содир бўлган, бу шубҳасиз, мистер Лини сўйиб ташлашибди. Докторининг гапига қарангандан бўйиндан шохтомирини кесиб ташлаган. Лекин умуми олгаида, вазият жуда ғалати.

— Демоқчисизки...

— Аввал менинг гапларимни яхшилаб эшитинг, сор. Ган бундай, тушдан кейин, соат бешлар атрофида Эдди-сифилдесдаги полиция маҳкамасида ўтирган эдим, Мистер Ли кўнғирок қилиб қолди. Телефонда унинг овози жуда ғалати эштилди. У бугун кечкурун соат саккизда унинг хузурига келишимини илтимос қилди. Келиш вактини алоҳида уқтириди. Шунда хизматкоримга полиция ўтказаётган қандайдир бир тадбирга хайр-эхсон қилмоқчи бўлаётганимни айтинг, деди.

Полиция бошлиги дарров сўз қотди:

— Бу уйга келишингиз сабабини ўйлаган-да!

— Худди шундай, сэр. Мистер Ли нуфузли шахс бўлганилиги сабабли унинг илтимосини рац этолмадим, албатта. Соат саккиздан сал олдинроқ келиб полициядаги етим болаларга хайр-эхсон йигиб юрибман, дедим. Хизматкор мистер Лининг олдига бориб қайтиб келдида, мени қабул қилишини билдириди. Кейин у мени иккинчи каватда, меҳмонхонанинг тепасида жойлашган хонасига бошлаб борди.

Сагден озгина тин олиб, ўз маълумотининг расмий кисмини баён этди.

— Мистер Ли эгнида ҳалат, камин олдида ўринидида ўтиради. Хизматкор эшикни ёпиб чиқиб кетгандан ке-йин мистер Ли ўзига якинроқ ўтиришимни илтимос килди. Кейин хонасида ўғирлик содир бўлганини, унинг тафсилотлари билан таништирмокчи эканлигини бир неча узук-юлуқ жумлаларда маълум килди. Мен нимани ўғирлатдигиз деб сўрадим. Унинг гапига қараганда пўлат сандигидан бир неча минг фунт стерлинг турадиган олмослари (менимча, йўнилмаган олмослар леди-ёв) ўғирланнибди.

— Олмослар ледингизми? — кайта сўради полиция бошлиғи.

— Ҳа, сэр. Мен унга бир исчта одатдаги саволларни берган эдим, қатъиятсизлик билан мавҳум жавоб қайтарди. Охирида, «катта инспектор, сиз мени тушунишингиз керак, мен хато қилаёттан бўлишим ҳам мумкин», деди. Кейин мени: «Сэр, тушунолмаганим: олмосларингиз ўғирланганми, ўғирланмаганим, кайси бири тўғри?» дедим. У бўлса: «Олмослар йўколгани тўғри, лекин катта инспектор, биронтаси уни ростлан ҳам ўғирлаган, ёки ҳазиллашиб олиб кўйган бўлиши ҳам эҳтимол», деди. Бу гап менга ғалати туолди, лекин индамадим. У эса давом этди: «Ҳаммасини ишидан-игнасиғача тушунириб бериш кийин. Ҳозирча олмосларимни мен билгай иккита одамдан кўраман. Улардан бири олган бўлса ҳазиллашиб олиб кўйган, агар иккинчиси олган бўлса, у ростакамига ўғирлаган? Мен: «Нима қилишимни хоҳлаяпсиз, очигини айтинг, сэр», дедим. У тезда жавоб бера қолди: «Мен, катта инспектор, бир соатдан кейин, йўқ, бир оз кечроқ, тахминан 9.15 ларда келсангиз, унгача олмослар ўғирланганми, йўқми, аниқлаб қўяман». Мен бирмунча

иккиланиб қолдим, кейин таклифига күниб чиқиб кетдим.

— Кизик, жуда кизик, — деди полковник Жонсон унинг гапларини эшитиб. — Сиз нима дейсиз, бу гапларга, Нуаро.

— Катта инспектор, сиздан бир нарсаны сўрасам майлими? — деди Нуаро. — Ўзингизнинг шахсий холосала-рингиз қандай?

Сагден энгагини қашиб кўйиб, эҳтиётлик билан жавоб берди.

— Калламга хар хил хаёллар келди, кейин қуидагича холосага келдим. Олмосларни бирорнинг хазиллашиб олиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Лекин қари жентльмен уларни ким олганини аник-тиник айтольмагани. Назаримда, олмосларни иккита одамдан биттаси — ё хизматкор, ё бўлмаса оила аъзоларимдан биттаси олган, деб ҳақ гапни айтгани.

Нуаро маъқуллаб бош ирғаб қўйди.

— Кечроқ келинг деганининг боисиям шу. Бу орада, афтидан, шубҳаланган одамларини чакириб очиқласига гаплашган, полицияга хабар бердим, тошилса, тошилтани ёниғлиқ қозон ёниғлигича қолаверади, деган.

— Агар шубҳага олинган одам айбини бўйнига олмаса-чи? — сўради Жонсон.

— Унда тергов қилиш учун ишини бизга оширмоқчи бўлган.

Полковик Жонсон ковогини уйиб, мўйловини бураб қўйди. У иккиланиб қолган эди.

— Нима учун сизни чакиришдан бурун улар билан гапланиб кўрмабди?

— Йўқ, бундай қиласа бўлмасди, — катта инспектор шундай деб кескин бошини чайқади. — Агар у шундай килган бўлганда, қўяётган айб сохта, лоф бўлиб чиқиши мумкин эди. Бунга хеч ким ишонмаган бўларди. Олган одам ўзига канчалик шубҳаланмасин, қария хеч қачон полицияга мурожаат қилмайди, деб ўйлаши мумкин эди. Лекин қари жентльмен: «Мен полицияга маълум килиб қўйдим, катта инспектор хозиргина олдимдан чиқиб кетди», дегандан кейин шубҳаланувчи хизматкордан бунинг тўғрилигини сўрайди, хизматкор бўлса, тушилдан олдин катта инспектор мистер Лининг олдига келиб кет-

ган эди, деб тасдиқлайди. Ўғри бўлса, кари жентльмен хазиллашмаётганлигига ишонч хосил қилиб, яхшиси, олмосларни қайтарнб берада колай, деб ўйлади.

— Хм, асосли, — деди полковник Жонсон. — Сагден, оила аъзоларидан қайси бири олиши мумкинлиги хусусида тахминингиз борми?

— Йўқ, сэр.

— Хеч қанақа имо-ишораям ўйқми?

— Йўқ.

Жонсон афсусланиб калласини чайқаб қўйди. Кейин Сагдендан давом этишини сўради.

Катта инспектор Сагден далилларни расман баён килишга ўтди.

— Мен, сэр, роппа-роса соат 9.15 да бу хонадонга яна қайтиб келдим. Факат эшикдаги қўнғирокни энди босмоқчи бўлиб тургандим, бирдан уйнинг ичидаги тўплон, ҳар хил овозлар, тарақа-турук, югар-югурулар бўлиб кетди. Бир неча марта устма-уст қўнғирокни босдим, эшикни очишавермагач, эшикни болғача билан урдим. Орадан 3—4 дакикача ўтгандан кейингина эшик очилди. Эшикни хизматкор очди. Унинг рангини кўрибок, хонадонда ёмон ходиса рўй берганини тушундим. У зўр-базўр мистер Линни ўлдириб кетишибди, дея олди. Зинадан югуриб чиқдим. Мистер Линниг хонасида тўс-тўполон, ўртада омонсиз кураш кетганлиги аниқ кўриниб туарди. Мистер Ли камин олдида ҳалқоб қонга бўялиб ётар, у сўйиб ташланган эди.

Полиция бошлиғи узук-юлук килиб сўради:

— Ўзини-ўзи ўлдиришни мумкинмиди?

— Бу аклга сифмайди, — бошини силкиди Сагден. — Биринчидан, стол-стуллар ағдарилиб кетган, идиштовороклар чил-чил бўлиб, ҳар хил такинчоклар сочилиб ётибди, бирон ерда жиноятга сабаб бўлиши мумкин бўлган на пичок, на устара — хеч нарса йўқ эди.

Полиция бошлиғи ўйга толиб деди:

— Ха, бу гапларда асос борга ўхшайди. Хонада бирон кимса бормиди?

— Мен келганда оиланинг кўпчилик аъзоларни шу ерда эди. Ҳамма турган жойида котиб қолганди.

— Ўзингиз қандай фикрдасиз, Сагден? — сўради полковник Жонсон.

— Нохуш ходиса, сэр. Назаримда, котилликни шулардан биронтаси амалга оширган. Ташкаридан бегона одам келиб уни ўлдиришини ва зум ўтмай яширишиб олишини тасаввуримга сидиролмайман.

— Дераза-чи? Очик эканми ё ёпик?

— Хонада иккита дераза бор, сэр. Улардан бири ёпик, қулфланган эди. Иккинчиси бир неча дюйм¹ кўтарилиган эди, холос. Лекин у шундай мустахкам қилинган эдики, хеч қандай ўғри у ерлан чиқолмасдиям, тушолмасдиям. Мен итариб кўрдим кучим етмади. Жойидан кимирлата олмадим. Назаримда дераза кўн йиллардан буён очилмаган бўлса керак. Ундан кейин деворнинг сиртки тарафи теп-текис, унда на тирналган жой, на бирон дарахтнинг тегиб турган ўрни йўқ эди. Бирон кимсанинг деразадан чикиб қочиб кетишни тасаввур килолмайман.

— Хонада нечта эшик бор экан.

— Факат битта. Хона йўлакнинг охирида жойлашган, эшик бўлса, ичкаридан қулфланган. Хонадон аъзолари юқори каватдаги олишувни, чолнинг ўлими олдидан килтан лод-фарёдини эшишиб чопиб чиқишиган, лекин ичкарига эшикни бузиб киришга тўғри келган.

— Олдида ким бўлгани экан? — кизиқди Жонсон.

— Оила аъзолари югуриб киришганда бир неча дакика муқаддам ўлдирилган чолдан бўлак хеч ким бўлмаган экан.

VII

Полковник Жонсон бир неча дакика Сагденга тикилиб турди-да, кейин ундан норози қиёфада сўради:

— Сиз, катта инспектор, бу котилликни акл бовар килмайдиган хийлакор жосуслар ёпик хонада қандайдир мўъжизавий холатда амалга оширган, деб менга асосланмоқчи бўляпсизми?

Сагденнинг лабларида нари-бери табассум сезилди, кейин катъият билан деди:

— Сэр, бу иш умидимизни чипшакка чикаради, деб ўйламайман.

¹ Дюйм 25,4 ммга teng узунлик ўлчови. Инглизларнинг уйларида деразалар пастдан юқорига кўтариб очилади.

— Ўз жонига қасд қилған, — деди полковник Жонсон, — ха, у ўзини ўзи ўлдирган бўлса керак.

— Ундаи бўлса, нима билан ўлдирган, курол кани? Йўқ, сэр. У ўзини ўзини ўлдирамаган.

— Унда котил қандай яширишган? Деразадан чикиб кетганими?

Сагден калласини чайқади.

— Қасам ичиб айтаманки, деразадан чикиб кетолмасди.

— Эшик ичкаридан қулфлоғлик эди, деяпсиз-ку, ахир!

Катта инспектор бошини ирғади. Чўнтағидан қалит олиб столнинг устига ташлади.

— Қалитда хеч қандай бармок изи йўқ, сэр, — деди у. — Лупага солиб қаранг.

Пуаро ҳам энгашди. У Жонсон билан бирга қалитга каради.

— Ҳа, тушунарли. — деди полиция боштиги. — Қалитнинг тилида билинар-билинмас тирналган жойи бор. Кўрдингизми, Пуаро?

— Ҳа. Бу ичкаридаги қалит ташкаридан туриб бирон мослама ё омбурга ўхшаган нарса билаш қулфнинг ичига тикиб айлантирилган.

Катта инспектор калласини қимирлатди.

— Бўлиши мумкин.

— Демак, эшик ёник, хонада хеч ким бўлмаган экан, — деди Пуаро. — Қария ўз жонига қасд қилған деган таассурот колдириш учун атайлаб шундай қилинган.

— Менинг ҳам фикрим худди шундай, мистер Пуаро, бунга ишончим комил.

Пуаро бунга шубҳаланиб бошини силкиди.

— Унда хонадаги тартибсизликлар-чи? Ахир ўзингиз ўз жонига қасд қилишини инкор қиляпсиз-ку. Котил аввало хонадаги нарсаларин тартибга келтириб чикиб кетиши керак эди.

— Лекин унинг бунга вакти бўлмаган, мистер Пуаро, — деди Сагден. Ҳамма гап шунда. Унинг бунга вакти йўқ эди. Котил қари жентльменни гафлатда колдириб, кўккисдан ўлдиromoқчи бўлған, деб фараз қилиш мумкин. Лекин бундай бўлиб чикмаган. Икки орада оли-

шув бўлиб кетган. Бу олишув, тўполонни пастки каватдагилар очик-ойдии эшишишган, бунинг устига қари жентльмен ёрдамга чакирган. Ҳамма гурр этиб юкорига чопишишган. Котил эса хонадан кочиб чиқиб, калитни ташқаридан туриб бурашга улгурган, холос.

— Ростданам, сиз айтаётган қотил хато қилган бўлиши мумкин, — деди Пуаро. — Унда нима учун, хеч бўлмагандан ўлдириган куролини ташлаб қочмаган? Шуниси аниқки, бунда қурол йўқ экан, демак, чол ўзини ўзини ўлдириган бўлиб чиқмайди. Буёғи энди жуда жиддий.

— Жиноятчилар, одатда, бирони хатога йўл қўйишида, — гапини ўтказишига интилади катта инспектор, — буни тажрибадан биламиз.

Пуаро хўрсишиб ғўлдираб кўйди.

— Хато қилганига қарамай, барибир, қотил яширишига улгурган.

— Мен унинг ростдан ҳам яширинганига ишонмайман.

— Сиз, қотил ҳалиям шу уйда юрибди, деб хисоблайсизми?

— Бу ердан бошқа бирон жойда бўлиши тасаввурга сизмайди. Бу шу уйдагиларининг иши.

— Лекин *tout de même*¹, — юмшоқлик билан деди Пуаро, — кимлигини билмаганингиз боисидан ҳам яшириниб олган.

Катта инспектор мулоим, лекин қатъият билан шундай деди:

— Барибир шунга ишончим комилки, тез орада унинг кимлигини билиб оламиз. Ҳали биз бу уйда бўлганларининг ҳаммасини сўроққа тутганимиз йўқ-ку.

Бахсга полковник Жонсон аралашди.

— Садден, биласизми, мени бир нарса ҳайратда қолдиряпти: калитни ташқаридан туриб бураган одам барибир устаси фараанг экан. Қўлидаги асбобни тўғри ишлати билиншинг ўзи нихоятда мураккаб.

— Сэр, сиз бу нарса мутахассис одамнинг қўлидан келадиган иш демоқчимисиз?

— Худди шундай.

¹ Шунга қарамасдан (фр.).

— Бир қараңда бу түғрига ўхшайды, — деди Сагден. — Қундай дейдиган бўлсак, демак, хизматкорлар ичида учиға чикқан ўғрилар бор экан, дейиш мумкин. Бу нарса олмосларнинг ўғирланишини-ю, қотилликнинг содир бўлишини мантиқан асослаб беради.

— Сизнингча, бундай тахмин билан чигалини ечиб бўлмайдими?

— Аввалига ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Лекин бунда бирон натижага эришиш кийин. Хонадонда саккизта хизматкор бор. Олтитаси аёл, улардан тўрттаси олти йил ва ундан кўнроқ вактдан буён ишлайди. Кейин бир эшик оғаси ва малай бор. Эшик оғаси кирқ йилдан буён шу ерда, бир хонадонда бунақа кўп ишлаган одам кам топилди. Малай шу ерлик, бир боғбоннинг ўғели. Шу ерда туғилиб, шу ерда вояга етган, қандай қилиб у учиға чикқан ўғри бўлиши мумкин. Хизматкорнинг ичилда нисбатан янгиси мистер Лининг маҳрами. Лекин у қотиллик содир бўлган пайтда бу ерда бўлмаган, ҳали ҳам йўқ. Кечқурун соат саккизларга яқин кетган.

— Сизда шу ерда муттасил бўладиганларнинг рўйхати борми, — сўради полковник Жонсон.

— Ҳа, сэр, эшик оғасидан олганман. Унинг ёндафтаридан ёзib олдим. Үқиб берайми?

— Ҳа, марҳамат.

— Эр-хотин мистер ва миссис Альфред Лилар. Парламент аъзоси Ли хотини билан. Мистер Харри эр-хотин, мистер ва миссис Дэвид Лилар. Мисс (Сагден дудукланиб қолди, кейин унга алоҳида ургу бериб айтди) Пиллар («Пиллар» дейиш ўрнига «Пиллар» деб юборди) Эстравалос. Мистер Стивен Фарр. Энди хизматкорлар: Эдверд Тресилиан — эшик оғаси. Уолтер гамъон юргурдак. Эмили Рива — ошиғаз. Куин Жоуиз — идиш-товок юувучи. Геэдик Спент — катта оқсоч, Рейс Бент — иккинчи оқсоч, Беатрис Москомб — учинчи оқсоч. Жоан Кенч — хизматкор — ошпазга ёрдамчи ҳамда оқсоч. Сидни Хорбури — маҳрам.

— Ҳаммаси шуми?

— Ҳа, сэр.

— Қотиллик содир бўлганда ким каерда бўлганини биласизми?

— Умумий тушунчам бор. Ҳали ҳеч кимни сўроқ килганим йўқ — бу ҳақда сизга маълум килганман. Тре-

силианинг гапларига караганда жентльменлар смакхонада бўлишган. Хонимлар меҳмонхонага ўтишган экан. Тресилиан уларга қахва улашибди. У буфетхонага киришим биланоқ тепада тўполон бўлиб кетди, орқасидан бақирик-чакирик овозлари эшилтилди, дейди. У дахлизга чопиб чиқибди-ю, бошқалтар билан бирга зинадан юкорига кўтарилибди.

— Оила аъзоларидан нечтаси муттасил шу уйда яшайди-ю, меҳмонлари кимлар? — сўради полковник Жонсон.

— Доимо шу ерда яшайдиганлар мистер ва миссис Лилар, колганлари келиб кетувчилар.

Жонсон улар хозир қаерда деб сўради.

— Мен уларга кўрсатма бермаганимизча ҳаммангиз меҳмонхонада бўлиб туринглар, — дедим.

— Яхши. Биз хозир юкорига кўтарилиб, воеа содир бўлган жойни кўришимиз керак.

Катта инспектор кенг йўлка билан зина томон бошлаб борди.

Котиллик содир бўлган хонага киришганларида овоз чиқариб уф тортиб юборди.

— Накадар даҳшатли манзара, — деб қўйди у.

У тўйтарилган ўришдик, чил-чил синган идиш-товорклар, қон сачраган нарсаларга бир дақика қараб турди.

Мархумнинг олдида тизжалаб турган ориккина қария ўрнидан туриб бош қимирлатиб сўрапди.

— Салом, Жонсон, — деди у. — Хийлагина тартибсизлик, тўғрими?

— Ҳа, жуда хунук манзара, — деди у. — Доктор, бизга бу ҳақда бирон нима маълум кила оласизми?

Доктор елкасини қисиб қўйди-ю, кулимсираб шундай деди.

— Илмий истилоҳларни дастлабки терговга қўйиб турдилек. Умуман олганда, унчалик мураккаб нарса йўқ бу ерда. Худди мол сўйгандек томокка пичоқ тортилган. Вараклаб коп отилгану мархум бир дақика ичидан жон таслим килган. Пичоқ топилмади.

Пуаро деразаларнинг олдига борди. Садеи айтгандай бири ёник ва кулфлоғли эди. Иккинчи дераза тўрт дюймлар чамаси пастдан юкорига кўтарилган ва тиргак билан қаттиқ маҳкамланган эли. Бунақа тиргаклар буни-

дан күп йиллар муқацдам ўғрилтардан сакланиш учун кўйнларди.

— Эшик оғасининг галига қараганда, — деди Сагден, ҳар қандай об-хаво шароитида ҳам дераза охирига-ча ёпилмас экан. Дераза тагила турган липолеумнишг устидаги гиламча ёмғир шаррос қўйиб деразадан хонага тушадига бўлса, эҳтиёти шарт ташлаб қўйилган экан. Лекин деразадан ёмғир камдан-кам тушаркан, чунки том-нинг пастигача чўзилиб тушган қисми ёмғирни тўсиб турар экан.

Пуаро бош ирғаб қўйди. У мурданинг олдига келиб, уни дикқат билан текшира бошлади.

Чолининг лаблари йирилган. Қонсиз милклари очилиб қолган. Гўё у ўлими олдида нимадир деб қичкиргандай эди, кўллари, чангак бўлиб қолган бармоқлари кисқич-баканинг қисқичларини эслатарди.

— Жуда нимжон одам бўлган экан, деган таассурот қолдиради кипида, — деди Пуаро.

— Менимча, жуда жони қаттиқ одам бўлган, — деди доктор. — Жуда кўп касалга чалинди, бунга ўхшаган-лар аллақачон нариги дунёга равона бўлган.

— Мен бу ҳақда гапирмаянман, — тушунтириди Пуаро. — Мен жисмонан жуда заниф бўлган экан, демокчи-ман.

— Ха, жуда нимжон одам эди.

Пуаро мурладан нари кетди. Эгилиб ағдарилган ўрин-дикларни кўра бошлади. Уларнинг битгаси жуда катта, зил-замбил қизил дараҳтдан ясалган. Ёнида думалок стол тўнтирилиб ётибди, уям қизил дараҳтдан ясалган, чинши чирокнинг шишалари сочилиб ётибди. Сал нарида нисбатан чоғрок иккита ўриндик ағдарилган, графин қўйи-ладиган шатнис ва иккита қадаҳнинг синниклари ётибди. Оғир шиша босма синдирилган. Ниҳоят, сочилган китоблар, каттагина япон вазасининг синниклари ва бронзадан ясалган ялашюоч қиз хайкали қўшилиб бир уюм бўлиб ётарди.

Пуаро эгилиб, буларнинг барини қўлинни тегизмасдан дикқат билан кузатди. У қовоғини солиб олди, чехраси-ла қандайдир англашилмовчилик акс этиб турарди.

— Бирон нимадан ажабланяпсизми, Пуаро, — деб сўради полиция бошлиғи.

Пуаро бир хўрсениб олиб, аста шундай деди:

— Кария ўзи нихоятда нимжон ва орик бўлса-да, шунча нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетгани ғалати.

Жонсон ҳам эсанкираб қолди. У ўз иши билан манигул бўлиб турган сержантга ўтирилиб:

— Бармоқ излари ҳакида нима дейсиз? — деди.

— Бармоқ излари, сэр, жуда кўп, ҳамма хонадаям бор.

— Пўлат сандиқда-чи?

— У ерда йўқ. Факат қари жентльменни кигина бор.

Жонсон докторга ўтирилди.

— Менга қаранг, қон излари қалай? Мистер Лини ўлаирган одамга ҳам унинг қони юккан бўлиши керакку, ахир.

— Юқмаган бўлиши ҳам мумкин. Кон асосан шоҳ томирдан оқиб чиккан. Артериядан чикканда ҳамма ёкка сачраб кетиши мумкин эди.

— Шунака, лекин кўрмаянсизми, ҳамма ёқни қон босиб кетган.

— Ҳа, ҳамма ёқни қон босиб кетган. — Унинг ганини маъқуллари Пуаро. Мана шуниси ғалати: ҳамма ёқда қон.

Сагден Пуарога илтифот билан мурожаат килди:

— Сиз... бу сизда бирор фикр уйғотяптими?

Пуаро хонага назар ташлаб чиқди-да, кейин калласини кимиirlатиб қўйди.

— Кон излари... куч ишлатиш, — деди у ва бир оз жимликдан сўнг давом этди: — Ҳа, факат куч ишлатилган. Яна қон... кўзга фактакон кўринянати... Аникрок қилиб айтсак, кон ҳаддан ташқари кўп. Ўриндиклардаям, столда ҳам, гиламда ҳам кон. Конли жанг? Қурбонгоч-а? Шундай деб тушунсак бўладими? Эҳтимол. Шунаканги нимжон, шунаканги эт бориб суюкка ёпишган ва кок суюк бўлиб қолган муштеккина чол — энди эса... ўлгандан кейин... ундан шунаканги кўп кон чикканки...

У жимиб қолди. Катта инспектор Сагден унга кўзларини лўқ қилиб туриб шундай деди.

— Қизик, хонимлар ҳам шундай дейишган эди...

— Қайси хоним? Нима деган эди?

— Миссис Альфред Ли эшикнинг олдида туриб олиб, — деди Сагден, — аста шундай деб қўйган эди. Унинг сўзларига аҳамият бермагандим.

- Нима деган эди? Аникроқ қилиб айтинг.
- Кари жентльменда шунчалик кўп қон бўлади деб ким ўйлабди, деган эди.

Пуаро овозини пасайтириб хитоб қилди:

- «Кари одамда шунчалик кўп қон бўлади деб ким ўйлабди». Бу Макбет хонимнинг сўзлари. Миссис Ли шуни айтган экан-да... Фаройиб...

VIII

Альфред Ли хотини билан Пуаро, Сагден ва полиция бошлиғи тик турганча уларни кутиб турган мўъжаз хонага кириб келди. Полковник Жонсон олдинга ўтди.

- Салом, Мистер Ли. Биз сиз билан ҳеч қачон учрашмаганмиз, лекин мен графлиқдаги полиция бошлиғиман, бу сизга албатта маълум бўлса керак. Менинг фамилиям Жонсон. Бўлиб ўтган ходиса менга қай дараҷада ёмон таъсир қилганини сўз билан изоҳлаб беролмайман.

Альфред уриб ташланган итдай хириллаб жавоб берди.

- Рахмат, даҳшатли. Жуда даҳшатли воқеа содир бўлди. Мен... булар, танишинг, менинг рафиқам.

Лидия ўзига хос хотиржамлик билан деди:

- Бу ходиса ҳаммамизга, айниқса, менинг эримга оғир зарба бўлди. — У шундай деб эрининг слкасига кўлини қўйди.

— Ўтириңг, миссис Ли, — таклиф қилди полковник Жонсон. Таништиришимга рухсат этинг, бу киши мсье Эркюль Пуаро.

Пуаро таъзия қилиб қўйди. У эр-хотинга кизиксиниб бир-бир назар ташлаб чиқди.

Лидия эрининг елкасидан аста босиб:

— Ўтириңг, Альфред, — деди.

У ўтириб ўзича ғўллираб қўйди.

— Эркюль Пуаро... ким бўлса экан...

У бир нимани эсламоқчи бўлгандай пешанасини си-лаб қўйди.

— Полковник Жонсон сенга анча-мунча савол бермоқчи, Альфред, — деди Лидия.

Полиция бошлиғи шундай дегандай маъқуллаб унга қаради. У миссис Ли аклли ва бамаъни аёл бўлиб чикқанидан мамнун бўлди.

— Бажону дил, майли, — деб қўйди Альфред.

Жонсон «фожиа уни эсанкиратиб қўйибди, озгина бўлса ҳам ўзини қўлга олар, деб умид қиласман», деб қўйди ўзича.

Полковник Жонсон овозини чикариб деди:

— Менда бугун оқшом шу ерда бўлганларнинг рўйхати бор. Мистер Ли рўйхатдагиларнинг ҳаммаси шу ерда бўлганлиги тўғрими?

У Сагденга ишора қилган эди, Сагден ён дафтарчалини олиб рўйхатни бошкатдан ўкиди.

Бу расмиятчилик, афтидан, Альфред Лини бирмуча ўзига келтирди. Энди унишг кўзлари аввалгилик бир нуқтага тикилганча маъносиз бокмасди. Сагден рўйхатни ўқиб тутатгандан кейин у маъқуллаб калласини қимирлатиб қўйди:

— Ҳаммаси тўюри.

— Агар эътироз килмасангиз уйингиздаги меҳмонлар хақида батафсилроқ маълумот берсангиз. Ўилишимча, мистер ва миссис Жорж Лилар, мистер ва миссис Дэвид Лилар укаларингиз.

— Улар мендан кичик укаларим ва уларнинг хотинлари.

— Улар факат меҳмонга келишганми?

— Ҳа, Рождество байрамига келишган.

— Мистер Харри ҳам укангизми?

— Ҳа.

— Колган иккита меҳмон-чи? Мисс Эстравадос билан мистер Фаррин айтапман?

— Мисс Эстравадос — жияним, мистер Фарр бўлса, отам билан бир вақтлар Жанубий Африкада шерикчилик килган одамнинг ўғли.

— Дўсти қадим, дегандайдир-да.

— Йўқ, кечаги кунгача биз уни хеч қачон кўрмаганмиз. — Сухбатга қўшилди Лидия.

— Тушунарли. Лекин уни Рождество байрамини бирга ўтказишга таклиф килганидингизлар?

Альфред иккиланиб колиб хотинига қаради. Лидия очик-ойдин килиб тушунтириб берди.

— Мистер Фарр хонадонимизда кеча дабдурустдан найдо бўлди. Бир вактлар қўшини бўлган экан, қайнатамни кўргани кирибди. Қайнатам Фарр қадимги дўсти ва шеригининг ўғли бўлиб чиққанини билгандан кейин йигитчани Рождествода биз билан бирга бўласан, деб оёқ тираб туриб олди.

— Уй эгалари хақида хаммаси равшан. Энди хизматкорлар хусусида. Миссис Ли, сиз уларнинг хаммасини ишончли одамлар деб хисоблайсизми?

Лидия жавоб беришдан олдин ўйлаб олди. Кейин шундай деди:

— Ха уларнинг ишончли одамлар эканлигига мутлако кафилман. Бари бизда кўп йиллардан буёи ишлашади. Эшик оғаси Тресилиан менинг эрим. Ёш болалигидан буён шу ерда. Нисбатан янгилари ошназнинг ёрдамчиси оксоҳ Жоан ва қайнатамнинг маҳрами.

— Улар хақида нима дея оласиз?

— Жоан хали эси кирмаган киз. У ҳакда ёмон фикрларга боролмайман. Хорбурини эса унчалик яхши билмайман. У бизга хизматга кирганига бир йилдан сал ошди. Ўз хизматини аъло даражада бажаради, қайнатам, менинчча, ундан миннатдор эди.

— Лекин хоним, — кескин килиб деди Пуаро, — сиз ундан унчалик хурсанд эмассиз-а?

Лидия озгина елка килиб кўйди.

— Унинг менга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган.

— Бирок сиз хонадоннинг бекасисиз. Хизматкорларнинг сизга алоқаси бўлиши керак эмасми?

— Бўлиши керак, албатта. Лекин Хорбури қайнатамнинг шахсий маҳрами эди. Факат унга бўйсунарди.

— Тушунарли.

— Энди бугун оқшомда содир бўлган воқеаларга ўтайлик, — деди полковник Жонсон. — Ярангизга туз сепмасам, деб кўрқаман, мистер Ли. Бўлиб ўтган ходиса хақида ўз оғзингиздан эшитмокчийлик.

— Бажону дил, — деди Альфред секин.

Полковнинг Жонсон савол бериб унинг ганириб юборишнига турткни берди.

— Дейлик, сиз ўз отангизни сўнгти бор қачон кўрганингиз?

Юракдаги оғир дардан нишона бериб турувчи юзидаги ифода у гапга тушгандан кейин қойиб бўлди.

— Чой ичиб бўлгандан кейин. Унинг олдида бирнас ўтиридим. Кейин хайрли тун тилаб чишиб кетдим. Ўйлаб кўрсам, тахминан ўн бештакам олтиларда эди.

— Хайрли тун тилаб чишиб кетибсан-да? — леб сўради Пуаро. — Демак, отангиз билан кечкурун яна кўришиш ниятингиз бўлмаган?

— Йўқ. Отамга хар куни соат еттиларда енгил кечки таом келтириларди. Таомдан кейин у тох барвакт ётарди, тохида ўринидикда узок ўлтиради. Агар ўзи биронтамизни чакириб келиш учун одам юбормаса, оила аъзоларидан ҳеч ким унинг олдига кирмасди.

— Отангиз тез-тез чакириб турармиди?

— Хар замон-хар замонда. Кўргиси келиб колганда.

— Лекин бу одат тусига кирмагандими?

— Йўқ.

Альфред давом этди:

— Биз кечки таомга соат саккизда ўтирик. Таом тугагандан кейин хотиним бошқа хонимлар билан бирга меҳмонхонага чишиб кетди. — Унинг овози қалтираб кетди. У яна бир нуктага тикилиб қолди. — Биз емакхонаада стол атрофига давра қуриб ўтиргандик. Бирдан тепада гала-ғовур бошлиниб кетди. Стол-стуллар аударилган, ойналар чил-чил синган. Кейин э, худойим-эй (у чўчиб тушиди). Отам бақириб юборди. Даҳшат, устмас-уст бақираверди. Ҳозир хам унинг овози қулогим остида эпитилиб турибди. Худди жон талвасасидаги одамнинг бақириғига ўхшайди...

У қалтирок бармоқлари билан юзини беркитиб олди. Лидия унинг кўлларини ушлади. Полковник Жонсон:

— Кейин-чи? — деди юмшоклик билан.

— Биз котиб қолдик, хатто бир дақиқа кимиirlай олмадик. Кейин емакхонадан чишиб, зина оркали юкорига, отам ётган хонага югуриб кетдик. Борсак эшик берк экан. Эшикни бузинига тўғри келди. Кириб қарасак...

У тўхтаб қолди.

Жонсон дарров гапга қўшилди.

— Ҳолатни батафсил тасвирлашингизга эхтиёж йўқ, мистер Ли. Сал орқага — емакхонада бўлган вактингиzinga кайтамиз. Бақириқни эшиганингизда сиз билан бирга кимлар бўлган эди?

— Кимлар? Ҳаммамиз. Йўқ, шошмай туринг. У ерда укам Ҳарри бўлган эди.

— Башка хеч ким йўқмиди?

— Ҳеч ким.

— Башка жентльменлар қаерда эди.

Альфред ковогини уйиб, эслашга уринди.

— Ҳозир ўлаб айтаман. Бунга узок вакт бўлганга, ҳатто йиллар ўтиб кетганга ўхшайди, назаримда. Башкалар қаерда эди? О, эсладим. Жорж телефон юлгани кетди. Кейин биз оиласий ишлар хакила гаплаша бошлидик. Стивен Фарр, сизларга халақит килмай деб ташқарига чиқди. У жуда одоб ва мулозамат билан чиқиб кетди.

— Укангиз Дэвид-чи?

Альфред тумшайди.

— Дэвид-ми? У хонада бўлмаган эканми? Ха, у ростдан ҳам йўқ эди. Унинг қачон чиқиб кегганини сезмай ҳам колибман.

Пуаро эҳтиёткорлик билан сўради:

Демак, сиз оиласий ишларни муҳокама қилибсизлар-да?

— Э-э... Ха.

— Башқачарок килиб айтсан, оиласий масалани оиласинг баъзи бир аъзолари билан муҳокама қилмокчи бўлганмидингизлар?

Лидия сўради:

— Месе Пуаро, бу билан нима демокчи бўляисиз?

Пуаро унга ўгирилди.

Хоним, эрингиз мистер Фарр, сизларга халақит юлмай чиқиб кетди, деб айтди. У ерда месе Дэвид билан месе Жоржлар иштирок этмагани учун *conseil de famille*¹ бўлолмайди. Шундан келиб чиқиб, буни оиласинг икки аъзоси ўртасидаги сухбат дейиш мумкин бўлади. — Қайним Харри кўп йиллардан буён чет элда юрибди. Шундай бўлгач, табиий, эрим билан унинг орасида ҳар канака гап бўлиши мумкин.

— Тушунаман. Демак. Шундай, ха.

Лидия Пуарога бир караб дарров кўзини олди.

— Бўнти, етарли бўлса керак, — деди Жонсон. — Зинадан отангизнинг хонасига караб зинапоя оркали юргашингизда сиздан бошқа яна кимлар бўлганлигини эсладингизми?

¹ Оиласий кенгаш (*фр.*).

— Түгриси, билмайман. Биз хар тарафдан югуриб чикиб чошишдик. Кимлар бўлганилигини аниқ айттолмайман деган хавотирдаман. Жуда кўркиб кетган эдим. Шунаканги ваҳшиёна кичкирик...

Полковник Жонсон дарров бошқа мавзуга ўтди.

— Ташаккур, мистер Ли. Энди бошқа савол. Билишмича, отангизнинг қўлида бирмунча қимматбаҳо олмослар бўлган экан.

Альфред Жонсонга ажабланиб каради.

— Ха, тўгри, — деди у.

— Буларни қаерда сакларди?

— Ўз хонасидаги пўлат сандиқда.

— Уларни айтиб бера оласизми?

— Улар йўнилмаган олмослар эди.

— Нега отангиз олмосларни ўзида асраган.

— Инжистигидан. Уларни Жанубий Африкадан олиб келган. Олмосларга ишлов беришни хечам хоҳламаган. Уларни ўз холича асрарини ёқтиради. Айтдим-ку, ахир, инжистигидан деб.

— Тушунмаман, — деди полиция бошлиғи.

Унинг гап оҳангидан ҳеч нимани тушунмаганини англаш мумкин эди.

— Олмослар жудаям қимматбаҳомиди?

— Отам уларнинг баҳосини ўн минг фунтдан кам хисобламас эди.

— Демак, жуда қимматбаҳо экан-да?

— Ха.

— Бунақа тошларин ўз хонасида пўлат сандиқда асрари жуда ғалати.

Лидия гапга қўшилди.

— Полковник Жонсон, қайнатамнинг ўзига хос ғалати феъли бор эди. Ҳаммага ўхшамасди. Олмосларини кафтида шакирлатиб ўйнаб ўтиришдан хузур киларди.

— Балки бу олмослар ўтмишини эслатиб турар, — тахмин қилди Нуаро.

Лидия унга менинадорчилик билан караб қўйиб деди:

— Ха, шундай бўлса керак, деб ўйлайман.

— Олмослар суғурта қилиб қўйилмаганиди?

— Менимча, йўқ.

Жонсон олдинга эгилиб, наст овоз билан сўради.

— Мистер Ли, олмослар ўғирланганидан хабарингиз борми?

— Нима? — Альфред хайрон бўлиб Жонсонга тикилди.

— Отангиз олмослари ўғирланганини сизга айтмаганими?

— Мутлако хабарим йўқ.

— Отангиз катта инспекторни чакириб, олмослар ўғирланганини маълум қилганидан хабарингиз борми?

— Умуман бу хақда тасаввурга эга эмасман.

Полиция бошлиғи Альфреднинг хотинига қаради.

— Сиз-чи, миссис Ли?

— Бунака гапларни эшитганим йўқ, — деди Лидия калласиши қимирлатиб.

— Демак, сизлар олмослар пўлат сандикда турибди, деб билгансизлар?

— Ҳа.

Лидия тараффудланиб туриб сўради:

— Котилликнинг асл сабаби шунда экан-да? Олмос деб шунчаликка борибди-да?

— Биз ҳам шуни аниқламокчимиз, — жавоб берди полковник Жонсон ва бопіқа саволга ўтди.

— Миссис Ли, буларни ким ўғирлани мумкинлигини тасаввур қила олишингиз мумкиними?

— Йўқ, — деди Лидия. — Шунга ишончим комилки, ҳамма хизматчилар ҳалол одамлар. Уйдан тапкари, улардан биронтасининг пўлат сандикка яқинлашиши шикоятда кийин. Қайнатам ўз хонасидан бир қадам ҳам чиқмаган. Ҳеч қачон пастга тушмаган.

— Хонани ким тартибга соларди.

— Хорбури. У жой солиб берар, чантларни артиб чиқарди. Иккинчи оқсоч ҳар куни эрталаб кириб каминни тозалаб ўт ёкиб кетарди. Қолган ишларнинг ҳаммасини Хорбури бажаарарди.

— Шундай килиб, — деди Пуаро, — бу ишга Хорбурида имконият катта экан.

— Ҳа.

— Демак, сиз олмосларни Хорбури олган, деб хисоблайсиз.

— Бўлиши мумкин... Бунинг учун унда имконият катта. Тўғриси, нима дейишимињиям билолмай қолдим.

— Эрингиз бугунги оқшом қандай ўтганини айтиб берди, — деди полковник Жонсон. — Миссис Ли, сиз ҳам унинг гапларини тасдиқлай олармикансиз? Қайна-тангизни сўнгги бор қачон кўргаңсиз?

— Биз ҳаммамиз унинг хонасида кундузи, чойдан олдин бўлгандик. Ўшанда уни сўнгги бор кўргандим.

— Кечкурун хайрли тун тилагани олдига кирмаган-мидингиз?

— Йўқ.

— Хайрли тун тилагани кечкурунлари кирадиган одатингиз йўқмили?

— Йўқ.

Полиция боилиғи сўроқни давом эттириди.

— Жиноят содир бўлганда каерда эдингиз?

— Мехмонхонада.

— Сиз олишаётгандаги товушларни эшитдингизми?

— Эсимда бори шуки, гумбирлаб оғир нарса полга ағдарилилди. Гап шундаки, унинг хонаси меҳмонхонанинг эмас, емакхонанинг тепасида, шунинг учун ҳамма овозни эшитмаган бўлишим мумкин.

— Лекин бақирик-чақирикни эшитгаңсиз-ку?

Лидия чўчиб тушиди.

— Ҳа, эшитдим... бу вахшиёна кичкирик эди, гўё... гўё дўзах ўтида ёнаётган одамнинг қичкириғига ўхшарди. Мен дарров бирон кор-хол бўлганини тушундиму, эрим билан Хорбурининг орқасидан зинага қараб югуриб кетдим.

— Шу вақтда сизлар билан бирга меҳмонхонада яна ким бор эди?

— Тўғриси, яхши эслолмаяйман, — Лидия қовоғини ўйди. — Дэвид ёнимиздаги мусика хонасида Мендельсоннинг куйини чалиб ўтиради. Менимча, ёнида Хилда бор эди.

— Башка хонимлар қаерда эди?

Лидиянинг овози насанди.

— Мегдалин телефон қилгани кетувди. Қайтиб келганими, йўқми, эслолмайман. Пиларнинг қаерда бўлганлигини билмайман.

Нуаро юмшоқлик билан деди:

— Сиз меҳмонхонада ёлғиз ўзингиз бўлган бўлсангиз керак-а?

- Ха... ха, менимча шундай эди.
- Энди олмослар хакида, — деди полковник Жонсон. — Мен буни яхшилаб аниқлаб олишимиз керак, деб хисоблайман. Миссис Ли, кайнатангизнинг пўлат сандиғининг коди сизга маълуммиди? Мен шунга эътибор килдимки, унинг тузилиши бирмунча эскича.
- Кодни кайшатам эгнидан ечмайдиган халатнинг ён чўнтағидаги кичкина ёндафттарчадан тонасиз.
- Яхши, биз бир оздан кейин унинг хонасига чиқамиз-да, аниқлаймиз. Лекин унгача байрамга таклиф килинганларнинг хаммаси билан бирма-бир гапланиб чиқини лозим топдик. Аёллар бориб ухлаплари мумкин.
- Лидия ўрнидан турди.
- Кетдик, Альфред. — У полициячиларга ўгирилди. — Уларни айтиб юборайликми?
- Эътиroz билдиrmасангиз биттадан, миссис Ли.
- Яхши.
- Лидия эшик томон йўналди. Альфред унга эргашди. Кутимаганда Альфред орқасига ўгирилди.
- Ха, -ха! — хайкириб юборди ва тез-тез юриб Пуаронинг олдига келди. — Сиз Эркюль Пуаросиз? Хотирамга нима жип урган. Дарров эслашим керак эди...
- У шоша-пиша, лекин аста гапира бошлади.
- Сизнинг келганингиз биз учун кутимаган омад. Мсье Пуаро, сиз хакиқатнинг тагига етишингиз керак. Харажатдан ташвиш тортманг, хар қанча бўлса, ўзим кўтараман. Фақат айборни топиб берсангиз бўлгани... Биронтаси шўрлик отамни ўлдирибди. Ўлдирганда хам вахшиёна ўлдириб кетибди. Сиз котилни топиб беришингиз керак, мсье Пуаро. Отамнинг қасдини олишим шарт.
- Сизни ишонтириб айтаманки, мсье Ли, — жавоб берди Пуаро хотиржамлик билан. — Полковник Жонсон билан катта инспектор Сагденга қотилни топишда қўлимдан келган хамма ёрдамимни аямайман.
- Сиз, — деди Альфред Ли, — менинг кўрсатмаларим бўйича иш олиб боришингизни хоҳлайман, отамнинг ўчини олишимиз керак.
- Альфредни қалтироқ босди. Лидия орқасига қайтиб келиб эрининг қўлтиғидан тутди.
- Кетдик, Альфред, — деди у, — бошқалар хам келиши керак.

Лидия билан Пуаронинг кўзлари тўқнапди. Бу кўзларнинг ҳар бирида ўзга сир бор эди. Улар кўзларини олиб қочишмади.

Пуаро ўзича минғирлади:

— «Ким ўйлабли, қари одамда...» Лидия унинг гапини бўлди:

— Етар! Давомини айтманг!

Пуаро гап котди:

— Бу сўзларни ўзингиз айтгандингиз, хоним.

Лидия билинар-билинмас хўрсаниб қўйди.

— Биламан... эсимда... Бу даҳшатли эди.

Шундай деб Лидия эри билан бирга хонадан чиқди.

IX

Жорж Ли ғоз юриб, жиддий қиёфада кириб келди.

— Даҳшатли ҳодиса, — деди у калласини кимирантиб. — Даҳшатли, одамнинг эти жунжикиб кетади. Буни мен факат ақлдан озган одамнинг кўлидан келадиган иш, деб хисоблайман.

Полковник Жонсон мулойимлик билан сўради:

— Бу сизнинг тахминингизми?

— Ха, ха, шубҳасиз. Котил — одамхўр. Эҳтимол котил шу якин орадаги руҳий касалликлар касалхонасидан қочиб чикқандир.

Ўз наебатида катта инспектор Сагден сўради:

— Сизнинг-ча, мана шу... жинни бу уйга қандай килиб кириб қолган бўлиши мумкин? Кейин қандай килиб чиқиб кетган?

Жорж калласини кимирантибди.

— Буни аниқлаш полициянинг иши, — деди у қатъий.

— Биз кела солиб уйнинг атрофини айланиб чиқдик, — деди Сагден. — Ҳамма деразалар маҳкам беркитилган, панжара билан тўсилган. Ён томондаги кириш жойи ёпик. Факат кўча эшик қолади. Ошхона орқали хеч ким чиқолмайди, чиқсан тақдирда ҳам хизматкорлар кўриб қолишади.

— Бўлмаган гап! — хайкирди Жорж Ли. — Эҳтимол ҳали отангиз тирик деб ҳам исботламоқчи бўларсиз!

— Йўқ, ўлган, — деди катта инспектор Сагден. — Бунга шубҳа йўқ.

Полиция бошлиғи томок кириб, ташаббусни ўз кўлига олди.

— Мистер Ли, котиллик содир бўлган пайтда сиз каерда бўлгандингиз?

— Мен емакхонада эдим. Бу ходиса кечки таом тугаши биланок содир бўлди. Йўқ, эсладим, мен мана шу хонада эдим. Эндиғина телефонда гаплашиб бўлгандим.

— Сиз телефонда гаплашдингизми?

— Ха, мен консерваторлар партиясини Уэстэрнгемдаги сайлов агентлигига телефон қилган эдим. Баъзи бир зарур ишлар юзасидан.

— Телефонда гаплашиб бўлишингиз билан кичқириқ овозини эшитдингизми?

Жорж Лини қалтироқ босли.

— Ха, мунгли, ёлворувчан кичқириқ овозини. Юрагим зиркираб кетди, кичқириқ салдан кейин хиркираш, хириллаш билан алмашди.

Жорж дастрўмолчасини олиб, нешанасидан чиккан терини артди.

— Даҳшатли ходиса, — деб минфирлади у яна.

— Кейин юкорига караб югурдингизми?

— Ха.

— Шу аснода сиз акаларингиз мистер Альфред Ли билан мистер Харри Лини кўрдингизми?

— Йўқ. Менимча, улар мендан олдинроқ юкорига чикишган бўлса керак.

— Мистер Ли, отангизни сўнгти бор качон кўргандингиз?

— Бугун тушдан кейин. Биз ҳаммамиз уиниг ҳузуридага бўлгандик.

— Шундан кейин бошқа қўрмадингизми?

— Йўқ.

Бир оз жимликдан сўнг полиция бошлиғи сўради:

— Отангиз ўз хонасидаги пўлат сандигида маълум микдорла йўнилмаган олмослар сақлаганидан хабарингиз борми?

Жорж Ли калласини кимиirlатди.

— Жуда эҳтиётсизлик қилган, — деди у отасига таъни қилгандай. — Бу ҳақда кўп марта айтганман. Демоқчиманки, сизни шу матоҳ деб бир кунмас-бир кун ўлдириб кетиши мумкин, деган маънода.

- Олмослар йўқолгани сизга маълумми? — унинг сўзини бўлди полковник Жонсон.
 - Демак, отамни олмос деб ўлдирган экан-да?
 - Олмослар ўғирланганини билгандан кейин, — деди аста полиция бошлиғи, — ўлимидан бир неча соат илгари бу ҳақда полицияга маълум қилган.
 - Унда... — деди Жорж тутилиб. — Тушунолмай колдим. Мен...
- Эркюль Нуаро юмшоқлик билан деди:
- Биз ҳам ана шузи тушунолмаяпмиз...

X

Хонага Харри Ли кирди. Нуаро унга бир дакиқа ковоғини уйиб караб турди. Назаридан уни илгари қасрладир кўргандек бўлди. Киррабурун, герлайган, жағлари туртиб чиққан. Харри Ли йирик гаввали, отаси унинг ярмича келса ҳам лекин барибир уларнинг қиёфаларида умумий ўхшаш жойлар бор эди.

Нуаро бошқа нарсани ҳам иайқали. У енгил қадам ташлашига қарамасдан асабийлашаётган эди. Зохиран ўзиши хотиржам тутаётган бўлса-да, лекин нимаътир ичини кемираётган эди.

- Шундай қилиб, жентльменлар, — деди Харри, — Сизларга қандай ёрдамим тегиши мумкин.
- Агар шу бугун оқшомда содир бўлган ходисага, — жавоб берди полковник Жонсон, — аниқлик киритиб берсангиз сиздан мишнатдор бўлардик.
- Мен хеч нимани билмайман, — калласини кимирлатди Харри Ли, — бу жуда даҳшатли ва мутлақо кутилмаган ходиса.
- Сиз афтидан, хориждан якинда кайтиб келган бўлсангиз керак, мистер Ли? — сўради Нуаро.

Харри дарров унга ўғирилди.

- Ҳа, Англияга бир хафта бурун учиб келдим.
- Ўзок вакт йўқ бўлиб кетдингизми? — сўрокин давом эттириди Нуаро.

Харри Ли энгагини қашиб кўйиб кулиб юборди.

- Агар хохласангиз ҳозироқ билиб кўя қолганингиз маъкул, барибирам бироитаси айтиб беради! Мен саёқман, жентльменлар. Бу хонадонда сўнгти бор бундан йигирма йил мукаддам бўлганман.

— Лекин энди қайтиб келдингиз-ку. Нега қайтиб келтапшызизин айтиб беролмайсизми?

Харри ўша-ўша очик күнгиллик билан гапни илиб кетди.

— Ҳаммаси қадимги ривоятлардагидай. Нишхўрт сб юриш жонимга тегди. Охири семиз отшинг сағрисидан татиб қолсан ёмон бўлмасди, деган карорга келдим. Отамдан таклиф хатини олдиму, бу ёқка равона бўлдим. Бор гап шу.

— Киска муддатга келдингизми, ё узок муддатгами? — деб сўради Пуаро.

— Энди хеч қаёкка кетмайман, шу ерда қоламан, — леди Харри.

— Отангиз буни маъқуллаганмиди?

— Отам эшишиб суюниб кетганди. — Харри яна кулиб юборди, кўзининг четларида ёқимли ажинлар пайдо бўлди. — Альфред билан бирга яшаш қариянинг жонига теккан-да. Альфред шундай ёқимсизки, лекин ўзи ёмонмас, факат у билан одам зерикади. Отам ўз вактида жуда ахлоқсиз бўлган. Лекин келишимни зориқиб кутган.

— Акангиз билан келингизнишиз шу ерда яшаб колишингизни билиб хурсанд бўлишганими? — Пуаро шу савони бериб сал кошини кўтарди.

— Альфредми? Фазабланиб кетди, Лидияни билмадим. Эҳтимол Альфредининг кўнглига қараб у ҳам ёқтирамагандир. Лекин охир-оқибатда у барибир хурсанд бўлади. Лидия менга ёқади. Мафтункор аёл. Лидия билан тил топишиб олишимиз мумкин. Лекин Альфред билан эса, йўқ, пойма-пой ковушга ўхшайими, у бошқа одам. Харри яна кулиб юборди. — Альфред отамизни мендан каттиқ қизғонар, хатто гаплашишимизниявраво кўрмасди. Ахир, у отамнинг чизган чизигидан чиқмайдиган, уй кизи-ку. Оқибатда, бу хатти-харакати учун ўз насибасини олдими? Одатда, онлада итоатгўй бўлган ўғил кетига тепилади. Жентльменлар, гапимга ишонавернинг, савобининг таги тешик дегани шу бўлади.

У атрофдагиларга бир-бир қараб чиқди.

— Менинг очиккўнгиллигим сизларни хайрон қолдирмайди, деб ишонаман. Ҳонадонимизда ҳукм сурган ифлосликларни барибир очиб ташлайсизлар, деб билди.

ман. Шунинг учун ҳаммасини ўзим рўй-рост айтиб кўя қолганим маъқул. Отам ўлгани учун мотамга ботиб ўтирибман, деб ҳам айтольмайман. Ахир қариб қуюлмаган оғамин ёшлигимдан буён кўрмаганиман, шунга қарамасдан у менинг отам, мен унинг пушти камаридан бўлганман — энди отами ўлдиришди. Қотилдан ўч олиш иштиёқида ёняпман. — У энгагини силаб қўйиб сухбатдошлирига назар ташлади. — Умуман олганда бизнинг оила аъзолари кекчи, қасоскор одамлар. Лиларнинг шахсиятига теккан бирон кимса осонгина қутулиб кетавермайди. Мен отамнинг қотилини топиб, осиб ўлдиришга ният килганман.

— Сиз, мистер Ли, ишончингиз комил бўлсин, — деди Сагден. — Бунинг учун қўлимиздан келган ҳамма чорани қиласмиш.

— Агар буни уддалай олмасангизлар, айтиб кўяй, ишга ўзим киришаман.

Полиция бошлиғи кескин қўлиб сўради:

— Мистер Ли, қотилнинг шахси ҳакида бирон-бир таҳминингиз борми?

— Йўқ, — деди Харри аста калласини кимиратиб. — Ҳеч қандай таҳминим йўқ. Биласизми, бу хол эсанкиратиб кўйди. Ўйлаб-ўйлаб бундай ваҳшийликни четдан бирор келиб қилиши тасаввуримга сизмаянти.

— Ҳа, — деди Сагден калласини кимиратиб.

— Ундаи бўлса, — давом этди Харри Ли. — Демак, отами шу ергилардан биронтаси ўлдирган бўлиб чиқади-да... Лекин буни қайси абллаҳ қилиши мумкин? Хизматкорлардан шубҳаланиб бўлмайди. Тресилиан узок йиллардан буён иштайди. Бир қайнови кам хизматкорми? Умрида бунака ишларга кўл уролмайди. Хорбури, тўғри, беззет нусха. Лекин Тресилианинг айтишича, кинога кетган экан. Стефан Фаррин хисобга олмаганде (умуман итаниши одамни ўлдиргани унинг узок Жанубий Африкадан шу ерга келиши аклга сизмайди), энди оила аъзоларимизнинг ўзи колди. Бирортамизнинг бу ишини қилишини аклга сиздиrolмаянман. Альфредми? Отамизни жонидан яхши кўрарди. Жоржми? Юраги бетламайди, Дэвидми? У хаёлпараст, қондан кўрқади. Бармоғини кесиб олса хушидан кетиб қолади. Хотинларми? Асл зоти ҳеч қачон бирорини бу қадар совукқоплик билан сўёлмайди.

ди. Унда ким? Худога аён, мен билмадим. Бу нарса менга каттик азоб беряйти.

Полковник Жонсон томоғини кириб олди – бирон расмий савол беришдан олдин уининг йўталиб оладиган одати бор эди.

– Кечқурун сўнгти бор отангизни қачон кўргандингиз?

– Чойхўрликдан кейин. Бундан олдин Альфредни каттик койиди. Каминангиз сабабчи бунга. Қария бир умр ўз хохишича яшаб келган. У ғаламислик килишини яхши кўрарди. Менинг ташриғимни ҳаммадан яшириб келишининг сабаби ҳам шунда. Мени кўриб, ҳамманинг сочи тикка бўлиб кетишидан завқланмоқчи бўлган. Худди шунинг учун ҳам васиятномани бошқатдан тузиш нијати борлигини маълум қилган.

Пуаро бир кимиirlаб қўйиб, деди:

– Демак, отангиз васиятнома ҳақида эслатган эканда?

– Ха, ҳаммамиз жам бўлганда қандай аҳволга тушаркан, деб кўз кири билан кузатиб турди. Сўнг хукуқшуносга Рождестводан кейин киргин, деб тайинлади.

– Васиятномасига қандай ўзгаришлар киритмоқчи бўлган? – сўради Пуаро.

Харри Ли кулиб қўйди.

Буни бизга айттани йўқ. Кари тулки! Ўйлашимча, тўғрисиям бу ўзгартириш каминангиз фойдасига бўларди, деб биламан. Менимча, у аввалги васиятномада мени хисобдан чиқариб ташлаган. Билишимча, энди киритмоқчи бўлган. Бу эса қолганларга жуда ёқимсиз зарба бўларди. Худди шундай, Пиларният қўшмоқчи бўлган. Невараси тушмагур кариянинг роса конини киздирган. Эҳтимол, унгаям ёлироқ лукма ажратмоқчи бўлган. Уни кўрдингизми? Жияним исиан қизи. Бу Пилар дегани бир шиёла сув билан ютгудек оғатижон. Ундан жануб гўзалининг ифори билан бағритошлиги уфуриб турибли. Афсуски, мен унга тоғаман.

– Гапингизга қараганда киз отангизнинг қонини қиздирибдими?

Харри бошини қимиirlатди.

– У қариянинг кўнглини қандай килиб овлашни яхши биларди. Узок вакт олдида колиб кетарди. Бас бойлаша-

ман, қиз шимага эришаётганини жуда яхши тасаввур қиласарди. Энди кеч, отам ўлган. Васиятномани Пиларнинг фойдасига ҳеч қанақасига ўзгартириб бўлмайди, шу билан бирга менинг ҳам, омад чопмади!

У ковоғини солиб олди, бир дақика жим турди-да, кейин овозига бошқа оханг бериб давом этди:

— Гапни мавзудан бошқа ёкка буриб юбордим, отами сўнгги бор қачон кўрганимни билмокчи бўлган эдингизларми? Айтдим-ку, чойхўрликдан кейин деб, соат олтилардан кейин, тўғри, қария бир оз чарчагандек кўринди, лекин кайфияти чоғ эди. Мен чиқканда олдида Хорбури қолган эди. Кейин бошқа кўрганим йўқ.

— Қотиллик содир этилаётганида қаерда бўлган эдингиз?

— Альфред акам билан емакхонада элим. Тушликдан кейин ҳар ҳолда юракдан гаплашиб ўтирилик, деб айтолмайман. Гап айни қизиган пайтда тепамизда тўстўполон бўлиб кетди. Худди ўнларча одам бир-бири билан олишаётгандек эди. Кейин шўрлик отам қичкириб юборди. Овози худди сўйилаётган чўчқанинг овозига ўхшарди. Бу овозни эшитиб, Альфред ўзини йўқотиб, жағи осилиб қолди. Мен туртиб ўзига келтирдим-у, иккаламиз олдинма-кейин юкорига югуриб кетдик. Эшик ёпик эди. Бузишга тўғри келди. Бунинг учун хийла вақт ўтди. Бу лаънати эшик қандай килиб ёнилиб қолган экан, аклимга сиғмайди. Кирсак, отамнинг хонасида ҳеч ким йўқ эди. Ўлай агар, деразадан ҳеч ким чиқиб кетолмасди.

Катта инспектор Сагден:

— Эшик ташқаридан берк эди, — деди.

— Нима? — ажаблашганча хитоб килди Харри. — Қасам ичиш имумкин, эшик ичкари томондан беркитилган, калит қулфнинг бурнида осилиб турарди.

— Демак, калитнинг шундай турганини кўргансиз? — қизиқсиндиPuaro.

— Мен кўп нарсаларни сезаман, — кескин килиб деди Харри. — Одатим шунаقا.

Харри ҳар учала эркакка бир-бир караб чиқиб, кейин деди:

— Жентльменлар, яна сўрайдиган бирон нарсангиз борми?

— Ташаккур сизга, мистер Ли, хозир эмас. Оила аъзоларингиздан биронтасини айтиб юбора олмайсизми?

— Албатта, айтиб юбораман.

У эшиккача бориб, орқасига карамай ташқарига чи-киб кетди.

Уркак бир-бирига караб олишди.

— Нима дейсиз, Сагден? — сўради полковник Жонсон. Катта инспектор шубхаомуз калласини қимирлатиб кўйди.

— У нимадандир кўркяпти. Қизик, нима учун...

XI

Мегдалин Ли эшикдан кирди-ю, ёқимли киёфада тўхтаб колди. У орик ва узун қўллари билан олтинранг соchlарини силаб турап. Яшил-кўк гулдор кўйлаги хушбичим сарв қоматини алоҳида ажратиб кўрсатарди.

У хуркак ва жудаям ёш кўринарди. Хонадаги эркаклар уни кўриб бир лақика котиб қолишиди. Жонсоннинг кўзларнда ҳайрат аломати акс этди. Катта инспектор Сагден жонланиб, ишга киришити имконияти келишини чидамсизлик билан кута бошлади. Эркюль Нуарода ҳам Мегдалиннинг ташки қиёфаси яхши таассурот колдириди (аёл буни сезди). Лекин уни аёлнинг гўзаллиги эмас, балки чиройини пеш килиб бундан ўз мақсадлари йўлила фойдаланмоқчи бўлганлиги лол килиб кўйган эди. Нуаронинг ўзича «*Jolil mannequin la petite Elle se pose tout naturellement. Elle ales yeux dures*»¹ деб ўзича ўйлаганини қаердан ҳам биларди.

Полковник Жонсон: «Офатижон экан. Жорж Ли эҳтиёт бўлмаса, кунини кўрсатади хали. Эркаклар билан қандай муомала қилишини жуда ўрнига кўяди бу аёл», деб кўйди ичидা.

Катта инспектор Сагден умуман бошқа хулоса чи-карди, «ўзига бино қўйган каллаварам аёл. Тезда унинг ковушини тўғрилаб кўямиз».

Полковник Жонсон ўрнидан турди.

— Ўтиринг, Миссис Ли. Илтимос, сизни қандай аташимизни маълум килсангиз.

¹ Яхшигини лашашинг экан бу қизча. Ўзини табиний ҳолда тутянти. Кўзлари эса қаҳрли (фр.).

— Миссис Жорж Ли.

Мегдалин ўтириб, мулойим табассум билан ташаккур билдириб қўйди. «Гарчанд сиз эркаклар полициячи бўлсангиз ҳам умуман унчалик қўркинчли эмас экансизлар», деб турарди унинг кўзлари.

Унинг табассумининг бир чети Пуарога қаратилганди. Чет элликлар гап аёллар хакида кетгана кўнгилчан бўлишади. Катта инспекторга бу гаплар таалукли эмас эди.

Мегдалин кўлларини чалмаштирганча чиройли киёфада туриб («*Elle joune tres bien la comedie, cette petite...»*¹):

— Бу шундай даҳшатли бўлдики. Жудаям кўркиб кетдим, — деди.

— Тўғри, тўғри, миссис Ли, — деди кўнгилчанлик билан полковник Жонсон, лекин унинг овози калтираб чиқди. — Биламан, оғир руҳий азоб чеккасиз. Энди ҳаммаси ортда қолди. Биз фақат бугун кечқурун уйда нима бўлгашлигини ўз оғзингиздан эшишиб билмоқчи эдик.

— Лекин мен бу ҳақда хеч нима билмайман, — деди у овозини кўтариб — худо ҳакки, билмайман.

Полиция бошлиғи бирмунча вакт кўзларини пириратиб унга қараб турди. Кейин юмшоқлик билан деди:

— Ха, албатта билмайсиз.

— Бу ерга биз кеча келганмиз. Жорж Рождествога келишим шартлигини айтиб туриб олди. Келмасам бўлар экан. Энди хеч қачон кадимги ҳолимга тушолмайман.

— Х-ха, хаяжонланарли ходиса.

— Гап шундаки, мен Жоржнинг оила аъзолари билан шари-бери танишман. Мистер Лининг ўзини бир ё икки бор кўрганман. Бири тўйимиз куни, кейин яна бир марта кўрганман. Тўғри, Альфред, Лициялар билан тез-тез кўришиб турардик, бу факат иш козасидан бўларди, улар менга умуман бегона одамлар.

Яна унинг кўзларила чўчиб турган боланинг кўзларидла акс этадиган маъно зухур этди. Эркюль Пуаро унга зеҳн солиб турди-да, ичидагояни «*Elle joune tres bien la comedie, cette petite...»* деган сўзни такрорлаб қўйди.

¹ «Болакай, қизикчи ролини бошлаб ўйнайди-да...» (фр.).

— Ха, ха, — деди полковник Жонсон. — Менга факат шуни айтинг-чи, сўнгги бор ўз қайнотангиз мистер Лини қачон тирик кўрган эдингиз?

— Ах, ушим! Ха, кунинг иккинчи ярмида. Бу жуда вахимали бўлди!

— Вахимали бўлди, дедингизми? Нима учун?

— Улар бир-бири билан роса солкашди!

— Ким солкашди?

— О, улар хаммаси.... Жорждан бошқа хаммаси, отаси унга хеч нима демади. Колганлари эса вой-бу...

— Нималар бўлди?

— Мистер Ли хузурига чорлаган эди, хаммамиз йиғилишиб келгаща телефонда хукукшунос билан васиятнома хусусида гаплашиб турган экан. Кейин дикқатини Альфредга қаратиб, нега тумшугинг осилиб кетди, деди. Харрининг шу ерда яшаб колишидан Альфреднинг оғрингани қайнатамга ёқмагани учун шундай деган бўлса кепрак. Тўгрисиям, Харрининг келиши Альфредга ёқмаган эди. Биласизми, кўп йиллар муқалдам қандайдир ёмон иш килиб қўйған экан. Кейин мистер Ли ўзининг мархум хотини хақида нимадир деди. Менимча, унинг товукча акли йўқ эди, деди. Буни эшишиб. Дэвид иргиб ўриидан туриб кетди. У худди шу захотиёқ чолни ўлдириб қўядиган важохатда эди... О-о! — у кутилмаганда гапдан тўхтаб колди, кўзларида қандайдир ташвиш аломати зухур этди. — Мен умуман буни назарда тутганим йўқ — мутлақо буниака демокчи эмасдим.

Полковник Жонсон уни хотиржам килмокчи бўлган оҳангда шундай деди:

— Тушунарли, хотүғри ибора ишлатиб юбордигиз, тушунарли.

— Кейин Дэвиднинг хотини Хилда уни тицчлантириди. Бор гап шу. Кейин мистер Ли кечқурун бошқа хеч кимни кўргиси келмаётганини айтди. Шундан сўнг хаммамиз чиқиб кетдик.

— Бошқа уни кўрмадингизми?

— Йўқ. Уни... уни...

У калтираб кетди.

— Ха, тушунарли, — тўхтатди полковник Жонсон. — Энди айтинг-чи, котиллик содир этилган пайтда қаерда эдингиз?

- Ҳм, эслаб кўрай-чи. Менимча, меҳмонхонада эдим.
- Шунга ишончингиз комилми?

Мегдалишниң киприклари пирширади, қовоғи юмилди.

— Э, йўғ-э, — хаяжонланди у. — Эсим оғиб коляптиёв. Телефон килишга борувдим. Ҳаммаси айқашуйкаш бўлиб кетди.

— Телефон килдим, деяпсизми? Қайси хонадан? — Мана шу хонадами?

— Ҳа, юқоридаги қайнатамнинг телефонидан бошка, бу уйда якка-ю ягона телефон мана шу.

— Хонада сиздан бўлак янга бошка биронтаси бормиди?

Унинг кўзлари катта очилди.

— Йўқ, бир ўзим эдим.

— Бу ерда қанча вакт турдингиз?

— Бу... анчагина. Кечкурунлари телефон қилиш учун кўп вакт кетади.

— Демак, сиз гаплашиш учун буюртма бергансиз?

— Ҳа, Уэстериңгем билан гаплашмокчи бўлувдим.

— Хўш, кейин-чи?

— Шундан кейин ҳалиги бақирик овози эшитнилб қолдн... Ҳаммамиз югуришиб кетдик. Эшик ёпиқ экан, бузишга тўғри келди, рост, қандай даҳшагли манзара эди. Мен бу холатни ҳеч қачон, ҳеч қачон унупотмайман!

— Албатта, — деб юборди полковник Жонсон ўзи билмаган холда унинг кўнглини кўтараман деб, кейин давом этди: — Қайнатангиз ўз пўлат сандигида бирмунча кимматбаҳо олмосларни асраб юрганини биларнидингиз?

— Йўқ! Шунаقا эканми? — овозида хаяжонли оҳанг акс этди. — Ҳақиқий олмослар эканми?

— Бахоси тахминан ўн минг фунт атрофида, — жавоб берди Нуаро.

— О! — деб бўшашиб кетди Мегдалин. Унинг бу овозида аёл зотига хос бўлган очкўзлик ёрқии намоён бўлди.

— Яхши, — деди полковник Жонсон, — менимча, хозирча шу етар. Бошка сизни ушлаб турмаймиз, миссис Ли.

— Ташаккур.

Мегдалин ўриидан турди. Аввал Жонсонга, кейин Пуарога миннатдорчилик билан болаларча юмшок табасум хадя килиб қўйди. Кейин бошини баланд кўтариб, кафтини орка томонига қаратса сал очганча ноз билан юриш килиб хонадан чиқди.

Полковник Жонсон унинг орқасидан чикиб:

— Илтимос, қайнингиз мистер Дэвидга айтиб қўйинг, бу ёкка кирсинг, — деди.

Жонсон унинг ортидан эшикни ёпиб қайтиб келди.

— Хм, бу хақда нима деб ўйлайсизлар? Чигат ечилияпти, шекилли. Эътибор килинг-а. Жорж Ли кичкирик бошланганда телефонда гаплашаётган экан. Унинг хотиниям телефонда гаплашиб турганда кичкирикни эшишибди. Ковушмаянти, гаплар бир-бирига мутлако ёшишмаянти. Сагден, сиз бу тўғрида нима дейсиз? — деб сўраши у.

Катта инспектор аста гап бошлади:

— Бу хоним ҳакида бирон ёмон гап айтмоқчи эмасман. Лекин у жентльменнинг ёқасидан кириб енгидан чикиб пулини суғуриб олишга устаси фаранг аёллар сирасига киради. Шундай бўлса хам барибир у жентльменни сўйиб ташлашга кодир эмас. Бу унинг қўлидан келмайди.

— Э-э. Ким билади тағин, топ *vieux*¹, — минеирлаб қўйди Пуаро.

Полиция бошлиғи унга ўгирилди.

— Пуаро, бу хақда фикрингиз қалай?

Эркюль Пуаро олдинга энгашди. У олдида турган босма қоғозни олиб, шамдандаги чаингни артмоқчи бўлгандай сурисиб қўйди ва шихоят жавоб берди.

— Мен, аввало, шуни айтган бўлардимки, бизнинг қўз олдимиизда марҳум Симеон Лининг феъли намоён бўлянти. Менимча, ишинг мухим жихати худди мана шунда, яъни ўлган одамнинг табиатида, феъли хўйида.

— Гашингизни уччалик тушунмай турибман, мистер Пуаро, — деди катта инспектор Сагден унга ўгирилиб саросимага тушган қўйи. — Унинг табиати билан ўлими орасида қандай боғликлек бўлиши мумкин?

¹ Биродар (фр.).

— Ўз феълининг курбони бўлган, — ўйланқираб деди Пуаро. — Аёлми, эркакми ўлдириладиган бўлса, бу кўнишча унинг феъли, табиати билан боғлик бўлади. Очик кўнгиллилиги, унинг шубҳадан холи бўлган феъли-хўйи Дездемонани ўлимга олиб келган. Айнан шубҳага лойик аёлгина Ягодаги ғаламисликни юзага чиқариши мумкин эди ва бу хол тезда рўёбга чиқди.

Маратнинг чиркинлиги, ифлослиги нақд ваннала ўлим топишига олиб келган. Меркуционинг ахлоки қилич зарбасидан ҳалок бўлишига сабаб бўлган¹.

Полковник Жонсон мўйловини силаб кўйди.

— Аникроғи, Пуаро, сиз нимани назарда тутяпсиз? — деб сўради у.

— Демокчиманки, Симеон Лининг табиатидаги бальзи бир хусусиятлар маълум бир кучларга туртки берган ва бу охир-оқибатда унинг ўлимига сабаб бўлган.

— Бундан чиқди, сиз олмосларнинг маълум даражада бунга алоқаси йўқ, деб ўйляяпсизми?

Пуаро Жонсоннинг чехрасидаги аниқ сезилиб турган саросимани сезиб кулиб кўйди.

— Mon cher², — деди у. — Симсон Ли табиатидаги ўзига хос жиҳатлари билангина ўз пўлат сандигида ўн минг фуул стерлингга teng келадиган йўнилмаган олмосларни тутиб турган. Ҳаммаям шундай қилавермайди.

— Тўппа-тўғри, мистер Пуаро, — деди катта инспектор Сагден сухбатдоши нимага наша қиластганини нихоят тушуигандай калласини қимирлатиб. — Мистер Ли жуда ғалати одам эди. У фақат ўтмишини хотирлаш учунгина ўша тошчаларни қўлига олиб ўйнаб ўтиради. Ишонаверинг, худди мана шуниш учун у буларни йўнишга бермасди.

Пуаро маъқуллаб калласини қимирлатди.

— Ха, тўғри, шундай бўлгани аниқ. Билишимча, сиз жуда зийрак экансиз, катга инспектор.

Сагден бу мактовга унчалик ишонқирамай турган эди, шу он гашга полковник Жонсон аралашди:

— Яна бир жиҳат бор, Пуаро. Бу кўзингизга ташландими йўқми, билмадим...

¹ Шекспир. «Ромео ва Жульєтта». III сахна, 1-кўринниш.

² Дўстликнам (фр.).

— Маніс оні¹, — деди Пуаро. — Нимани назарда тураёттанишгизни билиб турибман. Миссис Ли ўзи билмаган ҳолда валаклаб қўйди. У сўнгти оиласий учрапувни тасвирлайман деб, бир нарса оғзидан чикиб кетди. Унинг гапига Караганда, о, соддалик курсин, Альфред отасидан хафа бўлибди, Дэвиднинг киёфасида эса, отасини ўлдириб қўйинши мумкиндек бир ҳолат зухур этибди. Менимча, бу иккала ҳолат ҳам тўғри. Бундан келиб чикиб, биз йиғилишнинг сабабини тасаввурларимида аниқ тиклашимиз мумкин. Симеон Ли бутун оила аъзоларини нима учун йикқан. Нима сабабдан улар, айни у хукукшунос билан телефонда гаплашиб туриб, унинг овозини ҳамма баралла эптиш мумкин бўлган бир ҳолатда кириб келишган? Parllen², бу тасодифий ҳол эмас. Қария унинг овозини ҳамиша эшитниши учун шундай килган. Шўрлик чол, ёлғизланиб қолган, ёшлигидаги ўйинқароқ кунларидан маҳрум бўлган, юмшок курсисида уззукун мук тушиб ўтиради. Шунинг учун вактихушлик килиш максадида янгидан-янги хунарларни ўйлаб топади. У инсон табиатидаги тамагирлик, очкўзлик билан ҳазиллашади, унинг туғулари ва хирслари ҳам бундан четда қолмайди.

Лекин бундан яна бошка бир хулоса чиқариш мумкин. У ўз болалари юрагидаги очкўзлик, тамагирлик хирслари билан ўйнашар экан, ўйида уларниг биронтасиниям четда қолдирмайди.

Мантикан шундай хуносага келиш мумкинки, у бошқалар катори Жорж Лининг шахсиятига ҳам тегиши керак эди. Лекин Жоржниг хотини буни япиришга уринди. Шу билан бирга қария, бу аёлга ҳам бир жуфт заҳарли илмок ташлаб қўйганлиги шубҳасиз. Биз хали Жорж Ли билан унинг хотинига нима деганини билиб оламиз, деб ўйлайман...

Хонага Дэвид Ли кирди-ю, Пуаронинг гапи узилиб колди.

¹ Албагта (фр.).

² Жин урсин.

Дэвид Ли хотиржам эди. Хатто хаддан ташқари хотиржам эди, десаям бўлади. У келиб стулин уларнинг олдига яқинрок суреб ўтириди-да, полковник Жонсонга жиддий, шу билан биргэ савол назари билан тикилди.

Электр нурида пешанасига тушиб турган малла сочлари тарам-тарам бўлиб турар, ёнокларининг мушаклари аник кўринарди. У шу қадар ёш кўришардики, сирам тепадаги хонада ётган мархумнинг ўғлига ўҳшамасди.

— Хўш, жентльменлар, — деди Дэвид. — Сизларга қандай фойдам тегипши мумкин?

— Менга маълум бўлишича, мистер Ли, — деди полковник Жонсон. — Бугун кечга яқин отангизнинг хонасида қандайдир оилавий йиғилиш бўлибдими?

— Бу расмий йиғилиш бўлмаганди, шекилли. Демоқчиманки, бу оилавий маслаҳат ёки шунга ўхшаш бир нима эди.

— У срда нима гаплар бўлди?

— Отам, — хотиржамлик билан жавоб берди Дэвид Ли, — рухан тушкун холда эди. Кариб колган, устига-устак ногирон, буни эътибордан соқит қилиш керакмас. Афтидан, ҳаммамизни йигиб, юрагидаги гина-кудуратини тўкиб солмокчи бўлган.

— Отангизнинг нималар деганини эслаб колгандирсиз?

— Ҳаммаси бемаза гаплар, — деди аста Дэвид. — У дедики, ҳаммамиз ярамасминиш, хезалакмиш, оиласа биронтаям эркак киши йўқмиш! Пилар (испаниялик жијаним) иккита эркакка арзирмиш. Айтдикি... — Дэвид тўхтаб колди.

— Илтимос, мистер Ли, иложи борича, нима деган бўлса, сўзма-сўз айтинг, — деди Нуаро.

— Дадам дарғазаб бўлиб гапирди. У дунёнинг қаерларнададир никоҳсиз туғилган бўлсаям сизлардан яхширок ўғлим бўлса ажабмас... леб айтди, — деди Дэвид хоҳламайгина.

Дэвиднинг юз ифодаларидан айтилган гапларни такрорлашдан жиркангаётганилиги аник сезилиб турарди. Катта инспектор Сагден кутилмаганда чўчиб тушди. У ҳаммадан олдин:

— Отангиз укангиз мистер Жорж Лига алокадор бирон нарса дедими? — деб сўради.

— Жоржгами? Эсимда йўқ. Ҳа-ҳа, эсимга тушди, менимча, Жоржинг оиласини бокиши учун сарфланадиган шул харажатларини кисқартиришга мажбур бўлишини айтди-ёв. Жорж хаяжонланиб шолғомдай кизариб кетди. У асабийлашганидан тутила-тутила шул кисқартириладиган бўлса, рўзғорни тебрата олмаслигини исботлашга тушди. Отам сўзида туриб олиб, тебратасан, деди. Кейин бу борада хотишинг ёрдам беради, деб пичинг килди. Бу гапи унчалик ўринили эмасди. Чунки сикиб сарф-харажат қилишга келгандা, Жоржнинг олдига тушадигани йўқ, тийинни тежаб ишлатади. Мегдалинга келсак, аксинча, пулни пўчокча кўрмайди, дидлариям ўзларига мос.

— Бундан чиқди, хотиниям хафа бўлибди-да? — сўради Пуаро.

— Ҳа, бундан ташкари, дадам унинг дengиз офицери билан яшаганига шама килди, тўғри, у отаси билан бирга яшаганини айтмоқчи бўлган эди, лекин бу гапдан икки хил маъно чиқиб колди. Мегдалин қип-кизариб кетди. Мен бунинг учун уни кораламайман.

— Отангиз марҳум хотини ҳақида бирон нима дедими? — деди Пуаро яна.

Дэвиднинг юзларига қон тепди, столда турган кўллари муштга айланди ва аста қалтирай бошлади.

У хансираф паст овозда:

— Ҳа, онамни хақорат килди, — деди.

— Нима деб хақорат килди? — сўради полковник Жонсон.

Дэвид асабийлашиб:

— Эсимда йўқ. Қандайдир бемаза гапни гапирди, — деди.

— Онангиз вафот этганига анча вақт бўлганми? — юмшоқлик билан сўрали Пуаро.

— Онам вафот этганда мен ёш бола эдим, — Дэвид қиска килиб жавоб берди.

— Эҳтимол, онангиз бу хонадонда баҳтли яшамагандир?

Дэвид нафрат аралаш кулиб юборди.

— Менинг отамдай одам билан ким ҳам баҳтли бўла

оларди? Онам нуроний аёл эди. У юраги пора-пора бўлиб ўлнб кетди.

— Эҳтимол, — давом этди Нуаро, — отангиз онангизнинг ўлимидан хафа бўлиб юргандир?

— Билмайман, — кескин жавоб берди Жорж. — Мен онам ўлгандан кейин уйдан кетиб колганман.

Бир оз жим тургандан кейин у сўзини давом эттириди.

— Балки, мен шу келишимдан олдин отамни деярли йигирма йил мобайнида кўрмаганим сизга номаълумдир. Шундай бўлгач, унинг одатлари, душманлари, умуман бу ерда бўлиб ўтган ходисалар ҳакида сизга батафсил гапириб бера олмаслигимни ўзингиз тушунсангиз керак.

— Отангиз, — леб сўради полковник Жонсон. — Ўз хонасидаги пўллаг сандикда кимматбаҳо олмосларни саклаб юргани сизга маълуммиди?

— Аслида, — соддадиллик билан деди Дэвид. — Назаримда, бу унинг аҳмоқлиги бўлган.

Жонсон ўша куни оқшомда Дэвиддан нима килганини кисқача сўзлаб беришини сўради.

— Менми? О, мен овкатдан кейин тезда туриб кетдим. Ўтирволиб вино ичавериш жонимга тегиб кетган. Ундан ташқари, Альфред билан Харри ўртасида жанжал чиқадиган бўлиб турувди. Тўполонни ёқтирмайман. Секингина мусика хонасига кирдиму, пианино чалиб ўтирдим.

— Мусика хонаси меҳмонхонага ёндош, шундай масми? — сўради Нуаро.

— Ха. Мен у ерда... ҳалиги ҳодиса рўй бергунча бўлдим.

— Нимани эшилдингиз, аниқ қилиб айтинг?

— О-о! Юкорида мебелларнинг тарақа-турук килиб қулашини. Ундан кейин даҳшатли қичкирик қулогимга кирди.

— Мусика хонасида бир ўзингизмидингиз? — сўради Жонсон.

— Нима? Йўқ, ёнимда хотиним Хилда ҳам бор эди. У меҳмонхонадан чиқиб келди. Кейин иккаламиз бошкалар билан биргалашиб юкорига чопиб кетдик. — У асабийлашиб тез-тез кўшиб кўйди: — Сизлар у ерда нима

ларин күрганимни батафсил тасвирлаб беришимни хохляяпсизми?..

— Бунга эхтиёж йўк. — деди полковник Жонсон. — Ташаккур сизга, мистер Ли. Бўлди. Сиз отангизни ким ўлдиришига кодирлигини тасаввур қилолмасангиз керак?

Дэвид Ли бенарволик билан жавоб берди.

— Менинг назаримда жуда кўпчилик бунга кодир! Лекин бунинг кимлигини аниқ айтольмайман.

XIII

Полковник Жонсон йўғалиб бўлиши билан яна эшик очилиб Хилда Ли кириб келди.

Эркюль Пуаро унга қизиқсиниб тикилди. Пуаро акаука Лиларнинг аёллари мулоҳаза юритиш учун яхшиги на озиқ бўлишита ишонч хосил қилди. Лидияга хос бўлган топкирлик, жозибали латофат, Мегдалиннинг ёқимли киёфаси, истараси иссиклиги, Хилдадаги хотиржамлик, унинг тик комати эса... булар бари нимадандир дарак бериб турарди. Хилда нала-партиш кийинганига, сочини яхшилаб турмаклаб олмаганига карамай унинг ёш кўрининини тан олди. Оқ ораламаган кумушранг соchlари, одамга тик қарайтиган кўй кўзлари бўлса тўлагина чехрасида инсонга хайриҳоҳликнинг тимсоли сифатида порлаб туради. У «ажойиб аёл» леб қўйди ўзича.

Шу он полковник Жонсон жуда мулойим бир охангда сўраб колди:

— ...Хаммамиз хам иоқулай ахволга тушиб колдик... Миссис Ли, эрингизнинг гапларисдан шуни тушундимки, Горстон-холлга биринчи бор келишингиз экан-а?

Хилда бош иргади.

— Бунга қадар ўз кайнатангиз билан таништигингииз бормиди?

Хилда мулойим овоз билан жавоб берди:

— Йўк. Биз Дэвид уйдан бош олиб чиқиб кетгандан кейиндоқ турмуш курганмиз. Эрим ўз оиласи билан борди-келди қилишни хоҳламаган. Шу кунгача оила аъзоларидан бирортасини кўрмаганман.

— Унда нега келишни хоҳлаб колдингиз?

— Кайнатам Дэвидга хат жўнатган. У хатида қариб кучдан қолганини, ҳамма болалари Рождество байрами-

ни ўзи билан бирга ўтказишини хохлаётганини маълум қилган эди.

— Эрингиз бунга ижобий жавоб бердими?

— Бунга менинг ташаббусим билан кўнди, десам тўғрирок бўлади, — дели Хилда. — Мен вазиятни тўғри баҳолай олмаган эканман.

Гапга Нуаро қўшилди.

— Хоним, ҳозиргина айтган гапингиизни батафсил тушунириб беролмайсизми? Назаримда, бу гап чигални ечишида бизга катта ёрдам бериши мумкин.

Хилда Нуарога ўгирилди.

— Шу вактгача, — дели у, — қайнатамни бирон мартаям кўрмаган ва унинг бу ерга таклиф килишидан асосий мақсади нима эканлиги хақида заррачаям тасаввурга эга ҳам эмас эдим. Мен қайнатам қариб шутурдан кетган, эндиликда ёлғизланиб колиб ўз болалари билан ярашиб олмокчи бўляпти, деб ўйлаган эдим.

— Хоним, унинг болаларини чақиришдан асосий мақсади аслида нима бўлган?

Хилда аввалига иккиланди, кейин аста-секин гапга тушди:

— Қайнатамнинг асл мақсади болаларини чақириб ярашиб олиш эмас, улар билан ўртада жанжал чикариш бўлган экан, бунга шубҳам йўқ, ҳа заррачаям шубҳаланмайман.

— Қандай қилиб?

— Унга, — дели секин Хилда, — одамнинг табиатидаги ёввойи туйғуларини кўзғаб жунбишга келтириш ёқаркан. Қайнатамнинг табиатида қандайдир, нима де-йишни ҳам билмайман, шайтоний макр дейсизми, шунга ўхшаш кусур мавжуд экан. У ҳамма оила аъзолариши бир-бирига гиж-гижлаб уриштириб қўймокчи бўлган экан.

— Бу амалга ошдими? — сўради Жонсон кескин қилиб.

— О, ха, — жавоб берди Хилда Ли, — амалга ошганда қандок.

— Хоним, бизга куннинг иккинчи ярмида содир бўлган манзара хусусида гапириб беришди, — дели Нуаро. — Менимча, бу жуда даҳшатли бўлган.

Хилда бошини ирғади.

— Бизга мархамат килиб бўлиб ўтган ходисани имкон қадар ҳақиқатга яқинроқ килиб тасвирлаб берсангиз.

Хилда бир дакиқа ўйланқираб колди.

— Биз кирганимизда қайнатам телефонда бирор билан гаплашаётган эди.

— Бизга маълум бўлишича, ўз хуқуқшуноси билан-а?

— Шекспир Чарлтон бўлса керак, фамилиясини аник эслолмайман. У, яъни қайнатам, унинг бир келиб кетишни, васиятномани бошқатдан тузишини уктираётган эди. Аввалгиси эскиб қолғанимниш.

— Жавоб беришдан аввал, хоним, яхшилаб ўйлаб кўринг, — деди Пуаро. — Қайнатангиз унинг гапларини эшитиб туришингиз учун атайлаб шундай қилғаними, ёки сиз уни тасодифан эшитиб колдингизми, нима деб ўйлайсиз?

— Шунга ишончим комилми, у буни биз эшитнишимиз учун атайлаб қилған эди, — деди Хилда.

— Ораларингизга шубха ва адоват солиш учунми?

— Ха.

— Бундан чиқди, унинг васиятномани қайта тузишинияти бўлмаган, шундайми?

Хилда иккиланди.

— Йўқ, у маълум даражада ўзгартирмоқчи бўлган. Эҳтимол янги васиятнома тузмоқчи ҳам бўлгандир. Лекин буни уқтириб кўрсатиб роҳат қилған.

— Хоним, мен расмий терговчи эмасман, саволларим, ўзингиз ҳам билсангиз керак, инглиз хуқуқни химоя килиш органи ходимларининг саволларидан бошқачарок бўлиши мумкин. Лекин шуни билишни хоҳлардимки, янги васиятнома сизнингча қандай бўлиши мумкин эди. Шуни билиб кўйингки, сизга бирон нарса маълум, деб ўйлаётганим йўқ, бу тўғрида фикрингизни билмокчиман, холос. *Les femees!* фикр тезроқ шаклланади. *Dieu mers!*².

Хилда Ли енгил табассум килиб кўйди.

— Билганимча гапириб бераман. Эримниш синглиси Женнифер испан миллатига мансуб Хуан Эстравадоста

¹ Аёлларда (фр.).

² Худога шукур (фр.).

турмушга чиққан экан. Унинг қизи Пилар якинда келди. Жуда гүзал қиз, ундан ташқари, бу оиласа ягона невара. Қария уни күриб жуда кувониб кетди. Унга жуда ёкиб түшди. Менимча, янги васиятномада унга күнпроқ маблаг ажратмокчи бўлган. Эски васиятномада жуда кам ажратилган экан, умуман ажратилмаган бўлиши ҳам эхтимолдан узок эмас.

— Қайнинглингиз билан танишмидингиз?

— Йўқ, уни ҳеч қачон кўрмаганман. Эри испан, тўйлари бўлгандан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай фожиали халок бўлган экан. Женнифернинг ўзи ўтган йили нафот этибди. Пилар етим колган. Шунинг учун мистер Ли уни бу ерга таклиф қилган ва унинг Англияда яшашини маъкул кўрган.

— Бошқа оила аъзолари қизнинг бу ёкка келишидан хурсанд бўлишдими?

— Билмайман, — деди Хилда секингина. — Жанубда, Испанияда ўсгай қизга бу ер совук бўлиши, шароитга кўникиши қийин бўлса керак.

— Шу кунларда Испанияда бўлиш одамга ёқмаса керак, — деди Жонсон. — Энди, Миссис Ли, куннинг иккинчи ярмида бўлган сухбат ҳақида батафсил эшишишни хоҳлардик.

— Узр, — деди Пуаро. — Мен сухбат мавзусини бошқа ёкка буриб юбордим.

Хилда Ли гапга түшди.

— Қайнатам телефонда гаплашиб бўлганидан кейинн хаммамизга бир-бир караб чиқиб, намунча ҳамманнинг ковок-тумшугинг осилиб кетди, деб кулиб юборди. Кейин чарчаганини, вақтлирок бориб бирнас тўшакка чўзилишини айтди. Кечқурун ушинг ёнига ҳеч ким кирмаслигини тайинлаб Рождествонон яхши кайфиётда кутиб олишини маълум қилди. Шунга ўхшаш бир нималар деди.

— Кейин... — Хилда Ли бирон нимани ўйламокчи бўлгандай кошини кўтарди. — Менимча катта оила бўлганимиздан кейинн Рождествонон хам ростакамига байрам қилишимиз керак, деди қайнатам. Шундан сўнг сухбат мавзусини нул тўғрисидаги гапларга буриб юборди. Бундан кейин онлани бокиш, сарф-харажатга нулни кўнроқ талаб қилмасликни айтиб, Жорж билан Мегдалинга тор-

тиброк сарфлаш кераклигини айтди. Мегдалинга күйлакларини ўзи тикиб кияверса ҳам бўлаверишини тайинлади. Албатта, бу эски гап. Бу таклиф Мегдалинга ёкинкирамади. Қайнатам мархум хотини жуда зўр чевар бўлганлигини писанда қилди.

Пуаро эхтиёткорлик билан сўради:

— Мегдалинга гапирган гапи шугина холосми?

Хилданинг жаҳли чиқди.

— Хотинининг акли ноқис бўлган деб камситди. Менинг эрим онасини жудаям хурмат қиласди, бу гап унга ёмон таъсир қилди. Шундан кейин мистер Ли бирдан ҳаммамизга баравар кичкира кетди. Хулди ўзини йўқотиб кўйгандек эди. Мен унинг туйғуларини тушунган бўлардим, албатта.

Пуаро аста унинг гашини бўлди:

— Қанака туйғуларини?

Хилда унга хотиржам боқди.

— Афтидан, у невара, айникса, ўғил невара кўрмаганидан, Лилар сулоласини давом эттирадиган хеч ким йўклигидан хафсаласи пир бўлган эди. Назаримда, бу нарса уни анчадан бери қийнаб келарди. Ўрни келганда болаларига бақириб юрагини бўшатиб олди. Уларни ҳамманг ҳезалаксан деганга ўхшаш гаплар билан сўкди. Ўша онда инсон сифатида унга менинг раҳмим келиб кетди, чунки фурури лат еган эди.

— Кейин-чи?

— Кейин, — деди Хилда секин, — ҳаммамиз чикиб кетдик.

— Бошқа уни кўрмадингизми?

Хилда бошини қимирлатди.

— Жиноят содир бўлганда сиз қаерда тургандингиз?

— Мен эрим билан мусиқа хонасида эдим. Эрим пианино чалаётган эди.

— Кейин-чи?

— Кейин стол, стуллариниг тарақ-туруни, чинни идишларнинг чил-чил синиши, қандайдир олишув бўлаётгани кулогимизга кирди. Бирор уни сўяётгандай даҳшатли қичкирик эшитилди...

— Бу ростдан ҳам қўркинчли қичкирик эдими? — сўради Пуаро. — Дўзах ўтида ёнаётган одамнинг қичкириғига ўхшармиди?

- Унданам баттар эди, -- жавоб берди Хилда.
- Хоним бу билан нима демокчисиз?
- Ёу, кандайдир инсоний туйғудан йирок бўлган кимсанинг қичкириғи... инсоннинг эмас, хайвоннинг вахшиёна хайкириғига ўхшарди.
- Сиз шу фикрга келдингиизни, хоним? — жиддий килиб сўради Пуаро.

Хилда, ха, деган мазмунда қўлини кўтариб қўйди. Кейин бошини эгиб, ерга каради.

XIV

Пилар хонага худди тузоқка тушиб колишдан кўрккан охудай ҳадиксираб кириб келди. Унинг кўзлари олазарак бокарди. Афтидан, канчалик шубҳаланган бўлса, шунчалик кўркаётган эди.

Полковник Жонсон ўрнидан туриб, унга стул суреб кўйди-ю:

— Миссис Эстравадос, инглизча гаплашишни билсангиз керак, леб ўйлайман, — деди.

Пиларнинг кўзлари хайратдан катта-катта очилиб кетди.

— Албатта, — деди у. — Онам инглиз бўлган. Ўзим аслида ҳақиқий инглизман.

Полковник кизнинг ялтирок қоп-кора соchlарига, мағрур кора кўзларига ва худди ўйиб олгандай бежирим кизил лабларига кўз ташларкан, лабларида табассум ўйнади. Ҳақиқий инглиз гўзали! Таърифига сўз йўқ...

— Мистер Ли сизнинг бобонгиз бўлган, — таъкидлари полковник. — У сизга етиб кел леб Испанияга хат жўнатган. Сиз бир неча қун муқаддам етиб келгансиз. Шунақами?

— Шунақа, — бошини кимиirlатди Пилар. — Испаниядан бу ерга етиб келгунча не қунларни кўрмадим. Мен мингтан машинага бомба тушиб хайдовчини ўлдирди. Унинг боши турган жойда ҳалқоб бўлиб қоп колди. Ўзим машина ҳайдашни билмайман, шунинг учун узок масофага яёв юришга тўғри келди. Бунча узок йўл юришга ўрганимаганиман. Оёкларим жуда-жуда зиркираб оғриди...

Полковник кулиб деди:

— Нима бўлсаям, охири стиб келдингиз. Онангиз бобонгиз хусусида кўп марталаб гапириб бергандир, а?

— Бўлмаса-чи, онам бобомни қариб қуюлмаган чол, дерди.

Эркюль Пуаро кулиб қўйди.

— Мадемуазель, бу ерга келиб бобонгиз хақида қандай фикрга келдингиз?

— Ха, у жудаям қариб, бир оёри гўрда, бир оёғи тўрда бўлиб қолган экан, — деди Пилар. — Ўриндикка михланиб қолган, юзларидан кўпни кўрганлиги билиниб турарди. Лекин у менга ёқди. Менимча, ёшлигига жуда чиройли бўлган бўлса керак — худди сизга ўхшаган, — деди Пилар катта инспектор Сагденга мурожаат килиб. Пиларнинг кўзлари соддадиллик билан Сагденга пўхшодон тикилиб қолди. Бу мақтovдан катта инспекторнинг юзлари негадир кип-қизарib кетди.

Полковник Жонсон ўзини кулгидан зўр-базўр ушлаб турарди. Одатда, оғир-вазмин бўлган катта инспекторнинг бу қадар кизарib кетишини полковник камдан-кам холларда кўрган эди.

— Албатта, — давом этди Пилар афсуслангандай, — бобом хеч қачон сиздай барваста бўлмаган бўлса керак.

Эркюль Пуаро хўрсинди.

— Демак, сенъорита, сизга барваста, бақувват эркаклар ёқаркан-да? — деб сўради у.

— О, ха, менга баланд бўйли, барваста, слкалари кенг, жуда-жуда бақувват эркаклар ёқади.

Полковник Жонсон қуруккина килиб деди:

— Келганингиздан кейин кўп вактингизни бобонгизнинг олдида ўтказдингизми?

— О, ха, — жавоб берди Пилар. — Мен бобом билан галлашиб ўтириш учун келганиман. У менга кўп ажойиб нарсаларни сўзлаб берди. Айтишича, ёшлигига тентак бўлган экан. Жанубий Африкада нималар килганини, хамма-хаммасини айтиб берди.

— У сизга хонасидағи нўлат сандигида брильянтлар саклаб юрганини ҳам гапириб берганимиди?

— Ха, уларни менга олиб кўрсатган ҳам. Лекин улар брильянтга эмас, қандайдир майди оддий тошларга ўхшар, хунук, жуда ёкимсиз эди.

Катта инспектор Сагден киска килиб деди:

— Демак, уларни сизга құрсатған?

— Ха.

— Мана шу майда тошлардан сизга бермаганнди?

Пилар калласини сарап-сарап қилди.

— Йүк, бермаган. Мен бобомга меҳрибон бўлсан, тез-тез олдига келиб кўнглини кўтариб ўтирсан, бир кунмас-бир кун берса керак, деб ўйладим. Чунки қари жентльменлар ёш қизларни жуда яхши кўришади.

— Мана шу брильянтларнинг ўғирланганни сизга маълумми? — деб сўради полковник Жонсон. Пиларниг кўзлари катта очилиб кетди.

— Ўғирлангани?

— Ха, уларни ким ўғирлаши мумкинлиги ҳакида қандай тахминларингиз бор?

Пилар бошини силкиди.

— О, ха, — деди у, — Хорбури олган бўлиши аник.

— Хорбури? Сиз хизматкорни назарда тутяпсизми?

— Ха.

— Нимага асосланиб шундай деяпсиз?

— Чунки башараси ўғрига ўхшайди. Кўзлари олазарак, овоз чикармай писиб юради, эшикларнинг тиркишига келиб қулок тутиб туради. Худди ўғри мушукка ўхшайди. Ҳамма мушук ҳам қип-қизил ўғри бўлади.

— Ҳм, — деб минғирлади полковник Жонсон. — Шунда тўхтаймиз. Энди бошка савол. Менга маълум бўлишича, бутун оила аъзолари бугун кундузи бобонгизнинг хонасига тўпланган, кейин сан-манга... Э-э... жиддий сухбат бўлган.

Пилар бошини қимирлатиб кулиб қўйди.

— Ха, — деди у, — жуда галати бўлди. Бобом ҳаммасини боплаб сўкли.

— Бу сизга ёқдими?

— Ҳа, одамлар бир-бири билан даҳанаки жанг килишса, менга ёқади. Жуда ёқади. Лекин бу ерда Испаниядагидек пичоқ чикариб сўкишмас, бир-бири билан муштлашишмас экан. Башараларини кизартириб, лабларини қисганча тумшайиб бир жойда ўтиришаверар экан.

— Сухбат нима хақда кетганини эслай оласизми?

Пилар ўйланиб қолди.

— Аник эслолмайман. Бобом ҳамманг ҳезалаксаи, бирортангда бола йўк, деб сўкли. У оралиқда энг зўри деб мени кўрсатди. Мени жуда ёқтириб қолганди.

- Бобонгиз пул ёки васиятнома хакида бирон нима дедими?
- Васиятнома хакидами... индамадиёв. Эсимда йўк.
- Кейин нима бўлди?
- Хилладан бошқа хамма чиқиб кетди, биласизми, Дэвиднинг анув семиз хотини бор-ку, ўша чикмади.
- Чикмади?
- Ҳа. Дэвиднинг кўринишям жуда ғалати эди. У қалтирас, рангиям оқариб кетганди.
- Кейин-чи?
- Кейин мен ҳам чиқиб, Стивенни кидириб кетдим. Биз граммофонни кўйиб ракс тушдик.
- Стивен Фарр биланми?
- Ҳа, у Жанубий Африкандан келган. Бу йигит бобом билан шерикчилик қилган одамнинг ўғли экан. Уям жуда чиройли, келишган. Бараваста, кўзлари бирар ёкимили.
- Жиноят содир бўлганда сиз қаерда эдингиз? — сўради Жонсон.
- Қаерда эдингиз, деяпсизми?
- Ҳа.
- Мен Лидия билан бирга меҳмонхонага ўтдим. Кейин ўз хонамга бориб, юзимга упа-элик суртдим. Стивен билан яна ракс тушмокчи эдим. Кейин узоқдан бакирикчақириқ овозини эшилдим. Қарасам, хамма ўша томонга югуриб кетишяпти. Менам уларга қўшилиб югуриб кетдим. Улар бобомнинг эшигиши тарақлатиб, уриб бузмокчи бўлишарди. Харри билан Стивен барзанги, кучли эркаклар-ку.
- Кейин.
- Кейин эшик тарақлаб ағанаб туши. Ҳаммамиз ичкарига қарадик. О, хонанинг ичини бир кўрсангиз эди. Ҳамма нарса синган, ағдариштан, тўнтарилган. Бобом эса ҳалқоб бўлиб қолган қоннинг ичиди ётарди. Томоги бўйнидан нақ қулогигача сўйилган. — Пилар бўйнига кўлинни арра килиб кўрсатди.
- Пилар ўзининг гапларидан мамнун бўлиб жимиб колди.
- Конни кўриб этингиз сесканиб кетмадими? — сўради Жонсон.

— Йүк, нега сесканарканман? Одам ўлдирилганда, албатта кон чикади. Лекин кон жуда күн, ҳамма ёқни тутиб кетгән эди.

— Биронтаси ҳеч нима демадими? — сўради Пуаро.

— Дэвид ғалати бир гапни айтди, — жавоб берди Пилар. — Нимайди-я? Ха-ха... «Худонинг тегирмони» Нима дегани бу? Ахир тегирмонда ун тортилади-ку, а?

— Қўпти, бўлади, — деди полковник Жонсон, — мен, мисс Эстравадос, сухбатимиз етарли деб ўйлайман.

Пилар қуллук килиб ўрнидан турди. Ҳаммага бир-бир табассум билан мафтункор тавозе килди.

— Унда мен чикаман.

Шундай деб у хонадан чиқди.

— Худонинг тегирмони секин айланади, лекин тўғри айланади, деди полковник Жонсон. — Буни Дэвид Ли айтган. Бу, ал қасосу минал ҳақ, дегани.

XV

Эшик яна очилди. Полковник Жонсон бошини кўтари-ди. Бир муддат унинг назарнда Харри Ли кираётгандай туюлди. Лекин хонага Стивен Фарр кириб келгандан кейин полиция бошлиғи хато қилганини тушунди.

— Ўтиринг, мистер Фарр, — деди у.

Стивен ўтириди. У терговчиларнинг ҳар бирига совук назар ташлаб чиқди-ла, кейин деди:

— Сизларга фойдам тегмаса керак, деб ўйлайман. Лекин марҳамат килиб, сизларга ёрдам беришим мумкин бўлган саволларни бераверинг. Аввало, ўзимнинг кимлигини танитиб кўйсам яхши бўларди. Менинг отам Эбина-зар Фарр, қадимда, бундан деярли қирқ йиллар мукалдам Жашубий Африкада Стивен Ли билан ишда ҳамкор бўлган.

Шундай деб жимиб колди...

— Отам Стивен Ли ва унинг шахси ҳақида кўп ганларни айтиб берган. Улар иккаласи роса цул тўплашган. Стивен Ли катта бойлик орттиргандан кейин уйига қайтиб кетган. Менинг отам ҳам кам бойлик тўпламаган. У доим Англияга бориб колгудек бўлсан, албатта мистер Лини излаб топаман, дерди. Бир кун отам нимадир

бўлиб, орадан анча йиллар ўтиб кетди, мистер Ли мени танимасаям керак, деди. Лекин отамнинг гапларидан кулгим кистади. «Симеон билан менинг кўрган-кечирганларимиз бошкаларнинг бошига тушса, улар хеч качон бир-бирларини унутмаган бўларди», деди. Отам икки йил бурун оламдан ўтган. Бу йил биринчи бор Англияга келишим ва отамнинг шиятларини рўёбга чикариб, мистер Лини излаб топаман, деб аҳд килдим.

У енгил табассум билан гапини давом эттирди:

— Келганимда бир оз асабим бузилди, кейин ўтиб кетди. Мистер Ли мени яхши кутиб олди ва Рождество ни бизнинг оиласиз билан бирга қутасан деб оёқ тираб туриб олди. Мен бирорвнинг бошига ортикча юк бўлиш яхшимас деб эътиroz билдирган эдим, у гапимни эшишишниям истамади.

Кейин хижолатомуз қўшиб қўйди:

— Оиланинг хамма аъзолари мени яхши қабул килиши дид. Айникса, мистер ва миссис Альфред Лилар. Бопла-рига тушган мусибатдан жуда қайғудаман.

— Мистер Фарр, қачондан буён бу ерда турибсиз?

— Кечадан буён.

— Мистер Лини бугун кўрдингизми?

— Ха, бугун эрталаб у билан сухбатлашгандим. Кай-фияти чоғ эди, илгариги таниш-билишлари ҳакида би-лишга ошикарди.

— Кейин кўрдингизми?

— Йўқ.

— Сизга пўлат сандигида йўнилмаган брильянтлари борлиги ҳакида гап очдими, йўқми?

— Йўқ, — деди у ва сухбатдоши навбатдаги саволни бергунча ўзи савол берди:

— Сиз бу ерда гап ҳам қотиллик, ҳам ўғирлик ҳакида демокчимисиз?

— Биз хали аник бирон нима демокчимасиз, — деди Жонсон. — Энди бугун оқшом содир бўлган во-кеалар тафсилотига ўтсак. Илтимос, марҳамат килиб нима бўлган бўлса эсингизда борини батафсил айтиб бе-ринг.

— Бажону дил. Ҳонимлар чиқиб кетишгандан кейин бир стакан вино ичай деб қолдим. Кейин билсам, ака-ука Лилар бир оиласий масалани мухокама қилишмокчи

экан, мен уларга халакит қиларканман. Узр сўраб чи-
киб кетдим.

— Шундан кейин нима килдингиз?

Стивен Фарр стулга суюниб олди. Кўрсаткич бар-
моғи билан энгагини қашиб ўйламай-нетмай шундай деб
юборди:

— Мен... э... э... паркет полли залга ўхшаган катта
хона томонга юрдим. У ерда граммафон, раксбои куйлар
ёзилган пластинкалар бор экан. Муснқа қўйиб эшитиб
ўтирдим.

— Балки, биронтаси келар деб ўйлагандирсиз? —
сўради Пуаро.

Стивен Фаррнинг лабларида снгил табассум зухур
этди.

— Ҳа, эҳтимол, — жавоб берди у, — бунга доим
умид килиш мумкин.

Шундай деб кулиб юборди.

— Сенъорита Эстравадос жуда гўзал киз, — деди
Пуаро.

— Шубҳасиз. Англияга келганимдан кейин мен уч-
ратган гўзал жонон, — жавоб берди Стивен.

— Мисс Эстравадос сизга шерик бўлмадими? — сўра-
ди полковник Жонсон.

Стивен калласини силкиди.

— Уйда тўполон кўтарилганда мен ҳали ҳамон ўша
срда ўтиргандим. Нима ходиса рўй берганини билиш
учун дахлизга чиқдиму, зинага югурдим. Кейин Харри
Лига эшикни бузишда бориб ёрдам бердим.

— Бизга айтадиган бошқа гапингиз йўкми?

— Йўқ бўлса керак деб ўйлайман.

Эркюль Пуаро олдинга энгасиб аста деди:

— Лекин, мсье Фарр, агар хоҳлаганингизда бизга
яна кўп нарсаларни гапириб беришимиз мумкин эди.

Фарр кескин килиб деди:

— Нимани назарда тутянишиз?

— Сиз бизга ишимизда аскотадиган, ниҳоятда муҳим
баъзи бир нарсани, яъни мистер Лининг табнати, феъли
ҳақида гапириб беришингиз мумкин эди. Ўзингиз айтиш-
изки отам у ҳақда кўп гапларни айтиб берган деб. Отан-
гиз тасвирлаб берган ўша одамнинг маънавий киёфаси
кандай бўлган?

— Тахминан нимага шама қилаётганингизни сезиб турибман. Симеон Ли ёшлигида қандай одам бўлган демокчисиз. Менимча, бор гапни яширмасдан айтиб беришмни хоҳлаяпсиз, а?

— Ха, мархамат.

— Нима ҳам дердик, майли. Бошламасига айтиб қўяй, Симеон Лини ўз оиласининг ҳаммага намуна бўларли аъзоси бўлган, деб ҳисобламайман. Лекин шу билан бирга бориб турган муттаҳам бўлган ҳам деёлмайман, туриш-турмуши жиноят йўлига яки турган одам, деб биламан. Ҳархолда, ўз ахлоки билан мактана олмаган. Шу билан бирга жозибали, одам ҳавас киларли даражада истараси иссик ва нихоят даражада сахий кимса бўлган. Бирок муҳтож бўлиб бир нима сўраб келган инсон зоти борки, унинг хузуридан қурук кўл билан қайтмаган. У ичаркан, лекин меъёрни биларкан. Аёлларга жуда ёкаркан, ҳазил-хузулни ҳам ўрнига кўяркан. Шу билан бирга табиатида ғалати бир хусусият бўлган экан, яъни ўта қасоскор бўлган экан. Биласизми, айтишларича, фил зоти ўзига ёмонлик қилганин хеч қачон ушутмас экан. Симеон Ли ҳам худди шунака тоифадаги одам бўлган экан. Отам Симеон Ли ёмонлик қилган кимсалардан ўч олиш учун йиллаб пайт пойлаган бир нечта воқеани айтиб берган эди.

Катта инспектор Сагден гап қўшди:

— Ҳар бир ўйиннинг ҳам икки тарафи бўлади. Мистер Фарр, Симеон Ли ўша пайтларда бирон кимса билан қасдлашиб қолганини билмайсизми? Ўтмишда қасдлашиб колган одамларидан биронтаси келиб бугун кечкурун жиноятни содир қилиш эҳтимоли бормиди?

Стивен Фарр калласини кимиirlатди.

— Албатта, унинг табиатини эътиборга олганда душманлари бор бўлиши мумкин. Лекин мен бунииг кимлигини аник айтольмайман. Ундан ташқари, — унинг кўзлари кисилди, — менга маълум бўлишича, мен буни Тресилиандан сўраб билдим, — яъни бугун оқиом уйдаям, уйнинг теварагидаям биронта бегона одам бўлмаган.

Эркюль Пуаро унга қараб деди:

— Сизни эътиборга олмагандা, мсье Фарр.

Стивен Фарр шартта унга ўгирилди.

— Э-ха, гап бу ёқда денг? Уйдаги бетона одам мен эканман-да? Йўқ, мақсадингизга эришолмайсиз. Симеон

Ли Эбиназар Фаррға хеч қанақа алам ўтказмаган ва Эбанинг ўғли бу ерга отасининг қасдини олишгаям келмаган. Йўқ, — у калласини силкиб қўйди. — Симеон Ли билан Эбиназар хеч қачон бир-бирига душман бўлмаган. Мен бу ерга юкорида айтганимдай шундай бир кўнгил ёзиш учун келганиман. Ундан ташқари, граммафон ҳар қандай шубҳани чинпакка чиқариши мумкин. Мен иластиникаларни кетма-кет қўяверганиман. Агар гумонингиз менда бўлса, узундан-узок, бир мил келадиган йўлакдан бориб уни ўлдириб, конларни ювиб тағин орқага қайтиб келгунимча, аввало, иластинка тугаб колган бўларди, қолаверса, бошқалар юқорига югуришиб етиб келгани бўлишарди. Бу мутлако бўлмагур шубха.

— Биз сизга карши бирон айб қўялмаймиз, мистер Фарр. — деди полковник Жонсон.

— Менга Эркюль Пуаронинг гап оҳанги ёқмади, — деди Стивен Фарр.

— Жуда ачинарли, — деди Эркюль Пуаро ва Фаррға караб очиқ қўнгиллик билан кулиб қўйди.

Стивен Фарр жаҳл аралаш унга қаради.

Гапга тезда полковник Жонсон аралашди.

— Ташаккур, мистер Фарр, ҳозирча етарли. Сиз, ҳархолда шу ерда бўлиб туарсиз?

Стивен Фарр бош ирғади. Кейин ўрнидан туриб лапанглаганча қадам ташлаб чиқиб кетди.

У эшикдан чиқишти билан полковник Жонсон шундай деди.

— Мана сизга номаълум кенглиқ «Х» (икс). Бу ҳақдаги ходисалар ҳаққатга яқин кўринади. Лекин бу бизга коронги, дейлик мавҳум от. У брильянтларни олиб қочиб кетишиям, ёлғон гапларни қалаштириб бизни ишонтиришга уринишям мумкин. Сагден, ҳар эҳтимолга карши сиз унинг бармоқ изларини олиб қўйинг. Кўрамиз, таги чиқармиши.

— Олиб қўйганман, — деди катта инспектор мағур.

— Баракалло. Ҳархолда анча ишиқсиз. Ҳамма холатларни синчилаб текшириб чиншишингизга шинонман.

Катта инспектор Сагден бармоқларини букиб санай бошлиди:

— Телефондаги сухбатларни ва бошқаларни текшириш, Хорбурининг қачон кетганини, кимни кўрганини,

қай холатда кетганини ашиглаш. Ҳамма кириш-чикиш жойларини текшириш. Жами хизматкорлар штатини қараб чикиш. Оила аъзоларининг моддий ҳолатларини текшириш. Ҳукуқшунос билан боғланнб васиятнома билан танишиш. Қурол-яроғ, копга беланган кийнм-кечак бор-йўклигини, бирон жойда брильянтлар яширилган яширилмаганини билиш учун уйни тинтуб қилиш.

— Менимча, шунинг ўзи кифоя, ҳамма нарсанги ойдинлаштириб беради. — деди полковник Жонсон маъкуллаб. — Мсье Пуаро, сиз ҳам бирон нима қўшимча кила оласизми?

Пуаро йўқ дегандай калласини кимирлатди.

— Мен катта инспекторни ўз ишига ғоятда шухта деб ҳисоблайман.

— Брильянтларни топиш учун, — деди Сагден руҳи тушиб, — бу хонадонни тинтуб қилиш ҳазилакам иш эмас. — Бундақангি сон-саноқсиз безакларни умримда кўрган эмасман.

— Сирли, яшириш мүмкин бўлган жойлар, албатта кўп, — қўшилди Пуаро.

— Пуаро, сиз ростдан ҳам бирон нима таклиф қилмайсизми?

Полиция бошлиғи овга олиб чиққан тозиси буйруғини бажармаганда қандай ҳолга тушса, шундай бир қиёфа да хафсаласи пир бўлиб унга каради.

— Агар рухсат берсангиз, — деди Эркюль Пуаро, — бу ишни ўзим хоҳлаган йўл билан текширсам.

— Албатта, албатта, — деди Жонсон. Шу захоти катта инспектор Сагден шубҳага тушиб сўради:

— Қанақа йўл билан?

— Оила аъзолари билан тез-тез ва кўп марта сухбатлашмоқчиман.

— Сиз уларни яна сўрок қилишини назарда тутяпсизми? — бирмунча ажабланиб сўради полковник.

— Асло! Сўрокка тутиш эмас, бафуржা сухбатлашиш.

— Нега?

Эркюль Пуаро шаҳд билан қўлинни силкиб қўйди.

— Сухбат асносида ҳар хил нарсалар юзага қалкиб чиқади. Агар бир одам кўп сухбатлашса, ҳақиқатдан бўйин товволмай қолади.

— Демак, сўрок давомида кимлардир ёлгон гувохлик берди демокчимисиз? — сўради Сагден.

Пуаро хўрсниди.

— Mon cher, ҳамма алдади, бирор кўпроқ, бирор озрок, соддалик билан килинган ёлғоннин атайлаб килинган ёлғондан ажратиш фойдалидир.

— Барибир акл бовар килмайдиган иш бўлди, — деди полковник Жонсон кескин. — Нихоятда вахшиёна килинган қотиллик. Бунда кимдан шубҳаланишими мумкин? Альфред Ли билан унинг хотиниданми — иккаласиям ёқимли, яхши тарбия кўрган одамлар. Парламент аъзоси, катта обрў-эътиборга эга, нуфузли Жорж Лиддами? Унинг хотиниданми? Замонавий гўзал аёл. Дэвид Ли юмшоқ, кўнгилчан, акасининг гапига қараганда, ҳатто конданам қўрқаркан. Унинг хотини ҳеч ким билан иши йўқ, оқила аёл. Энди испан пабираси билан жанубий африкалик йигит қолди. Испан гўзали жўшқин, лекин мен шундай гўзал, жозибали кизнинг бир карияни ёвузларча сўйиб ташлашини тасаввуримга сифдиролмайман. Бунинг устига маълум бўлишича, кариянинг жилла курса васиятиномани қайта тузгунча яшаб туришини хоҳлаш учун ҳамма асослар бор эди. Стивен Фаррга келсак, қотил шу бўлиши мумкин дейин учун асос бўлган номзод, яъни у брильянтларни кўлга киритиш умидида келган ўтакетган фирибгар бўлиши мумкин. Симеон Ли брильянтлари ўйиб бўлганини сезгану, Фарр овозини чиқармаслик учун сўйиб қўя қолган. Шундай бўлган бўлиши эҳтимол. Граммафон хақидаги гаплари умуман ишончсиз.

Пуаро калласини кимирлатди.

— Азиз дўстим, — деди у. — Стивен Фарр билан мункиллаган чол Симеон Лининг кучини солишириб кўринг. Агар Фарр чолни ўлдирмокчи бўлса, бу унинг учун бир дакикалик иш. Симеон Ли унга канчалик ҳам каршилик кўрсата олсин. Нимжон чол билан мана шу барзанги олишиб ўриндикларни ағдариб, чинниларни чилчил килиб синдириб юборишини тасаввур килиш мумкини? Буни тасаввурга сифдириш бориб турган сафсата.

Полковник Жонсоннинг кўзлари юмилди.

— Сиз Симеон Линн нимжон эркак киши ўлдирган демокчимисиз?

— Ёки аёл киши! — деди катта инспектор.
Полковник Жонсон соатига қараб қўйди.

XVI

— Бўпти, менинг бу ерда киладиган ишм қолмади. Сагден, чигалнинг ҳаммаси сизнинг кўлингиизда. Ха, айтмоқчи. Ҳали хизматкорни кўришимиз керак. Биламан, уни сўроқ қилгансизлар. Лекин ундан кейин анча янги гаплар чиқди. Котиллик содир этилганда ҳамма қаерда бўлганини айтган бўлса, буни тасдиқлайдиган далиллар керак.

Тресилиан аста-аста қадам босиб кириб келди. Полиция бошлиғи унга ўтиришини таклиф килди.

— Ташаккур, сэр. Эътиroz билдирамсангиз ўтирсам. Ўзимни ғалати хис қиласман. Жуда ғалати. Оёкларимам, бошимам...

Пуаро юмшоқ килиб деди:

— Биламан, оғир руҳий тушкунликка тушгансиз, — эшик оғаси чўчиб тушли.

— Шунака даҳшатли ҳодиса рўй бердик! Шу уйда! Бир умр хотиржамлик бўлган хонадонда.

— Бу уйда намунали ҳаёт тарзи ҳукмрон бўлиб келган эди. Тўғримасми? — сўради Пуаро. — Лекин хонадон ахли уичалик баҳтли бўлишмаган.

— Мен бундай демаган бўлардим, сэр.

— Илгари, ҳамма оила аъзолари жамулжам яшашганда улар баҳтиёр ҳаёт кечиришганми?

— Ҳархолда мен улар ахил бўлишган деб айтольмайман. — Секин жавоб берди Тресилиан.

— Мархум миссис Ли ногирон бўлганимиди?

— Ха, касалманд эди.

— Болалари ҳурмат қилишармиди?

— Мистер Дэвид ҳурматини ўрнига қўярди. Ўғил эмас, қиздай онасига меҳрибон эди. Онаси вафот этгандан кейин бу ерда туролмади, уйни ташлаб кетди.

— Мистер Харри-чи? У қанақа эди? — сўради Пуаро.

— Бебошвок эди, лекин юраги тоза эди. Э, худойимзай, эшикнинг кўнғироғи чалинганда, мунча жсанкираб колмасам. Бир марта чалинди, кейин устма-уст чалинди.

Бориб қарасам, бегона одам, кейин бирдан мистер Харрининг овозига ўхшаб гашриб юборди. «Салом, Тресилиан! Ҳалиям шу ердамисан! Одатдагидай-а?» — деди.

Пуаро унга ҳамдарллик билдириб деди:

— Ҳа, ғалати бир холат. — Тресилианнинг ёнокларига кизил югурди. Кейин давом этди:

— Гохида, сэр, ўтмиш ўтиб кетмагандай, ёддан ўчмагандай туюлаверади. Эсимда, Лондонда, шу мавзуда пъса ҳам кўйилган. Бу ерда худо ҳакки шимадир бор, сэр. Шундай холлар бўладики, бўлаётган нарсани илгари гўё кўргацдек бўламан. Масалан, кўнғироқ чалинади, бориб эшикни очсан кўз олдимда мистер Харри турган бўлади, кейин бу Харри эмас, мистер Фарр ёки бошқа биттаси бўлиб чиқади. Ўзимча кейин, ҳм, буни илгариям кўргандим деб кўяман...

— Ҳа, бу жуда ғалати хол, жудаям, — деб кўйди Пуаро.

Тресилиан унга миннатдорчилик билан караб кўйди.

Жонсон чидамсизлик билан томок қириб олди-ю, сўрокни ўзи давом эттирди.

— Биз вактни сотиштириб кўрмоқчимиз, — деди. — Менга маълум бўлишича, юкорида тўс-тўнолон бошланганда мистер Альфред Ли билан мистер Харри Ли ошхонада ўтиришган экан, шу гўфрими?

— Тўғриси, буни аниқ айтольмайман, сэр. Мен қаҳва олиб кирганимда ҳамма жентльменлар ўша ерда ўтиришган эди. Бу фожиадан чорак соат илгари эди.

— Мистер Ли телефонда гаплашиб турган экан. Шуни тасдиклайсизми?

— Менинчча, кимдир телефонда гаплашиб турган эди, сэр. Менинг хонамдан телефон овози эшигилади. Биронтаси гўшакни олиб ракам терса жингирлаган овози келади. Эсимда, кимдир терган ракамнинг жингирлаган овози қулоғимга кирди, лекин мен бунга ахамият бермадим.

— Бу кай вактда бўлган эди, аниқ вактини айтиб беролмайсизми?

— Аниқ айтольмайман, сэр. Бу жентльменларга қаҳва олиб қириб берганимдан кейин бўлган эди. Билганим шу.

— Мен сиздан сўраётган вактда хонимлар каерда бўлганини биласизми?

- Мен қахва идишларини олгани кирганимда миссис Альфред меҳмонхонада эди. Бу таҳминан қичкириқ овонни эшитишимдан бир ёки иккى дақика илгари эди.
- Миссис Альфред у ерда нима қилаётган эди? — сўради Пуаро.
- Четдаги дераза ёнида эди, сэр. Нардани сал нари суриб бокка қараб туарди.
- Хонада бошқа хонимлар йўқмиди?
- Йўқ эди, сэр.
- Улар қаерда эди, билмайсизми?
- Аник айтолмайман, сэр.
- Яна бошқа бирорлар бирон жойда турганини биласизми?
- Менимча, мистер Дэвид меҳмонхонага туташ мусика хонасида пианино чалаётган эди.
- Нимани чалаётган эди, эшитдингизми?
- Ҳа, сэр, — қария яна қалтираб кетди. — Кейин ўйласам, гўё бу ниманингdir нишонаси экан, сэр. У «Ўлим марши»ни чалаётган эди. Эсимда, хатто бу куйни эшитиб юрагим зирқираб кетган эди.
- Кизик, — деб кўйди Пуаро.
- Энди алави нусха, хизматкор Хорбури ҳакида, — леди полиция бошлиғи, — соат саккизларга яқин унинг уйда бўлмаганини қасам ичиб тасдиклай оласизми?
- О, ҳа, сэр. Бу ҳодиса мистер Сагден келгандан кейин содир бўлди. Жуда яхши эсимда, чунки Хорбури қахва пиёлачасини ташлаб юбориб, чил-чил синдириб юборган эди.
- Хорбури қахва пиёлачасини синдириб юборди дедингизми? — кайта сўради Пуаро.
- Ҳа, сэр. Қадимий Вустер сервиси эди. Пиёлачаларни ўн бир йилдан буён ювиб-тараб келаман, биронтасиням синдирганим йўқ эди.
- Хорбури қахва пиёлачасини нима қилаётган эди? — сўради Пуаро.
- Бу пиёлачаларнинг унга ҳеч қандай даҳли йўқ, аслида. Биттасини қўлига олиб томоша қилаётган эди, холос. Шу он мен мистер Сагден келди, деб қопман-да, у чўчиб тушиб қўлидан ташлаб юборди.
- Сиз «мистер Сагден» дедингизми ёки «полиция» дедингизми?

Тресилиан бир оз эканкираб колди.

— Хозир шу хаңда яхшилаб эслаб кўрсам, сэр, полициянинг катта инспектори деганим эсимга тушди.

— Шу гапни эшитиб Хорбури пиёлачани ташлаб юбордими? — сўради Нуаро.

— Бу гапни сал ўйлаб кўришимиз керак, — деди полиция бошлиғи. — Хорбури катта инспектор нега келди, деб сўрадими?

— Сўради, сэр. Унинг нима иши бор экан бу ерда, деб сўради. Мен полиция етимхоналари учун маблағ йиғяпти дедим, кейин у катта инспектор келганини маълум қилиш учун мистер Лининг олдига чикиб кетди.

— Кейин-чи? Хорбури шундай леганингиздан сўнг енгил сезгандир ўзини.

— Биласизми, сэр, гапингиз тўғри. У сўзсиз ентил хис қилди. Кейин ўзини бошқача тута бошлади. Мистер Ли олижаноб қария, сахий инсон, деди. Кейин хурматсизлик билан бир шималар деди-ю, чикиб кетди.

— Қайси йўл билан кетди.

— Эшикдан хизматкорлар юрадиган дахлизга чиқди. Сагден унинг гапини бўлди.

— Буёғи зўр, сэр. Тресилиан, яхшилаб ўйлаб кўринг. Хорбури қандайдир йўл билан ҳеч кимга сездирмай яна орқасига қайтиб кела олиши мумкинми?

Кария бош чайқади.

— Буниг иложи йўқ, сэр. Ҳамма эшиклар ичкаридан қулфланган.

— Балки унда калнг бордир.

— Эшиклар қулфли, кейин ичкаридан илгакланган.

— Қайтиб келганда уйга қандай килиб киради?

— Орқа эшикниг калити бор, сэр. Ҳамма хизматкорлар шу эшикдан киради.

— Демак, у қайтсаям, факат шу эшикдан киарканда?

— Киргандаям ошхонадан ўтмасдан ичкарига киролмайди, сэр. Ошхонада хизматкорлар соат тўққиз яримгача, баъзан чоракам ўнгача ўтирашади.

— Тушунарли, — деди полковник Жонсон, — рахмат, Тресилиан.

Кария ўрнидан турди, таъзим қилиб эшикка чиқди. Лекин сал ўтмай қайтиб кирди.

- Хозиргина Хорбури келди, сэр. У билан гаплашыпни хохламайсизми?
- Да, илтимос, хозирок айтиб юборинг.

XVII

Сидни Хорбурининг башараси унчаям кўримли эмасдан. У хонага кириб, хаммага кўз кири билан бир-бир назар ташлаганча туриб қолди.

- Сиз, Сидни Хорбури мисиз? — сўрали Жонсон.
- Да, сэр.
- Марҳум мистер Лининг маҳрами, а?
- Да, сэр. Жуда даҳшатли ҳодиса юз берди-а, сэр, тўғрими? Глэдисдан эшишиб қотиб қолдим. Бечора қари жентльмен.

Жонсон унинг гапини бўлди.

- Марҳамат қилиб, менинг саволларимга жавоб берсангиз.

- Да, сэр. Бажонидил, сэр.
- Бугун кечқурун соат нечада уйдан чикдингиз ва каерда бўлдингиз?
- Мен уйдан соат саккизларга яқин чикдим, кейин «Сьюперб» кинотеатрига бордим. Яёв юрилса, шу ердан беш дакикалик йўл. «Кари Севильедаги муҳаббат» киноси кетаётган экан.

- У ерда бирор кўрдими?
- Кассадаги ёш хоним кўрди, сэр, у мени танийди. Кейин эшикдаги билет назоратчисиям кўрди. Уям мени билади. Кейин-чи... э... ёш хоним билан бирга эдим. Учрашув белгилаган эдик.

- Ростдан-а? Оти нима?
- Дорис Байл, сэр. У «Комбайнд Дейвис»да ишлайди, сэр. Маркент-роуд кўчасидаги 23-йда.
- Яхши, буни аниклаймиз. Кинодан чикиб тўғри уйга келдингизми?
- Аввал хонимни уйига кузатиб кўйдим, сэр. Кейин тўйша-тўғри ўз уйимга келдим. Текширсангиз хаммаси тўғрилигига ишонч ҳосил қиласиз, сэр. Менинг бу воқеаларга мутлако алоқам йўқ. Менинг...
- Сизни хеч ким бу воқеаларга алоқалор леб айблайлётгани йўқ. — унинг гапини қиска қилди полковник Жонсон.

- Ха, сэр, албатың шундай, сэр. Лекин ҳархолда хонадоңда котиллик юз бериши жуда хунук-да.
- Буны ҳеч ким яхши бўлди деяётгани йўқ. Энди айтинг-чи, мистер Лининг хизматига кирганингизга қанча бўлди?
- Бир йилдан ошикрок бўлди, сэр.
- Хизматингиздан кониқасизми?
- Ха, сэр. Жудаям хурсандман. Иш хақим ҳам кўнгилдагидек эди. Мистер Лининг кўнглини овлаш баъзан қийинрок бўлган кунлар ҳам бўларди. Лекин мен ногиронларга хизмат килиб, қийинчиликка кўнишиб кетгапман.
- Бу борада тажрибангиз бор экан-да?
- О, ха, сэр. Мен майор Уэст билан муҳтарам зот Жаспер Финчларининг ҳам хизматида бўлганман.
- Бу хақда Сагденга батафсил сўзлаб берасиз. Мен хоэир сиздан шуни билмоқчиман: сиз мистер Лини бугун кечқурун сўнгти бор қачон кўргансиз.
- Тахминан саккиз яримларда, сэр. Енгил таомни мистер Лига кечқурун еттиларда олиб келишади. Кейин мен унга ўрин солиб бераман. Шундан сўнг эглига халат кийиб, уйқуси келгунча каминнинг олдидা ўтиради.
- Одатда, қайси вақтларда?
- Хар хил, сэр. Баъзан чарчаб колса соат етти бўлмасданоқ ўрнига ётарди. Гохида соат ўн биргача, хатто ундан кеч ҳам ўтираверарди.
- Тўшакка ётгиси келганда нима киларди?
- Одатда, менга кўнғирок қиларди, сэр.
- Ўринига ётиши учун ёрдам берардингизми?
- Ха, сэр.
- Бугун кечқурун сизнинг ишдан озод кунингиз экан, ҳар жума куни шундайми?
- Ха, сэр. Ҳар жума куни кечқурун мен бўшман.
- Мистер Ли ётгиси келиб колса, унда нима килали?
- У телефон қиласди, ё Тресилиан, ё Уолтер келиб ёрдам беради.
- Ўзининг куввати йўқми? Юролмайдими?
- Ха, сэр, жуда эҳтиётгарчилик билан юради. Боди бор, суяклари зиркираб оғрийди. Баъзи кунлари оғриги зўрайди.

— У кундузлари бошқа хонага ҳеч қачон чиқмаганми?

— Йўқ, сэр. У ўз ётоқхонасини хуш кўрарди. Мистер Ли кўп нарсанни талаб ҳам қилмасди. Хонаси кенг, ёруғ, хаво мўл.

— Демак, гапингизга қараганда мистер Ли кечки соат еттиларда овқатланаркан-да.

— Ха, сэр. Мен патнисни олиб чиқаётганимда столга бир шиша терри билан иккита стакан қўйиб кетардим.

— Нега бундай килардингиз?

— Мистер Лининг буйруги шундай эди.

— Ҳар сафар шундай килардингизми?

— Гоҳида. Коида шундай эдикни, кечқурун мистер Лининг таклифисиз унинг олдига ҳеч ким кирмаслиги керак эди. Кечқурунлари ўзи ёлғиз ўтиришни ёқтиради. Башқаларни тушликдан кейин мистер Альфредними, миссис Альфредними ёки бўлмасам икковиниям бирга чақириб келишга жўнатаради.

— Бизга шуниси маълумки, ҳозирги холатда бундай ҳолда ҳеч кимга топшириқ бермаган-а? Яъни бирорга оила аъзоларидан биронтасини чақириб келишни буюрганими?

— Ҳархолда, менга топшириқ бермаган, сэр.

— Демак, у оила аъзоларидан биронтасини кутмаган?

— У биронтасини шахсан таклиф қилган бўлиши мумкин, сэр.

— Албатта.

— Мен хаммаси жойида эканлигига кўзим етгандан кейин, — давом этди Хорбури. — Мистер Лига яхши ётиб туринг, деб хонадан чиқдим.

— Чикиб кетишингиздан олдин каминга ўт қаладингизми? — сўради Нуаро.

Хизматкор иккиланди.

— Бунга зарурат йўқ эди. Олов гуриллаб ёнаётган эди.

— Мистер Лининг ўзи олов ёқа олармиди?

— О, йўқ, сэр. Буни мистер Харри Ли ёки берган деб ўйлайман.

— Кечқурунги таомдан олдин кирганингизда Харри Ли унинг ёнидамиди?

- Ха, сэр. Мен келтанимдан кейин у чиқиб кетди.
- Улар иккаласининг муносабатлари сизнингча қандай эди?
- Менга мистер Харри Лининг кайфияти чоғ кўринди?

— Мистер Лининг-чи?

— У сокин ва ўйчан эди.

— Яхши. Энди Хорбури, мен яна баъзи бир нарсаларни аниклаштириб олмоқчиман. Мистер Ли ўз пўлат сандигида асраган брильянтлари ҳакида нима дея оласиз?

— Брильянтлар дейсизми, сэр? Мен хеч қачон хеч қанақа брильянтларни кўрмаганман.

— Мистер Ли у срда бир қанча йўнилмаган брильянтларни сақлаган. Унинг қандай килиб у ердан олганини кўрган бўлишингиз керак.

— Анани ғалати майдага тошларни айтмаясизми, ишқилиб, сэр? Ха, буларни мен унинг қўлида бир-икки марта кўрганим бор. Лекин буларниң брильянт эканлигини билмаганман. Кечами, ўтган куними уларни ёш бир хонимга кўрсатиб ўтирганини хам кўрувдим.

Полковник Жонсон дона-дона килиб деди:

— Ўша тошлар ўғирланган.

— Бу ўғирликка, — ҳайкириб юборди Хорбури, мени қандайдир алоқадор леб ўйламаслигингизга ишонман!

— Мен сизга бунақа айб қўяётганим йўқ, — деди Жонсон. — Бу ишга алоқадор бўлган бирон нима айта оласизми?

— Брильянтлар ҳакидами, сэр? Ёки котилликми?

— Унисиям, бунисиям.

Хорбури ўйланиб колди. Оқариб кетган лабларини ялаб сухбатдошлирига ўғринча назар ташлаб қўйди.

— Бирон гап кўшолмасам керак, деб ўйлайман.

Пуаро унинг қўйнига қўл солиб кўрди.

— Балки хизмат қилиб юрган пайтларингизда булар ҳакида бизга ёрдам бериши мумкин бўлган бирон гап эшиттандирсиз?

Хос маҳрамниң қўзларида олов ёнди.

— Йўқ, сэр, бирон нима деёлмайман. Мистер Ли билан баъзи оила аъзолари ўртасида келишимовчилик бўлиб турарди.

- Оила аъзоларининг қайсилари билан?
- Мистер Харри Ли қайтиб келиши билан маълум мураккабликлар юзага келгандек бўлди, назаримда. Альфред Ли унинг келишини ёқтирмади. Менга маълум бўлишича, улар оталари билан жанжаллашиб колишиди. Бўлган гап шу. Мистер Ли брильянтларни сен олгансан, деб уни умуман айблагани йўқ. Мистер Альфред хеч қачон бундок иш килишига кўзим етмайди.

Пуаро дарров сўради:

- Мистер Альфред билан бўлиб ўттан сухбат брильянтлар ўғирланганини билгандан кейин бўлган эди, тўғрими?

— Ха, сэр.

Пуаро олдинга энгашди.

- Мен, — деб гап бошлади аста Пуаро, — сиз брильянтлар ўғирланганини сизга хозиргина маълум қилмагунимизча бу хақда билмагансиз, деб ўйлагандим. Демак, мистер Ли ўғли билан ўғирлик хақида гаплашнандан олдин сиз бу хақда билган экансиз-да?

- Алдашдан маънио йўқ. Тўғрисини айтаверинг, — деди Сагден. — Бу хақда қачон билгандингиз?

Хорбури қовоғини солди.

- Мен бу хақда телефонда ким биландир гаплашэтганини эшитиб колдим.

— Сиз хонадамидишгиз?

- Йўқ, эшикнинг олдида. Ҳамма гапни эшитганим йўқ. Айрим сўзлар узук-юлук қулоғимга кирди.

— Қандай сўзларни эшитдингиз?

- Мен «ўғирлик» ва «брильянт» деган сўзларни эшитдим, кейин у «кимдан шубҳаланишимният билмай колдим», деди, яна бугунги соат саккиздаги бўладиган зиёфат хақида нималардир дегаидай бўлди.

Катта инспектор Сагден бош ирғади.

- Ха, у бу хақда мен билан гаплашган эди. Тахминан бешдан ўн дақиқалар ўтганда, тўғрими?

— Худди шундай, сэр.

- Хонага кейин қайта кирганингизда кўрининишдан хаяжондамиди, йўқмиди?

- Сал ҳаяжонда эди, сэр. Наринсон хотир, нимадандир ғамгин эди.

— Сиз кўркиб кетганингизчаликми?

— Менга қараңг, мистер Сагден. Бұнда оханды гаплапшишіз менга ёкмайды. Мен хеч қачон брильянттарға құлымни теккизмаганман. Ха, құлымни теккизмаганман, буни исботлад беролмайсиз. Мен ўғри әмасман.

Уннің гаплары катта инспектор Сагденға заррачаям таъсир қилмади.

— Буни хали келажак күрсатади, — деди у ва савол назары билан полиция бошлиғига қараб қўйди. У бир имо қилған эди, Сагден гапга нұқта қўйди. — Хўп, бўпти, йигитча. Бугун кечқурун сиз бизга бошқа керак бўлмайсиз.

Хорбури хурсанд бўлиб хонадан чиқиб кетди.

Сагден илтифот билан шундай деди:

— Пухта ишлаб чиқилған, мсье Пуаро. Жуда усталик билан қўйилған бундай тузокни хеч қачон учратмаганман. У ўғри бўлишиям, бўлмаслигиям мумкин, лекин сўзсиз еирт ёлғончи.

— Ёкимсиз шахс, — деди Пуаро.

— Сўхтаси совук нусха, — қўшилди Жонсон. — Гап шундаки, уннің кўрсатмалари бизга нима беради.

Сагден вазиятни аниқ ифодалаб берди.

— Назаримда, бу ерда учта йўл бор. Биринчиси: Хорбури ўғри ва қотил. Иккинчиси: Хорбури — ўғри, лекин қотил әмас. Учинчиси: Хорбури бегуноҳ. Биринчисини тасдиқлаш учун баъзи бир далиллар бор. Жумладаи, телефондаги сухбатни эшитган, ўғирлик бўлганини билган. Хўжайнинг гапидан ўзидан шубҳаланаётганини сезган. Шунга қараб режа тузган. Гўё соат саккизда олдига чиққану, ҳамма шубҳадан ўзини холи қилған. Кинодан чиқиб кетиб, хеч кимга сездиримай орқага кайтиб келиши жуда осон. Лекин бирга кинога кирган қиз уни сотиб қўймаслигига тўла шонч ҳосил килиши керак бўлади. Эртага сиқиб сувини олишга ҳаракат киламан.

— Кандай килиб яна қайта уйга кирганикни? — деди Пуаро.

— Бу анча мушкул, албатта, — тан олди Сагден. — Лекин бошқа йўл бўлиши керак. Масалан, оксоч аёллардан бирин ён эшикни очган бўлиши мумкин.

Пуаро хайрои бўлиб қошини кўтарди.

— Демак, ўз ҳаётини иккита аёлга ишониб, тахлика-
га қўйган экан-да? Бир аёлнинг ўзи бу борада етиб
ортарди, лекин иккитаси, *et bien*¹. Бундай таваккал қи-
лиш — аклсизлик.

— Баъзи бир жиноятчилар бундай ишлар хамирдан
кил сурургандек амалга ошиди, деб ўйлашади, — леди
Сагден ва ганида давом этди: — Келинг, иккинчи имко-
ниятга ўтайлик. Хорбури брильянтларни ўгирилади, дей-
лик. Уни кечкурун хонадондан олиб чиқиб кетади-да,
шеригнга беради. Бу жуда осон ва ишончли. Лекин бош-
қа бирор хам мистер Лини ўлдиришини шу кунга мўлжал-
лаган, деб тахмин қилишимиз керак бўлади. Бу одам
брильянтлардан умуман бехабар бўлган кимса бўлади.
Бундай бўлиши мумкин, лекин бу — ҳакиқатдан йироқ.
Учинчи тахмин бўйича Хорбури айбдор бўлмайди. Ким-
дир бошқа бегона одам брильянтларни хам ўгирилаган,
кари жентльменниям саранжом қилган бўлиб чикади.
Ана шунака гаплар. Энди биз жиноятни очиб, ҳақиқатни
рўёбга чиқаришимиз керак бўлади.

Полковник Жонсон эснади. У яна соатига қаради-да,
ўрнидан турди.

— Бўшти, — деди у, — менимча, бугунга етар. Ке-
линглар, кетиппимиздан илгари пўлат сандиқни бир кўриб
кўяйлик. Биз шунча тортишиб ётибмизу, ўша лаънати
брильянтлар жойида турган бўлса, жуда ғалати бўлади-
да.

Лекин брильянтлар пўлат сандиқда йўқ эди. Кодни
Альфред Ли айтган жойдан — мархумнинг халати чўита-
гидағи дафтарчадан топишди. Пўлат сандиқда бўш чарм
халтача ётарди. У ерда одамни жалб қиласидиган ягона
когоз турарди.

Бу қогоз бундан ўн беш йиллар муқалдам тузилган
васиятнома эди. Ҳар хил майда-чуйда суммалар йигин-
диси васият қилувчи томонидан тартибга келтирилгандан
кейин кўчмас мулк меросхўрларга осонгина таксимлан-
ган эди. Унда Симеон Лининг ярим бойлиги Альфред
Лига тегиши кўрсатилган. Қолган ярми бошқа фарзанд-
лари — Харри, Дэвид ва Женниферларга баробар так-
симланган эди.

Нималар денисиз (фр.).

25 декабрь

I

Рождество арафаси. Қүёш мўл нур сочиб турибди. Тушга якин Нуаро Горстон-холлинг богида саир килиб юради. Бино улкан, лойиҳаси ҳам жуда чиройли ишланган. Ҳар тарафга узун айвон узалган, унинг атрофига қайчилаб чиройли шакл берилган жонли тўсик экилган. Йўлкаларнишг тош ёткизилган кисми кўкарамазор. Пешайвон бўйлаб ораларида озгина масофа колдириб ўйма тош қадалган мўъжаз боғчалар бино қилинган.

Нуаро буларга маҳлиё бўлиб бепарвогина кезиб юраркан, ўзича аста «*L'est bien imagine, ça!*» — деб қўйди.

Шу он у ўзидан ўттиз ярдлар² наридаги атрофи манзарали ҳовуз томон келаётган икки кишини кўриб колди. Улардан бирини дарров таниб олиш мумкин бўлиб, бу Пилар эди, иккинчисини Нуаро Стивен Фарр деб ўйлаган эди. Йўқ, у Харри Ли бўлиб чиқди. Кўрннишидан Харри жиянинг жуда эътибор билан муносабатда бўлаётган эди. Вакти-вакти билан у калласини орқага ташлаганча хандон отиб кулар, кейин яна у томон эгиларди.

— Ёлиз одам сўзсиз қайғуга ботмайди, — деб қўйди секин Нуаро гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандай.

Секин шитирлаган товуш уни оркасига ўгирилишга мажбур қилди. Сал нарида Мегдалин Ли турарди. У ҳам аста узоқлашиб бораётган киз билан йигитга оркасидан қараб турарди. Мегдалин ўгирилиб Нуарога ёқимли жилмайиб қўйди.

— Қуёш сахийлик билан нур сочиб турган ажойиб кун! — леди у. — Шунаканги кунда даҳшатли тун бўлганига ишонгинг келмайди. Тўғрими, мсье Нуаро?

— Ҳакиқатан даҳшатли, хоним.

Мегдалин хўрсинди.

— Мен илгари мутлако бунақангифожеий ишларга аралашмаганман. Мен... мен ҳеч нарса билан ишим

¹ Соҳибкорнинг гасавур олами кениг экан (фр.).

² Бир ярд 91 смга тенг узуцлик ўлчови.

бўлмай юраверган эканман. Бўйим стганда хеч нарса кўрмай болалигимча қолаверганман. Менимча, бу ҳам унчалик яхши эмас экан...

У яна хўрсаниб давом этди:

— Пилар одам лол қоладиган даражада совуқконки... томирида испан қони борлиги учун шундайдир. Жуда фалати, а, тўғрими?

— Нимаси фалати, хоним?

— Унинг бу ерда кўқисдан найдо бўлиб қолганини айтсанман да!

— Менга маълум бўлишича, — деди Пуаро, — мистер Ли уни узок вақт қидирган. У Мадриддаги элчихонага, онаси вафот этган Аликаредаги кичик консулга хат ёзган.

— Бу ҳакда қайнатам миқ этиб оғиз очмаган, — деди Мегдалин. — Альфред ҳам, Лидия ҳам бу ҳакда хеч нарса билмаган.

— Шунақами? — деди Пуаро.

Мегдалин унга яқинроқ келди. Унинг септан атрийнинг нозик бўйи Пуаронинг димогига урилди.

— Биласизми, меъе Пуаро, Женнифер Эстравадос-нинг эри ҳакида қизик гапларни айтиб юришади. У тўйла-ри бўлгандан кейин сал ўтмаёқ қандайдир сирли равишда ўлгаш экан. Альфред билан Лидия буни яхши билишади. Менимча, шармандали бир ҳолатда...

— Бу жуда ачинарли, — деди Пуаро.

— Эрим қизнинг ўтмиши билан қизиқиб кўриш кепрак, дейди. Мен ҳам унинг гапига кўшиламан. Унинг отаси жиҳоятчи бўлгандан кейин...

У жимиб колди, Эркюль Пуаро ҳам ишдамади. Афтидан, Горстон-холлнинг қишки манзараси уни маҳлиёқ қилиб қўйгандек эди.

— Қайнатамнинг ўлдирилиши билан боғлиқ бўлган юрагимдаги оғир хис-туйғуларни енгиб кетолмаяпман. Бу... қандайдир инглизларга хос бўлмаган тарзда...

Эркюль Пуаро унга аста ўгирилди. Мегдалин унинг жиҳдий бокиб турган кўзларида унсиз савол турганини уқди.

— Унда, — деди у, — испанча усул билан ўлдирилганми?

— Хархолда испанлар бераҳм бўлишиади, тўғримасми? — Мегдалин ўзи ҳакида болаларча таассурот қолдиришга уринарди. — Буқалар жангни шунга ўҳшаганлар.

Эркюль Пуаро мулойимлик билан жавоб берди.

— Сиз сенъорита Эстравадос ўз бобосини бўғизлаган демоқчимисиз?

— О, йўқ, меъе Пуаро, — қатъий эътиroz билдириди Мегдалин. У шошиб қолган эди. — Мен хеч қачон бунақа демоқчи эмасман. Ха, хеч қачон.

— Бўйти, — деди Пуаро, — балки, сиз бунақа маънода айтмагандирсиз.

— Лекин мен уни ҳакиқатан ҳам... шубҳали шахс деб биламан. Масалан, кеча кечқурун ердан бир нимани секингина ўғринча кўтариб олганини кўриб колдим.

Эркюль Пуаро энди бошқача оҳангда жиддий сўради.

— Кеча кечқурун ердан бир нимани олди дедингизми?

Мегдалин бош ирғади. Унинг лаблари болаларча кимгинди.

— Ха, бизлар хонага кириб келганимизда. У атрофга аланглаб караб олди-да, хеч ким эътибор бермаётганини билиб дарров ердан олди. Лекин катта инспектор, бахтга, кўриб қолиб ундан олиб кўйди.

— Ердан нима олди? Айтиб беролмайсизми, хоним?

— Йўқ, мен нарироқса эдим, — жавоб берди Мегдалин афсусланиб. — Бу нимадир кичкина нарса эди.

Пуаро қовоғини солди.

— Жуда ғалати, — минфирилаб кўйди у.

Мегдалин гапни илиб кетди:

— Ха, мен буни сиз билиб қўйинингиз зарур ўйладим. Умуман олганда, Ниларнинг қандай тарбия кўрганилиги, хаёти қандай кечганилиги бизга коронги. Альфред хеч қачон шубҳага олинмаган. Лидияга эса ҳамма нарса ахамиятсиз. — Кейин у кўшиб кўйди. — Яхшиси мен берай, Лидияга бирон ёрдамим тегиб қолар.

Мегдалин Пуарога лабларида табассум хадя қилиб кетди.

Пуаро нешайвонда ўйга чўмғанча қолди.

Унинг олдига катта инспектор Сагден келди. Полициянинг катта инспектори маъюс кўринарди. У:

— Салом, мистер Нуаро, — деди. — Рождествоини хуш кайфиятда кутиб олинг десам ҳам бўлаверади, тўғри масми?

— Men cher collegie¹, чехрангизда хурсандчилик ифодасини сезмаяпман. Агар сиз «Рождествода кайфиятингиз зўр», десангиз, мен «хатдан ташқари зўр», деб жавоб берган бўлардим.

— Ха, Рождествода яна шунаقا ҳол такрорланишини мутлақо хоҳламасдим, — деди Сагден.

— Пичокка илинадиган бирон нима топдингизми?

— Кўп нарсаларни текшириб чиқдим. Хорбурининг гаплари тўғрига ўхшайди. Билет назоратчиси бир қиз билан кинога кирганини, кино тугагач, бирга чиққанини кўрибди. У сеанс пайтида ташқарига чикмаганига, кинодан чиқиши ҳам, қайта кириши ҳам мумкин эмаслигига кафолат беряпти. Қиз бўлса кино тугагунча бирга ўтирганини қасам ичиб тасдикляяпти.

Пуаро кошини кўтарди.

— Унда бу борада яна нима дейиш мумкин?

Сагден:

— Э, бунақа кизларнинг гапидан бирон нимани илинтириб бўлмайди. Йигитлар деганда бетингга қараб туриб ҳар қандай нарсани тўкиб ташлаши мумкин, — деди.

— Бу кизларнинг виждонига ҳавола, — деди Эркюль Пуаро.

— Биласизми, бунақа гаплар масалага бир кўз билан қарашдир, — минфирилди Сагден. — Бу адолатни рўёбга чиқаришда халақит килади.

— Адолат, бу галати нарса, — деди Эркюль Пуаро. — Хеч бу ҳакда ўйлаб кўрганмисиз?

Сагден Пуарога тикилди.

— Қизик одам экансиз, мистер Нуаро!

— Мутлақо унақа эмасман. Мен ишда мантиққа асосланаман. Келинг, бу масалада бахслашиб ўтирмайлик. Демак, сиз сут дўконидаги бир қиз нотўғри гапирияпти, деб хисоблайсизми?

¹ Азиз ҳамкасбим (фр.).

— Йўқ, — калласини кимирлатди Сагден. — Мутлако бундай деб хисоблайман. Бир умр гулохларнинг кўрсатмалари билан шугулланиб юрганингдан кейин бирон кимса тўғри гапиряптими ёки алдаяптими, дарров ажратиб олар экансан. Лекин бу кизнинг кўрсатмалари тўғри, демак, Хорбури мистер Лини ўлдирмаган. Хулоша шуки, бу борада биз ҳам яна хонадан эгаларига кайтишимиз керак бўлади.

У чукур хўрсииди.

— Бу қотилликни улардан бири амалга оширган, мистер Нуаро. Ҳа, улардан бири. Лекин қайси бири?

— Янги далилларингиз йўқми?

— Бу борада омадим юришиб турибди. Мен телефонда бўлиб ўтган сухбатни аниқлаганман. Мистер Жорж Ли Уэстингем билан икки дакиқа кам тўққизда гаплашган. Сухбат салкам олти дакиқа давом этган.

— Аҳа!

— Шунақа. Ундан ташқари, Уэстингем билан ҳам, бошқа бирон жой билан ҳам ҳеч ким гаплашмаган.

— Бу жуда қизиқ, — маъқуллади Нуаро. — Мистер Лининг гапи бўйигча, у телефонда гаплашиб бўлиши билан юкорида тўс-тўполои бошланиб кетган. Аслида телефондаги сухбат тўполоидан ўн дакиқа олдин тугаган. Бу ўн дакиқа давомида у қаерда бўлган? Миссис Жорж Ли бўлса, телефонда гаплаштаувдим лейди, лекин аслида ҳеч қанақа ракам термаган. У қаерда эди?

— Мен сизнинг у билан гаплашиб турганингизни кўрувдим, — деди Сагден.

Унинг гап оҳангига савол аломати борлигини сезиб, Нуаро жавоб бериб қўя колди:

— Адашасиз?

— Яъни?

— Мен у билан эмас, у мен билан гаплашди.

— О-о...

Сагден бу гашга бешисандлик билан карамокчи бўлган эди, кейин унинг замирини тушуниб қолди.

— Демак, гапингизга қараганда, у сиз билан гаплашган экан-да?

— Худди шундай. У бу ёкка шунинг учун чикқан экан.

— Хўш. Нималарни гапириб берди?

— У айрим нарсаларга аниклик киритмокчи бўлибди. Жиноят инглизча эмас эмиш... Эстравадоснинг ота томонидан ёкимсиз ўтмани... кеча кечкурун Мисс Эстравадос хеч кимга билдирамай ўғрича ердан ниманидир олибди.

— Бу ҳакда Мегдалин айтдими? — сўради Сагден кизикиб.

— Ха. Сенъорита ердан нима олган экан?

Сагден хўрсинди.

— Мен сизга гумон қилишга имкошнат яратадиган уч юзта нарсани айтиб беришм мумкин. Бу шунака нарсаки, детектив романлардаги ҳамма сир-синоатни очиб берishi мумкин. Агар бунинг тагига столсангиз, полициядан истеъфога чиқиб кетишим мумкин.

— Кўрсатинг-чи.

Сагден чўнтағидан конверт олиб, ундаги нарсани кафтага силкиб туширди. Унинг чехрасида енгил табассум ўйнади.

— Мана. Бу ҳакда нима дея оласиз?

Катта инспекторнинг кафтида учбурчак кизниш резинка ва кичкинагина ёғоч чўп турарди.

Нуаро бу нарсаларни қўлнга олиб ковогини уйганча синчиклаб текшира бошлаганди, Сагденнинг кулгиси кучайди.

— Мсье Нуаро, бундан бирон нимани илғаб бўладими?

— Мана бу резинка парчаси губка учун резинка қончадан кесиб олинган бўлниши мумкин.

— Худди шундай. Бу мистер Линнинг хонасидаги губкага резина қопчиқдан киркиб олинган. Кимдир ўткир кайчи билан учбурчак килиб кесибди. Буни мистер Линнинг ўзи қилган бўлшиниям мумкин. Калламни олинг, нима учун бу нарса керак бўлганинига аслим етмаянти. Ёғоч чўпга келганда, у крибиж¹ ўйинидаги чўннинг каталигига тўғри келади. Лекин бунака ўйинга чўшини фил суюгидан ясашади. Бу эса шичоқ билан оддийгина арча ёки карағай ёғочидан йўнилган.

— Ғоят таажжубланиарли, — леди Нуаро.

— Керак бўлса ола колинг, — очик кўнгиллик билан леди Сагден, — булар менга керакмас.

¹ Инглишларнинг карта ўйини.

— Мен амі, бу ашёдан сизни маҳрум килмоқчи эмасман.

— Бу арзимас нарсалар сизга бирон нарсаны англатмайдими?

— Түғрисини айтсам — хеч нимани англатмайди.

— Жуда соз, — деди Сагден истекжо аралаш ва уларни яна конвертга ўраб, чұнтагига солиб қўйди.

— Миссис Жорж Ли, — деди Пуаро, — айтдикі, ёш хоним уни ердан яширинча олғанмиш, шу гапга қўшиласизми?

— Йў-ўк, — деди Сагден иккилашиб. — Мен бунчаликка бормаган бўлардим. — Унинг киёфаси худди ўзини айбдор сезаётгандай эди. — Лекин у буларни тезда ва сездирмай кўтариб олди, тушуняпсизми? У ердан олганини сезганимни билмади. Уни менга беринини талаб килганимда қалтираб кетди.

Пуаро ўйланкираб деди:

— Демак, бунга бирон сабаб бор-да, лекин қандай сабаб бўлиши мумкин. Янги, бирон нарсага фойдаланилмагаи. Жиндай резинка парчаси, холос, у хеч қандай ахамият касб этмаслиги мумкин. Лекин хархолда...

— Мистер Пуаро, бу хақда истаганча бош қотиришибигиз мумкин, — деди Сагден чидамсизлик билан, — хозир мен бошқа ишларни ўйлашим керак.

— Сизнингча, хозирча қандай хулосаларга келдик? — сўради Пуаро.

Сагден чўнтағидан дафтарчасини чиқарди.

— Келинг, диккатни далилларга каратайлик. Гапни жиноят килиши мумкин бўлмаган одамлардан бошлаймиз. Уларни ҳисобдан чиқариб ташлайлик.

— Ким булар?

— Альфред ва Харри Лилар, уларниг далилларида асос бор. Буларга миссис Альфред Линиям қўшиш мумкин. Тресилианинг галига караганда, юкорида тўс-тўполон бошланишдан бир дақиқа муқаддам емакхонада кўрган экан. Булар учаласида айб йўк. Энди қолтанлар хақида. Мана рўйхат. Аниқ бўлиши учун қуйидаги тартибда ёздим.

У дафтарчасини Пуарога узатди.

Дафтарча шундай тузилган эди:

Жиноят содир бўлган пайтда:

Жорж Ли — қаерда эди?

Миссис Жорж Ли — қаерда эди?

Дэвид Ли — қаерда эди? Мусика хонасида пианино чалаётган эди (хотини тасдиклайди).

Миссис Дэвид Ли — қаерда эди? Мусика хонасида (эри тасдиклайди).

Мисс Эстравадос — қаерда эди? Ўз ётоқхонасида (исботсиз).

Стивен Фарр — қаерда эди? Залда, граммофонда пластинка күйиб ўтирган (хизматкорлар, айвонда бўлган оксочлар тасдиклайди).

Ён дафтарчани кайтараркан Нуаро сўради:

— Бундан қандай хулоса чиқарасиз?

— Хулосам шуки, — деди Сагден. — Жорж Ли чолни ўлдириши мумкин. Миссис Жорж Ли ҳам бундан мустасно эмас. Пилар Эстравадос ўлдирган бўлиши мумкин ёки эр хотин иккаласи бир вактда ўлдириши эхтимолдан узоқ эмас.

— Демак, сиз уларнинг далилларига ишонмайсиз?

Катта инспектор катъяян бош чайқади.

— Заррачаям. Эр хотин бир-бирига жуда садоқатли. Бу ишни иккаласи биргалашиб килган бўлиши мумкин. Агар улардан бири амалга оширган бўлса, иккинчиси, бу сирни очмасликка онт ичиши мумкин. Мен шундай деб ўйлайман. Уларнинг қайси биридир мусика хонасида пианино чалиб ўтирган. Бу, балки Дэвиддир. Қотил шу бўлиши ҳам мумкин. Чунки у машхур мусикачи. Лекин унинг ўзи ва сўзидан бўлак ҳеч ким Дэвидниг хотини ўша ерда бўлганини тасдикламайди. Ундан ташкири, нианинони Хилда Ли чалиб ўтирган ва бу вактда Дэвид Ли юкорига чикиб, ўз отасини ўлдириб тушган бўлинни ҳам мумкин. Емакхонада икки ака-уканинг ўтиргали ҳам ғалати. Улар бир-бирини ғажишга тайёр. Шундай экан, бирини ёқлаб, иккинчиси ҳеч қачон ёлғон кўрсатма бермайди.

— Стивен Фарр-чи?

— Ундан шубҳаланиш мумкин, чунки граммофон хақидаги баҳонаси ишончли эмас. Иккинчи томондан, бу ҳол мана бундай ҳолатларда аввалдан пишишиб кўйилган ва инкор қилиб бўлмайдиган бошка ҳар қандай далиллардан ҳам ишончлироқ туюлади киппига.

Пуаро ўйга ботиб калласини қимирлатди.

— Нима демоқчи бўлаётганингизни тушуниб турибман. Бу ҳали исботлаб бериши кераклигини билмайдиган одамининг далили.

— Худди шундай: нима бўлгандаим, бу қотилликни ташкаридан келган одам амалга оширганига ишонмайман.

— Фикрингизга қўшиламан, — дели тезда Пуаро. — Бу оила аъзоларининг иши. Бу қонга кириб олиб, сездирмай таъсир киладиган оғу янглие... У чуқур кириб борган қонга. Бу ерда асосий нарса — бир-бирини кўролмаслик ва маҳорат билан ишлаб чиқилган режа иатижаси...

У қўлини силкиди:

— Билмайман — вазият оғир.

Катта инспектор Сагден хурмат сақлаб жим турди. Лекин Пуаронинг гаплари унда ҳеч қандай таассурот колдирмаганлиги афтидан шуидокқина кўриниб турарди.

У шундай деди:

— Сиз ҳақсиз, мистер Пуаро. Лекин кўркманг, мантиқ ва ҳар хил усулларни ишга солиб пировард ўз максадимиизга эришамиз. Котилликда гумон қилинаётгапларни кўриб чиқайлик-чи. Ҳа, келнинг, бундан манфаатдор бўлиши мумкин бўлган одамларни бир четдан кўрайлик. Улар Жорж Ли, Мегдалин Ли, Дэвид Ли, Хилда Ли, Пилар Эстравадос, булар каторига яна Стивен Фаррни хам қўшган бўлардим. Энди буни асослашга ўтайлик. Стивен Лини ўз йўлидан олиб ташлаш учун кимда қандай асос бор эди? Бунда яна баъзи бир кимсаларни хисобдан чиқаришимиз керак бўлади. Масалан, мисс Эстравадосни, тушунишмча васиятноманинг ҳозирги холатида унга ҳеч вако тегмайди. Агар Симеон Ли унинг онасидан олдин вафот этган бўлганда, онасининг улуши қизига теккап бўларди. (Агар ота бошқа кўрсатма берган бўлмаганда.) Жениффер Эстравадос Симеон Лидан олдин ўлган экан, унинг мерос улуши оиласининг бошқа аъзолари орасида тенг тақсимланади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, мисс Эстравадос шубҳасиз, бобосининг тирик бўлишидан манфаатдор. Ундан ташкари, чол қизга шундай боғланиб қолган эдик, янги васиятнома туз-

тандында унга албатта күпроқ улуш ажратган бўлиши аник эди. Бобосининг ўлимидан кейин у хамма нарсадан маҳрум бўлди, хеч нима ютгани йўқ. Бу фикрга қўшиласизми?

— Мутлақо қўшиламан.

— Албатта, каттик айтншиб колиб, бобосини сўйиб кўйган деган тахмин бўлиши мумкин, лекин бу тахмин мутлақо ишончсиз. Уларниг муносабатлари жуда яхши бўлгану сухбат асносида бобосидан норозилик туғилиб колган, дейиш хам мумкинdir, шундаям мисс Эстравадос жиноятга кўл уради, дейишга оғиз бормайди. Бир инсонни бўризлаш, дўстингиз миссис Жорж айтгандай, инглизларга хос усул эмас, дейиш билан бироннинг айбини исботлай олмайсиз-ку.

— Уни менинг дўстимга чиқариб қўйманг, — деди шоша-пиша Нуаро — ё бўлмасам, мен хам сизни гўзал йигит деган мисс Эстраводасни сизниг дўстингиз деб атайман.

У яна катта инспекторнинг киёфасидаги расмиятчилик йўқолганини кўриб мамнун бўлди. Полиция офицери кип-қизариб кетган, Нуаро бўлса, унга истехзо билан қараб турарди.

Унинг овозида ҳасад оҳанг сезилди.

— Мўйловингиз хам жуда ярашган-да ўзингизга... марҳамат килиб айтиш-чи, маҳсус мой сурасизми?

— Мой? Худо сакласин, хеч қачон бундай килмаганман.

— Нимадан фойдаланасиз унда?

— Хеч нимадан. Ўзи... ўсиб чиқаверади.

Нуаро хўрсици.

— Табиат севган йигит экансиз, — у ўзининг яхтилаб кузалган коп-кора мўйловини силаб кўйди, кейин яна хўрсинди, — мўйловни табиий рашига қайтариш учун хар қанақа кимматбаҳо мойлар суртилсаям, барibir уни маълум даражада бузади.

Катта иннектор Сагден мўйловни парваришилаш масаласига мутлақо эътибор бермай, эҳтиросиз оҳанг билан ганини давом этди:

— Жиноятчини ахтарар эканмиз, менинг ўйлапшими-ча, мистер Стивен Фаррин ҳам рўйхатдан ўчиришингиз керак. Унинг отаси билан мистер Ли орасида қандайдир

шүбхали гаплар бўлиб ўтган бўлса керак, деган гумон бўлиши мумкин. Бу гумон ҳам ўринсиз. Фарр бу хақда эслаттанди ишоятда ўзига ишонч ва қатъият билан гапирди, ҳа, у ўзига жуда ишонган эди. Унинг бизни лақиллаттанига ишонмайман. Йўк, биз бу ерда бирон нимага эришолмаймиз, деб ўйлайман.

— Мен ҳам шундай фикрдаман, — деди Пуаро.

Кари мистер Лининг ўлишини хоҳламаган яна бир одам бор. Бу унинг ўғли Харри. Тўғри, унга васиятномада улуш ажратилган, лекин менинг ишончим комилки, у бундан бехабар бўлган. Албатта, у бундай бўлишига ишонмаган ҳам. Бу хонадонни тарқ этиб кетгандан кейин хамма уни улушдан маҳрум килишган, деган фикрда бўлган, шундай бўлса-да, унга ғамхўрлик қилинибди: отаси васиятномани бошқатдан тузиши унга кулай эди. Шундай экан, у айни шу пайтда отасини ўлдирадиган ахмок эмас. Шу билан бирга, бизга маълум бўлганидек, у бу ишни қилишига кодир эмасди. Кўрјасизми, йўлдан кўи одамларни олиб ташлаб, олдинга қараб кетяпмиз.

— Тўппа-тўғри, тез орада ҳеч ким қолмайди!

Сагден кулиб кўиди.

— Хўи, бунгача этиб бормасмиз. Ҳали қўлимизда Жорж Ли билан унинг хотини, Дэвид Ли ва миссис Дэвидлар бор. Буларнинг бари қариянинг ўлимидан манфаатдор. Жорж Ли бўлса, маълумки, пул деганда ўзини томдан ташлайди. Ундан ташқари, отаси сенга бериб турган нулемни камайтираман, деб лаёдаға килган. Шундай килиб, отасини ўлдириш учун Жорж Лида сабаб ҳам, имконнят ҳам бор.

— Давом этинг, — деди Пуаро.

— Кейин, миссис Жорж! Ит сувкни яхши кўрганцек, у ҳам нулни жонидан яхши кўради. Сиз билан бас бойлашим мумкин, у хозир бўйинчагча қарзга ботган. У чолни ўзига оғдириб оляигти, деб испан қиздан уни қизганиб юрди, кайнатаси хуқуқшуносин чакиряпти, деб эшиштган. Шундан кейин чолни саранжом килган-қўйган. Шундай деб тахмин килиш мумкин.

— Мумкин.

— Кейин Дэвид Ли билан унинг хотини. Ҳозирги васиятнома бўйича улар асосий меросхўр. Лекин мен улар нул деб шундай қабохатта борганлигига ишонмайман.

— Пул деб эмас?

— Ҳа. Дэвид Ли менимча, хаёлнараст, лекин тамагир одам ҳам эмас. Аммо айтишим мумкинки, жуда ғалати. Менинг назаримда унинг котиллик қилиши учун учта асоси бор, булар брильянтлар, васиятнома ва отасини ёмон кўриши.

— Ҳа, энди сизга етиб борибди-да, а?

— Ҳа, — деди Сагден. — Мен бу ҳақда доим ўйлаб юрардим. Агар Дэвид Ли отасини ўлдирадиган бўлса, уни пул деб ўлдирмайди, дердим. Агар у жиноятчи бўлса, буни шундай тушунтириши... ҳ-ҳа... шунча кон тўкиш.

Пуаро унга хурмат назари билан қаради.

— Қачон бунга эътибор қиласкансиз, деб анчадан бўён кутиб юрувдим. «Шунча кон» — миссис Альфред худди шу ҳақда гапирди. Бу нарса бизга «Курбонлик қилиб, курбоннинг конини суртиш...» деган қадимий урф одатни эслатади.

— Сиз, ўлдирган одам ақлдан озган деб ўйлаяпсизми? — сўради қовоғини уйиб Сагден.

— Mon cher, одам боласининг конига чукур сингиб кетган, лекин буни ўзиям аник билмайдиган табиий майлар бўлади. Конга ташшалик, кон тўкишга интилиш дегандек.

— Дэвид Ли одамда сокин, знёnsиз бир инсон деган таассурот қолдиради. — деди шубхаланиб Сагден.

— Сиз одамнинг ички дунёсини яхши билмайсиз, — деди Пуаро. — Дэвид Ли ўтмиш билан яшайдиган, онасиning рухи хотирасидан ҳеч қачон ўчмайдиган одам. У отаси билан кўришмаганига кўп йиллар бўлди, чунки онасини хўрлагашлари учун отасини ҳеч қачон кечиролмайди. Балки бу ерга отаси билан ярашиш учун келгандир. Эҳтимол, барибир кечиролмагандир... Бизга битта нарса аник: у отасининг мурласи тепасида турганда уни жиндай кечиргандай ҳам бўлган, шу билан бирга, унинг ўлимидан бир оз рухий қоникиш ҳам хосил килган. Дейишади-ку, ахир «Худонинг тегирмони унни аста, лекин аник тортади», деб. Қасос! Ўч! Гунохни кон билан ювиш!

Сагден қалтираб кетди.

— Бунақа деманг, мистер Пуаро. Одамни вахима босиб кетяпти. Балки сиз айттанингиздек бўлгандир. Агар

шундай бўлса, миссис Дэвид хамма нарсадан хабари бор ва буни қўлидан келган хар хил усуллар билан яширишга уринади. Бунга ишонаман. Бошка тарафдан унинг котиллигига ишонгим келмайди. Шунаقا мусичадай беозор аёл, бегуноҳдан бегуноҳ...

Пуаро унга қизиксиниб қаради.

- У аёлни шундай деб ўйлайсизми? — сўради у.
- Ха. Содда аёл, демокчиман, тушуняпсизми?
- О, буни тушунаман.

Сагден унга қаради.

— Кулок солинг, Пуаро, бу қотилликни очиш бора-сида ўз нуқтаи назарингиз борми, очик айтаверинг.

Пуаро аста деди:

— Ха, ўзимнинг кузатишларим бор, лекин у хали очик-ойдии эмас. Келинг, аввал сизнинг хулосаларингизни эшитайлик-чи.

— Хўй бўлади. Юкорида эслатганимдек, учта сабаб бор. Булар: қўролмаслик, бойлик ва брильянтлар. Келинг, буларни тартиб билан кўриб чиқайлик. Соат 3.30. Оила жам бўлган. Ҳукуқшунос билан бўлган сухбатни хамма оила аъзолари эшитали. Кейин қария оила аъзоларига ташланиб қолади-ю, ҳаммасини ҳайдаб чиқаради. Кўркок қўёнга ўхшаб ҳаммаси кочиб кетишади.

— Хилда Ли эса смакхонадан чиқмай қолади, деди Пуаро.

— Ха, чиқмайди. Лекин узок колиб кетмайди. Соат олтиларга яқин Альфред отаси билан гаплашади, орада кўнгилсиз сухбат бўлади. Харри уйда яшаш учун қолади. Альфред бундан норози. Бизнинг шубҳамиз асосан Альфредга тушиши керак, албатта. Ўлдириш учун унда сабаб кўп. Кани давом этайлик-чи. Кейин Харри келади. Унинг кайфияти чоғ. У истаган нарсасига эришган. Лекин Симеон Ли ҳар икки ўғли билан гаплашмасдан олдин брильянтлар ўғирланганидан хабар топади ва менга қўнғирок киласи. У ўғилларининг биронтасига ҳам бу ҳақда лом-мим деб обиз очмайди. Нима учун? Менимча, ўғилларидан Харри ҳам, Альфред ҳам бу ўғирликка мутлако алоқадор эмаслигини билган. Биронтасидан ҳам шубҳаланмаган. У доим Хорбуридан ва яна бошка биронтасидан шубҳаланиб юрганини таъкидларди. Хорбу-

ри чол нима қымоқчилигини билганлигига ишончим көмил. Эсингиздами, ўша куни кечкурун Симеон Ли хеч кимни қабул қымайман деб айтди, деган эди. Нима учун? Чунки чол биринчидан менинг келиштимга тайёр гарлик күраётган эди, иккинчидан, ўша шубхаланаётган одами келиши керак эди. Шундай бўлса ҳам барibir тушлиқдан кейин дарров кимиидир таклиф қилган. Бу ким бўлиши мумкин? Эҳтимол, Жорж Лидир. Аниқроғи, унинг хотинидир. Ундан кейин яна биттаси сахнага чикяпти. — бу Пилар Эстравадос. Чол унга брильянтларни кўз-кўз қилган. Унга уларнинг қанча туришини айтган. Кизининг ўғри эмаслигини, кўнглица шум нияти йўқлигини биз қаердан биламиз? Отасининг ёмон хулки ҳакидаги имо-ишораларни эслаб кўринг. Эҳтимол, у ашаддий ўғри бўлгандир ва охир-оқибат ўз кимшидан турмага тушгандир.

— Шунинг учун Пилар Эстравадос яна сахнага чикяпти демокчимисиз.

— Ха, ўғри сифатида. Факат ўғри сифатида. У айби ошкор бўлгандан кейин ўзини тутолмай қолган. Шунинг учун бобосига ташланган бўлиши мумкин.

— Ха... эҳтимол, — деди Нуаро.

Катта инспектор Сагден уига шубха аралаш назар ташлади.

— Лекин бундай тахмин қымаяпсиз-а? Мистер Нуаро, айтинг-чи, сизнинг фикрларингиз кандай?

— Битта нарса мени доим ўзига жалб қиласеради, хеч калламдан чикмаяпти, — деди Нуаро, — бу ҳам бўлса, мархумнинг ўзига хос бўлган феъли, табиати. Симеон Ли қанақа одамлар сирасига мансуб эди?

— Бунда хеч кандай сирли жой йўқ. — деди Сагден.

— Унда менга айтинг-чи, бу ерда, сиз яшаётган мана шу жойда одамларнинг Симеон Ли ҳакидаги фикри кандай эди?

Катта инспектор Сагден ўйга ботиб, бармоғи билан энгагини кашиди. У довдираб қолган эди.

— Мен ўзим бу ерлик эмасман, — деди у. — Мен Рившурда туғилгашман. Бу кўшии графлик. Лекин кари мистер Ли бу ерларда жуда машҳур одам бўлган. У ҳақда билганларимнинг ҳаммасини одамлардан эшитганиман.

— Шунаками? Одамлардан айни нималарни эшигтгансиз?

— Хм, шайтонга дарс берали дейишарди, — деди Сагден. — Бу борада унинг олдига тушадигани бўлмаган экан. Лекин шу билан бирга жуда сахий ҳам бўлган экан. Пулни пўчоқча билмас экан. Кизиги шундаки, унинг ўғли Жорж Ли бу маънода мутлақо унинг акси.

— Ҳа-а, лекин оила аъзолари насл жиҳатидан иккига бўлингани. Альфред, Жорж ва Дэвидлар, айниқса ташки жиҳатдан, оналарига тортган. Бугун эрталаб галерядаги баъзи бир расмларни кўрувдим.

— У тажанг, сал нарсага лов этиб ёниб кетарди, — давом этди катта инспектор Сагден. Албатта, аёллар орасида яхши таассурот қолдирмаган, бу ёшлик йилларида бўлган. Кейин кўп йиллар бўлди мажрух. Хатто ёшлигига ҳам сахий, хожатбарор бўлган экан. Агар биронта киз камбағал бўлиб қолса, пулни аямаган, турмушга чиқариб юборишга урингани. Балки ёмон одам бўлгандир-у, лекин аблах бўлмаган. Ўз хотинига ёмон муносабатда бўлган. Айтишларича, хотини юраги ёрилиб ўлган экан. Одамларнинг оғзиҳдаги гап бу. Мен ҳам бечора аёл хақиқатан ҳам баҳтсиз бўлган, деб ўйлайман. Боши касалдан чикмаган, уззукун үйда бўлган. Мистер Ли ғалати одам бўлганига шубҳа йўқ. Бунинг устига ниҳоятда қасоскор бўлган. Агар биронтаси алам ўтказган бўлса, аламини олмай қўймаган. Бунинг учун қанча кутиш талаб қилинса, шунча кутган.

— «Худонинг тегирмони секин, лекин тоза тортади», — минифирлади Нуаро.

Катта инспектор Сагден ғўлдираб қўйди.

— Тўғрироги, иблиснинг тегирмони! Симсон Ли учун хаётда хеч канака муқаллас нарса йўқ эди. У, дейин мумкинки, юрагини иблиста сотиб, мақтанарди. Тағин бу хислати билав ғуурланарди, ғуурланганда ҳам люциферга ўхшаб ғуурланарди.

— Люциферга ўхшаб ғуурланарди! — такрорлади Нуаро. — Бу хақда ўйлаб қўриш мумкин.

Катта инспектор Сагден Нуарога ажабланиб қаради.

— Сиз мана шу унинг ғуури бошига етди, деб хисобламаянсизми?

— Мен, — деди Пуаро. — Бунака нарсалар кишиларга наслдан-наслга ўтади. Фурур, қасоскорлик Симсон Лидан ўғилларига ўтмаганимкан, деб ўйлајпман.

У жимиб қолди. Хилда Ли уйдан чикиб пешайвонда уларга қараб турарди.

III

— Мен сизни қидириб юрувдим, мистер Пуаро, — деди Хилда Ли унда гапи борлигига шама қилиб.

Катта инспектор Сагден кечирим сўраб, уйга кириб кетди. Хилда ушинг орқасидан қараб қузатиб қоларкан:

— Сизнинг у билан бирга эканлигингизни билмагандим, — деди. — Яхши одамга ўхшайди, жуда зийрак.

Унинг овози ёқимли, худди одами аллалаётганга ўхшарди.

— Сизни кўрмокчиман, деганимдингиз? — сўради Пуаро.

— Ха, менга ёрдам берармикансиз девдим.

— Кўлимдан келса, бош устига, хоним.

— Сиз жуда аклли одамсиз, мистер Пуаро, — деди у. — Бунга кечкурун ишонч хосил қилдим. Шундай нарсалар борки, сизга ўхшаган одамлар дарров аниклаб юзага чикарати. Мен эримни тушунишингизни истардим.

— Ха, хоним.

— Мен бу гапларни катта инспектор Сагденга гапи ролмайман. У тушунишаслиги мумкин. Лекин сиз тушунасиз.

Пуаро куллук қилиб қўйди.

— Ортиқча мақтаб юборяпсиз, хоним.

— Менинг эрим унга тегибману, кўп йиллардан буён руҳан мажрух, бошқа сўз билан ифодалай олмайман.

— А-ха!

— Агар одам боласининг танасида дарл бўлса оғрик зўрайди, пасаяди, кейин яралар битиб, суюклар тикланиб, кўрмагандай бўлиб кетади. Эҳтимол, бир оз дармонсизлик бўлар, бирон ерида арзимас чандик қолар, бу арзимас нарсалар. Менинг эрим, мистер Пуаро, айни табиати, феъли-хўйи шаклланадиган бир ёшда нихоятда оғир руҳан тушкунликда ўсган. У онасини жуда яхши

кўрган, жон бераётганда бошида бўлган. Опасининг ўлимида ўз отасини айбдор деб билади. У рухан тортган азобдан ҳалнгадовур кутула олгани йўқ. Бу ёкка, Рождествога келишга мен кўндиридим, отанг билан ярашиб ол, дедим. Отаси билан ярашиб олса, рухи енгил тортармикин, деб ўйловдим. Энди билсам, нотўғри қилган эканман. Симеон Ли эски яраларни янгилашиб хузур қилди. Бу энди жуда хавфли.

— Нима, сиз эрим ўз отасининг қотили демоқчими-сиз, хоним?

— Мен, мистер Пуаро, бу иш хохласа эримнинг кўлидан келарди, демоқчиман... Лекин шу билан бирга айтиб қўяйки, у бундай қилгани йўқ, Симеон Ли ўлдирилган пайтда эрим «Ўлим марши»ни чалиб ўтирган эди. Уни ўлдириш истаги юрагини камраб олган, бу истаги бармоклари орқали куйга чулғаниб тараларди. Тўғри гап шу.

Пуаро унинг гапларини жим туриб эшитди, кейин деди:

— Сиз ўзингиз-чи, хоним... бу азалий зиддиятлар хақида фикрингиз қандай?

— Қайнонамнинг ўлимини назарда тутяисизми?

— Ха.

Хилда аста гапга тушибди:

— Мен хаётда нарса ҳодисаларнинг ташки кўриннишига қараб хулоса чиқариш яхши оқибатларга олиб келмаслигини жуда яхши биламан. Хотинини ҳакоратлагани учун, аслида, Симеон Лининг гунохи катта. Шу билан бирга, тўғрисини айтсан, хаётда шунаقا юмшоқкўнгил, бўйсунувчан ва қийнокларга бардошли аёллар хам бўладики, бу ҳол эркакларда маълум даражада ёмон ҳаёлларни келтириб чиқаради. Менимча, Симеон Ли рухан тетик, ўзига хос табиатга эга киши бўлган. Аёлнинг кўз ёшлари-ю, қийнокка бардошлилиги унинг ғазабини қўзнатган.

Пуаро бошини қимирлатди.

— Кеча эрингиз: «Менинг онам ҳеч қачон шикоят килмаган», деб айтди. Тўғрими, шу?

— Мутлақо нотўғри! У Дэвидга бир умр ҳаётидан нолиб келган. Бутун дарду аламини Дэвидга тўкиб

солған. У ёш, бу аламларни күтариш учун ніхоятда ёш бўлган.

Пуаро унга ўйланкираб қаради. Хилда унинг қарашидан жаҳли чикди-ю, тагин лабини тишлаб колди.

— Тушунарли, — деди Пуаро.

— Нима тушунарли? — деди Хилда кескин килиб.

— Эрингизга она бўлганингизда қандай хотин бўлишингизни тушуниб турибман, — деди у.

Хилда ўгирилиб олди.

Шу он Дэвид Ли уйдан чиқиб пешайвон бўйлаб уларга караб кела бошлади.

— Хилда, ажойиб кун бўлди-да! Қиши эмас, нақ баҳорга ўхшайди-я, — деди у. Унинг овозида нимадандир норозилик оҳанглари сезилиб турарди.

У яқин келди. Бошини орқага ташлаб олган, соч тутумлари пешанасига тушган, кўк кўзлари хушчакчак бокарди. У жуда ёш кўринар, худди ёш болага ўхшарди. Вужудида ёшлик ғурури, сўнгсиз кувонч барк уриб турарди. Эркюль Пуаро хўрсинди.

Дэвид:

— Хилда, юр қудук томонга борамиз, — деди.

Хилда табассум қилиб, унинг қўлтиғидан олди-ю, бирга кетишиди. Пуаро уларнинг оркасидан тикилиб тураркан, Хилданинг ўгирилиб бир зум қараб олганини кўрди. Мана шу қарашда унинг вужудида ярк этган ташвишми ёки кўркувми зохир бўлганини сезди.

Пуаро аста-секин пешайвоннинг шарига чеккасига қараб кетди.

У ўзига-ўзи шундай деб кўйди:

— Мен ўзимни доим очиккўнгил деб хисоблардим. Аёллар эркакларга нисбатан очиккўнгил бўлишини хисобга оладиган бўлсан, бугун тонгда улар менинг қалбимни ром этди. Қизик, нахотки яна бир ўзи келса?

Пуаро ўгирилиб орқага қараб юрди-ю, ўз саволига жавоб ғопди. Хилда Ли унга қарама-карши келарди.

IV

Лидия деди:

— Салом, мистер Пуаро. Тресилиан сизни шу ерда Харри билан бирга турибди деганди, ёлғиз ўзингизни

кўриб хурсанд бўлдим. Эрим сиз ҳакингизда гапириб берди. У сиз билан гаплашинш иштиёқида юрибди.

— Шунаками? Ҳозироқ тошиб гаплашсам бўларканда?

— Сал шошмай туринг. Шу бутун кечаси деярли ухлагани йўқ. Охири кучли уйқу дори ичирдим, халиям ухлаб ётибди, уни безовта қилгим келмади.

— Ҳаммасини тушунаман. Жуда тўғри иш қилибсиз. Уни кеча кечқурүн кўрувдим. Жуда қаттик рухан эзилган эди.

Хилда жиддий қилиб деди:

— Ана, ўзингиз ҳам сезибсиз, мистер Пуаро, у бошқалардан кўра кўпроқ эзиляпти.

— Тушунаман.

Сиздами ёки катта инспектордами, — леб сўради Хилда, — бу даҳшатли ҳодисани содир қилган кимса ҳакида бирон бир тахмин борми?

Пуаро айтадиган сўзларини обдан ўйлаб туриб, кейин шундай деди:

— Бизда, хоним, бу ишни содир қилмаганлар ҳакида тахминлар бор.

Лидия чидамсизлик билан шундай деди:

— Ўтакетган даҳшатли ҳодиса... Хунук иш бўлди да. Шундай ҳодиса рўй берганига халиям ишонгим келмаянти.

— Кейин кўшиб кўйди: — Хорбури масаласи ишма бўлди? Айтгандек, ҳакиқатан ҳам кинога тушган эканими?

— Ха, хоним. Унинг кўрсатмаларини текшириб кўрдик. Гаплари тўғри чиқди.

Лидия тўхтаб, дарахтининг новдасини юлиб олди. Унинг ранги оқариб кетган эди.

— Даҳшат бу, — хайқириб юборди у. — Унда факат онла аъзоларидан бири ўлдирган бўлиб чиқади-да!

— Худди шундай!

— Мистер Пуаро, мен бунга ишонгим келмаянти.

— Хоним, бунга ишонишнингиз мумкин, ишонинг ҳам.

Афтидан, у бунга эътиroz билдирамокчи бўлди-ю, кейин кутилмаганда табассум қилиб ғамгинлик билан шундай деди:

— Накадар риёкормиз-а!

Пуаро бошини силкиди.

— Хопим, сиз мен билан очиқчасига гаплаптаганингизда, — деди у, — кайнатангизни оила аъзоларидан бириндеңдириши табиий эканлигига ишонган бўлардингиз.

Лидия кескин жавоб қилди:

— Бундай дейиш, мистер Пуаро, бориб турган хаёл-парастлик.

— Аслида шундай ҳам. Лекин кайнотангиз хаёлдагина тасаввур қилиш мумкин бўлган шахс эди.

— Шўрлик қария, — деди Лидия. — Шу топда хатто раҳмим келиб кетяпти. Лекин тириклигида бениҳоя жаҳлимни чиқарган эди.

— Бўлиши мумкин, — деди Пуаро.

У тош ўралган боғчалардан бирига энгашди.

— Жуда санъаткорона ясалибди. Одамни ўзига тортади.

— Сизга ёққанидан хурсандман. Мен севган меҳнат турларимдан бири. Мана бу пингвини бор Арктика бўлакчаси хақида нима дейсиз, муз ҳам бор ичида.

— Мафтункор. Бу-чи? Бу нима?

— О, буми, бу Ўлик денгиз, гўёрироғи, бу ерда Ўлик денгизни ясамоқчиман. Ҳали битмаган, унга кара-манг. Мана бу Корсика бурчаги. Биласизми, бу ердаги қоялар қизғиши. Улар мовий денгизга караб узалиб боради. Жуда чиройли. Сахро акс эттирилган жой ҳам ёмонмас, қалай, сизнингча?

У Пуарони пешайвон бўйлаб бошлаб кетди. Пешайвоннинг охирига етиб боргандан кейин қўлидаги соатга каради.

— Альфред уйғондими, йўқми, бориб билишим кепрак.

Хилда кетгандан кейин Пуаро ортига қайтиб, Ўлик денгиз тасвирланган боғча олдига келди. У бунга жуда кизиқсиниб қаради. Кейин бир нечта тошчаларни олиб, бармоқлари орасидан сизиб туширди.

Бирданига унинг қиёфаси ўзгариб кетди. У тошчаларни қўзига якинроқ олиб келиб тикилди.

— Е тавба! — хайкириб юборди у. — Ажаб! Бу ёғи қандок бўлди?

5-қисм.

26 декабрь

I

Полиция бошлиғи билан катта инспектор Сагден Нуарога хайратланиб қараб турарди. У бўлса бир сиким майдада тошчаларни картон кутичаси устига ташлаб, уни полиция бошлигининг олдига суриб қўйди.

— О, булар, — деди у, — хакиқатан ҳам брильянт экан.

— Буларни... ўша айтган жойингиздан топдингизми?

— Альфред Ли хоним ясаган боғчаларнинг биттасидан.

— Миссис Альфредми? — Сагден калласини қимирлатди. — Ишонгинг келмайди.

— Сиз эҳтимол миссис Альфред ўз қайнатасини сўйиши мумкин эмас, демокчидирсиз?

Сагден тез-тез гапира бошлади:

— Биламиз, у бу ишни қилган эмас. Мен у брильянтларни ўғирлаши акл бовар қилмайдиган иш демокчиман.

— Ҳа, унинг ўғрилигига ишониш қийин, — деди Нуаро.

— Ҳар ким ҳам бу жавохирларни у ерга яшириши мумкин, — тахмин қилди Сагден.

— Тўппа-тўғри. Ўлик денгиз акс эттирилган боғча ичидаги тошларга шу тошлар катталигидаги брильянтларни уларга аралаштириб қўмиш жула кулай-да.

— Сиз аёл буни аввалдан режалаштирган демокчимисиз?

Полковник Жонсон ишонч билан деди:

— Мен бунга заррачаям ишонмайман. Ҳа, заррачаям. Ундан ташқари, брильянтларни ўғирлаш унга нимага керак бўлибди.

— Хўш, бу борада... — Сагден гапни чўзди.

Нуаро дарров сухбатга аралашди:

— Бунинг жавоби бор. Брильянтларни котилга ишора килиш учун олиб қўйган. Гарчанд қотилликка унинг дахли бўлмаган ва бу ишда фаол қатнашмаган бўлса ҳам.

Жонсон қовоғини уйди.

— Бу мутлако асоссиз гап. Сиз уни котилга шерик килиб қўяисиз. Лекин кимнинг шериги бўлиши мумкин? Факат ўз эрининг-да. Биз шуни аниқ биламизки, эрининг котилликка мутлако алоқаси йўқ. Шундай экан, тахмии ўз-ўзидан йўққа чиқади.

Сагден ўйланқираб энгагиши қашиди.

— Ха, — деди у, — шунақа, мабодо миссис Ли брильянтларни олган тақдирда ҳам — «мабодо»нинг замирида бошқа маъно ҳам бор, — уни шундайгина ўғирлаган. Боғчани хақиқатан ҳам шов-шув босилгунча маҳсус тайёрлаб қўйган бўлиши мумкин. Бундан бошқа у ерининг яна бир қулайлик жойи бор. Кум солинган боғча ўғиринг кўзига у аёлми, эркакми — жавоҳирни яшириш учун энг қулай жой бўлиб кўринган.

— Эҳтимолдан холи эмас, — деди Нуаро. — Мен бир-бирини тақозо қилувчи ўҳшапликларни таққослаши ни ётираман.

Катта инспектор шубҳа билдириб, калласнни сараксарак килиб қўйди.

— Катта инспектор, сизнинг фикрингиз қалай бу ҳақда? — сўради Нуаро.

Сагден эхтиёткорлик билан жавоб берди:

— Миссис Ли жуда ёқимтой аёл. Бунақа ифлос ишга аралашиб қолиши эҳтимолдан йирок. Тағин, ким билади дейсиз.

Полковник Жонсон асабийлашиб ганирди:

— Хархолла брильянт борасида хақиқат қандай бўлишидан катъи назар, котилликка бу аёлнинг алоқаси йўқ. Жиноят содир бўлаётган вактда хизматкор уни меҳмононада кўрган. Эсигиздами, Нуаро?

— Ха, эсимда, — леди Нуаро.

Полиция бошлиги ўз ходимиға мурожаат қилди:

— Яхшиси, давом этайлик. Бирон-бир янги маълумот борми?

— Ха, сэр. Менда унча-мунча янги маълумотлардан бор. Бонламасига Хорбури ҳакида. Нима учун у полициядан кўрқаяпти, бирон гап бўлса керакдир.

— Ўғирлик ҳакидами? А?

— Йўқ, сэр. Кўрқитиб нул бериш. Товламачилликка ўҳшаш. Унинг айби исботланмаган. Шунинг учун кўйиб

юборишди, лекин менимча бунга ўхшаш ишларга биринки марта аралашиб колган. Унинг вижданни тоза эмас, эҳтимол, бизга баъзи сирлар маълум деб ўйляяпти. Шунинг учун Тресилиан полиция офицери хақида гап очгандага кўркиб кетган.

— Бўпти, Хорбурини қўятур, — деди полиция бошлиғи. — Яна нима бор?

Катта инспектор йўталиб олди.

— Ҳа-а... Миссис Жорж Ли, сэр. Биз унинг турмушига чиқишдан олдинги хаёти хақида маълумот олдик. У капитан Жоис билан яшаган экан. Аслида кизи бўлмаса ҳам ўзининг отаси килиб қўрсатиб яшаган. Бизга айтишларича, шундан келиб чиқиб, қария мистер Ли унга тўғри баҳо берган. У аёлларнинг хулк-авторини бир қарашдаётк ажратиб оладиган зукко одам бўлган. Хотинлар борасида тажрибаси катта эди. Бирон шимага гиравшира ишора қилиб қўйиб, хотинларни мазах киларди. Шундай бўлгач, бирон гап қилиб миссис Жорж Лининг шахсиятига тегиб қўйган.

Полковник Жонсон ўйланқираб туриб деди:

— Пул қармогидан ташқари бу ҳол унга айб қўйинш учун бир баҳонага имкон яратади. У ўзи хақида қайнатасига бир нарса аёну, бу ҳақда эримга айтиб қўяди, деб довдираб юриши мумкин. Телефон хақидағи ёлғон гапи ниҳоятда шубҳали. У телефон қилмаган.

— Сэр, ҳозирок иккаласини бу ерга чакириб сўраса бўлади-ку, — таклиф киритди Сагден. — Телефон хақидағи гапларга бир зумда барҳам бериш мумкин. Кўрамиз, гап қаергача бораркин.

— Ёмон фикр эмас, — деди полковник Жонсон.

Кўнироқ тутмасини босган эди. Тресилиан кириб келди.

— Мистер ва миссис Жорж Лиларни чакиринг.

— Хўп бўлади.

Қария чиқмоқчи бўлиб турганда Пуаро ганириб колди:

— Котиллик содир бўлган кун тақвимдан йиртиб олинимаганми?

Тресилиан ўгирилди.

— Кайси тақвимдан, сэр.

— Деворда осилиб турган тақвимдан.

Учаласи яна Альфред Лининг тор меҳмонхонасига түпланишиди.

Вараклари йиртиб олинган, санаси катта-катта харфлар билан ёзилган тақвим деворда осилиб турарди.

Тресилиан хонанинг охирига, тақвим осилган жойга кўз ташлади. Кейин аста-аста у ерга оёғини судраб бориб деди:

— Сэр, кечирасиз, варак йиртиб олинган. Бугун йигирма олтинчн.

— Э, кечирасиз. Ким йиртиб олиши мумкин.

— Уни ҳар куни эрталаб мистер Лининг ўзи йиртиб оларди. Мистер Альфред жуда саранжом-сариштали жентльмен эди.

— Яхши. Ташаккур.

Тресилиан ташкарига чиқди. Сагден ажабланиб сўради:

— Мистер Пуаро, тақвимда бирон-бир шубҳали жой борми? Эҳтимол мен бирон нарсани назардан кочиргандирман?

Пуаро елкасини қисиб қўйиб жавоб берди:

— Бу воеаларга тақвимнинг ҳеч қанака алоқаси йўқ. Шуидай бир оддийгина тажриба қилиб кўрдим, холос.

Полковник Жонсон:

— Коронер¹ олиб бораётган тергов эртага белгиланган. Демак, йигилиш оркага сурилмайди.

— Ха, сэр, — деди Сагден, — коронерни кўрдим, хамма нарса тайёрланган.

II

Жорж Ли хотини ҳамроҳлигига хонага кириб келди.

— Салом, — деди полковник Жонсон, — ўтиринглар. Иккалангизга бир-иккита савол бermокчи эдик. Бизга баязи нарсалар унчалик аниқ бўлмаяпти.

— Жоним билан сизларга ёрдам беришга тайёрман, — деди Жорж бирмунча тантанавор оҳангда.

Мегдалин зўр-базўр овозини чиқариб миннирлади:

— Албатта.

Полиция бошлиғи Сагденга ишора қилди.

¹ Коронер — фожиа мажбуран килинганни ёки тўсатдан содир бўлганини, шуни текширадиган терговчни.

— Жиноят содир килинган кундаги телефон хусусида, — деди Сагден. — Үэстрингемга күнфироқ килганиман дегандингиз чоги, түрими, Мистер Ли?

— Ха, күнфироқ килганиман, — жавоб берди Жорж совуккина қилиб, — сайлов округи бүйича агентимга. Хозир у билан сизни уланим мумкин, ўзингиз...

Катта инспектор Сагден қўлини кўтариб тўхтатди.

— Тушунарли, тушунарли, мистер Ли. Бу ҳақда сиз билан баҳслашмаймиз. Сухбатингиз ронша-роса 8.59 да бошланган эди.

— Б-бу... мен... э... э... вактини аниқ айтольмайман.

— Лекин биз, — деди Сагден, — айта оламиз! Буна-ка нарсаларни жуда диккат билан текширамиз. Нихоятда диккат билан, сухбат 8.59 да бошланиб 9.04 да тугаган. Дадангиз мистер Ли эса кеч 9.15 дақикада ўлдирилгали. Орада ўтган вактда сиз нима қилгансиз, шуни сўрамоқчиман сиздан.

— Айтдим-ку ахир, телефонда гаплашдим деб.

— Йўқ, мистер Ли, сиз телефонда гаплапмагансиз.

— Сафесат! Ўзингиз хато қилганингиз аниқ. Эҳтимол, телефондаги сухбатим тугагандир... Кейин яна бир марта гаплашмокчи бўлдим. Нима ҳақда гаплашпини ўйлаб э... шунга хам нул сарфлаб ўтираманими, деб турвидим, шу он бирдан юкорида тасир-тусир тўполон бўлиб колди.

— Ган сизнинг қайта телефон қилсанми, йўқми деб ўн дақика ўйлаб ўтирганингиз устида кетаётгани йўқ.

Жорж қизариб кетди. Ҳаяжонланганидан гаплари пала-партиш чиқа бошлади.

— Бу билан нима демокчи бўляпсиз? Нимага шама киляпсиз, асти? Шу қадар сурбетлик бўладими! Нима, гапларимга ишонмаяпсизми? Отасидан ажратиб ўтирган одамнинг гапларига ишонмаяпсизми? Мен... э... ҳаётимнинг ҳар бир дақиқаси ҳақида нега энди хисоб бериб ўтиришим керак экан.

Полиция бошлиғи аниқ қилиб деди:

— Мистер Ли, ган котиллик ҳақида кетгандан бунга ўхшаган саволларини бериб жавоб олишнимиз шарт.

— Мен саволларингизга жавоб бердим. Телефонда гапимни тугатиб бўлиб, яна кўнфироқ қилсанми, йўқми деб ўйланиб қолганим рост.

— Қоқори каватда түполои бўлганда сиз шу хонада мидингиз?

— Ха, худди шу хонада эдим.

Жонсон Мегдалинга ўгирилди.

— Мен телефон қилаётганимда тепада тарақ-турук бўлиб кетди, деганингиз эсимда, — деди у, — ўшанда бир ўзингиз мана шу хонада бўлган эдингизмн?

Мегдалин хаяжонлана бошлади. У қаттиқ-қаттиқ нафас олар, кўз кири билан Жоржга, Сагденга назар ташлаб кўярди, кейин полковник Жонсонга ёлворувчан нигох билан қаради.

— О, тўғриси... Ҳеч нимани билмайман. Нима деганим эсимда йўк... шундай хаяжонланган эдимки...

— Биласизми, буларнинг бари бизда протокол қилинган, — деди Сагден.

Мегдалин лаблари қалтираб, кўзлари катта-катта очилганча нажот излаб Сагденга тикилди. Лекин нигоҳи бағритош, бундай хил аёлларни ёқтирумайдиган ҳиссиз одамнинг нигоҳига дуч келди.

— Мен... мен... тўғри, телефонда гаплашганиман, — деди у хамма нарсадан умидини узиб. — Лекин бу қачонлигини аник эслолмайман.

У жим бўлиб қолди.

— Бу нима деганинг? Қаердан телефон килгандинг? — деди Жорж.

— Бу ердан эмас.

Катта инспектор:

— Миссис Ли, сиз умуман телефонда гаплашмаганисиз. Унда қаерда эдингиз ва нима қилгандингиз? — деди.

Мегдалин нима дейишини билмай атрофга олазарак бўлиб караб чиқди-ю, хўнграб юборди.

Хикиллаб ийғларкан:

— Жорж, улар мени қўркитишларига йўл қўйма, — деди, — ўзинг биласан-ку, бирор қўркитса, ҳар хил саволлар бериб бошимни айлантириб ташласа ҳеч нимани эслолмай, тилим калнмага келмай колади. Мен... мен ўша оқиом нима деганимни билмайман. Шундай даҳшатли бўлдики... Жуда хаяжонлангандик... Улар мени жуда ёмон ахволга солишиди...

Мегдалин ирғиб туриб хўнграганча хонадан югуриб чиқиб кетди.

Жорж хам дик этиб ўриидан туриб кетди:

— Бу нима қилганингиз? Хотинимни ўлар холатга олиб келишингизга йўл қўёлмайман. Полиция томонидан одамларни ўринисиз қўркитиш усулларидаи фойдаланаётганингиз хақида обшина палатасига шикоят киласми. Бу бориб турган шармаңдалик!

У хам эшикни қарсиллатиб ёшиб чиқиб кетди.

Катта инспектор Сагден калласини оркага ташлаб хахолаб кулиб юборди.

— Бонлаб астар-аврасини ағдариб ташладикми, — деди у. — Кўрамиз, нима натижа бераркин.

Жонсон қовоғини солди.

— Акл бовар қилмайдиган иш! Шубҳали кўриняпти. Аёлдан яна янги маълумотларни олишимиз керак.

Сагден вазминлик билан деди:

— О, у нима дейишни ўйлаб олади-ю, бир-икки дақика ўтмай қайтиб келади. Шунақами, мистер Пуаро?

Чукур ўйга толиб ўтирган мистер Пуаро чўчиб тушди.

— Pardon¹. Нима дедингиз?

— Халиги аёл қайтиб келади, дедим.

— Эҳтимол. Ха, балки келар. О, албагта!

Сагден унга ажабланиб караб сўради:

— Сизга нима бўлди, мистер Пуаро? Арнохни кўрмалингизми?

Пуаро:

— Биласизми, мен ростданам арвоҳ кўрдим, — деди.

Полковник Жонсон чидамсизлик билан деди:

— Хўш, Сагден, бошқа янгиликлар борми?

Сагден жавоб берди:

— Мен улар хаммаси котиллик содир бўлган жойда кай тарика пайдо бўлганини бир бошдан текшириб чиқишига уриниб кўрдим. Нима бўлгани мутлақо аник. Котил эшикни омбурми ё бошқа мослама биланми ёшиб ғойиб бўлган. Орадан қисқа муддат ўтмай жиноят содир этилган жойга югуриб бораётганларнинг ичига қўшилиб олган. Афсуски, бу пайтда ким кимни качон ва қаерда кўрганлигини текшириш амримахол. Чунки бундай найтларда кишининг хотираси нац беради. Тресилшанинг

¹ Кечирасиз (фр.).

гапига қараганда, Харри билан Альфред ошхонадан югуриб чиқиб дахлизни кесиб ўтиби-ю, юкорига чикишибди. Демак, бу уларнинг котил эмасликларини оклади. Лекин биз қандай бўлишидан катъи назар улардан шубҳаланаверамиз. Менинг аниқлашимча, миссис Эстравадос у ерга охирида ёки охиргилардан бири бўлиб етиб келган. Умуман, афтидан, биринчи бўлиб Фарр, миссис Жорж ва миссис Дэвидлар боришган. Бу учаласининг хар бири менинг олдимда бу иккаласи борган дея таъкидлаяпти. Ҳамма қийинчилик уларнинг аввалдан пишишиб кўйган ёлғон гаплари билан гира-шира эслайтган гаплари орасидаги фаркни ажратиб олишда, хар ким ўша томонга юргургани аник, лекин ким олдин, ким кейин келган, буни билиш осон эмас.

Пуаро аста сўради:

- Буни жуда муҳим деб хисоблайсизми?
- Вакт, — жавоб берди Сагден. — Унутманг, бу ерда вакт ниҳоятда қиска бўлган.
- Фикрингизга қўшиламан, — деди Пуаро. — Вакт бундай ҳолда жуда муҳим.

Сагден давом этди:

- Бу ерда иккита зинапоя бўлгани ҳам ишимизни қийинлаштиради. Асосий зина дахлизда. У ошхона эшиги билан меҳмонхонанинг деярли ўртасида. Уйнинг охирида ҳам яна битта зина бор. Стивен Фарр мана шу зинадан югуриб келган. Мисс Эстравадос зинапоянинг юкори майдончасига бошқа томондан келган. Уйнинг хонаси уйнинг худди шу томони охирида. Бошқалар мана шу зинадан кўтарилилдик, деб тасдиқланияпти.

— Ха, хийлагина жумбок бор, — деди Пуаро.

- Эшик очилди-ю, тез-тез юриб Мегдалин кириб келди. У харсиллар, ёногида кизил доғлар кўринарди. У столга яқин келиб шундай деди:

- Эрим мени ётибли, деб ўйлайпти. Мен билдирамасдан чиқиб кетдим. Полковник Жонсон, — Мегдалин мунгли кўзларини катта-катта очиб унга ўгирилди. — Мен сизга бор ҳақиқатни айтиб берсам буни хеч кимга айтмайсизми? Ҳаммага ошкор килмайсизми, демокчиман?

Полковник Жонсон деди:

- Тушунишимча, миссис Ли, жиноят билан боғлик бир сирни очмоқчисиз?

— Ха, мутлақо шу билан боғлик. Бу менинг... менинг шахсий хаётим билан боғлик.

Полиция бошлиғи:

— Миссис Ли, бор гапни аник-тиник килиб айтиб беринг, у ёғини эса бизга қўйиб қўйинг, — деди.

Мегдалиннинг кўзи ёшга лик тўлди.

— Ха, мен сизларга ишонаман. Бор гапни тўкиб соламан. Сизлар менда олижаноб одам сифатида таассурот колдирдингиз. Биласизми, гап шундаки, бир одам бор... — у жимиб колди.

— Хўш, миссис Ли?

— Мен кечакурун бир одамга телефон қилмоқчи бўлувдим.... бир дўстимга, илтимос, буни Жорж билишини истамайман. Тўғри, нотўғри иш килдим, нима килай, бўлган иш бўлиб ўтди. Шунинг учун тушликдан кейин Жорж ошхонада бамайлихотир ўтирибди деб ўйлаб, телефон қилиш учун жўнадим. Келиб карасам, Жоржнинг ким биландир телефонда гаплашаётганини эшишиб қолдим. Кейин кутиб туришга қарор қилдим.

— Хоним, уни қаерда кутиб турлингиз? — сўради Пуаро.

— Зинапояннинг орқасида, у ерда пальто ва бошка нарсаларни қўйиб қўядиган жой бор. У ер нимкорончи. У ерга ўтиб олганимнинг сабаби, Жоржнинг хонадан чиқиб кетганини кўришим мумкин эди. Лекин у ҳалеганда чиқиб кетавермади. Кейин тўполон кўтариљди. Мистер Ли бакирди, кейин мен юқорига югуриб кетдим.

— Демак, эрингиз қотиллик содир бўлгунча хонадан чиқмаган экан-да.

— Ха.

— Ўзингиз, — деди полиция бошлиғи, — соат тўққиздан бошлаб тўққиздан ўн беш дакика ўтгунча ўша жойда ўтиравердингизми?

— Ха, лекин мен бу ҳақда гапирмасам бўлмасди. Тўғрими? Унда у ерда нима килиб ўтирлинг деб сўроқка тутардингиз. Булар бари мен учун жуда-жуда ноўрин. Ўзингиз тушунасиз-ку.

— Шубҳасиз нокулай, — куруккина килиб деди Жонсон.

Мегдалин унга табассум килиб қўйди.

— Ух, бор гапни айтиб беришим билан елкамни бошиб турган оғир тош қулаб тушди. Бу хакда эримга оғиз очмайсиз-а? Гүргими? Мен сизга, сизларга ишонаман.

Мегдалин ҳаммага ёлворувчан назар ташлади-ю, хонадан тез-тез юриб чикиб кетди.

Полковник Жонсон енгил нафас олди.

Нима ҳам дердик, — деди у, — шундай бўлган бўлиши мумкин. Бошқа томондан...

— Бундай бўлмаган бўлиши ҳам мумкин, — жумлани тугатди Сагден, — Ҳамма гап шунда. Буни аник билмаймиз.

III

Лидия Ли меҳмонхонанинг четидаги деразада боғ томонга қараб турарди. Гавдасининг ярми оғир дераза пардаси ортида қолган. Қандайdir товуш уни ўгирилиб қарашга мажбур килди... У эшикда Эркюль Пуарони кўриб чўчиб тушди.

— Мистер Пуаро, мени чўчитиб юбордингиз, — деди у.
— Узр, хоним, менинг юришим шунаقا, секин.
— Мен сизни Хорбури леб ўйлабман, — деди Лидия. Эркюль Пуаро калласини қимирлатди.
— Тўғри, у овоз чикармай юради... мушуклай... ўғри кадам ташлаб.

У бир зум аёлни кузатиб жимиб колди.

Унинг юзидан хеч қандай маънони укиб бўлмасди, шундай бўлса ҳам Лидия норози қиёфала деди:

— Бу пусха менга хеч қачон ёқмаган. Ундан қутулсан шукр қилардим.

— Унда оқилона иш қилган бўлардингиз, хоним.

Лидия тезда унга тик қараб деди:

— Бу билан нимани назарда тутяпсиз? Унинг қилган бирон ножёя ишини биласизми?

— Бу одам бирорвларнинг сирларини билиб олиб, хонаси келганда ундан фойдаланади.

— Тахминингизча у... қотиллик хусусида бирон нимани биладими? — қатъий қилиб сўради Лидия.

Пуаро елкасини кисиб жавоб берди:

— У пусиб юради, қулоги эса динг. Бирон гапни эшитиб олади-ю, нималигини хеч кимга ёрilmайди.

Лидия очик-ойдин килиб деди:

- У биронтамиэні күркитиб товламачилік қилиши мүмкін деб ўйлайсизми?
- Эхтимолдан холи эмас. Лекин мен бу ерга сиз билан бошқа нарса хусусида гаплашмоқчи бўлиб келгандим.
- Нима хусусда гаплашмоқчийдингиз?
- Мен мистер Альфред Ли билан гаплашган эдим, — деди аста Нуаро. — У бир таклиф киритди. Унинг таклифини кабул килаймі ё рад этайми, деб сиз билан маслахатлашмоқчи эдим. Лекин сизни кўриб ҳайратдан котиб колдим. Тўқ кизил пардага мос устингиздаги жемпер сизга шундай ярашиб тушибдики, бир хуснингизга ўн ҳусн қўшилиб, гўзал тортиб кетибсиз.

Лидия жиддий килиб деди:

- Бўнти, мистер Нуаро, хозир хушомаднинг ўрни эмас.
- Уэр, хоним. Инглиз аёллари кийим кийганда унинг ярашган-ярашмаганига эътибор килишмайди. Мен сизни илк бор кўрган оқшомда кийган кўйлагингиз, гарчи унинг гуллари одми бўлса-да, жуда нафис ва бежирам эди.

Лидия чидамсизлик билан деди:

- Хўш, мен билан нима хақда гаплашмоқчи эдингиз?

Нуаро жиддий туста кирди.

- Ган бундай, хоним. Эрингиз тергов билан жиддий шуғуланишимни хоҳляяпти. У мени шу ерда колиб, ҳақиқатни юзага чиқаришм учун ҳамма имкониятини ишга солишини талаб киляпти.

Лидия:

- Хўш, нима бўнти? — деди тутилиб.
- Мен уй бекаси кўллаб-кувватламаётган таклифини кабул килишни хоҳламаган бўлардим, — деди Нуаро вазминлик билан.
- Табиийки, мен эримининг таклифини ёклайман, — деди Лидия совукқина килиб.
- Ха, хоним. Мен бошқа нарсаларни билмоқчи эдим. Сиз ростдан ҳам шу ерда колишмни хоҳлайсизми?
- Нега хоҳламас эканман?
- Келинг, унда очикчасига гаплашиб олайлик. Мен шунни билмоқчиман: сиз ҳақиқат юзага чиқишини хоҳлайсизми, йўкми?

— Табиий, хохлайман.

Пуаро хүрснди.

— Сиз сёрокда мужмал ва ноаник жавоб берсам хам бўлаверади, деб хисоблайсизми?

— Мен гапга иўнюк аёлман, — жавоб берди Лидия.

У шундай деди-ю, иккиланиб тилини тишлаб қолди.

— Унда, келинг, очиқласига гаплаша қолайлик. Мен сизни тушунаман. Вазият чигал. Қайнатам ваҳшийларча ўлдирилган. Агар қилинган ўғрилик ва қотиллик аник шубха остига олинаётган одамга, яъни Хорбури бўйнига қўйилмаса, — афтидан, бунииг иложи йўқ, — унда қотилликни амалга оширган одам, албатта, Симеон Лининг оила аъзоларидан бири бўлиб чиқиши аник. Ҳа, гап шунга бориб тақалади. Бу одамни ушлаб судга топшириш эса бутун оиласиз шаънига тавқи лаънат бўлиб тушади... Тўғрисини айтсан, буңдай бўлиб чиқишини сирам истамаган бўлардим.

— Қотил ўз жазосини олмасдан ғойиб бўлишини истайсизми? — деб сўради Пуаро.

— Жаҳонда қанчадан-қанча мудхиш қотилликлар очилмай, ёниғлиқ қозон ёниғлигича колиб кетмоқда.

— Бу борада сиз хақсиз.

— Шулардан биттаси очилмаса осмон узилиб ерга тушармиди?

— Бошқа оила аъзолари нима бўлади? — сўради Пуаро. — Яъни бегунохлари?

— Уларга нима бўларди?

— Биласизми, сиз ўйлаганчалик бўлиб чиқкан тақдирда, ҳеч ким ҳеч қачон хақиқатнинг тагига етолмай юраверарди, унда охири нима бўлади? Гумон, шубха ҳаммага баравар тушади-ку.

Лидия шубҳаланиб:

— Бу ёфини ўйлаб кўрмабман, — деди.

— Оилангизнинг бирон-бир аъзоси ҳеч қачон ким қотиллигини билмай юраверади, — деди Пуаро ва кейин юмшок қўшиб қўйди. — Ўзингиз қотилнинг ким эканлигини билмайсизми, хоним?

У деярли саннаб юборди:

— Менга буидай десёлмайсиз! Ёлғон! О! Кани энди бу оиласиз аъзоларидан бири эмас, бегона одам бўлиб чиқса!

— Ундоғ ҳам, бундог ҳам бўлиши мумкин, — деди Пуаро.

Лидия унга ажабланиб қаради.

— Буни қандай тушунса бўлади?

— Бу одам оила аъзоларингиздан бири ҳам ёки бегона ҳам бўлиши мумкин. Нимани назарда тутаётганимни тушушияпсизми? Билиб кўйинг, Эркюль Пуаронинг калласига худди мана шу фикр келган эди.

У Лидияга қаради.

— Хуллас, хоним, мен мистер Лига нима деб жавоб бериш им керак?

Лидия қўлини кўтариб бир нима демоқчи бўлди-ю, лекин қўли ҳолсизланганча шилқ этиб ёнига тушиди.

— Албатта, сиз унинг фикрига розилик билдиришиниз керак, — деди Лидия.

IV

Пилар мусика хонасининг ўртасида турарди. У бирор ҳужум қилишидан кўрккан хуррак охудай турган жойида атрофига олазарак алангларди.

— Бу ердан кетгим келаётти, — деди у.

Стивен Фарр мулоиймлик билан жавоб берди:

— Кеттиси келаётган битта сиз эмассиз. Азизам, улар бизнинг кетишимиизга рухсат беришмайди.

— Ким? Полициями?

— Ха.

— Полицияга ишинг тушмасин, — деди жиҳдий килиб Пилар. — Баобрў одамларнинг уларга кунни колмасин.

Стивен нимтабассум билан сўради:

— Ўзингизни назарда тутяпсизми?

— Йўқ. — деб жавоб берди Пилар. — Мен Альфред билан Лидияни, Дэвидниям, Жоржниям, Хилданиям... яна Мегдалиниям назарда тутяман.

Стивен сигарста тутатди. Бир дакиқа чекиб турдида, кейин:

— Нега баъзи бирорни бундан мустасно киляпсиз? — деди.

— Бу нима деганингиз?

— Нега Харрини улар каторига кўшмаяпсиз?

Пилар тишлигининг окини кўрсатиб қулиб юборди.

— О, Харри бошқа одам! Менниңча, у полицияга тушиш нима эканлигини жуда яхши билади.

— Балки сиз ҳақдирсиз. У оила аъзоларингиз ичида ўзини энг гўзал, одобли тутадиган одам, — деди Стивен, кейин сўради: — Инглиз қариндош-уруғларингиз сизга ёқадими, Пилар?

Пилар қатъиятсизлик билан жавоб берди:

— Улар жуда олижаноб, ҳаммаси меҳрибон одамлар. Лекин кулги, хушчакчаклик нима эканлигини билишмас экан.

— Азизам, ахир қотиллик рўй бериб турибди-ку, ўйин-кулги қандай қилиб кўнгилларига сиёсин.

— Х-ха, — деди ноқулай ахволга тушиб Пилар.

— Қотиллик, — уктирди Стивен. — Хар куни бўлиб турадиган ва сиз ўйлаганчалик оддий ҳодиса эмас. Испанияда гарчанд бунга бошқача карашса ҳам Англияда жиддий муносабатда бўлишади.

— Сиз менинг устимдан куляпсиз, шекилли... — деди Пилар.

— Адашяпсиз, — жавоб берди Стивен. — Мен умуман куладиган ҳолатда эмасман.

Пилар унга бир қаради-ю, шундай деди:

— Чунки сиз ҳам бу ердан тезроқ йўқолишини хоҳлаб турибсиз.

— Тўғри.

— Анави чиройли катта полициячи сизни кўйвормайдими?

— Мен буни ундан сўраганим йўқ. Сўраган тақдиримда ҳам менга рухсат бермаган бўларди. Пилар, мен ҳар бир қадаминн ўйлаб босишим керак, ха-ха, жуда эҳтиёткорлик билан.

— Бу одамини толиктириб қўяди, — деди Пилар бош ирғаб.

— Ҳа, азизам, ундан ҳам баттар деяверинг. Бунинг устига бу ерда анави акли наст чет эллик доғули танда кўйиб олган. Мен ундан бирон гап чиқади, леб ўйлайман, лекин ҳар бир ҳаракати асабимга тегянти.

Пилар қовоғини солиб олди.

— Бобом жудаям бой бўлган экан-а, тўғрими? — сўради Пилар.

— Шунақа бўлса керак.

— Эңди унинг бойлиги кимга қолади? Альфред билан бошқаларгами?

— Бу унинг васиятномасига боғлик.

— Жиндај бўлсаям менга пул қолдирган бўлиши мумкин, лекин бундай қилмаган деган шубҳам бор.

Стивен мулоҳимлик билан деди:

— Ўзингиз хақингизда кўнглингиз тўқ бўлсин. Сиз хам ахир оила аъзоснесиз. Шу оиласга даҳлдорсиз. Улар холингиздан хабар олиб туришади.

— Мен шу оиласга даҳлорман, — деди Пилар хўрсишиб. — Лекин бу жуда кулгили. Шу билан бирга унчалик кулгили хам эмас.

— Тушунишимча, сиз буни унчалик кулгили деб хам билмаяпсиз.

Пилар яна хўрсииди.

— Нима дейсиз, ҳозир граммофонни қўйсак-да, ракс тушсак бўладими? — деди у.

Стивен бунга шубха билан жавоб берди.

— Бу унчалик жўялн иш бўлмайди. Шаддод испан гўзали унутманг, уйда мотам.

Пилар шахло кўзлариши янаем каттароқ очиб деди:

— Нима қилай, юрагимда мотам ҳиссини туймаяпман-ку. Гарчи бобом билан сухбатлашиш қанчалик марокли бўлмасин, унинг қандай одам эканлигини мутлақо билмайман. Бобом ўлгани учун умуман кўзимига ёш келмаяпти, ўзимни азадор деб хам хис қилмаяпман. Ёлгондан у бу килишим беъманилик бўларди.

— Зўрсиз-да, — деди Стивен.

Пилар уни кўндиришга харакат кила бошлади.

— Граммофонга кўлкот, пайшоқ ёпиб қўйиб танца тушишимиз мумкин. Ундан овоз чикмайди, бирор хам эшиitmайди.

— Кетдик унда, асал қиз, охири кўндиридингиз.

Пилар шараклаб кулиб юборди-ю, уйниг узоқ бурчагидаги ракс майдончасига югуриб кетди. Бокка олиб чиқадиган ён йўлакка етиб борди-ю, тўхтаб қотиб қолди. Стивен хам етиб келиб, уям тақка тўхтади.

Эркюль Пуаро деворда осиғлик турган портретин олиб уни айвондан тушиб турган ёруғликка солиб нимасинидир текшириарди. Кейин бошини кўтариб уларни кўрди.

— А-ха! — деб юборди у. — Ўз вактида етиб келдингизлар.

— Нима киляпсиз уни? — сўради Пилар.

У Пуаронинг ёнига келди.

Пуаро жиддий килиб:

— Мен мухим бир нарсани ўрганяпман. Бунда Симеон Лининг ёшлиқ чоғлари тасвирланган, — деди.

— О, бу бобомми?

— Ха, мадемуазель.

Пилар бобосининг ёшлиги чизилган расмга диккат билан тикилди. Кейин аста деди:

— Жуда катта фарқи бор-а... Мутлако ўзгариб кетган. Бобом хозир мункиллаб, чўп бўлиб қолганди. Бу ерда худди Харрига ўхшайди, Харрининг ўн йил аввали ҳолатининг куйиб кўйгандек ўзи.

Эркюль Пуаро бошини қимирлатди.

— Ха, мадемуазель. Харри Ли хақиқатан хам ота ўғил. Ана энди бу ёқка юринг, — у Пиларни ойнавон айвон бўйлаб бошлаб кетди. — Хоним, мана бу юзлари чўзик, соchlари малла, мунчоқдек кўк кўzlари ёкимли бўлган бу аёл бувингиз бўлади.

Пилар:

— Худди Дэвидга ўхшаркан, — деди.

Стiven:

— Альфредга хам ўхшаб кетади, — деб кўиди.

— Ирсият — наслдан-наслга ўтиш жуда ғалати нарса-да, — деди Пуаро. — Мистер Ли билан унинг хотини табиатан бир-бирига мутлако тескари одамлар бўлишган. Бунака никоҳдан туғилган болалар кўп ҳолларда онага тортади. Мана бунга каранг, мадемуазель.

У тилларанг сочли, ўн тўккиз ёшлардаги феруза кўзлари кулиб турган қизга ишора қилди. Ранги Симеон Лининг расмдаги хотини рангига куйиб кўйгандек ўхшаш. Лекин бу кизда ўзига хос ўжар табиат, жўшкинлик бор эдик, буни унинг кўм-кўк кичик кўзларидан, мулойим киёфасидан хеч қачон илғаб олиш мумкин эмасди.

— О! — хайқириб юборди Пилар.

Унинг юзига кон тепди. Бўйнидаги тилла занжирили медальонни қўлига илди. Кейин унинг тугмасини босган эди копқоги очилиб кетди. Медальоннинг ичида худди ўша сурат Пуарога бокиб турарди.

— Менинг онам, — деди Пилар.

Пуаро бошини кимирлатди. Медальоннинг бошка томонида йигит кишининг сурати бор эди. У ёш, чиройли, соchlари қол-кора, кўзлари кўк эди.

— Отангизми? — сўради Пуаро.

— Ха, отам, — деди Пилар. — Жуда чиройли, а?

— Ха, ростданам чиройли. Ҳамма испан йигитларининг ҳам кўзлари кўк бўлавермайди, тўғрими, сенъорита.

— Шимолий томонларда учраб туради. Ундан ташқари, отамининг отаси ирланд бўлган.

Пуаро ўйланкираб деди:

— Демак, испан қонингизга ирланд, инглиз ва жиндай лўли кони ҳам аралашган экан-да. Бунака аралаш конга эга бўлган одамдан кўқкулик.

Стивен кулиб гапга аралашди.

— Эсингиздами, Пилар, поездда нима дегандиигиз?

Агар менинг душманим бўлса, тап тортмай сўйиб ташлайман, дегандиигиз. О!

У хозирги вазиятда бу гапдан бошка маънолар келиб чикиши мумкинлигини ўйлаб, тилини тишлаб қолди.

Эркюль Пуаро дарров сухбат мавзуини бошка томонга буриб юборди:

— Ха, сенъорита, — деди у. — Сиздан баъзи нарсаларни сўрамоқчиман. Паспортингизни олинг. Бу менинг дўстимга, катта инспекторга керак. Биласизми, полициянинг қонун-коидалари жуда бемаъни, одамни жонидан тўйдириб юборади. Лекин бу ердаги хорижликлар учун жуда мухим. Конун бўйича сиз бу ерда хорижлик хисобланасиз.

Пилар қошини кўтариб:

— Паспортини берайми? Мархамат, ҳозир олиб келаман. Хонамда қолибди, — деди.

Пуаро унинг ёнида бирга бораркан узр сўраган охантда деди:

— Тўғриси, сизни бузовта қилиш менга нокулай. Ха, шундай.

Улар узун йўлакнинг охиригача боришли. Шу ердан юқори кават зинаси бошланарди. Пилар зинадан чопиб чикиб кетди. Пуаро ҳам унинг оркасандан юрди. Стивен улар билан бирга борди. Пиларнинг ёткожонаси зинаюнинг тепасида эди.

Пилар хона эшиги олдига бориб:

— Хозир олиб чиқаман, — деди-ю, хонасига кириб кетди.

Пуаро билан Стивен уни йўлакда кутиб туришди.

Стивен хижолатпазлик билан деди:

— Ҳалиги гапни гапириб тоза ковун туширдим-да.

Назаримда, Пилар тушуниб етмади, тўёфими?

Пуаро жавоб бермади. У бирон нимани эшитаётгандай калласини қийшайтириб турди-да, шундай деди:

— Кизик, инглизлар тоза хавони жудаям яхши кўришади. Бу нарса эҳтимол мисс Эстравадоснинг қопида бордир.

Стивен ажабланиб сўради.

— Нима учун?

Пуаро аста жавоб берди:

— Чунки бугун хаво жуда совук. Сизлар бунақа хавони кировсиз совук дейсизлар (кечаги қуёшли илик хавога мутлақо ўхшамайди). Мисс Эстравадос бўлса эндиғина деразанинг пастки табақасини очди. Унинг тоза хавони бунчалик ёқтириши ғалати.

Бирдан хонадан испан тилида қаттиқ-қаттиқ ҳаяжонли гаплар эшитилди-ю, хижолатпазлик билан кулганча Пилар чиқиб келди.

— Эҳ! — деди. — Одам деган ҳам шу қадар анқов бўлдими! Кичкина сумкачам дераза рахида турган эди. Шоша-ниша ичини титаётган эдим, пастга тушиб кетди. Хув ана, пастда турибди. Хозир олиб чиқаман.

Стивен мени олиб чиқа колай деган эди, Пилар:

— Йўқ, бу менинг ношудлигим оқибати. Сиз мистер Пуаро билан меҳмонхонага кириб туринг, паспортни ўша ерга олиб кираман — деди-ю, лип этиб унинг ёнидаи ўтиб кетди.

Стивен Фарр орқасидан тушмоқчи бўлган эди, Пуаро унинг қўлига туртиб қўйиб:

— Бу ёққа юриинг, — деди.

Улар йўлак бўйлаб уйнишг охирига, бош зинанинг олдига боришли, Пуаро:

— Бир дақика шошманг, пастга тушмай турайлик. Қотиллик содир килинган хонага кирамиз, шу ерда сиздан баъзи нарсаларни сўраб олмоқчиман, — деди.

Улар Симеон Лининг хонасига олиб борадиган йўлак бўйлаб боришли. Чап томондаги токчада устига чойшаб

тапланган викторианча виқор билан иккита забардаст нифма¹ хайкали турарди.

Стивен Фарр уларга караб минфирилади:

— Күндүзи улар жуда күримсиз бўлишади. Ўша куни оқшомда йўлак бўйлаб югуриб кетаётганимда кўзимга учта кўринингандек бўлди, худога шукур, иккита экан.

— Ха, бизнинг замонда улар билан мактаниб бўлмайди, — тан олди Пуаро. — Лекин бир вактлар улар катта нул турарди. Менимча, булар кечаси яхши кўринади.

— Ха, ялтирок оқ киёфалар яхши кўринади.

— Ха, кечаси кўркканга қўш кўринади, — минфирилали Пуаро.

Симеон Лининг хонасида катта инспектор Сагден бор экан. У чўккалаб олганча кўлида заррабин билан пўлат сандикни текширади. Булар кириб келиши билан бошини кўтарди.

— Пўлат сандик, шубҳасиз, кимдир томонидан очилган, — деди у. Кимдир бирор кодини билган. Ботқа хеч қандай аломат кўрмадим.

Пуаро олдига борди-да, уни бир бурчакка етаклаб бориб, кулоғига ниманидир шивирлади. Катта инспектор калласини иргаб, хонадан чиқиб кетди.

Пуаро Симеон Ли доим ўтирадиган ўриндиқка тикилиб турган Стивен Фаррга ўгирилди. Фарр қовоғини солиб олди, унинг чаккасидаги қон томирлари лўкиллаб ура бошлади.

— Хотиралар эста тушдими, дейман-а?

— Бундан икки кун муқалдам шу ерда ўтирган эди, энди эса... — деди секин Стивен.

Кейин ўзига келиб:

— Мистер Пуаро, мени бу ерга бирон нимани сўрайман, деб олиб кирган эдингиз, чоғи, — деди.

— Ха-ха. Менимча, котиллик содир бўлган оқшом бу ерга биринчи бўлиб етиб келган сиз эдингиз.

— Шунақами? Эснмда йўқ. Назаримда хонимлардан биронтаси мендан олдин етиб келганди-ёв.

— Қайси хоним?

¹ Нифма — кадимги грек мифалониясида турли кучларни ифодалайтиган иккиччи даражали худолар.

- Ё Жоржнинг, ё Дэвиднинг хотини. Биламан, улар иккаласи ҳам югуришиб кетган эди.
- Назаримда, қичқириқ овозини эшитмадим, дедингиз.
- Менимча, йўқ. Аниқ эслолмайман. Кимдир каттиқ қичқириб юборди. Бу қичқириқ пастдан эшитилди-ёв.
- Ўзингиз бунга ўхшаган қичқириқни эшитмаганми-дингиз? — сўради Пуаро.

Кейин у калласини орқага ташлаб тўсатдан каттиқ бакириб юборди. Унинг бу бакириши шу қадар кутилмаганда содир бўлдики, Стивен чўчиб ўзини орқага ташлаб, йикилиб тушишта бир баҳя қолди. Кейин жахл билан шундай деди:

- Худо ҳакки, бу нима қилик, бутун хонадон ахлиниг юрагини ёрмоқчимисиз? Йўқ, хеч қанака овоз эшитганим йўқ. Ҳозир ҳамма нарсани қориштириб юборяпсиз. Бошқалар ҳозир яна бир қотиллик юз берибди деб ўйлади.

Пуаро гангиб қолди, кейин секин:

- Тўғри, ахмоқлик қилдим, хозирнинг ўзидаёк кетишм керак, — деди.

У шошиб хонадан чиқиб кетди. Лидия билан Альфред зинапоянинг олдида юкорига қараб туришарди: Жорж кутубхонадан чиқиб уларга қўшилди. Пилар бўлса, кўлида паспортини ушлаганча югуриб келди.

- Ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳеч нима, — деди Пуаро.
- Ҳавотир бўлманглар! Мен жиҳдай тажриба қилиб кўрдим, шу холос.

Альфред кўриннишидан таъби тирриқ, Жоржнинг эса жаҳли чиқкан эди. Пуаро Стивен буларга тушунтириб турсин деб уни шу ерда қолдириди-ю, ўзи шоша-пиша йўлакнинг нариги тарафига қараб кетди.

Катта инспектор Сагден Пиларнинг хонасидан товушсиз чиқиб келиб Пуаро томон юрди.

- Eh bien! — сўради Пуаро.

Катта инспектор калласини сарак-сарак қилди.

- Ҳеч қандай овоз эшитилмади.

Улар бир-бiriини тушуниб қараб олишиди, Пуаро ҳам бошини қимирлатиб кўйди.

¹ Хўш, жалай (фр.).

— Мистер Пуаро, лемак, сиз розисиз? — деб сўради Альфред Ли. Унинг оғзига олиб борган кўли сал-пал калтирарди. Беозор қўй кўзларида бесаранжомлик аломатлари хукмрон эди. У салгина тутилиб ганирарди. Ёнида индамай турган Лидия эрига хавотирлик билан каради.

— Сизлар билмайсизлар... Сизлар т-т-тасаввур килолмайсизлар... 6-6-бу мен учун кай даражада оғир эканини, дадамнинг к-к-котили албатта топилиши шарт.

— Буни менга ишониб топширганингиздан кейин бу масала хусусида узок ўйладик, — деди Пуаро. — Ха, мен бунга розиман. Лекин биласизми, мистер Ли, энди орқага қайтиш йўқ. Мен табиатан сўз бериб, сўзининг устидан чиқмайдиган номард одамлар сирасидан-масман.

— Албатга... албатта. Ҳамма нарса тайёр. Сизга ёткхона ажратиб қўйилган. Қанча лозим бўлса шунча тураверинг...

— Бу кўп вақтни талаб қилмайди, — деди жиддий килиб Пуаро.

— Ростдан-а? Қанақасига?

— Мен, буни очиш кўп вақтни олмайди, демокчиман. Жиноят шундай бир тор доирада содир бўлган-ки, ҳакиқатни очиш узок вақтга чўзилиши гумон. Котилтопилишига оз қолди леб ўйлайман.

Альфред кўз узмасдан унга қараб турарли.

— Фалати! — хайқириб юборди у.

— Унақамас. Ҳамма далиллар у ё бу даражада аник бир йўналишини кўрсатиб турибди. Факат йўлни тўғри белгилаб олиш учун баъзи кераксиз нарсаларни олиб ташлаш керак, холос.

Альфред ишонқирамай сўради:

— Котилни билдим демокчимисиз?

Пуаро кулиб кўйди.

— О, ха, — деди у, — биламан.

— Менинг дадам... Даражоним... — Альфред шундай деб гап бошлади-ю, томоғига бир нарса тикилиб оркасини ўгириб олди.

Пуаро ишнинг кўзини биладиган одамлардай деди:

- Сизга иккита саволим бор, мистер Ли.
- Бажонидил.
- Унда, аввало, сиз менга меҳмоавозлик билан бе-риб кўйган ётоказага мистер Лининг ёшлиқдаги портре-тини илиб кўйсангиз.

Альфред билан Лидия хайрон бўлиб бараварига унга қарашди.

- Отамнинг портретиними? Нимага? — сўради Аль-фред.

Пуаро кўлини силкиди.

- У, дейиш мумкинки, менга илхом беради.
- Нима бу, мистер Пуаро, сиз жиноятни фол кўриб очмоқчимисиз?

— Тўғрисини айтсам, хоним, факат кўрув органи бўлган кўз билангина эмас, акл кўзи билан хам кўришини мўлжаллаб турибман.

Лидия елка кисди.

Пуаро давом этди:

- Уидан кейин, мистер Ли, синглингизнинг эри Хуан Эстравадос ўлимининг ҳакиқий тафсилотларини хам билишни хоҳлайман.

- Бу жуда зарурми? — сўради Лидия.
- Менга хамма далиллар керак, хоним.
- Хуан Эстравадос, — деди Альфред, — кафеда аёлни деб тўполон кўтаргану, бир кишини ўлдириб кўйган.

— Уни қандай қилиб ўлдириган?

Альфред Лидияга ёлворувчан назар билан қаради. Лидия хотиржамлик билан жавоб берди:

- Пичоқ урган. Хуан Эстравадос ўлимга ҳукм қилинмаган. Чунки уни гиж-гижлашган эди. Лекин у узок муддат камоқ жазосига ҳукм қилинган, кейин турмада вафот этган.

- Кизи буларни биладими?
- Менимча, йўқ.
- Йўқ, Женифер бу хақда қизига ҳеч қачон гапирмаган, — деди Альфред.
- Миннатдорман.
- Сиз, Пиларни... — деди Лидия. — Йўқ, бу мумкин эмас.
- Энди, мистер Ли, марҳамат қилиб укангиз Харри

Лига тааллукли бўлган айрим далиллар билан таништирангиз, — деди Пуаро.

— Нимали билмоқчисиз?

— Менга маълум бўлишича, у оилангизни обёкости килган экан. Нима учун?

— Бунга кўп вактлар бўлган... — деди Лидия.

— Пуаро, агар билгингиз келаётган бўлса, — деди Альфред, унинг юзлари кизарип кетди. — Харри чекка отамнинг имзосини кўйиб, катта пул олган. Тўғри, дадам жанжал кўтармай босди-босди килиб юборган. Харри бир умр оиласда харомхўр бўлиб яшади. У қаерга борса жанжал-тўполонларга аралашиб юради, павбатдаги бебошлиқдан қутулиб олиш учун пул сўраб телеграмма жўнаттани жўнаттан эди. У дуч келтаги жойда гоҳ турмага тушарди, гоҳ қутулиб чиқарди.

— Сен буни аниқ билмайсан-ку, Альфред, — деди Лидия. Альфред жаҳл билан эътиroz билдириди, унинг кўллари қалтиради.

— Харри ярамас, бир тийинга киммат одам. У шундок бўлиб келган.

— Кўришиб турибдики, сиз ака-укалар бир-биригиз билан ўзаро ит-мушук экансизлар, шунаками? — сўради Пуаро.

— У дадамини кийнарди, кийнаганда ҳам виждонсизларча азобларди, — деди Альфред.

Лидия ҳўрсимили. Бу жаҳли тез, ганириш учун зўра ўзини ушлаб турган одамининг ҳўрсимиши эди. Пуаро буни сезиб, Лидияга назар ташлади.

— Агар ўша брильянтлар топилиб қолса, яхши бўларди, — деди Лидия. — Ишончим комил, хаммаси ҳал бўлади.

— Брильянтлар топилган, хоним, — деди Пуаро.

— Нима?

— Улар топилган, — мулойимлик билан деди Пуаро. — Ўлик денгиз тасвирлантан боғчада экан...

Лидия ҳайқириб юборди:

— Менинг боғчамда-я? Лекин бу... ақл бовар килмайди!

Пуаро хотиржамлик билан:

— Нотўғрими, хоним? — деди.

6-қисм.

27 декабрь

I

Альфред Ли хўрсиниб:

— Мен кутгандан ҳам яхши тугади, — деди.

Улар дастлабки терговдан қайтиб келишарди.

Ҳаммага шубҳа билан қарайдиган кўккўз хуқуқшунос мистер Чарлтон ҳам дастлабки терговда иштирок этган эди. Энди ҳамма билан бирга эди.

— Айтувдим-ку, тергов юзаки бўлади, деб, — деди у эътиборсизлик билан, — қўшимча маълумотларни йиғиш учун полицияга яна муддат беришади.

Жорж Ли асабийланиб деди:

— Бу нарса менга ёқмайди, лиҳоят даражада ёқимсиз. Жиноят бир амаллаб уйимизга кириб олган биронта савдои томонидан амалга оширилган. Бу аник. Маиави Сагден деганлари эшакдек кайсар. Полковник Жонсон Скотланд-ярд полициясини ишга солиши керак. Махаллий полициянинг қўлидан хеч нима келмайди. Масалан, миави Хорбури деганлари. Унинг ўтмиши булғанган деб эшитаман. Полиция бўлса, бу ҳақда хеч қандай чора кўрмайди.

Мистер Чарлтон гапга аралашди:

— Ишончим комилки, Хорбурида сўз кетаётган ҳалиги вактда нима бўлганигини аниқ-тиниқ исботлаб берадиган ишончли далил бор. Полиция унинг мана шу далилни эътиборга олган.

— Уида нега бундай қилишди? — газабга минди Жорж. — Уларнинг ўрнида мен бўлганимда кўрсатган далилини катта шарт кўйиб инобатга олган бўлардим. Табиий, жиноятчи ўзини оқлаш учун сабаб ахтаради. Полициянинг вазифаси уни фош қилиш, албатта, агар ўз ишини пухта билса.

— Тўғри-тўғри, — деди мистер Чарлтон. — Менимча, биз полицияга ундоқ эмас, бундоқ ишлashing керак деб акл ўргатишимиш керакмас, нима дедингиз? Умуман олганда, у килни кирқ ёрадиган ташкилот.

Жорж асабийланиб бошини силкиди.

— Скотланд-ярд полициясини барибирам жалб қилиш керак. Мен катта инспектор Сагденнинг ишларидан умуман қоникиш хосил килмаяпман. У балки жуда харакатчандир, лекин уқуви йўқ.

Мистер Чарлтон эътиroz билдириди:

— Фикрингизга қаршишам! Биласизми, Сагден — бамаъни йигит. Мактанимайди, лекин ўз касбининг билимдони.

— Ишончим комилки, — деди Лидия, — полиция кўлидан келадиган хамма ишни қилади. Мистер Чарлтон, жиндай отасизми?

Чарлтон мулоийимлик билан ташаккур билдириди. Лекин ичкиликин рад этмади. У томоғини хўллаб олгандан кейин, хамма оила аъзолари жамулжамлигида васиятномани ўқишига тушди. У тушунарсиз ҳукукий сўзлар билан тўла васиятномани ўқиркан, худди бундан маза килаётгандек туюларди.

Ҳукукшунос ўқишини тугатиб кўзидан кўзойнагини олди-ла, оила аъзоларига савол назари билан қаради.

— Ахир бу оддийгина васиятнома, — деди мистер Чарлтон.

— Ё худойим-эй, унда мураккаби канча бўларкин, — деди Харри.

Мистер Чарлтон унга совук назар ташлаб деди:

— Васиятноманинг асосига қўйилган талаблар жуда жўн, солда. Мистер Ли бойлигининг ярмини ўғли мистер Лига, колган ярмини бошқа болаларига таксимлаган.

Харри, бу гап ёқинкирамай кулиб кўйиб, деди:

— Одатдагидек Альфредга хамма нарсала омал кулиб боқади! Отамнинг ярим бойлиги-я! Альфред, бахтинг бор, а?

Альфред пихиллади. Лидия шартга кесди:

— Альфред отасига садоқатли эди. Отасининг энг севимли ўғли эди. Шунча йиллар бутун оғирчиликларни гарданинга олиб, унинг ишларини бажариб келди.

— О, ха, Альфред отасининг эркатои де, — деди Харри.

— Харри, агар отамиз сенгаям бир нима қолдирган экан, ўзингни бахтиёр хисоблашинг керак, менимча, — деди Альфред жирканиб.

Харри кулиб юборди, кейин бошини кўтариб деди:

— Сен, албатта, отамиз мени бу рўйхатдан ўчириб ташлашини хоҳлардинг, тўғримасми? Мени ҳеч қачон ёқтиргмагансан.

Мистер Чарлтонни йўтал тутди. У бунака кўнгилсиз можароларга сабаб бўлувчи васиятномаларни ўқийвериб жуда кўнишиб кетган. Караса, оиласи жанжал чукурлашиб кетяпти. Унинг кеттиси келиб қолди.

— Билишимча, э-э... — минфиirlади у. — Бу мен сизга билдирамоқчи бўлган ягона... э-э...

Харри кутилмаганда сўраб қолди:

— Пилар нима бўлади?

Мистер Чарлтонни яна йўтал тутди. Бу сафар худди айбордек:

— Э-э... мисс Эстравадоснинг номи васиятномада умуман тилга олинмаган, — деди.

— Нима, у онасининг хиссасини олмайдими?

Мистер Чарлтон изоҳ берди:

— Агар сенъора Эстравадос тирик бўлганда ҳаммангиэ билан баробар ўз улушини олган бўларди, лекин у оламдан ўтган экан, унинг хиссаси, умумий бойликка кўшилади-да, ҳаммангиэга баробар бўлишади.

Пилар жануб аёлларига хос ёқимли овоз билан аста сўради:

— Демак... мен... менга ҳеч нима тегмас экан-да?

Лидия дарров:

— Азизам, оиласиз аъзолари сени қуруқ қўйишмайди, — деди.

— Сен мана шу уйда, Альфреднинг оила аъзоси билан бирга яшашинг мумкин, тўғрими, Альфред? — деди Жорж Ли. — Сен... э, сен бизнинг жиянимизсан, сенга ғамхўрлик қилиш бурчимиздир.

— Агар биз билан яшаса, бошимиз кўкка етади, — деди Хилда.

— У ўз улушини олиши керак. Ҳа, у Жениферга тегишли бўлган улушни олиши шарт, — деди Харри.

Мистер Чарлтон:

— Олиши керак. Э-ха, кетишим керак. Хайр, миссис Ли, мабодо бирон нимада ёрдамим керак бўлиб колса... э... мен билан истаган вактингизда маслаҳатлашинг, — деди.

У шундай деб тез-тез юриб чикиб кетди. У бундай оилавий түполонлар нимага олиб келишини тажрибадан яхши биларди.

Эшик ёспилиши билан Лидия ўзига хос тиник овоз билан шундай деди:

— Харрининг фикрига кўшиламан. Пилар маълум бир улушига эга бўлишига хаққи бор. Васиятнома Женингер вафот килишдан анча илгари расмийлаштирилган.

— Сафсата бу, — деди Жорж. — Лидияниг фикрлари хеч қандай юридик ҳукуқка ва асосга эга эмас. Конун бор. Унга риоя килиш керак.

— Албатта, Пилар, омадинг чопмапти, — кунватлади Жоржнинг гапини Мегдалин. — Ҳаммамиз ҳам сенга ачинамиз, Пилар. Лекин Жорж ҳақ. Қонунга риоя қилиш керак.

Лидия ўрнидан туриб, Пиларнинг кўлидан ушлади.

— Азизам, — деди у, — бу гаплар сенга кўнгилсиз туюлиш мумкин. Бу муаммони ҳал қилишни ўзимиизга кўйиб бер.

У кизни эшикка етаклади.

— Ташвишланма, Пилар. Азизам, буни менга кўйиб бер.

Пилар аста юриб ташқарига чиқди. Лидия эшикни ёниб оркасига қайтди.

Ҳамма ўзларига келиб олгунча ўртага озгини сукунат чўқди. Орадан бирмунча вакт ўтиб, оилавий можаро авжига чиқди.

— Жорж, сен умр бўйи ўтакетган хасис, тошибаир бўлиб келгансан, — деди Харри.

— Нима десанг деявер, лекин хеч қачон текинхўр ва аблах бўлмаганман, — унинг гапини бўлди Жорж.

— Сен худди менга ўхшаб текинхўр бўлгансан! Шунча йилдан бўён отамнинг ҳисобига яшаб келянсан.

— Сен, афтидан, ниҳоятда жиддий ёндашишни такозо этадиган масъул вазифани бажараётганимни унуглансан, шекилли.

— Нима экан, у «жиҳдий ёндашадиган» масъул вазифа? — деди Харри. — Сен бориб турган мантанчоқсан, холос.

Мегдалин кичқириб юборди:

— Қандай ҳаддинг сиёди бундай дейишига?

Хилда сал овозини күтариб, лекин хотиржамлик билан:

— Наҳотки биз бу нарсаны тиңчгина хал килолмасак? — деди.

Лидия миннатдорчилик билдириб унга назар ташлаб күйди.

Дэвид кутилмаганда кескин килиб деди:

— Пул деб шу қадар наст кетамизми, а?

Мегдалин унга заҳархандалик билан жавоб берди:

— Кани энди бу ташвишлардан йирок бўлсак. Мерос сифатида тегадиган улушингдан воз кечмоқчи эмассан, тўғрими? Сен хам бизга ўхшаб бойликин эгаллашга ошик япсан. Ўзингни сахий кўреатишинг йўлига, холос.

Дэвид бўғик овоз билан деди:

— Нима, ўз улушимдан воз кечишим шартми? Менимча...

Хилда унинг сўзини бўлди:

— Воз кечмаслигинг керак албатта. Наҳотки биз хаммамиз ўзимизни ёш болалардай тутсак, Альфред. Сен оила бошлиғисан...

Альфред гўё уйқудан уйғонгандай бўлди.

— Кечирасан, ҳаммангиз бараварига кичкиряпсиз. Бу... миям котиб кетди.

— Хилда тўғри айтди. Ҳаммамиз ўзимизни бир нарса талашган очкўз болалардай тутишимиз керакми? — деди Лидия.

— Келинглар, мияни бир жойга кўниб хотиржам хал қиласайлик. Альфред оиланинг катта ўғли сифатида фикрини айтсин. Ҳўш, Альфред, Нилар масаласида қандай фикрга келишимиз керак.

— Нилар, албатта, шу уйда қўним тошиши шарт, — аста деди у. — Биз унга ўз улушимиздан оз-оз ажратишимиш лозим. Онаси олиши мумкин бўлган пулга унинг конуний ҳакки бор, деб ўйламайман. Ўйлаб кўринглар, у Лилардан эмас-ку. Нилар — испан фуқароси.

— Ҳа, расман унинг конуний ҳакки йўқ, — деди Лидия. — Лекин бунга маънавий ҳакки бор, деб ўйлайман. Билишимча, отанг кизи унинг хоҳишига қарамакарши ўлароқ испан йигитига турмушига чикқани билан меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум қилгани йўқ-ку. Жорж, Харри, Дэвид билан Жениффер баравар улущ олини

керак эди. Женнифер ўтган йили вафот этди. Ишончим комил, отамиз мистер Чарлтонга янгидан васиятнома ёздирганда, албатта, Пиларни назардан четда колдирмаган бўларди. Жуда бўлмаганда Женнифернишг улушкини ажратарди. Эҳтимол бундан ҳам кўпроқ ажратарди. Чунки унумтманглар, Пилар унинг яккаю ягона невараси. Унга озорқ бўлса ҳам улуш ажратсак, адолатни рўёбга чиқарган бўламиз, деб ўйлайман. Бу билан оталарингизнинг руҳинн шод қылган бўласизлар.

— Топиб гапирдинг, Лидия, — деди Альфред. — Мен нотўғри гапирган эканман. Фикрингта қўшиламан. Пилар отамиз томонидан Женниферга ажратилган улушкини олиши керак.

— Гапир, Харри, — деди Лидия.

— Менинг фикрим ўзларингизга маълум, розиман, — деди Харри. — Менимча, Лидия вазиятни жуда тўғри изоҳлаб берди. Унга койилман.

— Жорж, — Лидия унга мурожат қилди.

Жоржнинг юзи ёниб кетди. У оғзидан кўпик сочиб гапга тушди:

— Албатта, бериш керак! Уни четда колдириш бориб турган тентаклик. Унга бошнана ва кийим-кечак олиш учун салмоқли пул беринглар. Шунинг ўзи етарли!

— Демак, сен қаршисан-а? — сўради Альфред.

— Ха, қаршиман.

— У мутлақо ҳак, — деди Мегдалин. Бунака нарсаларни таклиф қилиш бориб турган bemazаликдан бошка нарса эмас. Жорж оиласда у-бу билан шуғулланиб юрган яккаю ягона фарзанд. Шунинг учун отасининг унга кам маблағ колдиргани — шармандалик.

— Дэвид, сен-чи? — Лидия фикр сўрашда давом этди.

Дэвид мужмалрок қилиб леди:

— О, менимча, хаммамиз ҳакмиз. Мана шуниси ёмонки, оила аъзолари пул деб сан-маинга бориб ўтиришибди.

— Сен мутлақо ҳақсан, Лидия. Бу ерда факат адолат тантана қилиши керак, — деди Хилда.

— Демак, хаммаси ойдин бўлди. Оила аъзоларидан Альфред, Дэвид ва мен улуш берилсин деган таклифни маъкуллаймиз. Жорж бунга карши. Кўпчилик таклифга рози.

— Бу ерда «рози»лар ва «қарши»лар ҳакида хеч қанака гап бўлиши мумкин эмас, — жиддий эътиroz билдириди Жорж. — Отамдан менга мерос бўлиб ўтган улуш факатгина менини бўлиши керак. Бундан бир тиининиям бирорвга бермайман.

— Хеч качон, — кўшимча килди Мегдалин.

— Агар бундай сашоб ишдан ўзингни четга олсанг, бу сенинг ишинг. Бизлар ўз улутингни тўла берамиз, — назабланиб деди Лидия.

У бошқаларга бир-бир караб чиқди. Ҳамма Лидиянинг гапини маъқуллаб каллаларини қимирлатиб қўйинди.

— Альфреднинг улуши жуда катта. У ҳамма катта харажатларни қоплани керак, — деди Харри.

— Кўриб турибманки, аввалги беғараз таклифларингизни яна бошқатдан мухокама киладиганга ўхшаб колдик.

Хилда катъиий килиб деди:

— Келинглар, яна бошидан тушмайлик! Лидия Пилларга масалани хал килдик деб айтади. Колган майдачуйда гапларни кейин гаплашамиз. — У сухбатни бошқа мавзуга буриб юбориш умидида кўшиб кўйди: — Қизик, мистер Фарр билан мистер Пуаро қаёқка ғойиб бўлдийкин?

— Пуарони дастлабки терговни бошлиш учун йўлда қишлоққа ташлаб келдик, — деди Альфред. — Айтишича, зарур бир нарсани сотиб олмоқчи экан.

— Нега у тергоига бормади? — деб сўради Харри. — Менимча, терговда бўлиши керак эди-ку.

— Эҳтимол у бу ерда бирон бир мухим нарса йўклигини билган бўлса керак, — деди Лидия. — Ким анави, боғда юрган, катта инспектор Сагденми ёки мистер Фаррми?

Икки аёлнииг зўр бериб килган ҳаракатлари мевасини берди. Оилавий йигин тугади.

Лидия Хилдага мурожат килиб шундай деди:

— Сенинг шарофатиниг билан ўнгин кўнгилдагидай якунланди. Хилда, мени қўллаб-кувватлаганинг жуда яхши бўлди. Умуман, сен ҳаммамизнииг кўнглимиздаги гапни топиб гапирасан-да.

Хилла ўйланкираб туриб деди:

— Кизик, пул деб хаммаси ўлиб-тирилишиди-я.

Бошқалар хонадаң чиқиб кетишиди. Икки аәл ёлғиз колишиди.

— Ха, ҳатто Харриям қарши бўлишига бир баҳя қолди-я. Ахир бу таклиф унинг ўзидан чиқсан эди-ку. Шўрлик Альфредимни қара, у ҳақиқий инглизининг тимсоли: Линнинг пули испан фукаросининг қўлига тушишини тасаввурига сиёдиролмаяпти.

Хилда кулиб туриб деди:

— Назаримда биз улардан каммизми?

Лидия кенг елкасини қисиб қўйди.

— Гапнинг ицдаллосини айтганда, бу ахир бизнинг пулимиз эмас-ку, яъни шахсий пулимиз демокчиман. Бунинг катта фарки бор.

— Пилар жуда ғалати қиз-да, — деди Хилда ўйланқираб. — Кизик, ким бўларкан катта бўлганда?

Лидия хўрсииди.

— Унинг мустақил ҳаёт кечирганидан хурсандман. Назаримда, шу ерда яшаб фақат кийим-кечагига пул олиб турса, бу уни ҳечам кониқтирмаса керак. У магрур бўлгандайм ўтакетган димоғдор, лекин барибир бизга бегона.

Кейин ўйлаб туриб қўшиб қўйди:

— Бир куни мен Египтдан жуда чиройли ложувард мунчоқ олиб келгандим. Қуёшда ял-ял ёнарди. Қум тархида сехрли бўлиб кўм-кўк тусда товланарди. Уйга келганимдан кейин қарасам, кўк бўлиб товланиши деярли сезилмай қолди. Оддий бир тизим хира маржон бўлди-кўйди.

— Ха, тушунаман, — деди Хилда.

— Охир-оқибат сен билан Дэвидин тушунганимдан хурсандман, — деди Лидия мулойимлик билан. — Сиз иккалангиз шу ерда бўлганингиз мени қувонтиради.

— Сўнгти кунларда тез-тез бу ердан кетсакмикан, деган хаёлга боравердим, — хўрсииди Лидия.

— Биламан, кўнглингга келган гапларни тушунаман... Биласанми, Хилда, Дэвид ёмон каловланиб қолди. У бундан ҳам баттар ахволга тушиши мумкин эди. У шу қадар таъсирчанки, ҳатто мувозанатдан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Аслида, котиллик содир бўлгандан кейин бир мунча ўзига келиб қолди...

Хилда бир оз ташвишманд эди. Кейин:

— Демак, буни сезибсан-да? Маълум маънода бу даҳшатли. Лидия, шубхасиз, бу шундай.

У бир зум тўхтаб, кеча кечкурунги эрининг гаплари ни эслади. Эри пешонасига тушиб турган малла сочларни орқасига ташлаб ҳаяжонланганча шундай деган эди:

— Хилда, эсингдами «Кайғу»да Скарпия ўлгандан кейин Кайғу унинг боши ва оёклари олдида шам ёкиб: «Энди мен сени кечирдим», деган эди. Мен хам отам борасида ана шу туйғуни хис килмоқдаман. Биламан, мен шунча йиллар мобайнида уни кечиролмагандим. Аслида эса гиналаримни унугим келиб юради. Лекин энди унга нисбатан қалбимда заррачаям қаҳрим қолгани йўқ. Ҳаммаси фойиб бўлиб кетди. Елкамдан оғир тош ағдарилиб тушганга ўхшайди.

У туйқусдан пайдо бўлган қўркувни енгиш учун:

— Ўлгани учун шундай бўлганмикин? — деб қўйди.

Эри шопша-шиша жавоб берди:

— Йўқ-йўқ, сен буни тушунмайсан. Отам ўлгани учун эмас, балки унга нисбатан бўлган болаларча нафратим нихоясига етди...

Хилда хозир эришиниг шу сўзларини эслаб ўтиради...

Лидия ёнила турган аёлга буни айтиб бермокчи бўлди. Лекин ғайришуурый равишда айтмаганим маъқул, деб индамай кўя қолди.

Хилда Лидиянинг кетидан даҳлизга чиқди.

У ерда кичкина стол олдида қўлида тугунча ушлаганча Мегдални турарди. Мегдалин уларни кўриб чўчинб тушибди-ю:

— О, бу мистер Нуаро харид килган зарур нарса бўлса керак, — деди. — Бу тугунчани хозиргина шу ерга кўйиб кетди. Қизик, ичида нима борикин?

У иккала аёлга хихилаб бир-бир караб чиқди, лескин ҳаяжондан кўзлари ўйнар, ёлондан ўзини хурсацдек кўрсатаетганини, зўраки габассумни яшира олмаётган эди.

Лидия қошини чимириб деди:

— Бориб боғчадаги майда-чуйда ишларни битириб кўйай.

Мегдалин ўзини болаларча гўлликка солаётган бўлса хам тугунчани очиб кўришга бўлаётган иштиёки шундоккина билиниб турарди.

— Очиб кўрсам майлим? — деди у.

У тугунчага қўлини тикиб унлаги нарсани қўлига олди-ю, хайратдан кичкириб юборди.

Лидия кегаётган жойила тўхтаб колди, Лидия хам. Иккала аёл нималигига тушунмай караб колишди. Мегдалин саросимага тушиб:

— Ёлғондакам мўйлаблар... лекин бу нимага керак бўлиб колибди, — деди.

Хилда катъиятсизлик билан:

— Никобми? Лекин... — деди.

Лидия унинг фикрини давом эттириб кўйди:

— Лекин мистер Пуаронинг мўйлови ўзи чиройли. — Мегдалин мўйловни жойига солиб халтачани ўраб кўйди.

— Тушунмадим... Бу... билмадим, қандайдир бемаънилик. Мистер Пуарога сохта мўйлов сотиб олиш нега керак бўлиб колибди?

II

Пилар меҳмонхонадан чиқиб, аста даҳлиз томон юрди. Стивен Фарр бўлса бу вақтда боғдан даҳлизга кириб кетди.

— Хўш? Оилавий йифилиш тугадими? Васиятнома ўқиб берилдими?

Пилар хаяжонланиб жавоб берди:

— Менга хеч нима тегмади, бир пақирам. Васиятнома бир неча йил муқаддам битилган экан. Бобом онамга улуш колдирибди. Лекин онам оламдан ўтгани боис, унинг улуси акаларига тегаркан.

— Омадингиз юришмабди, — деди Стивен.

— Бобом тирик бўлганда васиятномани бошқатдан килган бўларди. Унда монгаям колдирарди, колдиргандаям жуда кўп шул қолдирарди. Балки кейинрок бутун пулларини менга қолдирган бўларди.

— Буям унчалик адолат тарозисига тўғри келмаган бўларди, шундайми? — деди Стивен кулиб.

— Нега нотўғри бўларкан? Чунки у хаммадан хам менин яхши кўради, ха.

— Шунақаям бойликка мукканигиздан кетганимисизлар? — деди у. — Ҳақиқий ёш олтин изловчи.

— Ҳаёт аёлларга нисбатан адолатсиз курилган, — жиддий фикр килди Пилар. — Ҳали улар ёш, ишлаб ўз

йўлларини тоциб олишлари мумкин. Қариб, майиб-мажрух бўлиб қолтганларида каровсиз қолиб кетишади.

— Ҳа, энди бу гап мен ўйлаганимдан ҳам тўғри, — деди аста Стивен. — Лекин буниям уччалик тўғри деб бўлмайди. Альфред Ли, масалан, отасини жонидан ҳам яхши кўриб, иззатини жойига қўярди. Лекин отаси унга нисбатан шунақангি талабчан бўлганки, бу пировардида жонини ҳиқилдоғига келтирган.

— Бу Альфредингиз қип-қизил ахмоқ.

Стивен кулиб юборди. Кейин:

— Ташвишланманг, оноқ қиз. Шуни билиб қўйинки, Лилар хонадони сизни ташлаб қўймайди.

— Бу нарса менга унчалик ёқмайди, — деди рухи чўкиб Пилар.

— Менимча, сиз ҳақсиз, — деди Стивен. Мен сизнинг бу срда яшаб қолишингизни тасаввуримга сиедиромаятман. Жанубий Африкага кетмайсизми?

Пилар калласини кимиirlатди.

— Қуёш мўл, кенглик, — деди Стивен. — Лекин у ерда иш оғир. Ишга қалайсиз, Нилар?

Пилар шубҳа билан жавоб берди.

— Билмайман.

— Айвонда ўтирволиб кун бўйи ширинлик ейишни маъқул кўрмасангиз керак. Унда семириб, бақбақангиз икки қават бўлиб осилиб кетарди.

Пилар кулиб юборди. Стивен давом этди:

— Бу яхши бўлди. Ниҳоят сизни кулдиролдим.

— Мен Рождествода куламан деб ўйлагандим, — деди Пилар. — Китобларда Англияда Рождество байрами жуда қизик ўтади деб ёзилган. Дастурхон безатилган, турли-туман ноз-неъматлар тортилган, овқатлар бисёр.

— Унда Рождествода котиллик юз бермаслиги керак. Қани, бир дакика бу ёкка юринг-чи. Лидия кеча менга кўрсатган эди. Бу унинг бостирмаси.

У Пиларни буфетдан сал каттароқ хонага бошлиб кирди.

— Буни қаранг, Нилар, яшик-яшик консерваланган мевалар, анпельсинлар, ёнроғу хурмолар. Мана бу ерда...

— О! — Пилар хаяжондан чапак чалиб юборди. — Тилларанг, кумушранг шарчалар!

— Буларни арчаларга совғалар билан осиб күйиншади. Мана бу ерда эса түшлик дастурхонига күйиладиган кордан ясалғандек ошюк қорбобо хұраклар. Мана булар турли рангдаги ҳаво шарлари, уларни шишириш мүмкін.

— О! — Пиларнинг күзлари ёниб кетди. — Биттаси-ин шуфлаб күрсак бўладими? Лидия хафа бўлмайди. Ҳаво шарини шундай яхши кўраманки!

— Майли! — деди Стивен. — Қани, танланг, кайси бирини хоҳдайсиз.

— Қизилини, — деди Пилар.

Улар биттадан шар олишиди. Кейин лунжларини шишириб уларни ҳавога тўлдира бошлиашди. Пилар кулиб юборган эди, шардаги ҳаво нисиллаб чиқиб кетди.

— Шар шуфлаганингизда лунжингиз шишиб ғалати бўлиб кетди, — деди Пилар.

Пилар қах-қах отиб кулиб юборди, кейин ўз шарини яна аста-аста шишира бошлиди. Улар ҳар икки шарни шишириб бошлиашди-да, бир-бирига отиб ўйнай бошлиашди.

— Даҳлизга чиқайлик, у ср кент, — деди Пилар.

Пуаро залга кириб келганда улар искаласи кулишгаича шарини бир-бирига отиб ўйнашарди. Пуаро уларга менсимайгина қараб кўйди.

— Демак, сиз jend'entat¹ ўйнаётган экансизлар-да.

Пилар ҳарсиллаб деди:

— Меники қизил, унукдан катта, анча катта. Ҳовлига чиқадиган бўлсан, осмонга учиб кетади.

— Келинг, шарни осмонга кўйворамиз-да, бир нимани ният қиласиз, — деди Стивен.

— Бўлти, зўр ган.

Булар боғ эшикдан чолиб чиқиб кетишди. Стивен унинг орқасида югурди.

Пуаро ўша-ўша киёфасини бузмай уларнинг ортидан борди.

— Мен шулим кўп бўлишини ният қиласидим, — деди Пилар.

У шарининг инидан ушлаб обғининг учидага турди. Шар шамолда енгил кимирлай бошлиди. Пилар шарни кўйворган эди, ҳавога кўтирилиб кетди.

¹ Болалар ўйини (фр.).

Стивен кулди.

- Одам ўз ниятини ошкор қилмайди-да!
- Нега?
- Ошкор килса, шият амалга ошмай қолади. Бўпти, энди мен ният қилдим.

У ҳам шарини қўйворди. Унинг нияти амалга оши мади. Шар сал кўтарилиди, кейин ёпламасига учиб бориб игна баргли арчага урилди-ю пакиллаб ёрилиб кетди.

Пилар унинг олдига чопиб келиб хамдардлик билдиргандай:

Хаммаси тамом, — деди.

Кейин туфлисиининг учи билан буришган бир шар парчасини туртиб:

- Мана буни бобомнинг хонасидан топгандим. У ҳам шар пуфлаган экан, лекин қизғиш шар пуфлабди, — деди.

Нуаро кутилмагаңда бирдан ихраб юборди. Пилар хайрон бўлиб орқасига ўгирилди.

- Ҳеч нима бўлгани йўқ. Оёғимга... тикан кирди, йўқ, бармогим қайрилиб кетди.

У ўгирилиб уйнинг деразалариға караї бошлади.

- Деразалар ҳам жуда кўи экан-да! — деди Нуаро. — Ҳар бир уйнинг, мадемуазель, билсангиз кўзи ва ўз қулоғи бўлади. Инглизларнинг очик деразани хуш кўриши, унчалик хосиятли эмас.

Лидия айвонга чиқди.

- Ланч тайёр бўлди, — деди у. — Нилар, азизам, хаммаси кўнгилдагидек тугади. Ланчдан кейин Альфред сенга батафсил тушунтириб беради. Уйга кирамизми?

Улар уйга киришди. Нуаро охирида кирди. Унинг кўрининиши бу сафар жуда жицдий эди.

III

Кечки овқат тугади.

Ошхонадан чиқишгандан кейин Альфред Пиларга:

- Менинг хонамга кирайлик, бир нарсалар хакида ганлашиб оламиз.

У Пиларни дахлиз оркали ўз хонасига олиб кириб эшикни ёпди. Колганлар меҳмоҳонага чиқишиди. Фақат

Эркюль Пуарогина... ёпик кабинетга тикилганча залда ёлғиз ўзи қолди.

Бирдан у кари эшик оғаси нимадир демекчи бўлиб атрофда ивиришиб юрганини сезиб қолди. Чол унга қандайдир безовтадек туюлди. Кейин:

— Ха, Тресилиан нима гап? — деди Пуаро.

— Мистер Ли билан гаплашмокчи эдим, лекин ҳозир уни безовта килиш нокулай.

— Бирон гап бўллими? — сўради Пуаро.

Тресилиан аста деди:

— Кизик ходисалар содир бўляпти. Нима гаплигини тушунмаямсан.

— Менга айтаверинг, — деди Эркюль Пуаро.

Тресилиан тараффудтаиди. Кейин шундай деди:

— Хўш, нима десамикин, сэр, фаҳмладингизми, йўқми билмадим, кираверишдаги эшикнинг икки тарафида катта-катта иккита оғир тош бор эди, сэр, улардан бири йўқолиб қолибди.

Эркюль Пуаронинг кошлари хайратдан кўтарилиди.

— Қачон ғойиб бўлиби?

— Улар иккаласи ҳам эрталаб жойида турганди, онт ичаман.

— Юриинг, кўрамиз.

Улар кўча эшиги олдига чиқишли. Пуаро энгашиб, қолган томпни кўздан кечира боплади. Ўриндан турганда юзларида жиддийлик зухур этиб турарди.

Тресилиан қалтирарди.

— Сэр, шундай нарсани ўғирлаш кимга зарур кепти? Бундан бир маъно йўқ-ку.

— Бу менга ёкмаяпти, — деди Пуаро. — Мутлако ёкмаянти.

Тресилиан унга хавотирлик билан назар ташлаши. Кейин аста сўради:

— Бу уйда инналар содир бўляпти, сэр? Хонадон соҳибини ўлдиришганда буён уй уйга ўхшамай қолди. Назаримда туш кўраётгандайман. Ҳамма нарсани чалкаштириб юборяпман, баъзан ўз кўзларимга ишонмай қоламан.

Эркюль Пуаро қалласини сарак-сарак қилиб деди:

— Сиз ноҳақсиз. Доимо ўз кўзларингиз билан кўрган нарсага ишонишингиз керак.

Тресилиан ҳам бошини қимирлатиб деди:

— Кўзларим ўтмас бўлиб қолган. Қадимгидай ҳамма нарсани аниқ-таниқ ажратолмайман. Одамларни ҳам адаштириб юборяпман. Кўз олдимда ҳаммаси чалкашиб кетаверади. Қариб колдим, вазифамни удалай олмаяпман.

Эркюль Пуаро унинг елкасига кокиб қўйди.

— Барлам бўлинг.

— Ташаккур, сэр. Биламан, сиз менга яхшилик килмокчисиз. Лекин бор нарсадан кўз юмиб бўлмайди, жуда каридим. Доим ўтган кунларни эслаб юрадиган бўлиб колдим. Мисс Женини ва мистер Дэвид, мистер Альфред — бу жентльмен ва ледилариниг ёшлик киёфалари кўз ўнгимдан ўтаверали. Ўша мистер Харри уйга қайтиб келган кун оқшомдан бўён...

Пуаро бошини қимирлатди.

— Ха, менам шундай деб ўйлагандим. Сиз хозиргина «Хонадон сохибини ўлдиришгандан кейин», деб айтдингиз. Лекин бу хол сизда олдинрок бошланган эди. Анирги, Харри шу хонадон остоиасига қадам қўйган дакикадан, тўғрими? Одамларни чалкашиб, адаштириб юборишингизни айтганиман.

— Мутлақо ҳаксиз, — деди эшик оғаси. — Олдинрок бошланган эди. Мистер Харри хонадонга доим фалокат олиб келарди, илгарилари ҳам шундай бўлган. У тош қўйилган курсидан кўз узмади.

— Сэр буни ким олиши мумкин, — шивирлади Тресилиан. — Нимага олади? Жиннихона бўлиб колди бу уй.

— Унчалик ҳам жиннихона эмас, — деди Эркюль Пуаро. — Бу пухта ўйлаб қилинган иш. Тресилиан, яна кимнингдир хаёти катта хавф остида турибли.

У ўгирилиб уйга кирди. Шу оңда Пилар ўз хонасидан чиқиб келди. Унинг ёноклари кизариб кетган, кўзлари ёнарди, бошини мағрур юкорига кўтариб олган.

Пуаро унинг олдига келганда киз ер тениниб деди:

— Олмайман.

Пуаро унга хайрон бўлиб караб деди:

— Мадемуазель, шимали олмоқчи эмассиз?

— Альфред хозиргина бобомдан қолган бойликнинг онамга тегишли бўлган улушини менга бермокчи бўлишганини айтди.

— Хўш, нима бўлти олсангиз?

— Унинг айтишича, конун бўйича олишим мумкин эмас экан. Лекин уям, Лидиям, бошқалар ҳам бу улуш менга тегиши керак деб хисоблашармишлар. Уларнинг айтишича, шунда адолат карор топармиш.

Пуаро яна сўради:

— Хўш, нима бўлти.

Пилар яна ер тепинди.

— Нахотки тушунмаётган бўлсангиз? Улар бу пулни фақатгина менга берармиш!

— Нега бу нарса сизнинг ҳамиятингизга тегянти? Агар шундай карорга келишган бўлса, тўғри килишибди, бу адолат юзасидан сизники бўлиши керак.

Пилар:

— Сиз тушунмаялисиз, — деди.

— Аксинича, мен жуда яхши тушуниб турибман, — деб жавоб берди Пуаро.

— О!.. — у дарғазаб бўлиб оркасини ўгириб олди.

Эшик тақиллади. Пуаро елкаси оша бошини буриб каради. У эшик ортида турган катта инспектор Сагденнинг қорасини кўрди-ю, шу он Пилардан сўради:

— Каёқа бормоқчисиз?

Пилар саркашлиқ билан жавоб берди:

— Мехмонхонаага. Хонадан аъзоларининг олдига.

— Яхши. Улар билан бирга бўлиб туринг. Уй атрофини ёлғиз ўзингиз айланиб юрманг, айниқса, коронғи тушгаңда. Эҳтиёт бўлинг, мадемуазель: сизга иисбатан хатар бор. Умрингизда хеч қачон бундай катта хатарга рўпара бўлмаган бўлсангиз керак.

У ўгирилиб Сагденни қарши олиш учун йўналди. Инспектор Тресилианнинг ошхонага чиқиб кетишни кутиб турган эди. Кейин у Пуарога телеграмма узатди.

— Мана энди нихоят тагига етдик! — деди у.

Ўқинг. Бу Жанубий Африка полициясидан.

Телеграммада шундай сўзлар ёзилган эди: «Эбина зар Фарринг ёлғиз ўғли бундан икки йил муқаддам ўлган».

— Мана, билиб олдик, — деди Сагден. — Кизик: мен умуман бошқа йўналиш бўйича юрган эканман.

Пилар мемонхонага мағрур кириб келди.

У түшпә-түғри дөраза ёнида бир нима түкиб ўтирган Лидиянинг олдига борди.

— Лидия, мен сизларга бу пулни олмаслигими мальум қилгани келдим, — деди у. — Мен кетаман, хозирок...

Хайрон қолган Лидия қўлидаги ипини бир чеккага йиғиншириб қўйди.

— Кизгинам, — деди у. — Альфред сенга яхшилаб тушунтиrolмаган бўлса керак. Сен хижолат бўлмай кўяқол, бу ерда гап сенга садақа қилиш устида кетаётгани йўқ. Биз томонимиздан бўлиши мумкин бўлган олижаноблик ва кенгфеъллик устидаяммас. Бу ерда гап адодат устида кетяпти. Онанг тирик бўлганда, ўз улушини ҳеч қандай тўсиксиз оларди. Кейин бу пул сенга қолган бўларди. Бу сенинг ҳаққинг — қонуний ҳаққинги-ку. Бу хайр-эхсон эмас, аксинча, ҳақиқат тантанаси.

Пилар алам билан деди:

— Сиз ўзингизни мана шундай, яъни ҳақиқатнараст одам қилиб кўрсатмокчи бўлаётганингиз учун ҳам пулни олмайман. Бу ердаги мемондорчилик менга ёқди. Жуда зўр. Ҳақиқий саргузаштга ўхшайди. Бироқ энди ҳаммасини чиппакка чиқардингиз. Ҳозирок кетаман. Бошқа ҳеч қачон сизларни бозовта қилмайман.

Куйилиб келган кўзёшлари унинг томоғини ғиппа бўғди. У орқасига ўгирилди. Ҳеч нарсага қарамай хонадан югуриб чиқиб кетди.

Лидия котиб қолди. У нима деярини билмай:

— Шунчалик ўзига оғир олади деб ўйламагандим, — деди.

— Афтидан, қиз жуда хаяжонда, — деди Хилда.

Жоржни йўтал тутиб пиншиллади:

— Э-э... эрталаб айтувдим-ку... ёлғондан қиляпти. У жуда аклли бўп кетган. Ў эхсондан воз кечяпти...

— Бу ерда ҳеч қанақа хайр-эхсон йўқ, — деди Лидия кескин қилиб. — Бу унинг ҳақки.

— Афтидан, у бундай деб хисобламаяпти, — деди Жорж.

Хонага кайта инспектор Сагден билан Эркюль Нуаро кириб келди. Инспектор у ёқ-бу ёққа қараб олиб:

— Мистер Фарр қани? — деди. — У билан гаплашадиган гапим бор эди.

Бошқалар жавоб бергунча Эркюль Пуаро:

— Сенъорита Эстравадос қани? — деб сүраб колди.

Жорж Ли юзларида захархандалик зухур этган холда:

— Кетмокчи. Афтидан, ишглиз кариндошлари жонига теккан бўлса керак, — деб жавоб берди.

Пуаро орқасига ўзгарилиб, Сагденга:

— Кетдик, — деди.

Улар даҳлизга чиқишлари билан оғир бир нарсаннинг гумбиrlаб ерга қулагани-ю, аёл кишининг қичкириб юборгани эшитилди.

— Тезроқ... югур... — қичкириб Пуаро.

Улар даҳлиз бўйлаб югуриб бориб зинаюядан юкорига чиқиб кетишиди. Бориб карашса, Пиларнинг эшиги очик. Эшик олдида бирор турибди. Улар келишганда у ўгирилиб каради. Бу Стивен Фарр эди.

— У тирик ... — деди у.

Пилар ўз хонасининг деворига қапишиб қолганча ерда ётган катта тошга қараб турарди.

Пилар харсиллаб деди:

— Эшикнинг тепасида осилиб турган экан, агар эшикдаги михга юбкам илиниб қолмаганида тош тўрри миямга тушган бўларди.

Пуаро чўпқайиб михни кўздан кечира бошлади. Унда бинафшарагчилвир осилиб турарди.

— Бу мих, мадемуазель, — деди у, — хаётингизни сақлаб колибди.

Эсанкираб қолган катта инспектор хайқириб юборди:

— Менга қараңг, бу ниманинг белгиси?

— Кимдир мени ўлдирмокчи бўлган, — жавоб берди Пилар ва гапини тасдиқлаш учун бир неча бор шунақа дегандек, калласини қимиратиб кўйди.

Катта инспектор эшикни текшириди.

— Оддий тузок, — деди у. — Таомилдан қолган эски тузок. Максад — одам ўлдириши. Бу уйда иккинчи котиллик режалаштирилган. Фақат бу сафар режа амалга ошмай колди.

— Худога шукр, сизга зиён етмади, — деди Стивен Фарр.

Пилар кулочини ёзиб ёлворган оҳангда деди:

— Santa Vizgen¹! — деди у. — Менинг ўлимим кимга керак бўлиб қолибди? Кимга нима ёмонлик қилибман?

— Мадемуазель, сиз ниманиям билар эканман, деб сўрашпингиз керак эди, — аста тушунтириб берди Эркюль Пуаро.

Пилар унга ажабланиб карали.

— Нима билар эканман, дебми? Мен ҳеч нимани билмайман-ку, ахир.

— Мана бу жихатдан сиз поҳаксиз, — деди Эркюль Пуаро. — Менга айтинг-чи, мадемуазель Пилар, котиллик содир эгилганда сиз қаерда бўлган эдингиз? Лекин хонаигизда бўлмагансиз.

— Хонада эдим. Айтудим-ку, хонамда деб.

Катта инспектор Сагден меҳрибонлик қилгандай юмшок оҳангда деди:

— Ҳа, лекин сиз тўғрисини айтмадингиз, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Агар хонаигизда бўлганингизда унинг овозини эшитмаган бўлардингиз. Буни мистер Пуаро иккаламиш кеча синааб кўрдик.

— О! — деди хўрсиниб Пилар.

— Сиз ҳархолда унинг хонасига яқин бир жойда бўлгансиз, — деди Пуаро. — Мен, хатто қаерда бўлганингизни айтиб беришим ҳам мумкин, мадемуазель. Сиз бобонгизнинг эшигига якин жойдаги тахмонига қўйилган ҳайкалчаларнинг олдида турган эдингиз.

Пилар бу гаидан лол бўлиб қолиб:

— О! Каердан билдингиз? — деб юборди.

Пауро сингил табассум билан деди:

— Мистер Фарр сизни ўша ерда кўрган экан.

— Бўлмаган тап, — эътиroz билдириди Стивен. — Кип-кизил ёлго!

— Кечирасиз, мистер Фарр, — деди Пуаро. — Лекин сиз уни хақиқатан ҳам кўрган эдингиз-ку. Эслаб кўрининг, тахмонда иккита эмас, учта ҳайкал кўргандай эдим дегандингиз. Ўша оқшом оқ кўйлак фақат мадемуазель Эстравадоснинггина эгнила бўлган. Сиз кўрган учинчи кимса Эстравадос бўлган. Шунакамасми, мадемуазель?

Пилар бир дакика иккиланиб туриб:

¹ Ё худойим (инс.)

— Ха, шундай, — деди.
— Энди, мадемуазель, — деди юмшоқ қилиб Пуаро, — бор ҳакикатни рўйирост айтиб беринг. Нима учун у ерда тургандингиз?

— Мен меҳмонхонадан тушликдан кейин чикиб кетдим, — деди Пилар. — Кейин бориб бобомни кўрсаммик ин деб ўйлаб қолдим. Борсам бобом хурсанд бўлса керак, деган гап хаёлимга келди. Йўлакка бурилишим билан бундай қарасам, бобомнинг эшиги олдида кимdir турибли. Мен у одамнинг кўзига кўринмасликни афзал билдим, чунки бобом кечқурунлари бирор безовта қилишини ёқтирамасди. Мен у одам кўриб қолмасин деган ўйда тахмонига чикиб олдим. Кейин бирдан хар хил тақир-туқир овозлар эшитила бошлиди, столлар, стуллар ағанаган, — Пилар қулочини ёзиб кўрсатди. — Ҳамма нарса ағдарилиган, тўнтарилиган. Мен қимирламадим. Нега шундай қилганимни билмайман. Назаримда, кўркиб кетган бўлсан керак. Кейин бирдан вахшиёна бир кичкирик эшитилди. — У чўкиниб олди. — Бу кичкириқдан юрагим тарс ёрилиб кетай деди. Ўзимча, кимdir ўлди, деб ўйладим...

— Кейин-чи?

— Кейин одамлар йўлак бўйлаб югура бошлиashi, кейин мен ҳам тахмондан тушиб уларга қўшилдим.

Катта инспектор Сагден газабланиб сўради:

— Биринчи бор сўраганимизда нега бу ҳакда мик этиб оғиз очмадингиз?

Пилар катта тажрибага эга бўлган одамлардай калласини қимирлатиб деди:

— Полицияга кўп гапни гапириб бўлмайди. Билмасизми, агар мен қотиллик содир бўлган пайтда шу яқин орада эдим деб қўйсам, менин котилга чиқариб қўйишингиз ҳеч гапмас. Шунинг учун ўз хонамда эдим, дегандим.

— Агар гапга ёлғон аралаштирангиз, — деди кескин қилиб Сагден, — охир-оқибатда ўзингиз шубҳага тушиб қоласиз.

— Пилар, — деди Стивен Фарр.

— Ха.

— Сиз йўлакка чикқанингизда эшик олдила турган одам ким эди? Ҷизга очик-ойдин айтаверинг.

— Ха, бизга айтиб беринг, — кувватлади Сагден.

Киз бир дакика тараддулданиб турди. Унинг кўзлари аввал катта-катта очилди, кейин юмила бошлади. Сўнг аста:

— Кимлигини аниқ билмайман. Йўлак хира ёритилганди. Лекин... бу аёл киши эди, — деди.

V

Катта инспектор Сагден атрофида турган одамларга бир-бир караб чиқди. Кейин асабийлашиб гапира бошлади. У илгари хеч қачон бунака охангда гапирмаган эди.

— Мистер Пуаро, бу хеч канака қонун-коида доира-сига сиғмайди, — деди.

— Менда кичкинагина фикр гувилиб қолди, — деди Пуаро. — Ортирган тажрибамга асосланиб ҳамма билан бирма-бир гаплашиб чиқмоқчиман. Кейин уларни бу ишга жалб киласман, шу йўсинда ҳақиқатнинг тагига етамиз.

Сагден мингирлаб қўйди.

— Тентаклик бу, — шундай деб у стулга суюниб олди.

— Бошламасига, — деди Пуаро, — менимча, мистер Фардан тушунтириш олсангиз.

Сагден лабини қисди.

— Мен бу ишни кўпчиликнинг ичидаги килмасак яхши бўларди дегандим, — леди у. — Бунга жиддий каршилигим йўк, — у шундай деб телеграммани Стивен Фаррга узатди. — Мистер Фарр, сиз ўзи кимсиз, балки бизга тушунтириб берарсиз.

Стивен Фарр телеграммани кўлига олди. Уни кўзига яқин олиб келиб аста ўқиди. Кейин мулозамат билан катта инспекторга қайтарди.

— Ха, — деди у. — Хунук иш бўлди-да.

— Бизга айтишингиз мумкин бўлган нарса мана шуми? — сўрачи Сагден. — Албатта, сиз бирон-бир маълумот беришга мажбур эмассиз....

Стивен Фарр унинг сўзини бўлиб леди:

— Мени огохлантирмасангиз ҳам бўлади, катта инспектор. Нима демокчилигингиши билиб турибман. Ха,

мен ҳозир ҳаммасини айтиб бераман. Яхшилаб түшүнти-ролмаслигім мүмкін, лекин ҳархолда бор тапни айтиб бераман.

Бир оз жимликдан сүңг у гапга тушди:

— Мен Эбинизар Фаррнинг ўғыл эмасман. Лекин ўша ота-болани жуда яхши биламан. Эди ўзингизни менинг ўршымга қўйиб кўриш (Айтмоқчи, менинг отим Стивен Грант). Бу мамлакатга умримда бириичи келишим. Жуда хафсалам шир бўлди. Ҳамма нарса, ҳамма ҳаётдан безган. Келаётганимда поездда бир қизни учратиб колдим. Тўғрисини айтишим керак: мен уни чин юракдан севиб колдим. Шунаканги оғатижон. Фаришта янглиғ бир хилқат. Ноездда озгина гаплапидиму, уни кўлдан чиқармасликка қарор килдим. Кунедан чиқаётшиб чамадонидаги ёрлиқка кўзим тушиб колди. Номининг менга қизиги йўқ, унлаги адрес, қаерга келаётгани мени қизиктириди. Мен Горстон-Холли эшитгандим, унинг эгаси ҳақидаги ҳамма гапдан хабарим бор эди. Ўз вақтида у Эбинизар Фарр билан шерик бўлган, менга унинг ўзи ва шахси ҳақида кўй гапларни гапириб беришган эди.

Шу найтда калламга Горстон-Холлга бориб, мен ўзимни Эбанинг ўғлиман деб таништирмайманми, деган хаёл келиб қолди. Унинг ўғли ростдан хам телеграммада кўрсатилгандай, икки йил муқаддам ўлиб кетган. Лекин Эба кўп йиллардан буён Симеон Лидан бирон-бир хабар йўқ, деб айтганини эсладим, шундай бўлгандан кейин унинг ўғли ўлтанини билмаса керак, деб ўйладим. Ҳархолда таваккал қилиб бир уриниб кўрай-чи, дедим.

— Лекин бирданига бу шига жазм килганингиз йўқ — деди Сагден. — Бунгача Эдилфиллдаги «Кинге арис» меҳмонхонасида икки кун яшадингиз.

— Таваккал қиласам бўладими, шармандам чиқиб қоладими деб ўйлаб, — деди Стивен. — Икки кун ётиб обдан калламда ишиштдим. Кейин бор-э, нима бўлса бўлар деган қарорга келдим. Бу нарса қандайдир саргузаштга ўхшаб мени ўзига жалб килаверди. Кария жуда яхши кутиб олди. Дарров уйидан жой берди. Мана сизга бор гап, катта инспектор. Бу гаплар сизга шубҳали туюлаётган бўлса, ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўриш, ёшлигинизни, кизлар билан ҳазиллапиб юрган кезларинингизни, бирон ижёя ши қилган-қилмаганингиз-

ни эслант. Менинг ҳақиқий исемміңга келганды, мени Стивен Грант дейишиады. Жанубий Африкага телеграмма жүннатиб буни текшириппингиз мүмкін. Сизни ишонтириб айтамапки, менинг нұфузли фуқаро эканлигимга ишонч хосил қиласыз. Мен фирибгар ҳам, брильянт үйріси ҳам әмасман.

— Мен ҳеч қачон сиздан бунақа деб шубха қилмаганман, — деди Пуаро.

Катта инспектор Сагден аста әнгагини қашлаб туриб деди:

— Буни мен текшириб күришім керак. Лекин нима учун сиз ҳақиқатни қотиллік содир өтілғандан кейин нок баён қилмадынгиз? Бунинг устига ёлғонларни қалаштириб ташлайвердингиз? Мени мана шулар қизыктірадын.

— Чунки мен тентаклик килғанман. — таслим бўлғандек тан олди Стивен, — ёлғон гапириб кутулиб кетаман, деган хаёлга борибман. Кейин бироннинг номи билан юрганимни айтиб берсам ўзимга шубха оргтираман, деб қўрқдим. Агар бориб турған нодон бўлмаганимда Йоханнесбургга албатта телеграмма юбориб ҳақиқатни аниклапларингиз мүмкін эканлигини ўйлаб кўрмасмидим.

— Бўлти. Мистер Фарр... Э... э... Грант, мен хали сизга саргузаштларингизга ишонмайман деганим йўқ-ку, — деди Сагден. — Бунинг тўғри-нотўғри эканлигини аниклапи жуда осон.

У савол пазари билан Пуарога қараб қўйди. Пуаро:

— Назаримда мисс Эстравадос ҳам бир нима демокчига ўхшайди.

Пиларнинг раңги оқарыб кетди, у тутилиб-тутилиб гапга тушди:

— Ха, тўғри. Агар орага Лидия ва пул масаласи қўшилмаганды бу тапларни ҳеч қачон айтиб бермаган бўлардим. Бу ёкларга келиш, бироннинг номидан юриш, алдаш, муғамбирлик — булар ҳаммаси жуда жозибали. Лекин Лидия пулнинг мешға тегишили бўлишини маълум қилиб, шундай қилинса адолатли бўлишини айтгандан кейин бу бошқа маъно касб этди. Бу ёғи, айтганимдай, унчалик жозибали бўлмай колди.

Альфред Ли ажабланиб сўради:

— Тушунмаяпман, азизам, нималар деяпсан?

— Сизлар мени жигаргўшантаз Пилар Эстравадос деб ўйлаясизларми? — деди Пилар. — Ҳечам-да. Пилар Испанияни машинада саир қилиб юрганимизда ҳалок бўлган. Битта бомба шундок машинамизга тушди-ю, Пилар шу захотиёқ оламдан ўтди. Менга эса ҳеч қандай зиён-захмат етмай қолди. Пилар билан унчалик яқин таниш ҳам эмасдик аслида. Лекин у ўзи хақида Англияда бобоси борлиги, у жуда бой эканлиги, Англияга чакираётганлиги тўғрисида гапириб берган эди. Менинг эса бир чакам ҳам йўқ эди, кейин қаерга боришими, нима иш қилишнам билмасдим. Бирдан калламга Пиларнинг паспортини олиб Англияга жўнаб бойиб кетмайманни леган хаёл келиб қолди. — Унинг юзлари табассумдан ёришиб кетди. — Бундай режани амалга ошириш хақида ўйлаш хақикатан ҳам қизиқарли эди. Расмдаги юзларимиз ҳам бир-биринигзга анчайин ўхшаш. Паспортингиз шу ердами деб сўраганингизда деразани очиб пастга ташлаб юбордим. Кейин чопиб тушиб расмини ерга ишқадим. Чунки чегарада унчалик синчиклаб текширишмайди, бу ерда эса...

Альфред Ли асабийлашиб деди:

— Сен отамга унинг иевараси бўлиб яхши кўринмокчи бўлдингми?

Пилар бош ирғади. У мағуруланиб жавоб берди:

— Ха, бир кўришдаёқ мени ёқтириб қолишини билгандим.

Шу вактгача индамай турган Жорж Ли портлаб кетди:

— Қабиҳлик бу! — деди у. — Жиноят! Алдов йўли билан бироннинг цулига эга бўлишга интилиш!

— Хали у биздан ҳеч нарса олгани йўқ, ўнкашни босиб ол! — деди Харри Ли. — Пилар, мен сен томонданман. Жасоратинта қойилман. Худога шукур, сенинг тоғағ эмас эканман. Бу нарса елкамдаги оғир юкни олиб ташлайди.

Пилар Нуародан сўради:

— Сиз билганимидингиз? Қачон билгандингиз?

— Мадемуазель, — кулди Нуаро. — Агар сиз Мендель қонунини ўқиган бўлганингизда икки феруза кўз эр-хотиндан қора кўз фарзанд туғилмаслигини билган бўлардингиз. Шунга ишончим комилки, сизнинг онангиз

хурматта лойик ва нуфузли леди бўлган. Шундан келиб чикиб айттп мумкинки, сиз умуман Пилар Эстравадос эмассиз. Сиз паспорт борасида ишлатган хийлангизданоқ бутига ишонч ҳосил қилгандим. Буни яхши ўйлаб топдингиз, лекин биласизми, файритабиий бўлиб чиқди.

Катта инспектор Сагден асабийлашди.

— Бу можароларниң бари файритабиий.

Пилар унга ажабланиб қаради.

— Тушумаяпман...

— Бу сафсатани тўқиб ташладингизу, — деди Сагдан, — лекин энг мухим нарсалар ҳакида оғиз очмадингиз.

Стiven кичкириб юборди:

— Уни тинч қўйинг!

Катта инспектор унинг гапига заррачаям эътибор қилмай, давом этди:

— Сиз тушликдан кейин бобомнинг хонаси томон юрдим, дегандингиз, буни гўё ўзингизча, беихтиёр бормокчи бўлдим демокчисиз. Бу хатти-харакатингиздан келиб чикиб мен ҳам фикримни баён қилишим мумкин. Шундайки, сиз брильянтларни ўғирлагансиз. Бир марта эмас, бир неча бор. Гоҳида пўлат сандиқка ҳам қўл тиққансиз. Қария бунга эътибор бермаган. У жавохирлар ўғирланганини билгандан кейин бирданига нккита одамдан бошқа ҳеч ким ўғирламаган деб шубҳа қилтан. Бунинг бири — Хорбури. Чунки у пўлат сандиқнинг кодини билган, бу ишни кечаси амалга ошириши мумкин. Иккиси — сиз.

Мистер Ли зудлик билан бунинг чорасини кўрмокчи бўлган. Шунинг учун у менга телефон қилиб тезда етиб кел, деган. Кейин сизни тушликдан кейин хонасига чақиртирган. Сиз киргансиз, у эса сизни ўғирлик қилганида айبلاغан. Сиз тан олмагансиз. У эса бўйинга олишга мажбур қилтан. У ёғи нима бўлганлиги менга қоронги: балким невараси эмаслигингизни найқаган ва учига чиқкан фирибгар эканлигингизни билган. Ҳархолда айбингиз фоип бўлганда сиз уни сўйиб ташлагансиз. Ўртада олишув кетгану, у бакира бошлигани. Бу ёғига эшикни йўлак томондан қулфлагансизу, бориб тахмондаги ҳайкалчалар олдига чиқиб олгансиз.

Пилар кичкириб юборди:

— Ёлғон! Тұхмат бу! Брильянтларни мен ўғирлагашым йўқ! Уни мен ўлдирмаганман! Худони үртага қўйиб касам ичман.

Сағден кескин қилиб деди:

— Үнда бу ишларни ким килди? Ўзингиз айтдингизку, ахир мистер Лининг эшиги олдида бирорин кўргандек бўлувдим деб. Сизнинг гапларинигиз бўйича хукм чикарадиган бўлсак, котил ўша. Лекин тахмоннинг олдидан бирон кимса ўтгани йўқ. Бизда сизнинг гапларингиздан бўлак ҳеч қанака далил йўқ. Бошқача қилиб айтганда, ўзингизни оқлаш учун бу гапларни тўкиб чи-кардингиз.

Жорж Ли ғазабланиб шундай деди:

— Ҳа, бу киз отамниң қотили! Кўрга ҳассадай аён! Мен доим отамни бегона одам ўлдирган деб айтардим-ку! Бу котилликни оила аъзоларидан бири амалга оширган деб ўйлаш бориб турган бемаънилик. Бу... бу... акл бовар юлмайдиган иш.

Пуаро стулда бир қўзғалиб олди-да, гапга аралашди:

— Фикрларингизга кўшилмайман, — деди у. — Агар Симеон Лининг табиатини эътиборга оладиган бўлсак, буни унинг зурриётидан бири амалга оширган бўлиб чи-кади.

— Нима? — Жоржнинг жағи кийшайди, у Пуарога тикилди.

Пуаро давом этди:

— Менинг фикримча, бу ишни худди оила аъзоларидан бири амалга оширган. Қотил бу ишни адолат юзасидан, асосли сабаблар билан қиляпман деган тасаввурда бўлган.

Жорж кичкириб юборди:

— Биронтангиз деяпсизми? Мен эътиroz билдираман... — Пуаронинг овози эътиrozга ўрин қолдирмайдиган даражада асосли янгради:

— Мана шу ерда хозир бўлганларниң ҳар бирига айб такиш мумкин. Келинг, мистер Жорж Ли, сиздан бошлай қолайлик. Сиз ўз отангизни ҳеч качон яхши кўрмагансиз. Сиз пули учун унга сохта муомала қилиб юргансиз. Ўладиган куни сизга бундан буён бериб турадиган пулинни камайтирмокчи эканлигини маълум килган. Сиз эса отангиз ўлгандан кейин каттагина мўмай

пулга эга бўлишнингизни билгансиз. Мана сизга далил. Тушликдан кейин сиз телефон қилинга борганиман деб бизни ишонтиргансиз. Сиз хақиқатан ҳам телефон килгансиз. Лекин телефонда беш дақика гаплашгансиз, холос. Шундан кейин отангизнинг хонасига кўтарилиган, у билан сухбатлашиб ўтиргансиз, кейин ўлдириши учун унга ташлангаи бўлишингиз мумкин-ку. Кейин хонадан чиқиб эшикни ташкаридан беркитиб кетгансиз. Ишни саранжом қилиб бўлиб, бутун айб ўғрига, ўғрининг бўйшига тушади деб ўйлагансиз. Вахимада деразани очиб қўйинши унугансиз. Чунки дераза очик бўлгандан кейин ўғри деразадан кочиб кетиши мумкин эди-да, бунда эшикни кулфлашнинг хожаги бўлмасди. Бу, албатта, бемаънилик. Лекин кечирасиз, тўғрисини айтсан, сиз бориб турган ахмок одамсиз.

— Шундай бўлса-да, — деди Нуаро бир оз сукутдан кейин, — жуда қўп ахмок одамлар жишоятчи бўлишган. — Нуаро сукут килгандан Жорж бир неча бор гапга оғиз жуфтлади-ю, лекин хеч нарса демади.

Нуаро Мегдалинга ўғирилди.

— Бу хонимга ҳам айб қўйинги асослар бор. Назаримда, Мегдалин қарзга ботган. Отангизнинг ҳар гапда чакиб олишилари уни нокулай ахволга солиб қўйган. Унда эътиroz қилиши учун хеч канака асос йўқ. Телефон қилиш учун борди-ю, лекин қўнғироқ қилмади. Унинг бизга ўзини оқлаб айтиб берган гапларидан бўлак қўлимида хеч канака далил йўқ...

— Кейин, — давом этди Нуаро, — мана, мистер Дэвид Лиши олайлик. Биз бир эмас, кўи мартараб бу оиласи қасоскор оила деб, Лиши бўлса, кекчил деб эшиганимиз. Мистер Дэвид Ли отаси онасини қандай хўрлаганини унугмаган ҳам, шу сабабли уни кечирмаган ҳам, отасининг мархум онасига нисбатан килгани кўпол муомаласидан пичок бориб суюкка қадалган бўлиши мумкин. Дэвид Ли котиллик содир бўлган оңда шианишо чалиб ўтирганини уқтириди. Тасодифни қаранг, «Ўлим марши»ни чалиб ўтирганини. Бир тасаввур килинг-а, кимдир бирор «Ўлим марши»ни чалиб ўтирибди, кимдир бошқа бирор бу одамининг кўнглидагини билиб, унинг истагини бажо келтиряпти.

Хилда Ли аста деди:

— Куракда турмайдиган айб...

Пуаро унга ўгирildи.

— Хоним, мен сизга бошқача нұктай назардан келиб чиқиб айб қўяман. Бу котиллик сизнинг қўлинигиз билан амалга оширилган. Сиз кечириш учун нолойик бўлган бир қабих одамни йўқ килиб адолатни рўёбга чиқариш учун юқорига кўтарилигансиз. Сиз, хоним, ғазабга минганды ўзини гиёлмайдиган даҳшатли одамлар сираасига кирасиз...

Хилда:

— Мен ўлдирганим йўқ, — деди.

Катта инспектор Сагден дарров кўшимча килди:

— Мистер Пуаро ҳак. Мистер Альфред Ли, мистер Харри Ли ва миссис Альфред Лидан ташқари ҳаммага айб қўйинш мумкин.

Пуаро хотиржамлик билан деди:

— Мен ҳатто бу учаласини айбсиз дёслмайман.

— Ихтиёрингиз, мистер Пуаро, — эътиroz билдириди катта инспектор.

Лидия Ли:

— Мистер Пуаро, менга қанака айб қўймокчисиз? — деди.

У шундай дер экан, такаббурлик билан қопини чимириб, масхаромуз илжайиб қўйди.

Пуаро сал эгилиб гангга тушди:

— Сизни айловчи далилларни бир ёкка қўйиб турайлик, далил керагича бор. Бопика нарсалар ҳакида гаплашайлик. Сиз ўша оқшом шохи қўйлак кийиб, елкангизга йирик гулли рўмол ташлаб олгандингиз. Эслатиб қўяй, эшик оғаси Тресилиан шабқўр, узокни кўрмайди. У сал наридаги нарсанни аниқ ажратолмайди. Шуниям айтиб қўяйки, меҳмонхонангиз жуда катта, қандилга қўйилган шамлар хира ёритади. Ўша оқшом Тресилиан қаҳва лислаларини олиш учун меҳмонхонага киришдан бир дакиқами, икки дакиқами олдин қаттиқ бакириқчақириқ овозини эшитган. Тресилиан сизни одатдаги киёфада четдаги деразанинг ярми очиқ оғир парласи олдида кўргандай бўлган.

— Ҳа, у мени ҳақиқатан ҳам кўрган эди, — деди Лидия Ли.

Пуаро давом этди:

— Мен Тресилишта елкангиздаги рўмолингиз нарда-га ёнишиб тургандай бўлиб кўринганлиги эҳтимолдан холи эмас, деб ўйлайман. Бу нарса у ерда сиз турган бўлсангиз керак деган тасаввурга олиб келган.

— Ха, у ерда мен турган эдим, — деди Лидия.

— Бундай деб тахмин килишга қандай журъат килдингиз... — Альфреднинг жаҳли чиқиб кетди.

Харри унинг ганини бўлди:

— Кўявер, гапираверсин, Альфред. Энди гал бизга келди. Вокеа содир бўлганда Альфред иккаламиз ошхонада эдик. Альфред шамолниям раво кўрмайдиган отасини ўлдирганини қандай изоҳлаб бераркансиз.

Нуаро табассум килиб кўйди.

— Бу жуда осон, — деди у. — Бунга даъиллар керагидаи ҳам ортиқ. Сиз иккала ака-укалинг бир-бирингиз билан ит-мушук эканлигинги отнинг қашқасидек ҳаммага маълум, сиз акангизнинг устидан намойишкорона кулиб юрасиз. Акангиз бўлса, сиз ҳакингиизда бирон оғиз бўлса-да, ширин сўз айтмайди. Шундай деб тасаввур килайлик: булар бари ўйин — келишмовчилик бўлса жуда усталик билан ўйлаб топилган режа. Дейлик, Альфред Ли талабчан, бунинг устига каттиқўл отасининг хизматини килавериб жонига теккан. Шунинг учун иккалангиз бирмунча вакт муқалдам келишиб олгансиз. Демак, режа тайёр. Сиз ўз ота уйингизга келасиз. Альфред келишингиздан ғазаблангандек туслага киради. У ўзини сизга душмандек тутади. Сиз ҳам ундан нафратланаётгандек тутасиз ўзингизни. Ана шундан кейин сизлар оқилона режалаштирган ва котиллик содир бўлган куни ҳам этиб келади. Биттангиз ошхонада колиб шеригингиз билан сўзлашаётгандек катник-катник ганириб турасиз. Иккинчингиз эса юқорига чиқиб отани саранжомлаб чиқасиз...

Альфред ўриидан туриб кетди.

— Иблис экансиз, — деб кичкириб юборди у, — инсон киёфасидаги иблис экансиз...

Садеи Нуарога хайрон бўлиб қараб:

— Сиз ростдан ҳам шундай деб ўйляйпсизми? — деб сўради.

— Мен бўлиш эҳтимоли бор бўлган ҳолатларни айтиб бердим, холос. Шундай бўлиши мумкин эди. Аслinda

нима бўлганини ходисаларнинг зохирий томонидан ботиший томонини таҳлил қилиш асосида билиб оламиз...

Бир оз сукутдан кейин у сўзини давом эттириди:

— Биз, илгарилари уқтирганимиздек, Симеон Лининг табиатидан келиб чиқиб, воқеаларни таҳлил қилганимиздагина қотилликниң тагига етишимиз мумкин...

VI

Орага бир оз жимлик чўқди. Қизик, содир бўлган кўнгилсизликлар барни бирдан гойиб бўлди. Ҳамма Эркюль Пуаронинг таъсири остида қолди. У аста ганини давом эттирганда ҳамма унинг оғзиға қараб қолган эди.

— Шунақа, ҳамма нарса факат шунга боғлик бўлиб қолди. Биз Симеон Лининг юрагига ва миясига чукур кириб боришимиз, у ерда нималар ғужрон ўйнаганлигини билиб олишимиз керак. Ахир инсон бекорга яшаб, ўзидан ўзи ўлиб кетавермайди-ку. Унда нима бўлса, ўзидан кейинги авлодга ўшани мерос қилиб қолдиради.

Симеон Ли ўз ўғил-қизларига табиатида бўлган нарсалардан нимани қолдириши мумкин эди? Биринчи навбатда ғурурини, ўз пуштикамаридан бўлган фарзандлари томонидан топталган, оёқости қилнган ғурурини. Кейин чидам-саботни. Бизга ким Симеон Лига нима ёмонлик қилган бўлса, у ракибидан ўч олишни узок йиллар машакқат билан кутади дейишган эди. Кўряпсизми, табиатидаги бу жихат ташки томонидан у қадар ўзига ўхшамаган ўфилларига ўтган. Маълумки, Девид Ли хам бирорда алами бўлса, узок йиллар кўнглига тугиб юриши мумкин. Харри Ли болалари ичидаги киёфаси отасига энг ўхшайдигани. Қиррабурун, ёноклари, бошини мағур кўтариб юришлари қўйиб қўйғандек худди отасининг ўзи. Менимча, масалаи, бошини оркасига ташлаб қах-қах уриб кулишлари, шунингдек, энгагиш қашлаб қўйишлари хам отасидан ўтган.

Шуни хисобга олиб, ишонч ҳосил қилдимки, қотиллик марҳумга алокадор одам томонидан содир этилган. Шундан кейин оила аъзоларини рухий жихатдан таҳлил қилишига қарор қилдим. Бошқача қилиб айтганда, оила аъзоларидан қайси бирни рухий жихатдан бу шига кодирлигини аникламоқчи бўлдим. Кейин иккита одамгина бу

ишига кодир деган хулосага келдим: булар Альфред билан Дэвиднинг хотини Хилда Ли. Дэвид одам ўллиролмайди, деб бунга қўшмадим. Бундай кўнгилчан одамнинг қўлидан шу қадар кон тўкиш — одамни сўйишдек берахмлик келмайди деб ўйладим. Худди шундай, Жорж Ли билан унинг хотинини хам хисобдан чиқардим. Улар қай даражада кизиккон бўлишмасин, бундай таваккалчиликка боришига кўзим етмади. Улар иккаласиям жуда эҳтиёткор. Миссис Альфред Ли бўлса, ишончим комил, котилликка умумаш нокобол. (У факат кесатишни билади.) Харри Лига келганда иккиланиб қолдим. Унинг бир оз каттиқўллиги бор, лекин шунча чакқон, тутган ерини кесадиган йигит бўлгани билан аслида лаванг, бўш. Билишимча, марҳум отаси хам худди шу фикрда бўлган. Харрининг бошқа болаларимдан бир туки ортиқ эмас, деган эди у. Шундай килиб, энди юкорида эслатганим иккита одам қолди. Альфред Ли бировга боғлананиб қолса, қулоқ қоқмай холис хизмат килиш унинг табиатига хос. У ўзини тутиб узок йиллар бошқа бир одамга хизмат килишга кўникиб кетган. Бундай ҳолда бир кун бориб унинг ғалаёнга келиши, портлаши кутилмаган ҳол бўлмайди. Бунинг устига, отасининг зуфумидан порозилиги кундан-кун ортиб борса-ю, бу кўкрагида мадда боғлаб йигилиб ётган бўлса, худди мана шундай, жудаям юмшок, мулоийим одамларгина ўзини идора килолмай қолганда ҳар қандай разил ишига қўл уриб кўядиган холлар тез-тез учраб туради. Жиноятга қўл уриши мумкин деб ўйлаганим иккинчи шахс — Хилда Ли. У тамагирлик билан бўлмаса хам хонаси келганда конуши рўкач килиб ҳар қандай ишини килиш мумкин деб ўйлайдиган одамлар сирасига киради. Бунақа одамлар мухокамаям қиласди, одам ҳам ўлдиради. Қадимий нациномаларда битилган Иаиль билан Юдифлар мана шундай одамлардан бўлган.

Энди ана шундай тахлиллардан кейин котилликнинг содир бўлиш ҳолатига ўтамаси. Биринчидан, дастлаб кўзга ташланадиган ва одамни хайрон қолдирадиган нарса шуки, котилликнинг қандай содир бўлгани. Бу одамнинг ақлига сиғмайдиган ҳолат. Симеон Лининг мурдаси ётган хонани хаёлан кўз олдингизга келтиринг. Эслаб кўрсангиз стол, ўринликлар ағдарилиб ётарди, чирок,

ідиш-товор, ойна ва бошқа нарсалар чил-чил бўлиб кетганди. Энг ҳайрон қолдирадигани зил-замбил қизил дарахтдан ясалган стол ва ўриндикларининг ағдарилиб ётиши, кучсиз, рамакижон бўлиб қолган чол билан унинг ракиби орасидаги олишувда шундек оғир нарсаларининг ағдар-тўнтар бўлиб кетишини тасаввур қилиб бўлмайди. Булар хақиқатга тўғри келмайди. Агар дейлик, Симеон Ли бакувват, кучли одам томонидан ўлдирилган бўлганла, жиндай калласи ишласа, бундай маизарани яратмаган бўларди. Ган шундаки, бу ерда Симеон Ли аёл киши ёки жисмонан ичор одам томонидан ўлдирилган деган тасаввур туғдириш учун атайлаб шундай килинган.

Лекин бундай тадбир хам нихоятда ишончсиз, чунки ағдарилиб-тўнтирилаётган мебеллар хаммани оёкка турғизиб юбориши мумкин эди, котилнинг эса яшириниши учун вакти қолмасди. Шунинг учун ҳар қандай одамга хам Симеон Лини сўйини учун иложи борича тинчлик бўлиши аскогади.

Иккинчи аклга сиёмайдиган нарса хонанинг эшиги ташкаридан қулфлиги. Буям ғалати, бундан у ердаги одам ўзини-ўзи ўлдириган бу жараёнда бунга хеч ким гувоҳ бўлмасин, деган тасаввур хосил бўлиши мумкин. Ёки бирор ўлдириб деразадан тушиб қочиб кетган деса, дераза хам зич ёнилган эди. Ундан бирор чиқиб кетолмасди. Ундан ташқари, котил қочиб кетинши учун хам маълум вакт талаб қилинади, вакт эса умуман йўқ эди.

Яна бир тушунарсиз нарса бор, бу Симеон Лининг гункасига мослаб кесилган резинка билан катта инспектор Сагден меңга кўрсатган таёкча. Буларни қотиллик содир этилганда ластлаб югуриб киргандардан бири ердан олган, бу нарсалар хам ўз-ўзидан хеч нарсани аён килмасди. Лекин булар нима учунлир ўша ерда бор эди.

Шундай килиб, кўриб турганингиздек котиллик боргани сари тушунарсиз, ғайритабиний тус олиб борянити. Унда қандайдир изчиллик, маълум усул кўришмаяпти ва нихоят бефаросатларча қилинган котиллик бўлиб кўзга ташланяпти.

Энди биз ечими кийин бўлган бошқа бир тўсикка рўпара бўламиш. Кагта инспектор Сагденни мархум таклиф килган, у ўнирлик содир бўлганлигини маълум килиб,

бир ярим соатдан кейин уйига келишини сүраган. Нима учун? Симеон Ли невараasideми ё бирон бир оила аъзолариданми шубхаланган бўлса, шубхаси асосли ё асоссиз эмаслигини аниклаб олгунча нега катта инспектор Сагденни шастда кутиб туришини илтимос қилмаган? Ўнда катта инспекторниң туриши айбордога ёмон таъсир килиши мумкин эди-ку.

Энди биз диккатимизни нафакат қотилниңг, балки Симеон Лининг ўзининг ҳам акл бовар қилмайдиган холатларига каратайлик.

Ўзимча бу холатларни мутлақо бемаънилик деб биламан! Нима учун? Биз ҳодисаларга бошқача кўз билан қарайпмиз, тўғриси, қотил қандай кўришимизни хоҳласа шундай кўряпмиз...

Мана бу аҳамиятсиз учта нарсага эътибор қнлинг: қотил билан олишув, эшикнинг ташкаридан қулфланиши, резинка парчаси. Мана бу учта нарсани диккат билан шундай таҳлил килиш зарурки, ундан керакли маълумотлар бўртиб чиқсин. Мен ҳамма нарсанни калламдан чиқариб таштайман, қотиллик рўй берган холатларни унугашга интиламан, кейин бу учта нарсанинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил кила боштайман. Мен ўзимга олишувдан мақсад нима деб савол бераман. Бу зўрлам... қон тўкиш... тўполон. Калит-чи? Нега калит ичдан қулфланган? Бирор киролмаслиги учунми? Калитнинг бу ерда дахли йўқ, чунки эшик деярли бузилган эди. Ёки бирон кимсани хонадан чиқармаслик учун қулфланганми? Ё бўлмасам, бирорни чиқариб юбориш учунми? Унда бир парча резинка-чи? Ўзимча бир парча резинкадан бошка кўлга илинадиган нарса йўқ, деб кўяман.

Шунинг учун сизлар бунда эътиборга молик хеч нима йўқ дейиншигиз мумкин. Шунга қарамасдан бу фикр унчалик тўғри эмас. Зотан, уч таассурот: шовқин-сурон... яккалапиб қолиш... маънисизлик бизни тарк этмай қолаверади.

Бу таассуротларни мен муқаддам санаб ўтган икки одамдан биронтасига таққослаб кўрсак бўладими? Йўқ. Овоз чиқармасдан ўлдириш Альфред Ли учун ҳам, Хилда Ли учун ҳам нихоятда қулай эди. Эшикни ташкаридан қулфлаш эса фирт ахмоклик, резинка парчаси эса хеч нарсалан дарак бермайди.

Лекин барибир мен шунга аниқ ишонаманки, бу котиллик пухта ўйлаб, пишитиб олинган режа асосида амалга оширилган, бу тасодифий хол эмас. Энг асосийси режа бажарилган. Шунинг учун нима бўлган бўлса – ҳаммаси аниқ режалаштирилган.

Шундан кейин ҳамма нарсани ўйлай-ўйлай калламда ярқ этган фикр уйғонди.

Қон... шунча кўп қон... ҳаммаёқни қон босиб кетган... Яиги, оёққа чилл-чилл ёпишадиган қон... қон... ҳалқоб бўлиб ётибди.

Шундан кейин ярқ этиб калламга иккинчи фикр урилди. Бу жиноят қон, жиноятнинг ўзи эса қонга коришган. Яъни Симеон Лининг қони ўзига қарши далил, гувоҳ сифатида кўз ўнгимда гавдаланди.

Эркюль Нуаро бир оз олдинга эгилди.

– Бу муаммони ечишнинг иккита калити беихтиёр иккита одам томонидан бизга тақдим қилинди. Биринчи калит миссис Альфред Ли «Макбет» асаридан иқтибос килган: «Ким ўйлабди қари одамда шунча қон бўлади деб», мисраси. Иккинчиси. Эшик оғаси Тресилианинг шабкўрлиги. У бу хонадонда шундай воқеалар рўй беряптики, акл бовар килмайди, одамларни бир-биридан ажратолмай адапиб кетяпман деб шикоят қилиши. Тресилиан эшик қўнғироги жиринглаганда бориб очса, Харри Ли келибди. Эртасига яна эшик жиринглабди, борса Стивен Фарр.

Нима учун Тресилиан адашиб кетади? Харри билан Стивен Фаррга бир каранглар – нимага адашаётганилигини ўзингиз тушуниб оласиз. Улар иккаласи қуйиб қўйгандек бир-бирига ўхшаш. Шунинг учун эшик оғаси Стивен Фаррга эшик очганда уни Харри деб ўйлаган. Унга рўпарасида ҳар икки сафар ҳам битта одам тургандек бўлган. У бугун яна одамларни чалкаштириб юборяпман, деди. Бунинг ажабланарли ери йўқ! Стивен Фарр қиррабурун, унинг бошини орқага ташлаб қулиб юборадиган, энгагини қашлаб қўядиган одати бор. Симеон Лининг ёшликтаги расмига бир разм солинг. Шунда унинг Харри Лигагина эмас, Стивен Фаррга ҳам қуйиб қўйгандек ўхшашини билиб оласиз.

Стивен кимиirlаб қўйди. Стул ғичирлади, Нуаро давом этди.

— Симеон Лининг жizzакилигини, оила аъзоларини сўкиб узундан-узун вайсанларини эсланг. Ҳатто у ўз шуштикамаридан бўлган ўғилларидан кўра никоҳсиз хотинндан туғилган ўғиллари аклироқ, уддабурроироқ эканлиги учун қасам ичишга ҳам тайёр бўлган. Биз яна Симеон Лининг табиати масаласига қайтамиз. Симеон Ли жазманларининг кўнглини овланига уста эди-ю, лекин ўз хотинининг бошига не-не кунларини солмасди. Симеон Ли дэярли бир-бiri билан тенгдош бўлган ўз ўғилларин учун ҳатто шахсий сокчи ёлтамокчилигини Пиларга мактаниб гапириб берган эди. Шундай қилиб, мен Симеон Лининг хонадоинида ўз қонуннй оила аъзоларидан бопиқа тан олинимаган, ҳеч ким билмайдиган никоҳсиз хотинидан туғилган бошқа ўғели ҳам бор, деган хуло-сага келдим.

Стивен ўрнидан туриб кетди. Нуаро унга қараб деди:

— Сизнинг кўнглинигиздаги гап худди майа шу эди, тўғрими? Поездда танишган қизингиз билан бўлган гаплар сизни унчалик қизиктиргмаган. Ахир сиз қиз билан учрашмасдан олдинрок поездга мингандай эдингиз. Сиз менинг отам қандай экан ўзи, деган ўй билан келаётгандингиз.

Стивенинг юзи оқариб кетди. У хириллаб, бўғик овозда шундай деди:

— Ҳа, мен доим шу ҳақда ўйлардим.... Онам отамнинг кимлигини тоҳо-тоҳо гапириб қўярди. Унинг қанака одамлигини кўришнинг ўзи аслида нирт жинниликтан бошқа нарса эмас. Мен озгина пул жамғариб Англияга келдим. Унга кимлигимни айтмоқчи эмасдим. Ўзимни кари Эбанинг ўғели деб танитдим. Мен факат бир сабаб билан — отамини ўз кўзларим билан кўриниш учунгина келдим.

Катта инспектор Сагден дэярли пицирлагандай қилиб, деди:

— Э худо, кўзларим кўр бўлган экан-а... Энди очилди. Иккى марта сизни мистер Харри деб қабул қилдим, кейин адаптанимга ишондим, шундай бўлса-да, барибир кўнглим тўлмади.

Кейин у Пиларга ўғирилди.

— Ахир шундай бўлганди-ку, а? Сиз мистер Лининг ошиги олдида Стивен Фаркин кўрган эдингиз-ку? Эсим-

да, ўшанда сиз унга караб туриб иккиландингиз, кейин у аёл эди, леб күя қолдингиз. Сиз Фаррни кўрган эдингиз, лекин уни согиши хохламадингиз.

Енгил қадам товушлари қулоққа кирди. Хилда Лининг қаттиқ овози эшитилди.

— Йўқ, — деди у, — нотўғри. Шулар мени кўрган эди.

— Сизнами, хоним? — сўради Пуаро. — Менам шундай деб ўйлагандим...

Хилда секингина деди:

— Ўз-ўзини ҳимоя қилиш сезгиси инсоннинг энг улуғ туйғуларидандир! Мен ҳеч қачон бундака кўркоқман деб ўйламаганимман. Индамаганимнинг боиси қўрккан эдим.

— Эди бор гапни айтнб берарсиз? — сўради Пуаро. У бош иргади.

— Биз Дэвид иккаламиз мусика хонасида эдик. У куй чалаеттанди. Ғалати кайфиятда эди. Ўзим ҳам озги на хавогирда эдим. Чунки уни бу ёкка келнишга асосан мен зўрлагандим. Шунинг учун ўзимда қандайдир жавобгарлик туйғусини хис қиласдим. Дэвид «Ўлим марши»ни чала бошлади. Қанчалик ғалати туюлмасин, шу куни кечқуронок биз зудлик билан кетамиз, деган карорга келдим. Мен аста мусика хонасидан чиқиб, юқори қаватга кўтарила бошладим. Максадим қайнатамга кетишимизнинг сабабини очик-ойдии айтмоқчи бўлган эдим. Йўлак бўйлаб бориб унинг эшигини такиллатдим. Жавоб бўлмади. Яна такиллатдим, бу сафар қаттирок. Яна ҳеч қандай садо бўлмади. Кейин эшик туткичини бураб очмоқчи бўлдим, қарасам эшик қулфлоғлиқ. Мен нима қилсан экан дея иккиланиб турган эдим, бирдан ичкари хонадан шовкин-сурон эшитилиб қолди... — Хилда гандан тўхтади.

— Гапимга ишонмайсизлар, биламан, лекин бу тўғри гап. Ичкарида кимдир бор бўлиб, мистер Лига ҳужум қиласди. Стол, ўриндикларнинг ағдарилиб-тўнтарилиши, ойналару чинниларнинг чил-чил синишни қулоққа кирди. Бирдан жуда қаттиқ ваҳшиёна кичкирикни эшитиб котиб қолдим. Кейин орага сукунат чўқди.

Нима қилишимни билмай туриб қолдим. Турган жойимда кимирлай олмадим. Кейин мистер Фарр, Мегдалин ва бошқа ҳамма югуриб келишди. Мистер Фарр

билан Харри эшикни ура кетишиди. Эшик ағдарилиб, ичкарига кирдик. Қонға беланиб ёттан мистер Лидан бўлак хонада хеч ким йўқ эди.

Хилда овозини кўтарди-да, хайқириб юборди:

— У ерда бошқа хеч ким йўқ эди! Ҳеч ким! Тушуняпсизларми? Хонадан хеч ким чиқиб кетгани йўқ...

VII

Катта инспектор Сагден чуқур нафас олиб, деди:

— Ё мен аклдан озгайман, ё бошқалар. Сиз айтиб берган гап, миссис Ли, бунақа бўлиши мумкин эмас, бу тентаклик!

Хилда Ли хаяжонланиб кетди:

— Мен нимани эшитган, кўрган бўлсан, шуни айтиб беряпман. Қарияни бўғизлаганда қандай қичқиргани, уларнинг қандай олишганини ўз қулоғим билан эшитдим. Лекин хонадан хеч ким чиққани йўқ, ичкарида бирон кимса йўқ эди.

Эркюль Пуаро леди:

— Ҳаммасини қўра-била туриб шунча вактдан буён индамай юрдингизми?

— Ха, — Хилда Лининг ранги оқариб кетди. Кейин каттийи қилиб деди: — Чунки эшитган, кўрган-билганларимни батафсил айтиб берадиган бўлсан, сиз котил деб мени ўйлашингиз, жилла қурса, котилликда гумон килишингиз мумкин эди.

Пуаро калласини кимиirlатди.

— Йўқ, — деди Пуаро, — уни сиз ўлдирганингиз йўқ. Уни ўз ўғли ўлдирган.

Худо урсин, мен унга қўлимниям теккизганим йўқ! қичқириб юборди Стивен Фарр.

— Сиз хам эмас, — деди Пуаро. — Унинг сиздан бошқаям ўғли бўлган.

— Бу ёғи қандок бўлди... — тўнгиллади Харри.

Жоржнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди.

Дэвид кўзларини ишқалади. Альфред эса кўзиши шириллатди.

— Мен котиллик содир бўлган ва мен биринчи бор бу ерга келган оқшом, — деди Пуаро, — кўзимга арвоҳ кўрингани эди. Бу марҳумнинг рухи эди. Харри Лини

биринчи бор күрганимда хайрон қолғандым. Худи уни илгари ҳам қаердадир күргаңдек бүлган әдим. Кейин унинг юз тузилишларига диккат килиб тикилдим, тикилдим, бола ҳам отага шу қадар икки томчи сувдек ўхшайдими, деб ўйладым.

Лекин кечаке менинг рўпарамда ўтирган инсон калласини орқага ташлаганча қах-қахлаб кулиб юборди. Ўшанда Харри Ли менга кимни эслатиб юборгани эсимга тушиди ва мени яна бошқа бир одамнинг юзларидага мархумга ўхшаш белгиларни ўзимга кашиф килдим.

Бечора кари Тресилиан бир-бирига ўхшаш иккита эмас, уч кишига эшик очиб эсанкираб қолгани ажабланарли эмас. У якин масофада турганла бир-бирига жула ўхшаш учта одам юрибди бу хонадонда деб тан олгани ҳам ажабланарли эмас. Бир-бирига қуийиб қўйғандек ўхшаш қиёфа, бурунлари қиррабурун, бошини орқага ташлаб кулишлари, энгагини силаб қўйинилари, юз тузилишлари бир хил одамлар. Учинчи одам мўйлов қўйиб олганлиги сабабли улардаги ўхшашликни фарқланаш осон эмасди.

Пуаро олдинга энгашди.

— Баъзан полиция зобитлари ҳам ҳаммамизга ўхшаш одам боласи эканлигини, уларнинг ҳам хотин, бола-чакалари, оналари борлигини унугтиб қўйишади. — У бир оз тин олди. — Оталари борлигинаш... Симеон Лининг бу ерда, шу вилоятда қандай обрў-эътиборга эга бўлғанилигини эслаб кўринг-а, у хотинлар билан юравериб, ўз хотинининг юрагини вайрон қилган эди. Унинг шикоҳсиз туғилган ўғлига отасининг табиатидаги кўп нарсалар ўтган бўлиши табиий. Отасининг киёфаси, имо-ишораси-ю, хатто феъл-атворигача ўхшашиг мумкин. Ўша ўнилга отасининг суруриям, сабр-гокати-ю қассоскорлигиям мерос бўлиб ўтиши ҳакикатдан йироқ эмас.

Пуаро овозини кўтарди:

— Сагден, сиз умр бўйи отангиз ўтказгани зуғумдан ғазабланиб келгансиз. Менинг назаримда, сиз шунинг учун узок вактдан буён ўз отангизни ўлдириш пайинга тушгасиз. Сиз кўшини графликда туғилгасиз. Онангиз Симеон Ли сахийлик билан бериб турган катта-катта шуллар эвазига ўз боласига ота бўладиган одамни топиб олиши шубҳасиз эди. Сиз Миудленира полиция маҳка-

масига осонгина ишга кириб олишингиз ва қулай фурратин кутиб юришингиз унчалик қийин эмас эди. Чунки полициянинг катта инспекторида одам ўлдириб жазосиз колиш учун имконият катта бўлади.

Садденинг ранги докадай окариб кетди.

— Сиз аклдан озисиз! У ўлдирилганда мен уйда бўлмаганман, — деди у.

Пуаро калласини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, сиз уни биринчи келганингиздаёк ўлдириб кетгансиз. Кетганингиздан кейин уни ҳеч ким тирик кўрмаган. Бу сиз учун хамирдан кил суғургандек осон иши эди. Ха, Симеон Ли сизни кутган эди, лекин у сизга мутлако қўнғирок килмаган. Бўлаётган ўғирликлар хақида шама килиб сиз қўнғирок қилгансиз. Унга полицияда хайр-эхсон учун шул жамғарилаётганини важ қилиб унинг ёнига кечсурин соат саккизлар атрофида келишингизни маълум қилгансиз. Симеон Ли бундан ҳеч қандай шубҳага бормаган. У сиз ўз ўғели эканлигингизни умуман билмаган. Келиб, ўғирларнинг брильянтларни алмаштириб қўйилаётгани хақидаги олди-қочди гапларини тапириб бергансиз. У бўлса пўлат сандигини очиб, ўзининг брильянтлари хақиқий эканлигини, улар ўз жойида турганлигиши айтган, сиз бўлсангиз, ундан кечирим сўраб, Симеон Ли билан бирга камин ёнига келгансиз, кейин кулай пайт тошиб овоз чиқармаслиги учун обзини кўлингиз билан маҳкам ёниб туриб, бўғзига пичок тортиб юборгансиз. Сиздай барзангি учун бу ишлар осон, чумчук сўйгандай гап.

Кейин бу манзарани ясашга киришгансиз. Брильянтларни олгансиз. Стол, ўриндикларни, чироқ ва идиш-оёқларни бир жойга тўплаб, белингизга боғлаб олган иими, чилвирми билан уларнинг орасидан ўтказиб ўрагансиз. Ўзингиз билан бирга озгина аччик натрий-лимон қўшилган мол қопини ҳам олиб келгансиз. Бу қонни хонага яхшилаб сочгансиз, кейин халқоб бўлиб турган Симеон Лининг қонига ҳам натрий лимондан сочгансизда, мурда котиб қолмаслиги учун каминга ўт ёккаансиз. Шундан сўнг деразадаги тор тешикчадан ипнинг икки учини настга туширгансиз. Ип ташқаридан деворга осилиб турган. Сиз бўлсангиз, хонадан чикиб, ичкаридаги калитни бураб эшикни ташқаридан беркитгансиз. Бирон

кимсага ташқаридан хонага кириш учун хеч қандай имконият қолдирмагансиз.

Кейин сиз брильянтларни бөгнинг майда кум ёткисилган майдончасига яширгансиз ва буни эртами-кечми барибир топиб олишади, деб ўйлагансиз, бундан кейин ҳакиқий ниятим амалга ошади, яъни шубҳа онла аъзоларидан бирига тушади, деб ўйлагансиз. Кейшироқ, соат тўққиздан ўн беш дақиқа ўтганда кайтиб келиб деворда осилиб турган ишни тортиб олгансиз, ана шунда бирбирига қалаштириб ўраб ташлаиган хар хил асбоб-анжомлар қасир-кусур килиб аёдарила бошлаган. Ишни бўлса, костюминишизниң остидан ичингиизга ўраб яширгансиз. Лекин сизнинг яна бир бошқа усулингиз бор эди.

Пуаро бошқаларга қаради.

— Эсингиздами, ҳамманги мистер Лининг ўлим олдидаги қичқириғини тасвиirlаб бергандингиз. Сиз, мистер Ли, буни ўлим олдидаги талваса дегандингиз. Дэвид Ли, сиз хотинингиз искалангиз «дўзах ўтида ённати», деган иборани ишлатгандингиз. Миссис Дэвид Ли бўлса, аксинча, қайдайдир вахшиёна қичқириқ, молният бўкиришига ўхшашиб овоз эштилди, деганди. Харрин Лининг тасвири ҳакиқатга анча якни келади. У сўйилаётган чўчка-нинг чинқириғига ўхшашиб овоз эштилди деган эди.

Бозорда сотиладиган узун қизғиш шарни кўрганмисизлар? Унга чўчқанинг башараси чизилган-да, тагига «чўчқанинг жон бериши», деб ёзиб қўйилган. Шарнинг оғзи очиб юборилса вахшиёна ҳайкирикка ўхшашиб овоз чиқади. Сагден, сизнинг сўнгиги ўйинингиз биттаси шу эди. Сиз хонага шундай шарлардан биттасини ўрнатгансиз-да, оғзига таёкча тикиб қўйгансиз, таёкчани эса ҳалиги ишга боғлагансиз. Ишни тортганингиздан кейин гаёқча шарнинг оғзидан чиқиб кетган ва шардан овоз чиқа бошлаган. Буига мебеллариниң турсиллаб қулапилари қўпилиб овоз жон талвасасидаги чўчқанинг чинқириғига ўхшаб кетган.

Эркюль Пуаро бошқаларга ўғирилди.

— Эди Нилар Эстравадос ердан шима олганини биласизларми? Катта инспектор бир парча резинкасини бирор ердан олмасдан бурун етиб бориб оламан деб умид қилган эди. Лекин уни ердан тезда Нилар намойишко-

рона күтариб олади. Лекин бу хақда терговда лом-мим деб оғиз очмади. Ўз-ўзидаң маълумки, сукут шубҳага асос бўлади. Мен бу хақда Мегдалин Лидан эшитдим. Кейин Сагдендан бу нима деб сўрадим. Бундай рўй бериши мумкин бўлган холатга унда жавоб тайёр эди. У мента мистер Лининг губкасига резинка қопчадан аввалдан кесиб тайёрлаб қўйилган резинка билан таёкчани кўрсатди. Хуллас, резинка парчаси ва таёкча сиз ўйланган вазифани бажарди. Ўша вактда булар менга аҳамиятсиздек бўлиб кўринганди. «Бу нарсалар у ерда бўлиши мумкин эмас, Сагден кўзбўямачилик киляпти...» деб айтмаганим қандай ахмоқлик бўлган экан-а. Шундан кейин буларга асос топишим керак деб роса уриндим. Бир пайт мадемуазель Эстравадос хаво шарини ўйнаб туриб ёрворганда қичкириб юборган эди. Худди мана шундай шар парчасини Симеон Лининг хонасидан топган пайтдагина гап нимада эканлигини тушуниб етган эдим.

Энди ҳамма далиллар, ашёлар бир-бирига боғланиб бораётганини кўряпсизларми? Қотилликни хаспўшлиш учун акл бовар қилмайдиган далилларни қараанг. Бирор кириб ҳаммадан олдин билиб қолмаслиги учун эшикнинг ташқаридан кулфланиши. Марҳумнинг қичкириғи. Жиноят мантиқан чукур ва оқилона ўйланган.

Пилар Эстравадос хаво шарининг бир бўлагини топиб олиб қичкириб юборгандан кейин у қотилнинг хавфли дуіпманига айланиб қолган эди. Агар қотил унинг овозини уйнинг ичидан эшитганда (шундай бўлиши хам мумкин эди. Лекин у ховлида туриб каттиқ ва аниқравишан қичкириди, чунки дераза очик эди), унинг ҳаёти катта хавф остида қолган бўларди. Шундоғам Пилар қотилга яхшигина ноқулайлик туғдириб қовуи тушириб қўйган эди. У кария Ли ҳақида гапира туриб, эҳтимол у ёшлигига жуда чиройли бўлган бўлса керак, деган ва шундай деб Сагденга қараб: «Сизга ўхшаб», деб юборганди. У буни очиккўнгиллик билан айтган, буни Сагден тушушарди. Сагденнинг ўшанда қип-қизариб кетганига, беихтиёр томок кириб йўталиб юборганига ажабланмаса хам бўлади. Бу нарса кутилмагаңда содир бўлган бўлиб, униш учун бу деярли ўлим билан баробар эди.

Кейин Сагден ҳамма айбни Пиларга тўнкамоқчи бўлиб юрди. Лекин буни ишонтириш жуда кийин эди. Чунки

мархумни гүмдон қилиш учун унинг невараси қўлида хеч қандай асос йўқ эди. Кейинроқ унинг хаво шари ҳақидаги ҳайратланиб гапирган ганини эшигтгандан кейин қўлидаги охирги чорасини ишга солди. Ҳамма овқатланиб ўтирганда эшикка тузоқ қўйді, яъни тош осди. Пиларининг бахти бор экан, унинг тузоги хам иш бермади.

Орага ўлик сукунат чўкли. Кейин Сагден сукунатни бузиб аста сўради:

— Бунга қачон ишонч ҳосил қилдингиз?

Пуаро жавоб берди:

— Мен сохта мўйлабни олиб келиб Симеон Лининг расмига қўйганимдан кейингина тамоман ишонч ҳосил қилдим. Ўшацда меңга қараб турган мархумнинг юзи билан сизнинг юзингиз икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш бўлди.

Кейин Сагден деди:

— Дўзахда куйиб кул бўлсин у! Қилган ишимга хеч қачон ўқинмайман!

7-қисм.

28 декабрь

I

Лидия Ли деди:

— Пилар, биз сенга тўғри келадиган бирон карорга келгунимизча, биз билан бирга яшаганинг маъқул деб ўйлайман.

Пилар киска килиб жавоб берди:

— Лидия, сиз жуда очиқкўнгил аёл экансиз. Шунакаям гўзалсизки. Сиз шов-шувсиз ҳар қандай одамини кечириб юбораверар экансиз.

Лидия табассум қилди.

— Номинг бошқа бўлсаям ҳалигача Нилар деб аташимни қара.

— Ҳа. Мен Кончита Лопесман.

— Кончитаям жуда чиройли исм.

— Ҳа, сиз жуда олижаноб аёлсиз, Лидия. Лекин меннинг фамилии емай қўя қолинг. Мен Стивенга тур-

мушга чиқмоқчиман. Биз Жанубий Африкага күчиб кетамиз.

— Нимаям дердим, бахтли бўлинглар, — деди Лидия кулимсираб.

Шилар тортиниб сўради:

— Жуда меҳрибон экансизлар, Лидия, бирон кун йўлнимиз тушиб қолиб Рождество байрамини ўтказиш учун сизларникига келсак, малол келмайдими? Ўшанда аза қилиб крекер, майиз тановул қиласиз, арчага ўйинчокларни осиб, кичкиша корбобо ясаймиз.

— Албатта, бошимиз кўкка етади, келишларингиз шарт, ўшанда ҳақиқий инглиз Рождествосини ўтказамиз.

— Жуда зўр бўларди, Лидия, менимча, бу йилги Рождество унчалик ёқинкирамади.

Лидия оғир хўрсишиб деди:

— Ҳа, бу йилги Рождество жуда кўнгилсиз бўлди...

II

— Хайр, Альфред, — деди Харри. — Менимча, бундан кейин кўзингга кўриниб ҳеч қачон таъбингни тиррик қилмасам керак. Гавайяга кетаман. Агар етарли маблағ топсанм, ўша ерда яшайман. Бу менинг орзуим.

— Хайр, Харри, — жавоб берди Альфред. — Назаримда, маза қилиб яшасанг керак.

Харри ўзини ишқулай сезиб деди:

— Кечир мени жиғинига тегиб юрганим учун. Бемаъни ҳазил-хузул қилишларимни ҳеч ҳам тарк қилолмадим. Бирорини ҳазил-мазах қилмасам, кўнглим тўлмайди.

Альфред ўзини зўрлаб деди:

— Бундан буён ҳазилниям тушунишга харакат киламан.

— Бўнти, ҳозирча хайр бўлмаса, — деди Харри енгил тортиб.

Альфред деди:

— Дэвид, биз Лидия иккаламиз бу уйни сотишга карор қилдик. Мен онамизга тааллукли бўлган бирон нарсани олсангмикин деб ўйловдим. Мана бу ўрипдик, стулларними. Ахир сен онамизнинг энг севимли ўели эдинг.

Дэвид аввал иккиланди, кейин аста деди:

— Таклифинг учун раҳмат, Альфред, хеч нарса керакмас. Бу хонадондан бирон нима отмаганим маъкул. Яхшиси, ўтмиш билан бутунлай алоқани узганим яхши.

— Тушунаман сени, — деди Альфред. — Балки сен хақдирсан.

III

— Хайр, Альфред, хайр, Лидия, — деди Жорж. — Жуда оғир дақиқаларни бошдаи кечирдик! Энди ҳали суд бор. Эҳтимол, шармандали ҳодисалар энди юзага қалкиб чикар. Кара, Сагден... отамизининг ўғли бўлиб чиқди-я... Илгор коммунистча қарангига эга бўлганим учун бир капиталистни маҳв қилдим, дегандек ва шунга ўхшаш бошка бирон баҳона тошишга уни кўндириб бўлмасмикин?

— Азизим Жорж, — деди Лидия. — Нахотки Сагдендай одам бизларни шармандаликдан қуткариш учун ётғон гапиради деб ўйласанг?

— Э... э... ҳечам гапирамайди, — деди Жорж. — Фикрингга қўшиламан. Лекин айтиб қўяй, у юп-кизил ахмок. Ҳўп майли, яна бир марта хайр.

— Хайр, — деди Мегдалин. — Келаси йил ҳаммамиз биргалашиб Рождество байрамида рельверагами ё бошка бирон жойгами борамиз. Ӯшанда ростакамига байрам қиласмиз.

— Бу биржага боғлиқ, — деди Жорж.

— Жоңгинам, мунча зикнатлик қиласан-а? — вайсади Мегдалин.

IV

Альфред айвонга чиқди. Лидия том айлантирилган боғчасида ғивирларди. Эрини кўриб қадтини ростлади.

Шундай қилиб, ҳаммаси жўнаб кетишиди, — деди Альфред.

— Худога шукур, — жавоб берди Мегдалин.

— Ха, сен бу ердан кетсак хафа бўлмайсанми? — деб сўради Альфред.

— Ўзинг хафа бўласанми? — сўради хотини.

— Йўк, хурсанд бўламан. Ҳали иккаламиз қилинни-
миз керак бўлган кўл ажойиб нарсалар бор. Бу ерда
қолиб яшасак, бошимизга тушган қора кунлар кўз олди-
миздан нари кетмай таъбимизни хира қилиб тураверади.
Худога шукур, ҳаммаси энди ортда қолди.

— Эркюль Нуаронинг шарофати билан, — деди Ли-
дия.

— Ҳа, биласанми, унинг тушунтиришларидан кейин
ҳамма нарса шундай жой-жойига тушдики, қойил қолмай
иложинг йўқ.

— Биламан. Бопни котириб юрадиган ҳар хил нар-
салар хеч качон ўз ўрнига тушмайдигандек кўрингани
билан каловини топса дегандек табиий равишда ўз ни-
ҳоясига стишини билмай қолар экансан.

— Ҷарибир жиндай нарсага ақлим етмай турибди.
Жорж телефон қилиб бўлгандан кейин нима қилди? Нега
бу ҳақда гапириб беришни истамади.

Лидия кулиб юборди.

— Билмайсанми? Мен буни бошидаёқ тушунган-
ман. Сенинг ёзув столингдаги қоғозларни титкилаб ўтирган-

— Лидия, пималар деяисан. Биронта ақли бутун одам
бундай қилмайди-ку!

— Жорж эса қилади. Гап пул борасида кепганда Жорж
нихоят даражада қизикувчан. Албатта, у буни тан ол-
маслиги мумкин. Бу феълини қора курсига ўтиргандаги-
на бўйнига олади.

— Янги боғча қиляпсанми? — сўради Альфред.

— Ҳа.

— Буниси канәка бўлади?

— Эдемни тасвирилашга уриниб қўраман, — деди Ли-
дия. — Ортиқча ҳашамсиз. Унда Момо Ҳаво билан Одам
Атонинг қариган чоғлари тасвириланган бўлади.

Альфред мулойимлик билан деди:

— Азизам Лидия, шунча йил баҳалида сабр-бардо-
шингга тасаниолар айтса бўлади. Менга жудаям меҳри-
бон бўлдинг.

— Альфред, мен сени севаман-ку, ахир, — деди Ли-
дия.

— О, худойим, — ҳайқириб юборди полковник Жонсон. Кейин қўшиб қўйди. — Уни қараанг-а! — Кейин яна: — О, худойим-а! — деб юборди.

У ўриндиқка ўзини ташлаб Пуарога қаради-да, хазил оҳангда деди:

— Менинг энг яхши ходимим-а. Полиция қаёққа қараб кетяпти?

— Ҳар бир полициячининг ҳам ўз шахсий хаёти бор, — деди Пуаро. — Сагден жуда мағур одам эди.

Полковник Жонсон калласини қимирлатди.

Фикрини тўплаб олиш учун каминда ёнаётган ёғочни олиб чўғни у ёк-бу ёққа сурди, кейин овози бўлинниб бўлинниб шундай деди:

— Мен доим бир гапни қайта-қайта гапириб юраман — дунёда ёнаётган ўтиндан яхши нарса йўқ.

Эркюль Пуаро эса елвизакдан елкаси совқотганини сезиб ўзича: «Менга қолса, ҳаммаси марказлаштирилган иссиқликдан ўтаверсин», — деб қўйди.

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ ТОМОНИДАН НАШРГА
ТАЙЁРЛАНАЁТГАН АСАРЛАР:**

Шукрулло. Таңланган асарлар. II жилд.

Ўлмас Умарбеков. Таңланған асарлар. III жилд.

Шукур Холмирзаев. Таңланган асарлар. IV жилд.

Ўткир Ҳошимов. Баҳор қайтмайди.

Иброҳим Ҳаққул. Такдир ва тафаккур.

Умарали Норматов. Ижод сеҳри.

Иқбол Мирзо. Сени куйлайман.

Аҳмаджон Мелибоеев. Ёлғиз яшаб бўлмайди.

Абдуқаюм Йўлдошев. Сунбуланинг илк шанбаси.

Муслимбек Йўлдош. Ёр ҳам янгилик эмас.

Ушбу китобларни «Шарқ зиёкори»
китоб дўконларидан сотиб олишингиз мумкин.
Факс: 1335872, тел.:1333590

АГАТА КРИСТИ

**РОЖДЕСТВО АРАФАСИДАГИ
ҚОТИЛЛИК**

(*Roman*)

«Шарк» нашиёт-матбаа
акциядорлик компанияси

Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Мухаррирлар: Г. Зокирова, К. Каюмов

Бадиий мухаррир М. Аъламов

Рассом Ю. Ульяниченко


Техник мухаррир Р. Бобохонова

Мусаххих А. Зокиров

Сахифаловчи Л. Бацева

Теришга берилди 27.02.2007. Босишта рухсат этилди 11.04.2007.
Бичими 84x108^{1/2}. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
табоги 11,76. Нашриёт-хисоб табоги 11,52. Адади 3000 нусха. Буюртма
№ 3538. Бахоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41-уй.**



ISBN 978-9943-00-114-5



9789943001145